

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Муҳаммад Али	Абдулла Орипов
Кенгесбой Каримов	Умарали Норматов
Энахон Сиддиқова	Хайриддин Султонов
Иқбол Мирзо	Сирожиддин Саййид
Қаҳрамон Куронбоев	Меҳрибон Абдурахмонова
Баҳамдулло Нурабуллаев	Йўлдош Солижонов
Жумакул Қурбонов	Шухрат Маткаримов
Фармон Тошев	Адхамбек Алимбеков
Ислом Ёқубов	Жамолiddин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф
Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад
Наср бўлими мудир — Рисолат Ҳайдарова
Назм бўлими мудир — Икром Отамурад
Адабиётшунослик бўлими мудир — Аъзамхон Қозихўжа



УШБУ СОНДА:

Энахон СИДДИҚОВА

НАЗМ

ЎЗБЕК ИШИ

Достон

*Субҳи содиқ Ватан, деб уйгон,
Халқим, дея очгил кўзингни!
Ва кўксингда ҳилпираб турган
Эрк тузига босгил юзингни!*



Наби ЖАЛОЛИДДИН

НАСР

ҒАССОЛ

Ҳикоя

– Энди-и, биз ҳамма нарсани халқдан оламиз. Сиз ўша, нима десам экан, касбингизни – ғассоллигингизнигина, – бирпас каловланди, – ўйлайсиз. Биз эса, бутун халқни!.. – Кулочини кериб, атрофидаги нарсаларни ютиб юбормоқчидай кўпчиди. – ...умумбашариятни ўйлаймиз!



Нурбой ЖАББОРОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

*ЭЛ – ОНА ТИМСОЛИ,
ОНА – ЭЛ РАМЗИ*

Она тилимизнинг ифода имконияти нечоғлиқ кенг эканига Миртемир шеърлари ёрқин мисол бўла олади. Шоир лирикасида тил ҳам, образ ҳам, бадий тасвир воситалари ҳам чинакам ўзбекона. *Сизловуқ, сизлатмоқ* – бошқа шоирлар ижодида бундай сўзларни топиш қийин.



НАСР

Абдужалол РАҲИМОВ



ЖСИЙДА ЯМИ

Қисса

Шу кунларда Ҳасаннинг юрагини ишқ шарораси куйдирарди. Кўнгили уйда янги бир оламга дарча очилгандек. Бу олам бекиёс жозибаси билан ишқий эҳтиросларга лиммо-лим қалбини ром қилди. Томирларида кўпираётган қайноқ қон вужудини ўт-олов бўлиб ёндирар, у ҳаётнинг энг азалий туйғуси оғушида маст эди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шафиқа ЁРҚИН



ИЗДОШЛИКМИ ЁКИ ФИКРДОШЛИК

Дарҳақиқат, Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” (Фикрлар тухфаси) қасидасининг байтлари сони озроқ бўлса ҳам чуқур маъно ва гўзал ифодаси билан ўзига хос юксак ўринда туради. Шунинг учун бу қасидани тақлид эмас, балки фикрдошликнинг янги бир маҳсули, дейиш тўғри бўлади.

НАЗМ

Ўткир РАҲМАТ



ЭЗГУЛИК ИҲЛАРИ
ЮРТИДАН БОШЛАНИР

Шеърлар

Сенга мўъжизадир ҳар тўртта томон,
Ҳаёт уммонида тақдиринг қалқир.
Мовий денгиз каби мавжланар осмон,
Унда сузаверар қуёш ҳам балқиб.



ДУРДОНА

Ҳофиз ХОРАЗМИЙ

XIV–XV асрлар

Дилким доимо малҳам бўлубтур жонима

* * *

Эй, суманбар, гул юзунгтак вард-и аҳмар қандадур,
Қадди зебонг ила тенг сарву сановбар қандадур.

Тўти-йи жон қутини ёқут-и лаълингдин тилар,
Сучи сўзлу лаълинга тенг шаҳду шаккар қандадур.

Жоним осойиш топар ширин лабинг сўзи била,
Дилрабо ширин лабингтак рухпарвар қандадур.

Олам ичра суврат-и жонни тилаганлар учун,
Сан тикин бир нозанин руҳ-и мусаввар қандадур.

Лутф қилғил гоҳ-гоҳи ман фақир-и хастаға,
Лутф ошиқларға қилмас ёру дилбар қандадур.

Сан қошимда бўлмасанг, оламини кўрмас кўзларим,
Сансизин оламда бўлган кўз мунаввар қандадур.

Мушку анбарни қаро зулфингга нисбат айласам,
Айтғай атторким андоғ муаттар қандадур.

Бўлғали Ҳофиз гадо-йи кўйунг, эй, султон-и ҳусн,
Андойин оламда давреш-и тавоғар қандадур.

* * *

Бўлғали ой юзинда пайдо бу зулфи холи,
Бўлмади дарду ғамдин кўнглумнинг тақи холи.

Ошуфта зулфина жон тушкали завқ бирла,
Мажнур бикин кечадур пайваста вақти холи.



Гарчи хайёл бўлдум нозук белини издай,
Кетмади жондин анинг нозук дами хаёли.

Кўнглумни оғзи олиб еткурди эрса эмди,
Ул жон-и жон лабиндин боре бирор сўроли.

Ман содадил ўш анинг юзинга боқдим эрса,
Олди кўнгулу жонни юз оли бирла оли.

Негиб, куёшу ойга юзини ўхшатайм,
Чун бор иккисининг нуқсону ҳам заволи.

Туркий ғазалда топди Ҳофиз камол таврин,
Чун бор хусн ичинда дилдоринг камоли.

* * *

Қароре бир замон қошимда ул зебо нигор этмас,
Маним умр-и азизимдур ўшул ёндин қарор этмас.

Кимунгким давлату иқболини ул пойдор айлар,
Соғинмаким мақому манзилини пойдор этмас.

Ҳаво-йи ишқ бирла тозадур гулзор-и жон доим,
Ҳаво-йи ишқ қилган ишни ҳаргиз навбаҳор этмас.

Даме ул сарв-и озодим чиқиб тинмас эшигинда,
Кўзумнинг ёшидин токим эшигин лолазор этмас.

Қилур оҳим асар токи тегарса санг-и хороға,
Ва лекин ул жафочи шўхнинг кўнглунга кор этмас.

Қачон топғай жаҳон ичра бу Ҳофиз ихтиёрини,
Ким анинг жони ул жонондин ўзга ихтиёр этмас.

* * *

Ул ҳилол-и ийднинг шаклимудур ё қошлар,
Ким анинг нақшинда ҳайрон кўрунур наққошлар.

Хатт-и фармониндин онинг тошға чиқмағай бошим,
Тошу ичиндин неча ёғса бошқа-бошқа тошлар.

Зулфи савдосинда бошим елга борғали тилар,
Бўла билгайман тею Мажнун била одошлар.





Манъ қилманг ишқидин гар ўтқа ёнсам, ёнмасам,
Не тиларсиз ушбу жонимдин маним, қардошлар?

Ман муҳаббат шаҳрида саргаштаю побастаман,
Қайда кўнглунгиз тиласа боринглар йўлдошлар.

Барчадин бегона бўлуб Ҳофизо қаллош бўл,
Чун муҳаббат баҳринадур ошно қаллошлар.

* * *

Қани, ўша ул ки, кўнгул ишқ бирла хуррам эди,
Сафоу завқ била дўст бизга маҳрам эди.

Қани, ўша ул ки, меҳнат диёрида доим
Бино-йи аҳду вафо устувор муҳкам эди.

Қани, ўша ул ки, насими висол гулшанидин,
Ҳаво-йи айш чу фасл-и баҳор хуррам эди.

Қани, ўша ул ки, хасуд уш бу жамъ ҳолимдин,
Чу зулф-и ёр паришонлиқ ичра дарҳам эди.

Қани, ўша ул ки, бу Ҳофизга завқ эди бисёр,
Тақи жафову алам бирла дарду ғам кам эди.

* * *

Фироқингда чекарман жону беморингни сўрмассан,
Эрурман сийна мажруху дилафкорингни сўрмассан.

Эшигингда туну кун зору афғон чекадурман,
Не ёндин эшитиб розимни бу зорингни сўрмассан.

Адоқинг тупроқиға нақд-и жон бермак тиларман, лек,
Тиларсан ўзгаларнию харидорингни сўрмассан.

Бошимға оқибат етгай, адоқинг тею хок бўлдум,
Азизамсан бу хок-и раҳтак хорингни сўрмассан.

Мани, сан соҳиби асрор айладинг, дардинг била, илло,
Бу мушқил дарддурким, соҳибасрорингни сўрмассан.

Агарчи ёрликда жонни ўйнадим бу Ҳофизтак,
Вале, не қилмаға бўлурки, сан ёрингни сўрмассан.



* * *

Ишқ дарди хаста жонимдин даме кам бўлмасин,
Реш жонимга ҳам андин ўзга марҳам бўлмасин.

Дард-и дилким доимо малҳам бўлбтур жонима,
Андин ўзга олам ичра ёру малҳам бўлмасин.

Ҳар ким излар ишқнинг ҳамдамлигини доимо,
Дардидин ўзга била бир лаҳза ҳамдам бўлмасин.

Олам ичра оламе, топмаса ошиқ дард ила,
Не сафо бўлғай бу олам ичра, олам бўлмасин.

Одам-и хокийда гар бунёд дарди бўлмаса,
Ушбу олам ичра ҳам бунёд-и одам бўлмасин.

Дарднинг бунёди муҳкам бўлмаса жон мулкида,
Ушбу бунёдга жаҳон ҳам ҳеч муҳкам бўлмасин.

Шодмон бўл дард дилдор ила, эй, Ҳофиз мудом,
Бошингга оламнинг ичра бир замон ғам бўлмасин.

* * *

Ой юзунг шавқидин заъф ичраким бўлдум ҳилол,
Нозик ул белинг хаёли қилди мани чун хаёл.

Холи бўлмади даме холинг хаёлиндин кўнгул,
Чун қилур холинг хаёли дам-бадам дафъ-и малол.

Бас, тиладим жон бериб лаъли лабингни сўрғали,
Бермадинг ширин жавобе негаким қилдим савол.

Аршнинг соқинга бошим етқай эрди бехато,
Остонинг ўпкали топсам эди бир дам мажол.

Ҳол аҳли жамъида холи санинг ишқинг била,
Турк Ҳофиз сўзларинда бор турли завқу ҳол.





ПУБЛИЦИСТИКА



Абдумажид АЗИМ

1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Муаллифнинг “Ўтаётган йиллар”, “Қалбимнинг Ватани”, “Қуёш боласи”, “Ёруғлик одами”, “Руҳи равоним” номли шеърый китоблари чоп этилган.

ВАТАННИНГ ФАЙЗИЁБ ТОНГЛАРИ

Тонгда туришга одатланиб қолганман. Чунки болалигимдан отам шуни уқтирарди:

– Сахарда турган одам ризқу насибали бўлади, болам. Вақтида турсанг ризқинг баланд бўлади.

Азонда туриб ҳовлига, ундан кўчага чиқаман, маҳалла келинларининг кўчаларга сув сепиб, супуриб, ораста қилаётганини кўриб, дилим равшанлашади. Осойишта, фараҳбахш тонгга қараб туриб, кўнглимдан шундай фикр кечади: “Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, элимиз дастурхони тўкин, рўзғорлари фаровон, дунёмиз тинч бўлсин”.

Қайси бир бозорга кирсангиз, дилингиз яйраб, кўзингиз қувнайди. Миришкор боғбону деҳқонларимиз етиштирган мева, сабзавот, полиз маҳсулотларининг залворидан пештахталар ларзон. Сурхондарёнинг Деновидан келган танишим Омон ака билан “Чорсу”га кириб қолдик. Бозор расталарини айланар экан, меҳмон қувончини яшира олмайди:

– Ўзбегим деҳқонига қойилман, бай-бай, пештахталарни оғзи бурнидан тўлдириб юборганини қаранг! Ялтираб туриши кўзни олади-я, худди кўрикка олиб келингандек. Бунақа мўл-кўлчилик, серобчилик, ободончиликни кўриб, юртимизни бежизга жаннатга ўхшатишмайди-да, деворасиз. Тинчликни айтмайсизми! Ҳар қанча шукроналар айтсак кам, – дейди ҳамроҳим. – Айтганча, Денов бозори ҳам тўкинлик, арзончиликда пойтахт бозорларидан қолишмайди.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимиз шаҳар ва туманларидаги барча бозорлар ҳам серобликда бир-биридан қолишмайди. Таъбир жоиз бўлса, бу тўкинчилик, тўқлик халқимиз турмуш тарзи, фаровонлиги мезонига айланди.

Бир пайтлар тирикчилик вадидан уйига дастгоҳ ўрнатиб, атлас, шойи тўқигани учун жазога тортилган хунармандларни кўрганмиз. Томорқасида



етиштирган ҳосилни бозорга олиб чиққан деҳқонга ўтказилган тазйикларчи? Одамларнинг ҳалол меҳнати эвазига тўплаган мол-мулклари, чорваларининг тортиб олиниши-чи?

Эндиликда катта ерлар, фермалар одамларнинг мол-мулкига айланди. Бугун меҳнат қилаётган киши асло кам бўлмаяпти, муҳташам уй-жойлар қураяпти, кўш-кўш машиналар сотиб оляпти. Ҳолбуки, собиқ тузум яхши меҳнат қилган, тадбиркорлик орқали ўз турмушини яхшилашга интилган кишиларга ёмон муносабатда бўларди.

Меҳнати билан ўз ерини жаннатга айлантирган, инсоф ва саховат ҳамда меҳр-мурувватда бекиёс, бағрикенг, оқибатли бундай миллат қайда бор? Ҳар бир фасли ўзгача тароват ва жозиба касб этадиган, тупроғида ялангоёқ юрсанг танинг яйрайдиган, сувларида чўмилсанг ғуборингни оладиган, дала, боғларида турфа хил жаннатий ноз-неъматлар унадиган бундай гўша оламнинг яна қай бурчида бор?

Бу кунларга етиш осон бўлмаган

...Улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир” деган иборасини эсдан чиқармаган ҳолда, ўтмиш ҳаётимизга аҳён-аҳёнда назар ташлаб қўймоғимиз лозим. Халқимиз чеккан ўша азоб-уқубатлар, йўқотишлар, хўрлик ва ҳақоратлар бизга бугунги кунни янада эъзозлаш, қадрлашдан сабоқ бериши керак.

Қаҳатчилик йилларида бир кафт буғдойни енгига ёки калиши ичига яшириб, болаларини асрашга уринган онани жиноятчига айлантириш ҳеч гап эмасди. Албатта, бу ўринда ўғирликни зинҳор оқламоқчи эмасмиз, аммо эри урушга кетиб, ёш болалари билан чирқиллаб қолган она фарзандларининг очдан ўлишига индамай қараб тура олмаслигини ҳам тушунишимиз керак.

Ўтган асрнинг 90-йилларини бир эслайлик. Бозорлар ва дўконларнинг кути учган, кундалик истеъмол учун зарур бўлган ун, шакар, ёғ, совун каби маҳсулотлар тақчил, ҳатто нон олиш учун кун бўйи навбатда туриш одатий ҳолга айланган эди. Албатта, катта ва ўрта авлод кишиларига бу манзаралар яхши таниш. Халқимиз бундай қийинчиликларни бошдан кечирганини дориломон кунларда туғилиб, вояга етаётган бугунги навқирон авлод билиб қўйишлари ҳам қарз, ҳам фарз, менимча.

1989 йилнинг 17 августида Ислом Каримов раҳбарлигида республика ҳукуматининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида аҳолига томорқа ва шахсий участкалар ажратиш масаласи муҳокама қилинган эди. Бу ўша даврда Ўзбекистон учун энг оғриқли муаммолардан бири эди, десак асло муболага эмас. Йирик хомашё базасига айлантирилган Ўзбекистон аҳолисининг томорқаларигача пахта экилгани рост гап. Энг ёмони, Ўзбекистон пахта етиштириладиган йирик хомашё базаси бўлишига қарамай, халқимиз турмуш даражаси ачинарли аҳволда эди. Қарангки, ўша пайтда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Ўзбекистонда даромади 75

сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 мингга яқин киши яшарди. Республикадаги касалхоналарнинг 60 фоизи мослаштирилган биноларда жойлашган, 1700 та мактаб авария ҳолатида эди. Қишлоқ аҳолисининг атиги беш фоизи канализация ва водопровод билан, 17 фоизи табиий газ, 50 фоизи ичимлик суви билан таъминланган, холос.

“Бундан буён эскича яшолмаймиз”

Ўзбекистон раҳбари Ислоом Каримов мамлакатдаги вазиятни тўғри баҳолаб, масъулиятни ўз зиммасига олди, ишни аввало халқ кайфиятини кўтариш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан бошлади. Жумладан, Фарғона воқеалари хусусида фикр юритиб шундай дейди: “Ҳозирги кунда кўпгина одамлар Фарғона воқеаларининг сабабларини турлича изоҳлашмоқда. Мен ҳам бугун барча сабабларни санаб ўтмоқчи ёки уларнинг энг асосийларини қайд этмоқчи эмасман. Лекин шу нарса аёнки, барча воқеаларнинг илдизи – Фарғона водийсида яшаётган аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи билан боғлиқ, десам, ўйлайманки, кўпчилик бу фикрга қўшилади”.

“Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақида”ги тарихий қарор қабул қилиниши замирида ҳам юқоридаги фикр-мулоҳазалар ётибди, десак хато бўлмайди. Мазкур ҳужжатга кўра, қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 барабар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарор шарофати билан 1989-1990 йилларда мамлакатимиздаги 1,5 миллиондан зиёд оилага қўшимча ерлар ажратилди. Етти юз минг оилага янги томорқа ерлари берилди. Муаммонинг бундай тарздаги ижобий ечими кимни қувонтирмайди? Ахир, шу боис минг-минглаб юртдошларимиз уйли-жойли, яъни жайдари тилда айтганда ватанли бўлдилар. Бу жуда катта гап.

Бозорларимизда турли-туман маҳсулотлар сероблашди, бу эса табиийки, нарх-наволарни анча арзонлашувига олиб келди.

Отам кўзидаги ёшлар

Албатта, инсон ҳаётида турли-туман кунлар бўлади. Улардан айримлари айниқса, инсон хотирасидан осонликча ўчмайди. Ҳали мустақилликка эришмаган, лекин халқимиз ҳаётида ўзгариш эпкинлари эса бошлаган 1989 йиллар эди. Ўшанда қишлоққа борганимда отамни кўтаринки кайфиятда кўрганман. Очиғи, хўжалиқда қирқ йилдан зиёд оддий сувчи бўлиб ишлаган отам – Абдулла бобо жуда хурсанд эди. Икки оғиз суҳбатдаёқ, боисини билиб олдим.

– Ўғлим, Юртбошимизнинг аҳолини томорқалар билан таъминлаш ҳақидаги қарорини кўрдингми, жуда катта, улуг иш бўлди-да. Бунинг натижалари яна бир неча йиллардан кейин янаям очиқ-равшан кўринади.

Кўнглим сезиб турибди, Худо хоҳласа, қишлоқ халқининг бағрига шамол тегади, – дедилар ҳаяжон билан.

Отамнинг шундай қувонганини иккинчи марта мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган тўқсон биринчи йилнинг сентябрь кунларида кўрдим.

– Сенга айтган гапим эсингдами, яхши кунлар келди. Ҳали ўзбекнинг номи бутун дунёга танилади, – дея кўзларида ёш инди.

Бу кўзёшлар замирида ўтгизинчи йилларда отаси катта чорвадор ва мулкдор Азим бобонинг бутун мол-ҳоли, ер-мулкни шўролар тортиб олгач, очлик, хор-зорликда ертўлада вафот этгани, отам эса ўн ёшида сағир қолиб, кишилар эшигида хизмат қилиб, жон сақлаб қолгани ҳақидаги хотиралар мужассам эди. Дарбадарликдан қайтиш пайтида йўлтўсарлар икки боласи билан келаётган Қамбарнисо момоннинг бор-йўғини талаб кетганида чекилган азоблар намоён эди, бу кўзёшларда. Устига-уштак йўлда укаси, етти яшар Раҳматилла йўқолиб қолган, она-бола зор қақшаб, уни уч кун қидиришган эди. Кейин эса қаҳатчилик йиллари...

Етмишинчи йилларнинг ўрталари, рамазон ойи эди. Пахта терим мавсумида жамоа аъзоларининг ҳар бири ўн кун мобайнида пахта пунктига бориб ишлаб келарди. Ўн кишидан иборат гуруҳ бўлимдан бораётган пахта тани (кунига 70-100 тонна атрофида) тиркамадан транспортёрга тушириб берарди. Пахта лента ёрдамида хирмон тепасига олиб чиқиларди.

Рўздор отам уч кун ишлаб, ҳолдан тойиб, касал бўлиб қолган. Охир-оқибат отамнинг ўрнига ишлаб беришимга тўғри келган. Ўшанда 16 ёшли ўспирин эдим. Тун-кун далада лой кечиб, бири икки бўлмаган, оладиган маоши рўзғор тебратишга етмаган бободехқонларни эсласам, “эҳ аттанг!” деб юбораман.

Пахтазор шундоққина ҳовлимиз ёнидан бошланиб, уфқларга ястаниб ётарди. Пахта сиёсати қаттиқлигидан, азонда ишга кетган отамиз раҳбарлар зуғумидан кўрқиб уйга келиб, чойини ичиб кетолмасди. Белбоғига битта нонни туғиб ишга жўнар, ариқдаги сувга уни ботириб еб, тушлик қилган бўларди. Сувчилик машаққати оғир эди. Туни билан пахтазорда фонус ёруғида гўза суғоришарди. Отам нафақага чиқиб кексайиб қолган пайтида ҳам сувчилик касбини ташламади. У энди ёш деҳқонларга устоз сифатида ўз тажрибасини бажонидил ўргатарди.

– Энди бу кенг далалар ҳам, етиштирилган ҳосил ҳам ўзимизники, – дерди отам қувонч билан. – Ҳақиқий деҳқоннинг, меҳнат қилган одамнинг даври келди. Ҳаммани кийинтирадиган ҳам, тўйдирадиган ҳам, керак бўлса, дунёдан ўтганида бағрига оладиган ҳам шу ер. Фақат ерни севишимиз, ҳалол меҳнат қилишимиз керак. Кимки ернинг қадрига етмаса, уни ернинг уволи тутуди.

...Таассуфки, ўтган йилларда кўрган азоб-уқубатлар, қилинган оғир меҳнат, йил – ўн икки ой сув кечишлар ўзининг ҳукмини ўтказган эди. Отам боёқиш кексайган чоғларида икки марта жарроҳлик столига ётишига тўғри келди... Тўқсон бешинчи йилда, ҳали етмишга ҳам тўлмай оламдан ўтдилар.

Орзулар ижобати

Ўтган йиллар давомида бошқа соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам катта ислохотлар олиб борилди. Бир нечта ишчи ва биттагина техника билан иш бошлаган фермер хўжаликлари айти кунда ўнлаб замонавий техникалар, малакали ишчиларга эга бўлди. Дастлаб фақат ғалла ва пахта етиштирган хўжаликлар эндиликда йирик инфраструктурали, кўп тармоқли хўжаликларга айланди. Мазкур фермер хўжаликлари айти кунда ўзлари етиштирган ҳосилни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқармоқда. Бир сўз билан айтганда, эндиликда ер-мулк ўз эгасини топди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилган бу ислохотлар ҳар жиҳатдан ўз самарасини берди.

Масалан, ўтган йили ҳам деҳқонларимизнинг мардонавор меҳнати туфайли ғалла ва пахтадан катта ҳосил олинди. Ёздаги сув танқислиги, об-ҳаво инжиқликларига қарамай, уч миллион тўрт юз минг тонна пахта ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта саккиз миллион саккиз юз минг тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри ва самарали бўлгани иқтисодиётимиз ривожининг барқарор суръатларида, халқимиз турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётганида ўзининг амалий исботини топаётир.

Эътирофга лойиқ айрим рақамларга диққатингизни қаратмоқчиман. Истиқлол йилларида Ватанимиз иқтисодиёти қарийб 5 баравар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баравар ўсди. Маълумки, ҳали ҳам жаҳон миқёсидаги глобал инқироз давом этаётганига қарамай, санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши кейинги ўн йил мобайнида 8 фоиздан ортиқ бўлиб келмоқда. Бу ўз-ўзидан бўлмаётганига ҳар қандай кишининг ақли етади.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улушининг тобора ортиб бораётгани мамлакатимизда тадбиркорликка берилаётган катта эътиборнинг натижаси десак, асло янглишмаймиз. Истиқлол йилларида бу кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, 2000 йилда республикаимиз ялпи ички маҳсулотининг 31 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси улушига тўғри келган бўлса, 2014 йилда бу рақам 56 фоизга етди. Айти кунда аҳолининг 77 фоизи иқтисодиётнинг ушбу секторида меҳнат қилмоқда.

Аҳоли турмуш фаровонлигида инсонларнинг яшаш, уй-жой шароити муҳим мезон ҳисобланади. Уй-жойлар қуриш суръатлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида йил сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 бараварга кенгайди. Аҳоли сони ўсиб бораётганига қарамасдан, бу борада жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 12,4 квадрат метрдан 15,4 ква-

драт метрга ошди. Мазкур уй-жой фондининг деярли барчаси аҳоли хусусий мулки ҳисобланади. Ҳолбуки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам оилаларнинг ярмидан кўпи ижара уйларда яшайди.

Кейинги йилларда айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича мақсадли давлат дастурининг рўёбга чиқарилиши таҳсинга лойиқдир. 2014 йилда мазкур дастур доирасида 11 мингта янги турар жойлар бунёд этилди. Айни кунда шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган кўркам, ёруғ янги хонадонлар пишиқ ғиштдан, замонавий материаллардан фойдаланилган ҳолда қурилмоқда.

Хулоса шуки, эндиликда бизда “Ким эдигу ким бўлдик?” деган саволга тўла-тўқис ва мухтасар жавоб бор. Биз бугун кечаги кунда ўз эрки ўзида бўлмаган муте, қулга айланган, ҳар қандай хўрликка кўниккан мазлум миллатдан озод ва бахтиёр, жаҳонда тенглар ичида тенг миллатга айландик. Бизни дунё аҳли таниди ва тан берди. Меҳнатқаш, буюк қадриятлари, ўз куч-қудрати ва салоҳиятига ишониб яшаётган халқимиз ўзи танлаган мустақиллик йўлидан ҳеч қачон қайтмайди. Зотан, бу йўл бизни буюк келажак сари элтишига имонимиз комил.

ҲУКМАТ

**Ангиша жуда яхши хислат, у киши учун
чиройдур, барча эзгу ишлар учун бошбоғдур.**

Юсуф Хос ҲОЖИБ

* * *

**Ҳар хасосат шевага сўзингни зойиб қилмоғил,
Сўз демак истар эсанг де соҳиби инсонга сўз.**

ОГАҲИЙ



НАЗМ



Энахон СИДДИҚОВА

Ўзбекистон халқ шоири. 1954 йилда туғилган. Фаргона давлат педагогика институтининг (ҳозирги ФарДУ) филология факультетида ўқиган. Ижодкорнинг “Қоракўз турналар”, “Суманбар насим”, “Кўнгил уфқлари”, “Ишқ ифори” номли шеърый, “Сирли тун фарёди” номли насрий ҳамда қатор бадиий-публицистик китоблари нашр этилган.

Ўзбек иши

Достон

Муқаддима

Чорак аср қошида
бир дам фикрга толдим,
Мустақиллик йўлининг
саодат бекатида.
Икки ярим асрдай
туюлади у қадим,
Мангулик бор бу йиллар
ҳар лаҳза, фурсатида.

Кўзимда аксланади
ёнгинларнинг куюни,
Оловлар ҳалқасидан
омон чиқолган карвон,
Олис йўлга отланди
ўз халоскори билан
Буюк истиқболига
мардона Ўзбекистон!

...Бошидан ўтди қанча
бўрону “инқилоб”лар,
Кўрди қаттол замонлар
довул силсиласини.
Юрагидан ўтказди
беҳисоб изтироблар,
Буюк ёлғонлар захри
тешди қобирғасини...



Кузги далалар

Йўталади кўланса хиддан
сил бўлган дала,
Хазонларни тўзғитиб,
шамол аламдан ўқрар...
...Олти миллион тоннани
Ватанга бермоқ палла,
Радиокарнай ҳаммани
тонгдан теримга чорлар.

Олти миллион тоннанинг
қайғусида жонсарак
Биринчи синфлар ҳам
айлангандир каттага.
Оёғида калишу
устида юпун кўйлак,
Аскарлардай йўлланар
далага дарсдан тикка.

Ўзаларнинг бағрида
йўқолиб қолар гоҳи,
Эгатларда тентирар,
чигитдек келар бўйи.
Пахтадан кўра бунда
тош топмоқ осон, оҳки,
Кўсакдек отилади
кўз ёшин жажжи ойи.

– Бўш келманг, пахтакорлар,
бўшаштирманг суръатни,
Ҳадемай чилла кирар,
қор урар юзга январь.
Ўлсанг ўл, шу пайкалнинг
ичида, – деган каби
Пахта экилган, ҳатто,
остонасига қадар.

Мўсин бригадир

Пастаккина пахсали
кулбанинг мўрисидан
Димоқларни ёради
оқ ёғнинг аччиқ дуди.
Йилларнинг шамолида
қолган каби шиприлган





Эх, Мўсин бригадирнинг
топгани – бору буди!

Бир этак болаларнинг
кўз тиккани шу сигир,
Гўзанинг ўтоғидан
томга босилган хашак.
Каттамни ўйлайман, деб,
ризку рўзидан қисиб,
Пўсти арчилиб, четга
тахлаб қўйилган терак.

Чигитни ерга эмас,
юрагига қадаган,
Гўзасини ўстирган
қалбининг меҳробида.
Кетмонининг кафтида
тунлар сувлар тараган,
Пахталари очилган
кўнглининг офтобида.

Пайкалга самолётлар
сепганда захри қотил,
Тагида юрагини
оқ байроқ қилиб тиккан.
Бу мушфиқ отам эди,
мунглиғим онам эди,
Жигарлари сарғайиб,
жону жигари окқан.

Санобар

Райкомдан шомда қайтса,
шийпонда тўс-тўполон,
Табелчи талвасада
айтолмас шумхабарни.
Қон қусганча чалажон
топишибди пайкалдан
Дардини дардга тутган
муниса Санобарни.

Дейишар, жон фидолик
унга бешиқда теккан,
Ўзини ўтга урмоқ
онажонидан юққан.



Далада пахта териб,
ашула айтиб юриб,
Онаси Санобарни
кузда, пайкалда тукқан.

Бухсаниб, тўлғонади,
танасига ўт кетар,
Беланчакка эркалаб,
бойлаган қари тутнинг.
Ўқирганча шамоллар
йўлларини унутар,
Изларини излайди
фарёдлари уватнинг.

Ҳовуч-ҳовуч сув тутган
арик суви қуриган,
Уватлар аллаларди
унинг лўлабошини.
Сочларин юлиб чопар
тобутининг ортидан
Телба бўлган онаси,
тупроқ тўлиб ковуши.

Ўқирик уйғотади
кулоғи қар дунёни,
Тилдан қолгандай гўё
мўлтайиб қолган пайкал.
Кесакдан ўт чиқади,
ёдга тушар заволи,
Узун-узун йиғидан
далалар қора кийган.

Рўзи муаллим

Неча кунки, қишлоқда
изғир совуқ бир хабар.
Московдан келган эмиш,
текшириб “Пахта иши”н.
Тил билмас терговчилар
эмиш худобехабар,
Эшитган айби бордай
бошдан учади ҳуши.





Оқшомда кириб келди
 хорғин Рўзи муаллим,
 Келганмишлар ўзбекни
 қилмоқ учун зимдан ов.
 Қачонгача бу миллат хўрлик,
 азобга маҳкум,
 Қачонгача миқ этмас,
 тилда занглаган тушов?

Олти миллион тоннани
 илиб халқнинг бўйнига,
 Сил бўлган далаларнинг
 бўғзига тираб пичок.
 Яна “Қўшиб ёзган” деб,
 туҳмат қилар камига,
 Яхшиямки тили йўқ,
 исён қилолмас тупроқ.

Уватда беланчакка
 бойланган тилсиз гўдак,
 Дориланган пайкалда
 жигари оққанларни,
 Сарикқа тўлиб кетган
 боғчаларни кеч кузак,
 Ҳисобини ким сўрар,
 ногирон боққанларни?!

Қўрадаги қўйчалик
 йўқ-ку одамнинг кадри,
 Битта бузоқ ўлсами,
 бошланар тергов, сўроқ.
 Тракторчи қўшнингиз
 жигари шишиб ўлди,
 Кафанликка чит сўраб,
 аёли кезди қишлоқ.

Яна адолат,
 бахту саодат, дея, тинмай,
 Эзилган шўрлик халққа
 уришади ёлғон, лоф.
 Қачонгача ўзбекни
 алдайдилар уялмай,
 Бу ваъдалар тагида
 борми заррача инсоф?!



Кўллари мушт қилганча,
 кешиб борар муаллим,
 Кўргани зулму ситам,
 кўрмади зарра кадр.
 Юраги яшин урган
 дарахдай силкинганча,
 Юриб чиқар тонггача
 бедор Мўсин бригадир.



“Десантчилар”

Тухмату макр тоши
 отилди зимдан,
 Миллатнинг номусини
 қилдилар улок.
 Кимдан тили қисигу
 қарздордир кимдан,
 Пахтаси дунёларни
 кийдириб оппоқ?!
 Бу ичидан нураган
 қаттол тузумнинг
 Занжир узган итларин
 хуриши эди.
 Жарнинг ёқасида
 турган шўронинг
 Сўнгги жазаваси,
 юриши эди.
 Ўйлашдики,
 нажоти йўқ, паноҳи йўқ,
 Балогардон пири,
 ёқар чироғи йўқ.
 Ердан садо чиқар,
 ундан ун чиқмагай,
 Топта, хўрла,
 ҳатто, кўллар арвоҳи йўқ.
 Чанқоқ ҳар кўнгил
 қоққан дарвозасин,
 Тўлатган эл,
 ҳатто номард кўзасини.
 Оғу ичиб болдай ютган
 садпора халқ,
 Тўлдирсалар ҳамки
 сабр косасини.





“Пахта иши”, деб,
дунёга солдилар жар,
Жиноятчи бўлди ўзбек,
хиёнаткор,
Қора баҳор аёздан
кузига қадар
Қиров-музни ёпинган эл
бўлди айбдор.

“Кўшиб ёзган,
ўмаргандир халқ мулкани...”
Эл ичида совуқ миш-миш,
гап ўрмалар.
Уйи куйди, қиров еб,
муз ялаганлар,
Гуноҳсизга тўлиб кетди
тор турмалар.

Орзигул

Сахар қор курамоққа
очди беҳол дарвоза,
Қур-қур йўтали тутиб,
зиркиради кураги.
Орзигулнинг юраги
орқага тортди лаҳза,
Қўлидан тушиб кетди
беҳос ёғоч кураги.
Эшикдан кириб келди,
кўзлари олазарақ,
Худди излаб келгандай,
дайди, эгасиз итни,
Тўртта формали унга
кўзин тикди ғазабнок,
Сўнг кўрсатди: “Тинтувга,
қамоққа”, деб бир хатни.
Уйнинг ичи бир зумда
бўлдию алғов-далғов,
Бошларини тикмаган
қолмади бирор тешик.
Эру хотин оғзига
солинган каби буров,
Сўз демокқа ҳоли танг,
ранглари кетган ўчиб.



– Қани, яширган тилланг,
босиб қўйганинг қани? –
Тинтишди бригадирнинг
белдаги белбоғин ҳам.
– Балки, кўмиб қўйгансан
томорқанга йиққанинг? –
Қандай бойлик?
Қўркувдан бригадирни босар ғам.



– Барибир сайратамиз,
шу соков тилларингни,
Кампиринг олиб борар
ортингдан авахтага.
– Жонимни сўранг, майли,
қўшқўллаб топшираман,
Пахтадан юлганим йўқ,
жоним бердим пахтага.

– Судда асқотмас асло,
бу ёлғон чўпчакларинг,
Турмада чиритамиз,
сен юлғич бригадирни.
Қўшиб ёзиш нелигин
қараб тур, кўрсатамиз!
Ахтариб қолмасанг бас,
ҳали очик қабрни.

Бу чолдевор ҳовлига
боқади нафрат билан:
“Эл кўзига бу йўқлик,
хоҳласа қаср тиклар.
Аслида, тўқу бикир
пахтанинг орқасидан,
Эшитганман бойвачча,
пулдор бўлар ўзбеклар”.

“Бу қандай бокқан бало,
бу қандай куруқ тухмат?”
Айби не, гуноҳи не,
ақлидан озар ҳозир?
Номус дорига осар
эр-хотинни шум қисмат,
Ҳовлининг ўртасида
болалари изиллар.





Кутуради терговчи
 бирдан ранг-кути ўчиб:
 – Опчик! – дея имлайди,
 бригадирни кўрсатиб.
 Кия олмас этигин
 қўлларидан жон кетиб,
 Кўзин қорачиқлари
 кўркувин кўяр сотиб.

Ялинади хотини
 терговчига бағриқон:
 – Эримга тегманг,
 фақат, олиб кетманг, хастажон.
 Сизга пул керак бўлса,
 сигирни олинг, майли,
 Касалманд шу эримга
 раҳм қилинг, акахон!

– Сигирнимас, жонингни
 оламан керак бўлса,
 Отиб ташларди ҳозир
 ўзига қолса бесуд.
 Тарвузи қўлтиғидан
 тушади юзи кесак,
 Бетоқат терговчининг
 кўзларидан чиқар дуд.

Иккинчи пой этигин
 кийишга изн бермай,
 Бригадирни уйдан
 олиб чиқишар судраб.
 Қор ичида пайтава
 чуваланар, тўхтамай,
 Ортидан чопиб борар
 Орзигул гандираклаб.

Кўлларида эрининг
 бир пой кирза этиги,
 Кўзларида дунёнинг
 охири йўқ қайғуси.
 Қорлар кечиб чопади
 машинанинг ортидан,
 Юрагини парчалар
 хўрликларнинг оғуси.



– Дадаси, этигингиз...
ахир, совуқ, қахратон,
Устингиз юпун эди!.. –
Югуради бедармон.
Энди бу болаларни
ўзим қандай боқаман?
Ўғри бўлса яхшийди,
бундан кўра, Художон!

Бир кечада оқарди,
сочлари оқ пахтадай,
Бир кечада қартайди,
ҳали кирмай элликка.
Ҳибсхона ҳовлисида
ўтирар девонадай,
Эсидан чиққан каби
болалари шўрликни.

Сўроққа чақирилган
қари-ёш, бутун қишлоқ,
Нураб борар тухматдан
уйларнинг гувалаги.
Куриётган дарахтдай
силкинар ўзи адоқ,
Тоғдаги кўчки каби
Орзигулнинг юраги.

Йўқолиб қолар аёл,
хаёллари телбаваш,
Бошига тош отади,
муштин ўқталар осмон.
Додини ким эшитар,
нажот ахтарар бехуш,
Болалари топишар
ҳар кун ҳибсхонадан.

“Порахўр, виждонсиз”
халқ яшар бостирмаларда,
Бир кафтгина ун қолган
юпқарган супрасида.
Ўғри тушгандай вайрон,
валангор кулбасида,
Чувилмаган кўркўрак
мунғаяр супасида.





Бригадир

Вагоннинг ойнасидан
 Боқар олис-олисга,
 Бўғзига қадалади
 Хўрликларнинг пичоғи.
 Бунчалар пишқиради
 Ўт кетгандай дунёга,
 Учиб боради поезд
 Ортмоқлаб алам, оҳин.

Унга барибир, энди...
 Сибиргами, Қозонга,
 Бу уят, номуслардан
 Кетса бўлди узокка.
 Қаёққа борар, билмас,
 Қочиб, хайхот, ўзидан,
 Бўзтўрғай ўзин уриб,
 Тушган каби тузокка...

...Тушларига киради
 Кафтларидан сув ичган,
 Чопонининг баридан
 Тутиб олган эгатлар.
 Елкасига кетмондай
 Миниб олган тузумнинг –
 Қозонини мойлаган
 Қора, аччиқ захматлар.

Кўзин юмса чайқалар
 Ғўзаларнинг суврати,
 Саратоннинг тиғига
 Чайир елкасин тутган –
 Пахтакор қизларининг
 Ўтда куйган сийрати
 Ва гўдакни юпатиб,
 Алла айтётган тутлар.

Кўзин юмса елкасин
 Яғир қилиб, дили қон,
 Кўнглининг кулбасига
 Айланган юпун шийпон.
 Меҳнатда куйиб, орзу
 Гуллари ўчиб кетган –
 Қизларнинг кўйлагидай
 Оҳори кетган даврон.



Кўзин очса ўяди,
 Фарёдлари турманинг,
 Юракни чирмаб борар
 Занжирларнинг садоси.
 Сирпанганча кўксида
 Совуқ тиглар ўрмалар,
 Бетон деворни бўяр
 Умидларнинг видоси.



Кўзин очса сукунат
 Тимдалар юрагини,
 Эшитмайди додингни
 Дунёнинг кулоғи кар.
 Ханжардек ёриб борар
 Хўрликлар сўнгагини,
 Темир панжараларнинг
 Зулфи аламдан ўқрар.

Хотирига шу сурат
 Михлаб қўйилган гўё,
 Кўзин юмса юрагин
 Эшитилади доди.
 Худо урган турманинг
 Шифтидан берар садо,
 Бағри қон шу миллатнинг
 Қалбидаги фарёди.

Ҳар кеча тушларида
 Уни азоблаб қўймас,
 Ҳушига келганида
 Муштлари тугилади.
 Қор кўча... Орзигули...
 Қўлида бир пой этик –
 Машинанинг ортидан
 Дод солиб югуради.

Тинч қўймайди ҳар кеча
 Бу даҳшатли манзара,
 Минг бора, миллион бора
 Уйқудан уйғотади.
 Тирик ўлган бўларди...
 Орзигулин хаёли
 Ўлимнинг соясини
 Дилидан аритади.





Минглаб интизор кўзлар,
 Боқарди интиқ бу чоғ,
 Темир панжараларнинг
 Совуқ тирқишларидан.
 Борми бу кўнгилларга
 Ёққувчи умид чироғ,
 Олиб чиқар ким халқни
 Истибдоднинг қаъридан?

Ҳали узоқ эди мустақилликка

Маҳкум умидларга
 бош кўйиб узок,
 Собиқ иттифоқнинг
 турмаларида,
 Ҳукм қилинганлар
 бесуд, бесўрок,
 Хўрлик, ҳақоратдан
 тирик бир мурда.

Ҳали қатағоннинг
 қаттол қиличи
 Ўйнар эди мазлум
 халқнинг бошида.
 Ҳали манфур тузум
 кўли қон, кечиб,
 Фарқ қиларди элни
 кўзин ёшига.

Ҳақсизликка қарши чиқмоқ –
 бу тифга,
 Кўксин тутмоқ маккор
 нишонга, ўққа.
 Ҳали қотилларнинг
 кунлари тукқан,
 Ҳали узоқ эди
 мустақилликка.

Ҳали узоқ эди
 мустақилликка,
 Бош кўтарар кўнгилларда
 бир исён.
 Зулм тиғи етган
 эди суякка,
 Сўнгаккача етган эди
 қатағон.



Юракларни эзар
маҳкумлар саси,
Миллат қачонгача
хўрликка банди?
Жасур халқнинг
метин иродаси-ла
Муштипар ўзбекнинг
шаъни оқланди.

Ҳали узоқ эди
мустақилликка,
Озодликка чиқди
ташна бу диллар.
Энди ҳақли умид,
орзу қилмакка –
Эркинликни соғинган
бу кўнгиллар.

Ҳали узоқ эди
мустақилликка,
Улуғ боболарнинг
руҳи кўллади.
Чўлпон, Фитрат оҳи етди
фалакка,
Нозил бўлди Ҳақдан
хурлик йўллари.

Ҳали узоқ эди
мустақилликка,
Маҳкум эди йўллар,
хўрланган, хоксор,
Халқи учун кирди
курашга тикка,
Ботир юртбошиси:
мард ва халоскор.

Ҳали узоқ эди
мустақилликка,
Ёруғ йўлга тушди
кўнгиллар сайрон.
Хурликнинг қайғуси
тушди юракка:
Мустақиллик томон,
озодлик томон!





Ўзбек модели

Бўм-бўш магазинлар,
 бўм-бўш пештахта
 Ва нонга навбатга
 турган оломон.
 Қорин қайғусида
 кўзлари катта,
 Каттага айланган
 болалар гирён.

Жарнинг ёқасида
 тургандай худди
 Орзусиз, умидсиз
 кўнглидай бўм-бўш.
 Гулламай кўйган
 бу қалбига энди
 Қўнмоққа ҳайрона
 турар ҳумоқуш.

Ёнғин, ўт-оловлар
 исканжасидан
 Ганимлар сангидан
 гангиган карвон
 Озодлик туфайли
 колди-ку омон
 Мустақиллик сабаб
 топди иқбол, шон!

Борса хатар, борса
 келмас йўлларнинг
 Жиловини бурган
 саодат томон –
 Халқнинг бахти,
 буюк иқболи учун
 Оллоҳ ато этган
 донишманд сарбон.

Тутмади ҳеч кимнинг
 этагин юртим
 Ёки қуллуқ қилиб
 ўпмади кўлин.
 Фақат адолатнинг
 дастидан тутди,
 Ўзиники бўлди
 танлаган йўли...



...Гарчи ортда қолди
 дахшатли йиллар,
 Жаҳоншумул бўлди
 бахту толеи!
 Бугун дунё, не бахт,
 юртимга бўйлар,
 Ҳайратга солмоқда
 ўзбек модели.



“Буюк ипак йўли”
 карвонларида
 Ипакка дунёни
 чулғаган шу халқ,
 Буюк кашфиёти,
 хирмонларига
 Фақат тинчлик сўзи
 айта олур шарҳ.

Не улуғ мўъжиза,
 дунёга манзур,
 Бунёдкорлик, яна
 ижод унда жам.
 Ўзбек тафаккури,
 ҳикмати эрур,
 Халқнинг иродаси
 унда мужассам.

Тамаддунга иқбол
 эшигин очган,
 Дунёни уйғотган
 энг буюк китоб.
 Шу миллат-ку ахир,
 эзгулик сочган,
 Айланган олтинга
 шу юртда офтоб.

Бугун буюкликдан
 ўз кашфи билан
 Дунёга гар ўзбек
 берар экан дарс.
 Бу шаксиз, озодлик
 меваси теран,
 Буюк юртбошиси –
 доно, мударрис...





Асрларга татигулик мўъжиза

Чорак аср аввал,
 хаттоки, хаёл,
 Тушларга кирганми
 бу чўнг мўъжиза?!
 Ўзбек қудратига
 бугун дунё лол,
 Асрларга
 татигулик ҳар лаҳза.

Мисли эртак каби
 очилди тилсим,
 Қоялар кўксидан
 сим-сим бир эшик.
 Виқорга тўлади
 тоғларнинг кўкси,
 Поезд учар энди
 булутлар ошиб.

Учади Фарғона,
 Андижон томон,
 Бир манзил орзудир,
 бири фароғат.
 Энди жаннаткентга
 айланар довон,
 Тошларга кўчади
 кўклам, тароват.

Салкам олти аср
 қаъридан ҳазрат
 Навоийнинг руҳи
 ёрдир тилакка.
 Тоғларнинг кўксини
 ларзага солиб,
 Энди учқур поезд
 йўлланар тикка.

Осмонўпар тоғлар
 узра самовий
 Рўёга айланди
 орзу, афсона.
 Бахтнинг чечагига
 тўлар анвойи,
 Боғи Эрам бўлар
 гўзал Фарғона.





Мақсад кутиб олар
 сизни манзилда,
Озод, хур бекаглар
 номи ҳам орзу.
Кўхна ҳасратлардан
 дили озурда
Тоғларнинг бағридан
 сирқийди қайғу.

Тўкилар алами,
 арийди доди,
Асрлар армони
 тоғлар қаъридан.
Отабекни чорлаб
 улуғ Қодирий
Руҳи шод келади
 Марғилон томон.

Энди ошиқларни
 бўзлатмас асло,
Бу довоннинг қаҳри,
 қору музлари.
Оғу ичирмайди
 хиёнат, риё,
Соғинчда йиғламас
 гул Кумушлари.

Поезд йўлга тушар
 гўзал Тошкентнинг
Саломини олиб
 Андижон томон.
Зиёратга келар
 жумлаи олам,
Зиёратгоҳ бўлар
 Намангон, Кўқон.

Пурвиқор тоғларда
 хайрат, ҳаяжон,
Лолалар тутуди
 дасталаб шодон.
Пояндоз ёзади
 ипак, атласдан
Дунёларни қутлаб
 қадим Марғилон.





Гуллаган водийга,
 ажаб ҳайратким,
 Очилди юксакда
 олтин дарвоза.
 Янги истиқболга
 бу улуғ халқнинг
 Толеидай ёркин,
 кўнглидай тоза.

Энди гўзал водий
 кўрку жамолин
 Шаҳар қишлоқларин
 гуллашини кўр.
 Жаҳон айвонида
 файзу камолин,
 Энди дунёларга
 бўйлашини кўр.

Аср мўъжизаси,
 ўзбек қудрати –
 Миллат тафаккури
 шаҳодати бу.
 Мустақиллик берган
 олий саодат,
 Озодликнинг мангу
 кафолати бу.

Темир рельслар узра
 асрий армони –
 Беҳиштга элтгандай
 диллар орзусин,
 Йўлга тушар умид,
 мақсад қарвони,
 Бўлажак ҳақиқий
 бахтлар водийси.

Бу йўллар бир йўллар
 бўлади ҳали,
 Қадамжо қилади
 жаннат бўстонни.
 Янги асрларга
 элтади толе,
 Тўтиё қилади
 Ўзбекистонни.



Ўзбек иши дегани мана бундоқ бўлибди

Дунё хайратда бу кун,
Шону шавкатин кўриб,
Истиқлол, хурлик сабаб
Бахт-иқболи кулибди.
Башар таҳсин айтмоқда
Кўрку қудратин кўриб:
“Ўзбек иши дегани
Мана бундоқ бўлибди!”

Кечагина йўқ эди
Дунё харитасида,
Бугун жаҳон танийди
Музаффарлар сафида,
Бахтлар мамлакати бу,
Озод, обод, осуда:
“Ўзбек иши дегани
Мана бундоқ бўлибди!”

Айюҳаннос солганлар
Азасига қилиб тўй,
Томоша талабларнинг
Ақлин шоширар бир ўй,
Чорак асрда нега қодир
Энди кўриб қўй:
“Ўзбек иши дегани
Мана бундоқ бўлибди!”

Бу озодлик, шарофат
Кўкдан тушмагани рост,
Ҳақ ёрлақаб, толеин
Хизр хушлагани рост,
Мўъжизакор модели
Аллома ўзбекка хос:
“Ўзбек иши дегани
Мана бундоқ бўлибди!”

Амир Темур жиловни
Бурар озод юрт томон,
Улуғбек кўк буржида
Кўрсатур йўл бахт томон,
Аллома боболарга
Таъзимда аҳли жаҳон:
“Ўзбек иши дегани
Мана бундоқ бўлибди!”





Ким эди, не кечмиши
 Чорак аср нарида,
 Кишанлар саси келар
 Асрларнинг қаъридан,
 Дунёларни уйғотар
 БМТ минбаридан:
 “Ўзбек иши дегани
 Мана бундоқ бўлибди!”

Шеъриятда авлиё, пирлар
 Чикқан бу юртдан,
 Темурий баҳодирлар,
 Шерлар чикқан бу юртдан,
 Манглайига қўндирди
 Хумо қушни Яратган:
 “Ўзбек иши дегани
 Мана бундоқ бўлибди!”

Тандан жон кетса ҳам кетмайди эрklar

Юзинг ёруғми, шу
 Ватан олдида,
 Бир гул экдингми, айт,
 Хур айвонига?
 Айт, қайси юз билан
 Борармиз бир кун
 Ҳазрат Навоийнинг ёнига?

Ахир умидимиз
 Қўйганмиз қадаб,
 Жонимиз тикилган
 Шу хур байроққа.
 Бормоқ тақдир бўлсин
 Рухимиз поклаб,
 Пир нақшбандийлар
 Ётган тупроққа.

Тошлар гуллаб ётар
 Тупроқни ўпиб,
 Чечаклар уфураб
 Бахтнинг бўйини.
 Ҳеч йўқса бир гўзал
 Аъмолинг билан
 Мунаввар этдингми
 Мақсад йўлини?..



...Ўзбекистон буюк
Давлат бўлади,
Ҳеч кимдан кам эмас
Ва бўлмагай кам!
Ҳали бўйи бастин
Жаҳон кўради,
Зиёратга келар
Жумлаи олам!

Ўшал кунлар келди
Эй, она халким,
Буюк кунлар келди
Бешак, бегумон!
Жаҳон айвонида
Турибди балқиб,
Юртимнинг байроғи
Ҳилпираб шоён!

Ахир руҳимизга
Муҳрлаган Ҳақ –
Тандан жон кетса ҳам
Кетмайди эрklar!
Дунё ичра, токи,
Кўрсатиб турсин,
Буюклик нелигин
Озод ўзбеклар!

Яшнагайдир Ватан
Мангу ва обод,
Яшаймиз эл бўлиб
Илоҳий сўздек:
Абадият ичра
Буюк ва озод –
Жаҳон айвонидан
Бўйлайди ўзбек!

Хотима

Муборак бўлсин, юртим,
Садарайҳон бўйларинг,
Бугун дунёга ўктам,
Мардонавор бўйладинг.
Ўчмасин ҳеч оловинг,
Дошқозонда паловинг,
Ярашур бугун базм,
Байрамларинг, тўйларинг!





Куллуқлаб турибман шод,
 Муборак тонгларингни,
 Дунёга тинчлик сўраб,
 Урётган бонгларингни.
 Юракка чизсам, дейман,
 Умидимни гуллатган,
 Эгик қаддим кўтарган
 Мунаввар онларингни!

Куллуқлаб туриб масрур,
 Кўзимга келмас уйқу,
 Дунёга бўйлаб мағрур,
 Дилда йўқ ўкинч туйғу.
 Асрамоқ керак фақат
 Бу озод сарҳадларни,
 Асрасин Ватан деган,
 Муқаддас, озод қайғу!

Куллуқлаб турибман шод,
 Эшитар жаҳон сўзим.
 Ўзбекман, десам, дунё
 Пойимга қилар таъзим.
 Баланд бўлсин парвозинг,
 Юракдаги сарлочин,
 Оламини тутсин, дейман,
 Дилдаги сарафрозим!

Чорак аср лаҳзамас
 Мангуликнинг олдида,
 Озодликка етган халқ
 Буюкликка қодир-да.
 Ҳурлик меъмори қолгай,
 Халқнинг қарори қолгай,
 Мустақиллик қолгайдир
 Абадият ёдида...

* * *

Субҳи содиқ Ватан, деб уйғон,
 Халқим, дея очгил кўзингни!
 Ва кўксингда ҳилпираб турган
 Эрк туғига босгил юзингни!





НАСР

**Наби ЖАЛОЛИДДИН**

1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Ялғизли кеча”, “Хур нидо”, “Сен билан қолмайман”, “Эркаги бор уй” каби шеърӣ ва насрий тўпламлари нашр этилган. “Умар Хайём”, “Тегирмон” романлари муаллифи.

**ҒАССОЛ***Ҳикоя*

Эшикни эллик ёшлардаги аёл очди. Турмагини бўшроқ танғиганмиди ёки уйдалиги учун парво қилмаганми, кулоқлари устидаги соч толалари тўзғиган. Эғнида танасини ярашмайроқ сирган гулли халат.

Келгувчиларга бошдан-оёқ разм солгач, ҳаловатини йўқотишни истамаётгандек боқди.

– Келинлар... – деди чап қўлида халатининг ёқасини тўғрилаб.

– Ассаломалейким... – Ёши етмишга оға бошлаган паканага мойил қотма киши қўлини кўксига қўйиб, жилмайди. Пачоқ юзи тиришлар ичра қолди, жағининг учидаги сийрак соқоли йилтираб кетди. – Ёзувчимизнинг уйи шуми?

Аёл, қўйиб юборса, меҳмонлар кириб оладигандай, ўнг қўлида эшикни маҳкамроқ тутиб, олдин, янгилиги билиниб турган, аммо елкалари осилган, енглари икки қат ҳимарилган одми костюм, оҳорли дўппи кийган гапиргувчига, сўнгра ёнидаги замона ёшларидек борлиғи чақнаган, қарашлари мағрур йигитга кўз ташлагач, ниҳоят нигоҳи халталарда тўхтаб, юзи табассумга чоғланиб, ғижимланди.

– Ҳа, шу... Ҳой, дадаси, сизни сўрашвотти!.. – шошиб эшикни нари туртди.

Пешона сочлари сийраклашган, хонаки кийимдаги бақалокқина эркак кўрингач, аёл ўзини орқага олди.

– Ие, келилар-келилар!.. – эркак кулоч ёзди. – Нега остонада турибсизлар? Қани, ичкарига! – У соқолли кишини ўзига тортиб, кучоқлади. Қўллари банд йигитнинг елкасига қафт босди. – Қани-қани, марҳамат!..

Соқолли оқшайганроқ пойафзалини ечиб, уялдими, қалашган оёқ кийимларининг орасига суриб қўйди. Ёзувчининг гап оҳангидан елкаси кўтарилди. Ҳатто бир неча йилдан буён Тошкентда юрган ўғлига уни ундай, буни бундай қил, деб ақл ўргатгиси келиб кетди.

Мезбонга эргашишди. Таомилда келгувчи қўлидагиларни ё кираверишда қолдириши ёки уй эгаларига бериши керак, лекин йигит ҳаяжонланганиданми, отаси амр қилмаганигами, халталарни қўйиб демасди.

Меҳмонхонага ўтаркан, соқолли ўзини хобгоҳга кираётгандай ҳис этди. Унинг наздида, айвондан ичкараси ўта сирли, шахсий худуд. “Дом” да эса бу фарқсиздай.

Унда қоришиқ хид бўлади: дераза, эшиклар баравар очилмаганидандир-да. Ҳамма ҳам буни сезавермайди. Соқолли хаёлидан уялди.

Ёзувчи меҳмонларни диванга ўтказди. Ё стол меъёрдагидан баланд ёки диван пастроқ эди – гулли дастурхон соқоллининг жағи билан тенг бўлди. Уй эгасига маза: стулда ҳам энгил либосда эмин-эркин ўтирибди.

– Қани, омин!.. – Ёзувчи дуога қўл очди.

Одатда меҳмон ёки ёши улуғлар шундай қилгувчи эди.

Йигитнинг кийимлари этидан қочгандай бўлди.

– ...Тинчлик-омонлигини берсин!.. – Ёзувчи шод эди, юз-кўзи ёнарди. Гапираркан, тез-тез бир ёққа қарар, кетма-кет ютинарди.

Соқолли фотиҳадан сўнг юз-кўзини, тутамга кирмас соқолини қайта-қайта силади. Туси бўзарди. Гап тополмай, чайналди. Улоқни ёзувчи олди:

– Хуш келибсизлар! Қалай, яхши етиб келдиларингизми?.. Онаси, чой!.. Қишлоқлар тинчми? – Меҳмонларга “Қишлоқданмисизлар?” – дегандай қараш қилди.

– Тўғри-и... Биз қишлоқ... – соқолли йигитга кўзи тушиб, томоқ қириб олди. – Мен қишлоқдан... келдик... Қишлоғимиз тинч. – Яна йигитга қараб қўйди. – Худого шукр.

– Онаси, чой!.. – Аммо ёзувчининг чой ичгиси келмаётгани аниқ эди. Шунга қарамай, “башорати” тўғри чиққанидан гапи бутунлашди: – Ана, айтдим-ку!.. Қишлоқнинг одамлари бўлакча бўлади. Содда, самимий... Қалай, қишлоқлар тинчми? – Дарвоқе, бу ҳақда сўровди-ку.

Соқолли бунга эътибор бермади, ҳатто сезмади ҳам.

– Раҳмат, тинч. Ҳамқишлоқларимиз салом айтишди.

– Омон бўлишсин. – Ёзувчи “ғилк” этиб югинди. – Ҳозир қишлоқларимиз обод, шаҳардан қолишмайди. Намунавий уйлар, дейсизми... Қанийди, ўша жойларда яшасанг! Онаси, чо-о...

Аёл чойнак билан пиёлаларни эрининг олдига қўйиб, қўли кўксида мулозамат қилди:

– Яхши ўтирибсизларми? Уй ичилар тинчми?.. Адаси, мастава қивотувдим, сузаверайми?

Соқолли шошиб эътироз билдирди:

– Йў-йў, овора бўлманг!.. – Шунинг ортидан “Тошкентли-да, тили ширин – “вотти-вотти”, – деган ўй хаёлидан ўтди.

– Сал туриб обкеларсиз, онаси, – ёзувчи дастурхондаги қанд-курсга қаради. – Меҳмонлар нафас ростлаб олишсин, – дея биринчи пиёлани соқоллига, иккинчисини йигитга узатди-да, ўзига чой қуймади.

Аёл “хўп бўлади”, дея қошини билинар-билинемас чимириб, чиқиб кетди.

Соқолли қайноқ чойдан хўпладию, чучмал таъмни ҳис этди, ўхшамайроқ томоқ қириб, деди:

– Тошкентликлар памил чой ичишади-да, а? – Мезбонга озор беришдан сақланиб, тагин чой хўплади.

– Дарвоқе, сизлар кўк чой ичасизлар шекилли, а? – Ёзувчи “мен ҳозир”, дегандай ҳаракат билан ўрнидан туриб, ошхона томон йўналди. Хотини косаларни артарди.

– Озгина қайноқ сув қуйиб, овқатни кўпайтирдим, – деди тоқчадан шиша олаётган эрининг ниятини англаб. – Шу ўлгурни ичмай туринг, меҳмонларнинг олдида уят бўлар.

– Бўпти-бўпти, сезишмайди, – ярим пиёлани сипқориб, афтини тириштирганча газак кидирди.

Хотини ликобчадан бир паррак бодринг олиб узатди.

– Овқатийизи сузаверинг. Меҳмонларга қуюқроқ бўлсин. Айтгандай, аввал битта кўк чой дамлаб беринг, – дея меҳмонхонага қайтди.

– Саломалейкум, яхши ўтирибсизларми? Ҳозир кўк чой келади. – Оғзини кафтида артиб, бир-икки тамшанди. – Хўш, халқнинг аҳволи, кайфияти қалай? – сўради ўзини жиддий кўрсатишга уриниб. – Биз ёзувчилар буни билишимиз керак.

Меҳмонлар, айниқса, катгаси ҳамон ўзини ўнғайсиз сезар, дам-бадам у ён-бу ён кўзғалиб, томоқ қирар, юзи янаям кичрайиб, ёзувчига умидвор тикиларди.

– Бу менинг ўғлим... Шейда университетта ўқийди.

– Э-э, шунақами? – Ёзувчи йигитга виқорли боқди. Аммо унинг қараши ёқмади, чаккалари хиёл тортишиб қўйди. – Қайси университетда ўқийсиз? – деб юборди ўзидан ташқари қўйда.

– Аграрда...

Ёзувчи кейинги сўровига имкон топилганидан дадиллашди:

– Шундайми?.. Агроном бўларкансиз-да..

– Йўқ! – Йигитнинг овози қўпол чиқди. – Иқтисодчи бўламан.

– Ҳа, тузук. – Ёзувчи кайфиятини бузмаслик учун отага қайрилди. Бирдан бояги саволи эсига тушди: – Хўш, халқнинг аҳволи, кайфияти қалай? Буни биз билишимиз керак.

– Кайфиятимиз яхши. Тинч-омон яшаяпмиз, – ота бунақа суҳбатни кутмаганмиди, баттар эсанкиради, ҳатто зерика бошлади. Лекин ўйлаб қўйган гапларини айтмаса бўлмасди: – Маҳалламизда бир домла яшайди. Ўзимизи шаҳарда университетта ишлайди. Яна кўп ўқийди... Газита, журнал, китоб... Менгаям обкебериб туради газита, журналлардан... Китобларам... Менам ўқишни яхши кўраман. Бир куни бир журнал берди, “Шарқ юлдузи”йди шекилли. Ашинда сизи ҳикоянгиз чиққан экан, “Ғассол” деган...

Ёзувчи бирдан қаддини тиклаб, чойнак кўтариб кирган хотинига “кўрдингми”, дегандай боқди.

Йигит ўрнидан кўзғалиб, чойнакни олди. Шоша-пиша чойни қайтаришга тушди.

– Хўш-хўш, кейин-чи? – Ёзувчи хотинига яна виқорли назар ташлади. – Ҳикоя қалай экан?

– Яхши-и... Ўғлим, ановиларни ол! – Ота хийла дадиллашди. Халтадан иккита пагир чиқариб, дастурхонга қўйди. – Манови довонни пагири...

– Ие-ие... – Ёзувчи қулочини кериб, гўё хижолат бўлди. – Овора бўпсизлар-да!..

– Манови ўзимизнинг уйдан... – Ота энди нон, мева-чевалар чиқарди. – Қоганини келинаюнгга бер! – деди ўғлига, ошхона томон ишора қилиб.

Йигит халталарни ошхонага элтиб, жойига қайтди. Отасига чой узатди.

Ёзувчи очила бошлади.

– Уйингизни роса қидирдик, – деди ота қайноқ чойдан хўплагач, хузурли тамшаниб. – Ахийри ўғлим топди. Тилпонда сўрадингми?..

Йигит боши билан тасдиқлади.

– Ке, шу одамди бир кўриб кетай, дедим-да...

– Хўш-хўш... Мухлиснинг эътирофи – ёзувчининг бахти!.. “Ғассол” ҳақида гапирётувдийиз. – У пагирни ушатиб, бир тишлам оғзига солди.

– Мен ғассолман-да... – Отанинг юзи чарақлаб кетди.

Ёзувчи такқа котди, пагир тутган қўллари муаллақ қолди. Томоғидаги луқмани ютиш учун қийналиб югинди: бўйин томирлари бўртиб, қизарди, кўзлари олайди.

Унинг аҳволидан беҳабар ота айтарини кўймасди:

– ...Бизда ювғич, дейишади. Биз ҳақимиздаям ёзишибди, деб тоза хурсанд бўлдим. Сизга раҳмат, сизга қойил! Ҳақиқатда халқни биларкансиз!..

Аёл учта косада овқат олиб кирди.

Бўғзидаги азобдан кутулган, қизарса-да, енгилроқ нафас ола бошлаган ёзувчига ғассолнинг дастурхондаги пиёлага тегиб турган қўллари ўликниқандай кўринди. Наҳот илинжида унинг юзига қаради – мурданиқандай! Ичидан нимадир қалқди. Ўрнидан сапчиб, хотинига “меҳмонларга бер”, дегандай имо қила, нариёққа отилди.

У ошхонадаги сув ташламасига энкайганча, бўғриқиб ўқчиётганда хотини кирди.

– Ҳой, сизга нима бўлди? – дея шошиб эрининг елкасидан тутди.

Ёзувчи кучана-кучана оғзи бурни аралаш юзига сув урди.

– У ўлик ювувчийкан!.. – деди ичидан ниманидир чиқариб юбормоқчидай.

– Нима-а?! – Аёл тебраниб кетди. – Ким?!.. Нега?!.. Нега ўлик ювувчи?!..

Кимни айтяпсиз?!..

Ёзувчи хўл қўлларини кўтарганча, аланглади.

– Анови меҳмон!.. – деди сал енгил тортиб. Хотини тутган сочиқни юзига босди – ёғ қоришиқ ғалати ҳид келди.

– Вой, ўлай! Нега ўлик ювувчи бўлади?!.

– “Ғассол” ҳикоямни ўқиган экан...

– Ҳмм... Сизга айтувдим-а, ҳар нарсалар тўғрисида ёзманг, деб. Мана, ёзганингиз пешонангизга урилибди.

– Арақни ол!

– Ҳой, меҳмонларнинг олдида?..

Ёзувчи пиёлага яримлатиб арақ куйди. Хўплади, лекин ютмади. Фарғара қилиб, оғзини чайғач, “ғилқ” этиб ютди. Кескин нафас чиқариб, яна ярим пиёла “урди”.

– Дадаси, меҳмонларга у-бу деб кўйманг! – деди аёл ҳадиксираб.

– Демайман!.. – меҳмонхонага ўтди. – Саломалайкум!.. – Жойига ўтираркан, қошиқни тутди. – Қани, овқатга қарайлар!

Ота-бола ўзларини бировнинг тўнини кийиб олгандай ҳис этишарди. Ота беихтиёр овқатга қошиқ солиб, ўғлига “сен ҳам ковла”, дегандай қаради. Бекор келибмиз, ёзувчининг кайфиятини буздик, дея ўйлади. Димоғига ёқимсиз ҳид урилди: арақми? Йўғ-э, ўзи “дом”ларда шунақа ҳид бўлади-да...

Ёзувчи хўриллатиб овқат ичди. Ҳар хўплаганда отанинг қўлларига қарарди: мурданиқига ўхшайди-я!..

– Шунга... биз ҳақимиздаям ёзишаркан, деб хурсанд бўлдим-да, – чайналди ота.

Ёзувчи унга қарашдан олдин ўғлига кўз ташлади: ёқмади.

– Ҳмм... – Гўё пишқирди. Шунинг ортидан овқат хўплади: хуш ёқди. – Ҳикоям тузукми, ишқилиб?..

– Тузук, – ота ниятига етгандай дадилланиб, таомдан тотинди. – Сизларда совуқ сувда ювишарканда, а?

Ёзувчининг хафсаласи пир бўлди.

– Ҳа, энди, одам кўп... Катта жой!..

– Биз сувни илитволамиз. Тахтада ювамиз. Майитнинг яқинлариям ёрдам беришади. Ҳикоянгиздаги грант¹ суви сал ўхшамабди.

¹ Грант – қран.

– Хўш-хўш?.. – Ёзувчи чекишни ёқтирмасди. Аммо ҳозир бир тортим бўлса, йўқ, демасди. Чунки тошкентча кичкина косани бўшатиб, чой ичишга ҳам улгурганди.

– Кейин... Йўғон майитни думалатиш ҳам...

Ёзувчига бу гап ёқмади – ўзини жонсиз ҳолда тахтада ётгандай ҳис этди. Ота буни сезмади.

– ...Йўғон майитнинг белига белбоғ солинади. Маҳрамлари, яъни яқинлари кўтариб туради. Шуна-а қиб ювилади-да. – Меҳмон ёзувчининг нигоҳидаги совуқликдан эсанкиради.

Аёл кириб, эрининг бўш косасини олди-да, меҳмонларнинг ҳали яримламаган идишларига умидвор нигоҳ ташлади. Шунинг асносида эрининг елкасига тегиниб, “тузукмисиз, дадаси”, деб кўйди.

Эр тебраниб, хотинига қаради. Энди кўнгли ғилқимасди. Аёл кафти билан оғзини тўсганча отанинг қўлларига тикилди.

Ғассол ўғлининг беозор туртишини сезмасликка олди, мақсадини англамади.

– Бошқа нарсаларийзиям ўқиганман – бир-иккита, – у яна суҳбатга чоғланди: – Омма “Ғассол” барибир бошқа. Биронта ёзувчи бунақа асар ёзмаган. Пақат...

Ёзувчи ғассолнинг гапларидан руҳланиб, кекирди. Фақат “пақат” ёқмади.

– Энди-и, биз ҳамма нарсани халқдан оламиз, – дея тили билан оғзининг “девори” ва аксарияти сунъий тишларини тозалашга уриниб, “чикқиллатди”. – Сиз ўша, нима десам экан, касбингизни – ғассоллигингизнигина, – бирпас каловланди, – ўйлайсиз. Биз эса, бутун халқни!.. – Кулочини кериб, атрофидаги нарсаларни югиб юбормоқчидай кўпчиди. – ...умумбашариятни ўйлаймиз! Бошқа диндагилар балки ўликни, – ичида ижирғанди, – ювишмас ҳам. Биз эса, ҳаммани ўйлаб ёзамиз. Буни сиз, хафа бўлмангу, – қошлари керилиб, кўзлари мастона сузилди, – тушунмаслигингиз ҳам мумкин. Бу табиий...

– Тўғри айтасиз, – росмана хижолат бўлди ғассол. – Биз оми одамимиз. Лекин сиз ўзбексиз, мусулмонсизу!...

– Ну и что?!.. – Унинг гапини бўлди ёзувчи. – Ахборотингиз учун, ўзбекнинг энг зўр ёзувчилари мени мақташган. – Ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини тепага нуқиди. – Масалан, Шукур Холмирзаев! Танийсизми?..

Ўғил энди отасини дадилроқ туртди. Ғассол унга саволчан назар ташлаб олгач, сўради:

– Ким у?

– Ким?

– Аши-да, кимийди... Холмирзаев? Мен ёзувчилардан Муҳаммад Юсуфни биламан. Эрта ўлиб кетди, раҳматли!..

Ёзувчининг ҳафсаласи пир бўлди. “Сен билан гаплашяпманми?”, дегандай қўл силтади.

– Онаси-и, косаларни олинг!

Аёл остонада пойлаб тургандай зумда пайдо бўлди. Овқати яримлаган косаларни оларкан, эрининг елкасига билинар-билинимас суйкалиб, жилмайди.

– Балки ижод қиларсиз...

Ёзувчи тебрланди.

– Дарвоқе, ижод!.. Ҳа!.. Лекин меҳмонлар бу ерда турганда?..

Аёлниг нигоҳи ғассолнинг қўлларида эди.

Туртишдан хиёл оғган ота:

– Мен Тошкентга бир ишман келовдим, – дея тилини ямлади. – Ишимни битириб, ўғлимга аши ёзувчини топиб бер, дедим. Адресийзи топовди, бугун бозор

куни, деб келовурдик. Узр, безовта қилдик! Ижоддан кўйдик... Омма “Ғассол”ни зўр ёзгансиз!..

Ёзувчи ўрнидан турди.

– Сизлар бемалол чой ичиб, ўтириб туринглар. Ман ҳозир!.. – Хотинининг ортидан ошхонага ўтди. Қўлларини чайиб, юзига сув урди. – Вой, нега келишади, а, улар?! Бошқа ишлари йўқми?! Тагин ўлик ювувчиймиш! Ғассол-а!.. Яхшиям Кафкамасман! Ҳозир ўлиб қоламан! – дея тутоқди. – Ўзимни ўликдай ҳис этяпман. Кутқаринг мани улардан! Илҳомлари кеб қолдилар, денг!..

– Ўзингизни босинг, дадаси! Ҳозир кетишади. – Аёл меҳмонхонага қайтганда, терлай бошлаган ғассол костюмини ечишга уринар, юзида надомат балққан ўғил “ечманг, дада, шамоллаб қоласиз”, дерди костюмнинг ёқасидан тутиб.

– Саломалайкум, яхши ўтирибсизларми? – Аёл туришга шайланган мижозларга гапирган официантка ҳаракатлари билан дастурхонни тузатди. – Кўк чойларийиз борми?

– Бор, келиная, – деди ўғил отасига умидвор боқиб.

– Бу кишим меҳмонсиз туролмайдилар!.. – Аёл нонларни, пиёлаларни, дастурхон четини тўғрилаган бўлди. – Уйимизда ҳар куни меҳмон!.. Лекин, ахир у кишим ёзувчилар... Ҳатто болалар ҳам халақит бермасин, деб, эр-хотин мана шу икки хонали “дом”га кўчиб олганмиз. Ҳозир илҳомлари келиб қолди. Сизлар бемалол кўк чой ичиб ўтириб туринглар!..

– Йўқ, келин! – дея уни тўхтатди ғассол. – Биз турамыз. У киши – улуг одам, халқни ўйлаб ёзади. Бошқа сафар гаплашармиз. Қани, омин!..

– Вой, бутун қолсайлар бўларди! – деди аёл қўлларини дуога очиб. – Ҳали замон бўшайдилар.

– Раҳмат, келин! Биз энди борайлик, – ғассол эшик томон юрди. Ўғлининг кўмагида пойафзалини кияётганда, бировнинг хобгоҳидан чиққандай енгил тортди...

Ёзувчи ошхонада пешонасини муштига қўйиб ўтирарди. Чап кафтининг олдида – шиша. Хотинининг шарпасидан бошини кўтариб, онасига эркаланаётган боладай деди:

– Кетишдимми?

– Кетишди! Энди кириб ухланг!

– Хўп. Анови нарсаларни қўшниларга бериб юборинг! Қишлоқдаги мухлислари олиб келишибди, денг. – Ўрнидан туриб, кийимини еча бошлади. – Ваннани тайёрланг! Би-ир ўзимни ювиб олай!.. – Сўз ўйини ўзига хуш ёқиб, мастона иршайди.

– Ҳа, ҳазилингиз курсин-а!.. – деди хотини унинг елкасига шапатилаб.

Бу пайт ота-бола зинапоядан тушиб боришар, ўғил тиззалари базўр букилаётган отасига кўмак беришга уриниб, қўлтиғидан олганча, оёқларидан кўзини узмасди.

– Эҳтиёт бўлинг, дада! Хўпша, ана шундай!.. Оёғингиз оғримаяптими?!..

– Йўғ-е, болам. Шундай одам билан гаплашдигу!.. Ёзувчи-да, иши кўп, дарди кўп... Халқ дарди! Яхши одамлар экан-а, ўғлим!.. Айтгандай, биронта китобидан олмамбизу... Ҳа, майли, ўзимизнинг домладан топармиз...



НАЗМ



Ўтқир РАҲМАТ

1948 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Ирмоқ”, “Созинч”, “Райҳон ҳиди”, “Шукрона”, “Ой ёғдуси”, “Хаёл ифори”, “Юракдаги қуш”, “Хоксор майса”, “Дилчиноқ”, “Ўтли руҳ” сингари қатор шеърӣ тўпламлари нашр этилган.



Эзгулик йўллари юртдан бошланар

Тамаддун дарёси

Озодсан, ободсан, ҳар бир гўшангда
Ажиб тароват бор, беҳад ҳаловат.
Яшаш ҳузур, ахир, бундай гулшанда,
Руҳинг саломату жисминг саломат.

Аслида, бахт қуши ин қурган уйлар,
Саболар айланган равон кўчалар.
Ҳар бир маҳаллада бахт топган тўйлар,
Кўрса дил қувонган, шодлик сочилар.

Ўғил-қиз, опаю сингиллар хандон,
Пиру бадавлатдир отаю она.
Порлоқ саодатга лиммо-лим осмон,
Хотиржам бу кунлар қилган тўёна.

Бу бизнинг Ватандир, мисли бўз бола,
Омонлик – дастурхон ёзган маҳалдир,
Ҳар тонг хушхабардир қирмизи лола,
Урмимиз мазмунин битган зарҳалдир.

Қирғину фитналар энди бегона,
Унинг илдизига болта урдик биз.
Илму маърифатга қурдик қошона,
Меҳру муҳаббатга пешвоз турдик биз.

Бир кун жанжал бўлса, қочар барака,
Файзу малоҳатдан қолмагай асар.
Зинҳор адашмасин акаю ука,
Зинҳор тиғ урмасин найрангбоз назар.



Оламда ёнма-ён масрурлик, ғурбат,
Қайдадир ажалнинг ҳукми равондир.
Қон йиғлаб, қон кечар неча минг қисмат,
Хотиржам кунларга зору сарсондир.

Беадад, минг шукр, бахтимиз бутун,
Бошимиз устида мусаффо осмон.
Истаймиз қаерда ўрласа тутун,
Тинчликка йўл олсин ва бўлсин омон!

Юртим жамолинга кўз тегмасин, кўз,
Азиз сиймолардай меҳрибон бағир.
Ҳам офтоб, ҳам ойсан, юлдузларинг – биз,
Барчамизга ёрдир нурафшон тақдир.

Эзгулик йўллари юртдан бошланар,
Тамаддун дарёси уйғоқдир ҳамон.
Сендан ибрат олар кўхна дун, башар,
Сендан ҳикмат сўрар келажак замон!

Унутманг хотирот – абадий сабоқ,
Урушнинг чангали – даҳшат, ёмонлик.
Дунёда баридан кўра оппоқроқ,
Ҳаммасидан азиз тинчлик, омонлик!

* * *

Зумрад ҳаволарнинг беланчагида,
Тебраниб сочингни тутасан елга.
Бехудуд дунёнинг бир бурчагида,
Сен ҳам қарайсанми тикилиб йўлга?

О, соғинч,
Туйғумни айлаган сархуш,
Кўксимдан кошкийди эритса тошни!
Ўтган кунларим ҳам айланганда туш,
Топармидим майса сендай сирдошни?

Бу фалак бағрида отаверар тонг,
Туну кун кўйнида нафас олар ер.
Харсангу кўкатни кўриб теппа-тенг
Ирмоқдек кўксидан оқаверар тер.

Зумрад ҳаволарнинг беланчагида
Тебраниб сочингни тутасан елга.
Бехудуд дунёнинг бир бурчагида
Сену мен қараймиз тикилиб йўлга.

О, соғинч,
Умрбод ям-яшил ўлка!



* * *

Нурлар оқаверар... Дарёми –
Унда сузиб борар бор олам.
Нурафшон кунларнинг айёми:
Чароғон, беғубор ва беғам.

Юзидан пардани тортқилаб
Дераза очади кўксини.
Тупроқ ҳам палакдан соч улаб
Соябон тутади писиниб.

Миннат ҳам қилмайди бу оғуш,
Мулойим ипакка айланар.
Гуллаган ҳар дарахт – бир окқуш,
Гўёки учмоққа шайланар.

Нурлар оқаверар... Дарёми...

* * *

Ғала-ғовур,
Қушлар уйғонди,
Япроқларнинг усти боши нам.
Кўзи ёниб, нур эмар энди
Ёруғликка ғарқ чўккан олам.

Юзига қон сочиб қизғалдоқ
Олов каби сачрайди ерда.
Туни билан чарчамай ирмоқ
Қўшиқ куйлаб тушади қирдан.

* * *

Кўзларини очади субҳим,
Сепиб олган нафис ҳавони.
Тошдай қотиб қолган аллаким,
Сезармикан энди сабони?

Чинми, ёлғон осмон авзойи
Булутларни айлайди ҳалак.
Очилади гулнинг чиройи,
Сув ҳовучлаб тинмас чархпалак.

Соч тараган дарахтлар қатор
Бошга олар нур шалоласин.
Илиқлик ҳам соҳир, беозор,
Эркалайди гўё боласин.

Чумчуқларнинг нағмаси такрор,
Қадим нола, куйлар сирилмай.
Карвон эса зерикмай зинҳор
Кетаётир назарга илмай.





* * *

Иложим йўқ, гулбарг,
 Сен-ла қолмоққа,
 Ҳозирча нимадир имлар наридан.
 Сочилиб ётибди нелар қирғоқда,
 Сув шашти негадир кечган баридан.

Гўзалсан,
 Ораздин тўкилар ифор,
 Бу йўлдан ўтганлар қараб тўймаслар.
 Қайрилиб термилар кимдир сўнги бор,
 Кимлардир бу ерга қайтиб келмаслар.

Иложим йўқ, гулбарг,
 Манзилим узок,
 Ҳатто, кетмоқда-ку сув айтиб куйин.
 Фанимат дийдорга тўйиб-тўйиб боқ,
 Не бўлар, билмайман, эртадан кейин?

* * *

Ердан бош кўтардинг, энди сихатсан,
 Бу олам бекиёс, жуда мафтункор.
 Энди сўзларингни бўлади айтсанг,
 Албатга, ўргилиб кучади баҳор.

Сенга мўъжизадир ҳар тўртта томон,
 Ҳаёт уммонида тақдиринг қалқир.
 Мовий денгиз каби мавжланар осмон,
 Унда сузаверар қуёш ҳам балқиб.

Шамоллар шошилиб ўтар ёнингдан,
 Булутлар кўпириб тушолмас пастга.
 Сен яшнаб кетасан кўрган кунингдан,
 Митти гулчаларинг қалбга туташса.

Сокин шивирлашу жилғалар сози
 Ноз қилмай сеҳрлаб киради тилга.
 Қочиб бораверар қўйлакчан ёзи,
 Бир куни сен сари тушади йўлга.

Қадимий қўшиқнинг тинмас оҳанги,
 Орқалаб келгани кунлар ботгайдир.
 Яшашнинг ажойиб эртаги тонги,
 Субҳидам сочингни ўпиб ўтгайдир.

Энтикиб асаддан сунбула тинар,
 Келбатинг ўзини тутар ўзгача.
 Ҳар фурсат – бебаҳо тунда билинар,
 Сен ҳориб қолмасанг бўлди кузгача.

Олтиндай товланиб борлиқ жилмаяр,
 Уфқнинг лабида офтоб бўсаси.
 Қиш ўтиб қайтадан кўклам сеп ёяр,
 Бошланар дунёнинг янги қиссаси.





Асад ДИЛМУРОД

ЗАРРАДАГИ ОЛАМ

Роман¹

Саккизинчи сайр

Аваз умид узган эмас: сочлари сунбулу дудоклари олуваш Зилола васли охири иншооллох, тоабад ўзига буюради, шунда ҳар куни ва туни ҳақиқий байрам шукуҳига бурканади. Сўнг *жозиб косаси аксидан ҳидоят нурларини таратадиган муаззам қуёш*² олқишини эшитади ва ниҳоят Шифо дарёси ўзанидан мавжланиб оқадиган мусаффо сутдан бахраманд бўлиб, тақдирига чексиз шукрона айта-айта, ёруғ дунёдан қониқиб ўтади.

Лекин ҳозирча муҳаббати қил устида ва висол майига ақл бовар қилмас даражада беҳад ташна: надоматга тўла ҳасратли дамларда қалбига маҳзун арзи ҳол айлаб, инграна-инграна оху фиғон чекканда, Қурама чўли тугул, бепоён фалак токи ҳам оҳиста титрай-титрай, чириган арқоқдай ситилади ва тоб ташламай сабру қаноатга дадил суянсанг ҳижрон қулфатларини шаксиз енгасан дебон шивирлайди...

Уҳлолмай калласи ғовлаган ва қовоқлари кўпчиган Аваз навбатдаги тонгда тобора селдек тошаётган изтиробларини жиловлашу сал бўлса ҳам овуниш илинжида эди. Нақадар ҳайратомуз: Зилолани андак унутган заҳоти улуғ Шифо дарёсини кўмсаб энтикарди; таърифлаш қийин сирли зориқиш сезимларини чирмаб, дилига ажиб шарора бўлиб қуйиларди. Назарида ўша дарё ғойибона тарзда одамийлик асоси саналмиш эътиқод, тўғрилиқ, қатъият ва ҳалимлик ҳақида ибратли ҳикоятлар айтаётган ҳамда ана шу йўриқларни пухта ўзлаштиришга ундаётган эди, ажабки, олисда товланиб янграётган илоҳий овоз нимаси биландир Ниҳон овозидек ёқимли, ширадор ва жўшқин бўлиб, нақд юраги боғини мулоким тимдалар, онг-шуури ва сезимларини оҳанраболи ҳарорат билан озиқлантирар ҳамда мудраётган туйғуларини ларзон-ларзон қўзғаб юборар эди.

Аваз бир йўла ҳам Зилола ва ҳам Шифо дарёси дийдорига етишгандек энтиккан ҳамано жимирлаётган кенгликлар узра ажиб таҳлика, хавотир ва иштибоҳ уйғотувчи қуюқ чангу тўзон бодради ва ҳадемай шалдираб Олача карвони яқинлашди. Мақсадио маслаги ва борар манзили номаълум карвон бугун айрича салобат ва шиддат касб этганди, муҳими, шундоқ ҳам тигиз сафини юмалок ойнача тахлит кўзлари ўйноқлаган, буришиб қайрилган қалин лаблари гирдидан сарғимтир тусли сўлак оқаётган юзлаб қўтирлаган салт туя тўлдирган эди. Ёғланмаган қинғир-қийшиқ кўҳна ғилдираклари асабни бузиб ғичирлаётган бўм-бўш араваларни судраётган айғиру биялар ва хачиру эшаклар ҳамишагидек тажанг: тириклик устидан кулишга ишқибоз чархи кажни аёвсиз қарғаётгандек, узлуксиз асабий зорланиб кишнашар ва ханграшар эди...

Дафъатан фалакдан фармойиш бўлгандек, Олача карвони азалий ва абадий

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

² Алишер Навоий.

ташвишлари оғушида оҳиста тўлғаниб мудраётган Айригум жарини мўлжаллаб шошилди. Ўрқачлари йиринглаб йилтираётган салт туялар эса бўғилиб, ўкира-ўкира ногоҳ кўрқувга тушиб сергакланган Қаноат боғи томон бурилишди, ланг очиқ ёғоч дарвозадан ёпирилиб киришгач, сирлашаётган турфа гулларни тепкилай кетишди. Гоҳо биз ялқовлар қавмидан маъносида дағдағали пишқиришар, таналарига шунчаки улаб қўйилгандек туюладиган чўммоқ думларини силкитишар, оқем тошган тумшуклари ва елкаларини ёппасига титраётган дарахт таналарига суйкашар, дувуллаб тўкилган сархил мевалар ҳамда қирсиллаб синган новдаларни ўзаро қизғана-қизғана ютоқиб ғажишар эди.

Хабар бер, худойим,
 шуҳрати етти иқлимга ёйилган
 Қаноат боғи наҳот қаровсиз қолмиш?!
 Салт туялар мақсади нима:
 сўлим гўшани пайҳон қилишми?
 Ахир, ҳар битта ниҳолни
 чексиз машаққат чекиб ва не-не умидда қадаган
 ва меҳрларини тўка-тўка авайлаб ўстирган
 Мажид гушна ва шериклари қайда?
 Фаройиб мулк файзига файз кўшган
 диловар товуслару жайронлар нечун дараксиз?!
 Беозор тилла балиқчалар
 сарҳовузни ташлаб кетишдими?!

Бебошу бекорчи салт туялар қилмишини дажжол тажовузига қиёслаган Аваз шундай мулоҳаза юритди, кўксини ёргудек ҳолда безовта потирлаб тепаётган юраги эса ғамгин ингради. Ҳатто бутун Қурама чўли ва унинг серажин манглайига боқийлик муҳрини босган ушоқ қумдан тортиб то улкан қоялару барханларга қадар айрича ранжиб қарғанди. Гўё жафокаш чўлистон ўзида ўлишу ўзида тирилиш жараёни учун хос турфа жумбоққа тўла яна бир муҳим фавқулодий босқични бошдан кечираётган эди. Фақат бу сиру савдо моҳияти миқёсини ҳар ким теран илғаши, етарлича изоҳлаши ва тушуниши амри маҳол...

Таажжубга на ҳожат: қадамда ўзаро қоришиб, бир-бирини инкор этиб урчидиган, бир ўринда қаҳру ғазабни буткул жунбишга солиб, бошқа жойда аччиқдан чучукни тузукроқ ажратишда аскотадиган зиддиятлар аслида чинакам заруратдир. Мудом улар адолату жаҳолат ўртасида воситачилик ва ҳакамлик қилишиб, тириклик асослари ва йўриқларини бутун чоралар билан ардоқлаш ва асрашга чақиришади. Шодиёна ёки қайғу-ҳасрат кунларида ўша зарурат самарали ёки самарасиз фаолият кўрсатиб, ҳаётий мувозанат тикланиши ёки бузилиши учун йўл очади. Натижада кўпинча мувозанат пўлатдай тобланиш ўрнига ёғоч мисоли мўртлашади: барча яхшию ёмон маслак, ақида ва тушунчалар қаторида, муҳаббат қадру қиммати, завқу шавқи ва латофатида таназзул бошланади ва якун – дилларни тоабат ўртовчи аччиқ айрилиқ...

Аваз тумтароқ ўйларини ягона нуқтада жамлаш учун уринаётганда салт туялар жўрлашиб ўкиришди ва Қаноат боғи дарвозаси ёнида қўнқайган шинам уйнинг майда нақш зарбланган эшиги шарақлаб очилди. Ичкаридан ним қизил ирғай гаврон ушлаган, оқимтир бўз яктак кийган ва қийиқча танғиган яссибурун киши баралла ҳай-ҳайлаб ўқдек отила чикди. Хамирдек кўпчиган важоҳатида азалдан кўҳна дунё тиргаги аканг қарағай деган энсани қотирувчи ясама ғурур шоён бўлиб, оёқлари остида елкаси ва бўйни буришган оқсоқ сариқ чаён ўралашаётган эди. Анчайин семириб, ўзини ўнглаган гажакдум теваракка мошсимон ғилай кўзларини таҳдидли

чакнатиб боқар, баъзан ўмганини кўтариб илдам йўрғалар ва шу баҳона гўё тиши кавагида тирикликни бутунлай кийратиш учун еттулик оғу йиғиб қўйганини ифодалар эди. Улкан тошбақадан кейин Қаноат боғида яшаётган юзлаб ва эҳтимол минглаб беозор жониворни аллақачон хуфия асфаласофин сари жўнатишга улгурганди ва бу мусибат Ниҳон тарафидан Курама чўли хотира дафтарида қайд этилган...

Аваз гўё ашаддий имон кушандаси саналган, дилларни майиб қилишни хушлайдиган ва ўрнида қонхўр жаллод ниқобини киядиган арзанда иблис боласини учратганди. Хаёлида қийнала-қийнала бемаврид узилган улкан тошбақа гавдалангач, қўш табақали дарвоза олдида кимдир унутиб қолдирган ойболта ёрдамида ярамасни аямай бурдалаб ташлашни чўтлади. Агар мазкур нияти амалга ошса, жуда муҳим армони ушалиши, яъни Қаноат боғи ва бутун Курама чўлида мангу дахлсиз осудалик ҳамда роҳату фароғат қарор топиши муқаррарга ўхшар эди.

– Их-хи, ҳадеб хўпиқиб жилпанглама, хўв, баттарин! Нима, пишириб қўйиптими валломат хожа мулкида сенга? – Эгасиз салт туялар чўлистон ичкарасига тумтурақай сочилиб кетишгач, яссибурун еб қўйгудек ўқрайганча Аваз қўлидан ойболтани тортиб олди. – Агар туёғингни шиқиллатмасанг итларга талатаман!..

– Мажид амакида зарил ишим бор! – Яссибурун сигири ҳаром ўлгандай кўрсларча муомала қилган ва сариқ чаён тирик қолаётган бўлса ҳам Аваз юмшатиб жавоб қайтарди. – Алдасам ёрилиб ўлай: ёнимга кеб тургин деб ўзи тайинлаган!..

– Апус ва яна апус, ғофили гўр экансан-ку! Ҳе-хе, энағарни оптоби аллақачон ботган! Худо қарғаган шериклари билан бирга битлаб ва каналаб ётипти ҳибсда! Эрта ёки индин албатта кесак тишлашади! Майли, хоҳласанг видолаш, дийдор маҳшарда қолмасин, мишиқи!..

Яссибурун кажаводай дўмпайган қорнини аста ушлаб, йўғон гавдасини илкис орқага ташлаб, мағрурона ихранар экан, типирчилаб шишинган гажақдум онасидан ажралиб тентираётган дуркун бузоқ почасига абжирона тиш ботирди. Қиронга учрагурни яссибурун танлаган касбу корингга доим беш кетаман дебон келиштириб олқишлагач, тирноғи кўқарган кўрсаткич бармоғини бигиз қилди-да, яхшилигимни ҳечам унутмайсан маъносида Аваз кўксига тиради; олисдан бемалол кўринаётган баҳайбат кўнғир бархан сари шошилиш асноси Мажид гушна ва Халил пурча ўртасида кўп йил ҳукм сурган ва ниҳоят тангри таоло иродасига биноан қирқилган нифоқ илдизи жуда чуқур эканини қувларча баён қила кетди.

Чиндан ҳам Мажид гушна минг уйли Тегана кишлоғи соябони ўзим дебон мақтанадиган ва хотин олишу қўйиш бобида бурунги хону беклардан ўзган ва ёлғиз чироқёқари Халил пурчани папалаб ўстирган Розик қиморбоз билан беқиёс даражада қирпичоқ эди. Ушлаган жойини шартта кесмаса қўймас Розик қиморбоз бўш келишни истамай, нуфузли бир давра тўрида бемалол кўр тўкиб, бировларга тегишли ҳалол молу мулкни зўравонларча тортволиб ҳаром қиладиган гумроҳларни сазойи ёки тошбўрон қилиш савоби азим экани ҳақида ўзини қўйвориб вайсади-ю, ўртада мавжуд низою нифоқ баггар кучайди. Миш-миш устаси қовоқари оқизмай-томизмай етказган ўткир кесагик Мажид гушна бовурини тигдай аччиқ-аччиқ қиймалагани тезда ойдинлашди. Бир шанбада у ҳовурини босолмай бўғилиб, молдай бўкиб шароб ичди-ю, жони танига сиғмас думкашаклари билан Розик қиморбоз ҳовлисини таппа босди. Ярим кеча бўлгани сабабли бемалол пишиллаганча тўнтарилиб ухлаётган рақибини турткилаб уйғотди-да, сен ҳажикизни тавбангга таянтириб чирқиратмасам ва ёруғ дунёдан изингни йўқотмасам отимни бошқа қўяман қабилда томоқ йиртиб шовқин солди ва роса ўлмичи қилиб дўппослади. Вужуди ва руҳини сим-сим ўртаётган аламга мойил хумор андак тийилгач, тинмай басма-бас акиллаб хураётган бўрибосар итларни чавақлаб ер тиш-

латди, ҳамроҳлари иштирокида уйни узоқ эринмай тинтиб, тилла-кумуш танга ва зебу зийнат жойланган нақшинкор сандиқчани ўмариб кетди.

Филдай бақувват Мажид гушна тепкилари Розик қиморбоз жигарини лойдек эзиб ийлаганидан ташқари умуртқа поғонасини майиштирган ва бир неча қовурғасини чўрт синдирган эди. Узоқ чўзилган муолажадан сира наф топмай, бир алами минг бўлиб кийналди, узилар чоғида вассажуфт шифтга мунгли термилиб, аллақачон суяги қотиб учоворага қўшилган Халил пурчани титраб-қақшаб халалади, агар тезда қойиллатиб ўчини олмаса қоронғи гўрида тикка туришини хўрсиниб айта-айта шилпиқланиб хиралашган кўзларидан милтир-милтир қайноқ ёш оқизди.

Тегана қишлоғида илиги тўқ ориятбоз ўғил сифатида танилган Халил пурча Розик қиморбоз васиятини хотирласа яраланган қошлон каби кўкка сапчирди ва ўша воқеа баҳона бағрида илдилаб бўртган жароҳат мутгасил сим-сим оғриб, изғирин ялагандай баттар газаклайверди. Қалтис васиятни бажариш истаги оромини ўғирлаб, тиш қайраб юрганда Мажид гушна дафъатан ҳақ сари юз бурди-ю, мушқули осонлашди. Агар дами баланд ўғрибоши ҳаргиз худосини танимай, босару тусарини уввало билмай эркин юраверса, қиличи тоғу тошни қуйруқдек бемалол кесаверса ва соясига таниқли зотлар қўркув ҳамда ҳурмат юзасидан кўрпача тўшайверса, омад бу қадар кулиб боқиши даргумон эди...

Вақти-соати етиб Тегана қишлоғи етакчиси бўлган Халил пурча ҳалим каби юмшаб қолган Мажид гушна олдига бир вақтлар аёвсиз саваланган ва оқибатда бемаврид охират сафарини ихтиёр қилган падари номидан қатъий талаб қўйди. Ана шунга кўра, Мажид гушна умр бўйи фириб орқали тўшлаган жами бисотини қўшқўллаб топшириши лозим эди. Аммо кулгиси қистаган собиқ ўғрибоши бойлиги бир қисмини егиму есир, беваю бечора, қашшоғу бетоб, дарвешу гадога улашгани, қолганини боғ-роғ яратиш, қишлоқ учун ғиштин мактаб ва асов сойга темир-бетон кўприк қуриш учун сарфлаганини бафуржа таъкидлаб, учига чиққан мирқуруқ қиёфасида икки оёғини нақд бир этикка тикволди. Натижада баттар қаҳру ғазабга минган сардор у яшайдиган данғиллама чўпқори уйни ёндирди ва кулини кўкка совурди, жонидан ортиқ севган беш болали хотинини қутурган буқадек қайранглаб булгагач, сидирға ҳосилга кирган Қаноат боғини номига хатлатди. Кўпинча бутун умрини иснод ва кибр оғушида кечирган, ғурурию ориятдан айрилган, нафрат ва қарғишга учраган нобакор банда беҳисоб давлатини шу гўшада эҳтиётлаб кўмиб қўйганини тахминлаб хитланар эди...

– Дунёйи кўтирда анвойи ўйин жа-а бисёр: агар Мажид гушна молу дунёсини топширмай қурумсоқлик қилса аҳволига маймунлар йиғлагай ва куни битиб жанозаси ўқилгай!..

Шамолвой билан қовоқари гужум, терак ва шумтоллар оралиғида масала талашаётган паллада яссибурун ирғай гавронини дўлғай-дўлғай янаям бийрон бўлиб кетди. Сал илгари кўкнори солинган чилим наядисини мириқиб сўрган эмасми, чағир кўзлари соққаси йилтираб, чатанига сўна ёпишган чўғирдай лўкиллар, қитиғи келгандек пихиллаб кулар ва кизғимтир бармоқлари билан жун босган кўксини қитирлатиб тирнар эди. Ҳақиқий эҳром сингари юксак тим қора барханга ёндошгунча ичида борини қатра қолдирмай тўкиб улгурди ва охирида қачондир Заранг дароз Мажид гушна таклифини менсимагани ҳамда Қаноат боғига эгалик қилишни истамагани Халил пурча узил-кесил зафар қозонишида бинойидек асқотганини тағин бир марта минғирлаб уқдирди...

Аваз наздида шамолвой хуштак чала-чала тўзғитиб ўтаётган беҳад улкан бархан хомушланиб қовоқ уйганидан ташқари аллатовур хижолат ҳам чекаётган эди. Биқинида тикрайган етгита йўнилмаган йўғон терак хомага чирмаб боғланган ва

ихтиёрларини аллақачон ноумидлик илкига топширган Мажид гушна билан шерикларини кўргандан кейин ажиб ҳол сабабини бир қадар тушунди. Рўпарасида ихтилоф ва ҳасад суврати бўйлагандек анқайиб мўлтирар, кўҳна дунё нечун бу қадар тайинсизу нобакор, адолат ва ҳиммат тоқайгача етимлик азобини тортгай маъносида тиш гичирлатар ва ғовлаб ўсган қалин сочларини чангаллар эди. Охири ҳеч қандай мезонни менсимай кўйган Халил пурчани лаънатлагач, бир бошга бир ўлим барибир муқаррар деган ўйда шерланиб олға юрди, говрон ўқталиб йўлини тўсган ва ўзи учун ношудларча қабр қазийганини афсусланиб таъкидлаётган гумаштани бир силтаб чиллакдай учириб юборди-ю, оёқлари остига шоша-пиша япалоқ кунда ўрнатиб, қарийб хушидан айрилган маҳкумларни амаллаб бирин-сирин бўшатди.

– Шўргинанг қуриди, товукмия!..

Алал-оқибат ҳеч бир рисолада йўқ мудҳиш ҳибсдан қутулиб, мулойим овозда Курони Каримдан дуо ўқий бошлаган еттовлон ўрнини энди ўзи эгаллайдиган, даҳшатли дўзахий шароитда нотавонларча ёлғиз чўллаб ва очқаб ўладиган каби, яссибурун баттар чўчонглади. Ҳаял орасида чўяндек чўйқалган афту башарасидан ҳам, шишинқираб оғзига сиғмаётган тилидан ҳам қаҳр томар ва чағир кўзлари ғилайлашиб пихиллар эди. Бутун эрталаб худо қарғгани учун чап ёни билан турганини бўғилиб таъкидлагач, ақлу хушини йўқотганча бетоқат титраниб, ризку насибасини қияётган ва ширин ҳаётини жиддий кўргиликка мубтало этаётган номард ва жафокаш тақдир шаънига беадад маломат ёғдирди...

Қалб амрига бўйсунган ва қалтис юмушга чўчимай қўл урган Аваз эса ўткир май ичган кимсадек сархушу сармаст эди. Анча хотиржам тортиб қувонаётган биродарларни зимдан кузатаркан, руҳан аллатовур юксалди ва чироқ ёқилгандек кўнгли ёришди; фавқулодий тантилиги самарасини кун сайин ўжарлиги ортаётган Зилола кўриб қойил қолишини истарди. Шаффоф чехраси янада тиниклашиб нафислашган Ниҳондан олқиш эшитгандан кейин янада тетиклашиб, энли бетини қировлаган қалин соқол қоплаган Мажид гушнани саволга тутди ва бутун вужуди қулоққа айланди.

Қарийб ҳафта мобайнида мислсиз дўзах азобига йўлиққан Мажид гушна ҳамроҳлари сингари тангрини ёдлаб, сабру бардоши ва дил ройига суяниб жон сақлаганди. Барча тириклик неъматидан тамомила тортилгани ва ҳар тарафлама ториқиб эзилгани боис тўқсон яшар касалманд чолдек қолдан тойган, озиб-тўзган ва сабр косаси тўлган эди. Холис ниятли жасур йигитга эҳтироми янада кучайиб, ногоҳ Халил пурча талабини эслагач, шундоқ ҳам қийма-қийма дийдаси баттар чокланди. Ахир, пихини ёрган зангарга бутун жамғармасини охирги мирисигача меҳрибон худо йўлига садақа қилганини неча марта майдалаб тушунтирди, ҳатто бир қанча инсофли гувоҳларни пеш айлади, афсуски, муттаҳам ўламан саттор барча гапинг ўтрик дебон жисму жонини чиғирикқа солишдан тийилмади. Агар бурунги тийиқсиз ёввойи шашти сўнмаганда аллақачон бошини сапчадай шартга узган ва аста ёнига қўндирган бўлар эди.

Мажид гушна уйку босгандек паришон эснаганча хаёлан ҳарому хариш даромад мазасини татий-татий қувнаб давру даврон сурган қора кунларига шўнғиди. Водариф, аслида ўшанда яйрагани йўқ, аксинча, қаттол нафс қули бўлиб, ўзига зулм қилди ва заковати ўрнини зулмат эгаллади. Ва шу боис Заранг дароз катта имтиёз берувчи таклифларини тишларини гизлаб рад этганда нақадар ажабланди, ахир, Қаноат боғини қаровига олишни истамаган ўша чол ҳаргиз эски касбу кори орқали кун кечирмоқда...

Мажид гушна ҳаёт синовларини энгиш осон эмаслигини оғир хўрсиниб эътироф айлагач, Аваз узатган мешдан уч-тўрт култум илимсиқ кимиз ичди ва пича

қувватланди, ўтинчи чол бўй-бастини тасаввурида тагин ҳам аниқроқ жонлан-тириб, тақир ерга тиззалади-ю, кўнғирга мойил юмалоқ кўзларини чақнатганча серпай қўлларини фалак сари чўзди...

– Эй сарвари олам, биз гумроҳлар ношудлик қилиб, узоқ вақт дахлсиз интизомингни бузганимиздан воқифсан. Бир сўзли содиқ қулинг Заранг чол амалини кўриб, гуноҳимиз нималигини борича англадик. Қон йиғлаб, афу тилаб сендек карами кенг зотга кечаю кундуз тинмай юкундик. Кечирганинг рост бўлса, мурувватингни яна дариг тутмай, бизни ичида иблис яширинган ва ўша разил махлуқ маслаги ҳисобига сувдаги балиқдай семирадиган Халил пурча човутидан кутқаз, жилла курса назаридан йироқлатгин!..

– Бизни халос айла, қодир эгам!

– Шафоатингни илоё қизғанмагин!

– Тингла арзимизни, улуғ соябонимиз!..

Юраги ситила-ситила ажабтовур орзиқаётган Аваз назарида еттовлон дафъатан кучу қувват ва ғайрату шижоатга энди, рафторлари сайқал топган олмосдай ярақлаб, дийдаларида ҳайратомуз ғалаён кўзгалди; аллатовур ўктам овозларида жам оҳанрабо улкан бархан оша бутун Курама чўлини сеҳрлай бошлади. Муаззам сахро айрича энтикиб титранган ҳамоно тириклик ва имон ғаними бўлмиш нафс балосини жиловлашга эришган, яъни кўҳна дунё бору йўғига тоабат этак силкиган елвагай дарвеш қиёфасини олишди, руҳларини қамраган шиддатли бўронларни нигоҳлари орқали укдиришгач, дафъатан жазавали йўсинда зикр туша кетишди. Ногоҳ шунда яхшию ёмон ва аччиғу чучук билан тақдирдош мушфиқ юраклари, ҳатто жами ҳужайраларидан тортиб то мўйларига қадар, шафоатли ва меҳрпарвар қодир зотнинг муборак номини тутиб наъра тортишди. Ўзаро аҳил жисму жонлари ва кўзлари қаъридан мусаффо шуъла тахлит узлуксиз сизиб чиқаётган илтижо баралла жўшиб жаранглар ва сокин ҳавони тебрата-тебрата хайрли ният ва амаллар хислатидан огоҳ қилар эди.

Бутун борлиқни оқ чодир мисоли қоплаган сукунат ўзини йўқотган ва ниҳоят қайта топган имон нидоси зарбига бардош беролмай охири чоку чокидан сўкилди. Баралла янграётган тавалло аста-секин умиду ишончга йўғрилиб, артилган ложувард шишадек ялтираётган мовий осмон жимирлаб энкайди-да, сигир елинидек тўлишган сийнасида замирида афсунли илоҳий мужда жамланган ларзон-ларзон ёмғир ёғдирди. Жилловсиз тошқинга ўхшаш ёмғир шовуши карами кенг тангри таоло алоҳида қобилият, нозик дид ва назокат ила яратган мусиқий таронадек ёкимли ва ҳатто тош дийдаларни ҳам мумдек эритгудек тароватли эди. Ҳадемай олис ўлчамларда тизилганча осуда жимирлаётган сайёралардан қувват юктириб ва жозиба ўзлаштириб янада фусункор бўлгач, жавохирот каби нафис товлана-товлана, Курама чўли қаторида бутун курраи арз белига кўз қамаштирувчи рангин камалак белбоғ боғлади ва ҳар бир қарични жаннат чаманзори учун хос илоҳий кўркамлик ихтиёрига топширди.

Энди Аваз яққол сездики, бевосита арши аъло салтанатидан узлуксиз шовуллаб тўкилаётган оппоқ ёмғир адолатни суяйдиган эзгулик ниҳолларини ардоқлаб ўстириш ва жаҳолат тарафбардори саналмиш шумғия алафларни томирига кўшиб қуритиш иштиёкида эди. Хайрли мақсадини янада қатъий бажариш истагида ҳануз толиқмай илдам-илдам зикр тушаётган дарвешларни айрича ийиб сийлади, бутун борлиқни рутубат ва чангу ғубордан беминнат поклагани каби, улар дилини қачондир чирмовуқдай ўраган ва эътиқодларига раҳна солган мудҳиш қиру доғлар, фатосу асоратлар ва ғубору куйқаларни оҳиста шивалаб ювди, ботинида мужассам илоҳий муждани иссиқ нафаси орқали кўнғиллари, шуурлари

ва сезимлари қатларига боқийлик малҳамидай авайлаб жойлади. Натижада аллатовур энтиқишиб, ҳар бир гардида минглаб мўъжиза пинҳон бўлган ва ҳар бир унсури ҳайратомуз кашфиётдан иборат афсун оламига кўчишди ва узоқ муддат босқонда чўғланган темир парчалари янглиғ ёнма-ён думалаб қолишди...

Аваз ўзини хону кўланкасини майдон ҳисоблайдиган Халил пурча манфагини менсимамай иш тутгани, қуюшқондан чиқиб шаккоклик қилгани учун қаттол жазога тортилишини ўйлаб истехзоли илжаяр экан, ғойибда ногоҳ кўҳна дунёда бариси ўткинчи деган сирли овоз янгради ва арши аъло нафасини уфураётган ёмғир секинлаб тинди. Энди чиройи ёришган улкан бархан Қурама чўли ҳаётида алоҳида мавқеи борлигини таъкидлаган кўйи мағрурона ҳайбат тўкаётганди. Бархан атрофини ўраган барча нарса жойида қимирламай турарди. Ғаразли мақсад учун қарийб ярим белигача кўмилган узун ходалар аввалгидек жимгина зинграйганди, фақат ўша ходалар олдида ҳалигина телбавор зикр тушиб ибодат қилган ва охири ёнма-ён чўзилиб қолган ҳамда боқишларида умидворлик ва ноумидлик аксланган еттовлон бедарак эди, ажабки, улар ўрнини юмшоқ патлари товланувчан, нигоҳлари тошни тешгудек ўткир, қайрилма тумшуклари шижоатга тўлгин гавдаларига уйғун дурқун қийғирлар эгаллаганди; ҳар бири суврати ва сийрати мудом илоҳий кашфиётлар изидан кувадиган ғайб илму амали учун хос ҳайратомуз зиё оғушида экани англашилари эди.

Аваз гангиган кўйи Ниҳондан фавқулудда ҳодисани изоҳлаб беришни сўраган фурсатда қийғирлар ўзаро ахилона суйканишаётган, тангри таоло шаънига чуғурлашиб ҳамду сано ўқишаётган ва ҳаргиз тикрайган ходаларни қарғашаётган эди. Бирови текис қум супада шодон йўргалаб ва қанотларини кенг ёзиб оҳиста сайради. Хиёл кўнғир силлиқ бўйнига бир нечта бежирим садаф ва дур қадалган анча қалин учбурчак тумор осилгани боис у алоҳида салобат касб этганди. Яшил бахмал жилдди мазкур туморни на ит ва на бит қайрилиб қарамас жанда чопонга ўралган, оғир ўтин елкалаган ҳолда завку шавққа чулғаниб қўшиқ хиргойи қиладиган Заранг дарозни тасодифан учратган ва уни ёқтириб қолган Мажид гушна талаби бўйича мулла Холик Ихлос сураси оятларидан фойдаланиб тайёрлаганди. Сўнг у Қурама чўлини аёвсиз қақшапган ўша қаҳри қаттиқ гуноҳкор банда ҳадемай қалбига чинакам эътиқод гавҳарини жойлаши, диёнат ҳазинасини Оллоҳ фарзи ва суннатлари воситасида бойитиб, консираган жаҳолат шамширидан воз кечиши, мудом захмат чекишу ҳалол тер тўқишга ундайдиган хокисорлик яроғи саналган ва қадимда фидойи аждодлар эъзозлаган кетмонга боғланиб яшай бошлашини башорат қилган эди...

Тўққизинчи сайр

Ғаройиб мўъжиза, тангри иродасига кўра, доим муқим ғайб қоидалари ва Қурама чўли ҳаёт тарзини белгиловчи ўзида ўлиш ва ўзида тирилиш зарурати доирасида амалга ошгани боис янада қизиқарли, ҳайратомуз ва эътиборга лойиқ эди. Атиги биргина эҳтиётсизлик туфайли жаннатдан тоабат қувилган Одам Ота ва Момо Ҳаво замонидан бери Қурама чўлида кечган сирли воқеа ва ҳангомалар саноғига етиш мушкул, лекин бунақаси жуда сийрак учрайди...

Ниҳон эътирофича,
аслида айни шу иш
олам яралган пайтдаёқ
Мажид гушна ва шериклари
чекига иншо этилган...
Ўша азалий битик,

Тангри иродаси ва Аваз аралашувига биноан,
дафъатан ижро бўлди ва
бу якун Курама чўли қисмати билан уйқаш...

Нақадар хайратга молик: муқаррар ажалга маҳкум этувчи ҳибсдан соғу саломат кутулган ва эътиқод рукнига янада ишончи ортган собиқ етти ўғри шижоатга тўлгин етти қийғир қиёфасида фазо сари дадил қанот қоққани хусусида қушлар жўшиб лапару алёр айтишди. Тонг арафасида хасу хашак ва лойдан ясалган уясини ғайрати тошиб тарк этган ковоқари чор тарафга сира эринмай ғийбат ташиди. Ажиб муждани тинглай-тинглай ёшу қари бармоқ тишлаб анқайди, бўзлоқда қилпоча чавқар бедови Қарчиғайни совутганча тезроқ Зилола кучоғига киришни ўйлаб энтикаётган Халил пурча чексиз аламга кўмилди.

Аслида Халил пурча жами бисотини ўғирлаган ёки хону мони куйган кимсадай ақлдан озаёзганди, ахир, қачондан бери ўзини гўликка солиб дум бураётган Мажид гушна қайгадир яшириб қўйган хазинани ундирмоқчи ва белини янада бақувват қилмоқчи эди-да, аттанги, энди таҳсинга сазовор ўша режаси бузилган кўринади, янада аламлиси, бу борада аллақачон Зилолага оғзидан гуллаб қўйган...

Халил пурча беҳад талгайган зумраша Аваз пиллигини пасайтириш ва ўзагини узиш истагида қасам ичиб ва чух-чухлаб Қарчиғай жиловини силтаганда етти қийғир ҳув олис уфқ ортига шарт кесилган бошга ўхшаб қизариб ботаётган³ кўёш ёғдуларига чўмилганча минглаб чақиримни забт айлаганди. Қалбини хурлик нақадар тотли деган тушунча қамраган Аваз юлдузлар сари тезкор суръатда ўзи учаётгандек орзиқаётган, хаёлан Зилолага бунақаси доим рўй бермаслигини уқтираётган ва Шифо дарёси дийдорини кўмсаётган эди. Тагин Курама чўлини зилдек сукунат қамраб, соялар анча чўзилиб қолгач, тупроғи билкиллаб ўйнаган сўкмоқ орқали баҳор тошқини дабдала қилиб ўйган тиканзорга бурилди; хануз шуурида бояги мўъжиза тафсилотлари шамолвой учирган хазон янглиғ чирпирак бўлиб айланар ва қайта-қайта оромини ўғирлар эди.

Кўп қизик,
мабодо вазият тақозо этиб,
илоҳий хурликни соғиниб қолса,
Аваз ўзи мурувватли худодан
қайси қуш қиёфасига киришни тиларди?!
Ким билсин,
балки қошлон ёки арслон,
балки кийик ёки Ниҳон эгизаги бўлиш
истагида даъвогарлик қилармиди?!

Аваз бугундан хур қийғирларга кўнглидан муносиб жой бериши қарзу фарз эканини чамалаб ғурур тўйди ва илкис нигоҳи тиканзор четидаги бир тутам қовжираган хашақда маъюсона шалвираб ётган қора-қўнғир патли қари бургут нигоҳи билан тўқнашди. Кўҳна дунёни балки юз ва балки минг йил бемалол қувнаб кезган ва охири надомат манзилига етган бургут бирон нажоткорга интиқ бетобга ўхшарди. Беихтиёр саросар тўхтаб орзиқаётган навқирон йўловчига мен бечорани тузатгин маъносида мўлтираб қаради, сўнг оғир дардига сира даво йўқлигини чуқурроқ англади чамаси, афсус оҳангида заифона қийиллаб қўйди.

- Орзуинг йўлдошинг бўлсин, эр йигит!
- Бугун юрагимда чўғ ўрнида қатрон муз!
- Ғариб дунёда умрдан кўра қадр қиммат!
- Ҳе-ей, жуфти ҳалолим қўйнида ўлсайдим!..

³ Усмон Носир.

Оғирсиниб маъюсона арзи ҳол қилаётган қари бургут ёшлик даврида омадан сира қисилмай ва ғаму ғуссадан холи яйраб яшагани, ашаддий ғанимларини ҳамиша қон қақшатиб мағрурлангани, энди эса чумолидан ҳам қўрқиши ва ҳатто қимирлагани сира мажоли йўқлигини пайқаган Аваз сукут сақлашдан бошқасига ярамади. Эрта барча жонзот қатори ўзи ҳам шундай ночорлик домига илинади, хусусан, Заранг дароз аллақачон илинган ва лекин сир бой бермай чиранади, ишқилиб жумлаи олам эгаси бағри яра шу чолга тўзим ва саломат имон берсин...

Худди шу пайт букри кир ортида Қарчиғай мастона кишнади ва Аваз ҳаёл торлари узилиб сергакланди. Дўнграйган сағриси мой суртилгандай йилтираб, бўлик ёли елпинаётган Қарчиғай эгариди тирноғидан тортиб то ҳар бир тукигача қаҳру ғазабга дўнган Халил пурча чўғ уюмида ўтиргандек бетоқат қўр тўкканди. Туёқларидан ўт сачратиб елаётган тулпорни тинмай кучаниб ниқтар, анча йўғон ўрма камчиси билан савалар ва имилламай ўлгур маъносида ишқирар эди. Тугмасимон кўзлари хонасидан паққос отилиб чиқар даражада кенгайиб, аллатовур кўпчиган этли ёноклари, томирлари ўқлоғидай бўртган бўйни ва қуруқшаган дўрдоқ лаблари ёввойи йўнғича тахлит кўқарган эди. Қалта энгли оч пушти кўйлак, шу рангдаги тор шим ва тумшуги узун локланган оппоқ туфли салобатига салобат кўшганди. Кумуш тўғали қизғиш чарм камарида қилдай нозик заррин ипак ипдан мўъжаз хумга ўхшатиб моҳирона тўқилган ва сиртига майда баргсимон нақш зарбланган бежирим қопчиқ осилганди.

Кўҳна дунё маҳримга тушган дейишдан тоймайдиган Халил пурча ҳар кимда айрича қизиқиш ва шубҳа қўзғайдиган заррин қопчиқни негадир иложи борича белидан сира жилдирмайди; ҳатто кечалари ёнида жойлаб ёки ёстиғи остига бос-тириб ухлайди. Қулай пайт топилган заҳоти уни оғзидан бол томганча узоқ-узоқ эринмай мақтайди, баъзан миясида мискин жон олғир жондан қачон ўзибди тарзидаги ажиб мулоҳаза ғивирлаб, кўкси ғалати қалқинади; сўнг афсун бўлиб ақлу ҳушидан айрилгандек, ўпкасини босолмай масрурона чўчонлар ва шох ташлаб ирғишлар эди. Кўп ҳолларда негадир бехосдан хомушланар, сидирила бошлаган ичидан ғусса ва ҳасратга қоришиқ аччиқ ўкирик бодраб келар, мийиғида маҳзун табассум жилваланар ва кигиз тикандай қалта киприклари намланар эди.

Тахминан ўн етти ёшидан беданаю хўроз ва қўчқору кучук уриштириш ҳадисини пухта эгаллаб танилган ва айримлар назарга илмас шу қасбу қор туғайли ўзи тугул битигача семирган Халил пурча заррин қопчиқни чиндан ҳам еру қўкка ишонмасди. Мудом айни шу ҳамроҳини аллақайси тенгсиз ҳиммати ва яхши қилиғи эвазига муруватли тангри таоло қилган ноёб тортиққа қиёсларди: аслида уни, белига боғлаб эмас, кўкрак қафасида, яъни юраги ёнида эҳтиётлаб юрса маъқулу манзур эди. Баъзан умр бўйи оғиру энгилини бўлишган ва лекин изма-кетин уч қиз туғиб қуйдирган хотини Момогул ҳамда хурматини қозонган дўстларига мабодо у йўқолса шўри қисишини хавотирланиб айтарди. Энг муҳим масала бобида эса тили тагидан кел-силгандай жим: савилда арзигулик қандай нарса асраши, тилла-кумуш тангами ёки зебу зийнат, тумору рисолами ёки қатга бойлик беркитилган ертўла қалити, ҳалигача тамом қоронғи эди. Мабодо биров талмовсираб гап кавласа, арпаси хом ўрилгандек беихтиёр қовоқ уйиб, аста жуфтук ростларди ва шу боис эртаю кеч ақл бовар айла-мас ғийбату маломат қозони биқирлаб қайнаётгани шубҳасиз...

Қарчиғайни қичаб ҳайдаётган Халил пурча башарасига зимдан разм солган Аваз, баданида жунли қурт ўрмалагандек, дафъатан жунжикиб ижирганди ва кўзларидан чексиз қаҳру ғазаб сочди. Дангали, кўпдан буён азиз жони қасдига зимдан тиш қайраётган сардор ҳалиги қилмиши баҳона гарданига юклаётган айб аслида муносиб савоб, демак, беҳад оғир жазога йўлиқаётгани ғоят қулгили

ва шундай бўлса ҳам ҳатто зиғирча пушаймон чекиши ноўрин, акс ҳолда, етти иқлимга татигулик савоби моҳиятан қадрини йўқотади. Фақат энг сўнгги манзил саналмиш охират сари бир қанча аламу армон орқалаб кетаётгани, жумладан, Шифо дарёси дийдори ва Зилола висолига етолмай қолаётгани чексиз афсусга молик ҳолат эканини худодан қандай яширсин...

Илож қанча,
охирги дамда ҳам
Зилола ҳусни камоли ва
нозу карашмалари асиридир.
*Кошки ҳозир атиги бир нафас
ишқий шайдолик ичра
юзини эгнига суртиб.
илтижолар қила-қила
оёғига бошини қўйса⁴
ва шодланса!..*
Бағри тош малақдан
кўнгил узиш истагида урингани
беҳуда совурилди ҳавога...
Мана энди висол майи ўрнига
ажал майини нўш этажак!..

Айрича нурланаётган Ниҳон бу дунёда кўпинча савоб хор-зору увол азиз бўлишини чамалаётганда Халил пурча безовта кишнаётган Қарчиғайдан илдам сакради ва ажални мардона қаршилаш учун аҳду қарор қилган Аваз жағига мушт тиради. Вазият симдек таранг тортилгандан кейин Аваз қаҳру ғазаби қирғоғидан тошди, кўнглини турфа гумону иштибоҳ чулғаб, маҳзун мулоҳазалар исканжасида чийралди, ҳайҳот, таъби садарайҳон гулидай нозик Зилола наҳот субутида субут йўқ ва тутуруғи тутуриқдан маҳрум шу касга кўнгил боғлабди, ахир, ёруғ дунёда бағри тоза, нияти холис ва имони бутун йигит анқо уруғи эмас-ку, ёпирай, бунчалар дилу ниятини топтаб, оёқдан тойиши ва қадру қимматини ерга уриши учун андак арзигулик қандай асос бор экан?!

– Ҳо-ой, энаси байтал, мабодо падари бузрукворим Розик қиморбоз тирилиб келса-ю, хомлик қипти, бечорани кечира қол деб буюрса, песу мохов бўлайки, сираям бўйсунмас эдим!..

Чап ёноғи қийшиқланиб лип-лип учаётган ва ўқрайиб боқаётган Халил пурча Мажид гушна беркитган ёмби энди насиб этиши даргумон эканини чуқур туйиб ўшқирди ва айниқса Розик қиморбоз васиятини тўла бажаришга улгурмагани аламли туюлди. Натижада баттар жини кўзиб, ўрма қамчисини ишқириб дўлғай-дўлғай, Аваз баданини моматалок қилворди, ўлардай чарчаб шалвирагач, кўнғизнусха мўйловини ғижимлаб бурай-бурай наяки сўриб сузилаётган яссибурунни итдай гиж-гижлади: оғайни, ақлини ўзинг тузукроқ киритиб қўйгин!..

Ҳақиқий садоқат соҳиби эканини яққол исботлаш ва чинакам эҳтиром қозониш учун бинойидек имкон туғилганини яққол англаган яссибурун гердайган кўйи дарҳол энг шимарди. Ер тишлаб инграётган Авазни ўртадаги хомага оёқларини юқорилатиб боғлади-да, қийшанглаб бурнини жийирди ва шу баҳона сен бузукбош гумроҳ кадр ва иззатдан мосуво мискин табақа вакилисан демоқчи бўлди.

Қайноқ қони миясида чуқурга тўкилган қатрон мисоли ҳалқобланиб тўплана бошлаганини сезган Аваз хотиржам тарзда қалин киприкларини пирпиратди, камина мудом азроилни соғинувчи бандаи мўминман қабилида истехзоли илжаяр

⁴ Алишер Навоий.

экан, қўллари белига тираган Халил пурча омбур билан соғлом тиши суғуриб олингандай ихранди. Сўнг белидаги заррин қопчиқни тажанг алфозда черта-черта оқила ва сулув Зилола ҳақ қарор топганини эшитиб яйрашини пўнғиллаб таъкидлади, тўйимизга насибанг қўшилмагани эса чатоқ деб ёлғондакам афсуслангач, гижинглаб кишнаётган Қарчиғайни йўрттириб кетди.

Ажойиб мўъжиза ҳатто тушга кирмас аламангиз ҳодисага улангани барча тирик жон қатори қовоқарини бутунлай ларзага солди, инида сал-пал ҳовурини босгач, ғанимат вақтни бой бермай Қурама чўли бўйлаб илдам ғийбат тарқатди. Қутилмаган хабар янги ҳаёт бошлаган ва турли ўлчамлар сари интилаётган хур қийғирлар ҳаловатини бузди. Афсусга кўмилган қушлар ошиғич орқага қайтишган чоғда Ниҳон чексиз азоб исканжасида қийналиб узилаётган, аҳволимни кўриб қувон дея шивирлаб, дил кўзини лойқа босган ва лекин бу ҳолат нима эканидан ғофил Зилолага хаёлан муурожаат қилаётган Авазни овутомқда эди.

- Эй ўғлон, Оллоҳни ихлос ила ёдлагин!
- Англаки, жисминг эмас, кўнглинг кишанда!
- Гумондан аразлаб, ишонч этагини тутгил!
- Ишонч илоҳий каромат билан иттифоқдош!
- Муҳими, ҳақиқий нажот ўзингда!..
- Рухингни арши аълога элчи қилиб жўнат!..

Аваз фавқулудда муҳим тириклик мезонлари сеҳрини жамлаган ва ажиб кароматлар тизимидан иборат мазкур хитобларни Қурама чўли наъраси эканига имон ўгирди. Аслида эса улар, фақат сахро эмас, сиру синоатга тўла ғайб нидоси ҳам бўлиб, Ниҳон ва хур қийғирлар дилида туғилаётган ва зухурга кўчаётган хайрли ниятларга уйғун эди. Ҳадемай тагин ғойибда янграган юпатувчи сўзлар Аваз сезимларига малҳамдай босиларкан, ногоҳ рўпарада Зилола қад ростлади. Чалғитувчи рўё билан учрашиб турганини аниқ билса ҳам терисига сиғмай қувонди, аста-секин чўллаш, очлик хуружи ва қон тўпланган мияси санчиғини унутди-да, қандайдир илоҳий ўлчам сари кўчгандай енгил ҳаприқди.

- Ё раб, меҳрингни дариг тутмагин!
- Ўзимда мавжуд нажотни ўзимга қайтар!
- Кўнглим кишанга бегона!
- Тоабад кулингман, кодир эгам!..

Аваз карами кенг сахий парвардигорга юраги потирлаб ўтинган ҳамоно жисму жонини мислсиз қувват ва рағбат қамради, аниқроғи, борлиғи арши аъло ва жумлаи олам кучлари билан яқдилона қовушди, дилини таҳлика кўзғаб эзаётган надомат қатъий ишончга эврилиб, миясини чулғаган зулмат тумандек қайгадир чекинди. Ногоҳ шунда хаёлан жами имконини руҳи ва қувваи ҳофизаси ўртасига жойлаб, дангал майдон талаб қилган полвон каби шишинган эдики, кесак янглиғ карахт тортган оёғу қўллариини чирмаган бақувват елим чизимча тиг кесгандай бир неча бўлак бўлиб питради ва барисини шамолвой чор тарафга сочиб юборди.

- Хайрли онлар муборак!..

Туморли қийғир қавариб кўқарган билак, болдир ва сонларини оҳиста уқалаётган Аваз елкасига пириллаб қўнди ва тўқ пушти ўткир тумшугини чўзиб мулойим чуғурлади. Хаёли бот-бот Зилола сари оғаётган Аваз тунов кунни омади чопиб нияти ушалган Мажид гушна нафасини туйди ва тириклик ҳомийси тангрига беҳисоб шукрона айтди. Беҳад шодумон экани ошқора сезилаётган туморли қийғир нигоҳида каттаю кичик устидан мудом мағзава ағдаришни хушлайдиган ва бировлар кулфатини байрамдек нишонлашга одатланган Халил пурча қачондир шаксиз тавқу лаънатга учрайди тарзидаги маъно учқунламоқда эди...

Ўнинчи сайр

Карами кенг тангри таоло шоҳид: Халил пурча танлаган ва қарийб бир ҳафта чўзилган жазо мавсуми Аваз иродасини синаш баробарида қалбига кўмирдек қора доғ зарблади. Газаклаган ярадек сим-сим ачишиб азоблаётган ўша доғни тезроқ унутиш, ёдидан омонат деворий ёзувдек кўчириб ташлаш ва енгил тортиш учун койинар эди. Бироқ бариси чиппакка чиқди: ҳарчанд бепарво бўлиш учун тиришгани сайин шуури қатларида камарига заррин қопчиқ осилган Халил пурча, наяки сўравериб масикқан яссибурун, хижолат чекаётган эҳромсимон бархан, тақирга қоқилган нотекис терак ходалар ва ниҳоят улардан бирига чирмаб боғланган пажмурда гавдаси кўланка мисоли липиллаб ғужғон ўйнарди. Назарида отинг ўчгур мудҳиш доғ ашаддий ғанимдек жисму жонини тобора ўртаётган айрилиқ билан разилона битим тузганди, бахту тахти, хайрли истақлари ва маслакларини тамом барбод қилмоқчи эди. Охири ўша битим заволот даракчиси эканини пайқаб қулт ютинди-ю, ҳар қанча руҳи сирқираса ҳам букилмай, Шифо дарёси сари ундаётган йўл танобини тортишга киришди. Энди жами нимарса аслида ҳиммати бисёр қодир эгам мулки экани, дарахту гуллар тугул ҳатто тош ҳам кулишу йиғлашни билиши, кўпинча хиёнат садоқат оғушида етилиши ва яхшилик ўзаги тузоқдан иборат бўлишини изоҳлаётган Ниҳон борлиғига сингиб кетишни тилар ва бу ажиб мақсади Шифо дарёси ўзанидан окувчи сутдан тўйиб ичган сонияларда ушалишига амин эди...

Аваз сукутга толган Ниҳон изидан ажиб осудалик ҳукм сураётган яшил водийга қадам босганда қонгалаш уфқ узра пар-пар ловуллаётган қуёш курраи арз ва бани башарни алқамокда эди. Қуёш тутумидан айрича рағбат туйган Аваз хаёлан содиқ йўлдоши Ниҳон, маъшукаси Зилола, чўлистонга ўзидек ипсиз боғланган ота-онаси, жанда чопонга алоҳида ихлос кўйган Заранг найнов, қайғу ва умид орасида сарсонун саргардон Шафоат пари ва ниҳоят теграсида умбалок ошиб мамнун учаётган ҳур қийғирларга қизғин дуойи эҳтиром йўллади. Тангри мурувватига кўра, юксак мақомга эришган қушлар нўхатдай савоб иш жумлаи оламга татиши, томчи меҳр тошда гул ундиришга қодир экани ҳақида ўлан куйлашаётганди, муҳими, Аваз қувончи ва қайғусини бўлишиш ҳамда зумрад гиламга ўхшаш водийни зиёрат қилиш иштиёқида эдилар.

Буюк музлик даври чекиниб, ҳайбатли уммон буғланиб қуригандан кейин туғилган яшил водий Қурама чўли тангри таоло ёрлақаган ва табиати ранг баранг ажиб хилқат экани нишонаси эди. Боқийлик тимсоли сифатида ястаниб, шухратига янада шухрат кўшган турфа хил жонзотлари, қитмир шамолвой оҳиста тебратаётган, жаннатдан келтириб экилгандай кўркам мевали ва манзарали дарахтлари ҳамда моҳирона ишланган сийму зар буюмдай латиф анвойи гулларини фахрланиб намоиш айларди. Ва чиндан ҳам у қодир эгам нафасига тўйинган ва барчага бирдек яхшилик соғинадиган жозиб чечаклар диёрига ўхшарди, муҳими, чор атрофни сезимларни майин қитиқлаб, дилларни аллалаб қувнагувчи ва сархушлик ваъда қилувчи ёқимли ифор қоплаган эди.

Ҳаётгий ҳикматларни пухта эгаллашу қадрлаш заруратини уқтираётган мукамал гўзаллик қошида Аваз завқу шавққа тўлиб яйради ва руҳида ёруғ умид юлдузи балкиди. Кафтдай текис сайхонлик, пасту баланд яйлов ва ўрмонда барқ уриб очилган бинафша, раъною нарғиз, бўтакўз ва лолалар Зилолани эслатиб товланарди. Назарида нафосат оламини бойитувчи капалак қанотидай юпқа барглари маъшукаси жамолидан эринмай улги кўчиришганди, аниқроғи, исёнкор кўнгли ёлқинидан турфа жилвагар ранг, феълун атворида мужассам ғурурдан на-

зокат, томирларида қон билан кўшилиб оқадиган эҳтиросдан афсун ўғирлашган эди...

Эй кўнглим эгаси,
сен чиндан ҳам
Қурама чўли боғу роғларига
беғуборлик ва малоҳат тарқатувчи малаксан!
Фақат нечун бун билмайсан,
нечун мехринг гулзори эмас,
қаҳринг тиканзориди адашяпсан?!
Қайдан излай сени, дилдорим?
Эсингдами,
бир тотли айёмда,
бошингни кўксимга қўйиб,
нобақор хиёнатни
вафо қасди учун яралган ханжарга қиёслаган
ва чексиз нафратга лойиқ санаган эдинг.
Энди лафзингдан тониб,
ўша савилни ўзинг қўлда тутибсан
ва фақир кўксига ботириш пайдасан!..

Аваз тумтароқ ўйлар гирдобиди суза-суза вужудини поралай-поралай юрагига қадар бемалол етиб борадиган ўша хунхор яроғни яққол кўргандай беихтиёр чимирилди. Туйкус оғринган Ниҳон сабру қаноатни менсимасанг ва инону ихтиёрингни ноумидлик илқига топширсанг охири ноумидлик наҳрига чўкасан қабилдида жиддий танбеҳ бергач, аста олмурут остида ёнбошлади ва ҳадемай роҳат оғушига шўнғиди. Сўнг руҳи равонида нимадир ланғиллаган чўғдек чакнади-ю, жисмини ниҳоясида ниҳоя йўқ қандайдир сирли ўлчам қаърига тортиди. Тавба, оқимтир ғубор чулғаган жимжит хилватда гадо каби тентираб юрганда Зилола ва Шафоат парига йўлиқди. Негадир нияти бузук ғанимларни учратгандай эсанкираб қолди ва хавотир ичра ғудраниб тезгина тисарилди.

Тавба, қандай савдоки, Зилола ҳам, Шафоат пари ҳам маслағу муддаоси нотайин мискин каби ғарибона қиёфа олганди. Тўзгиган сочлари елкаларини қоплаган, чеҳралари заъфарону нигоҳлари сўлғин бўлиб, қошлари ўртасига тугун тушганди. Қайдадир нар бўзтўрғай модасини қўмсаб маҳзун нола чека бошлаган ҳамано Зилола не қиларини билмай орзиқиб жавдираётган Аваз сари қовоқ уйиб қаради. Гирди кемтик чўмич қўлтиқлаган Шафоат парини астагина туртиб, манови йигит кўзимдан учиб турганмиди маъносида ғунча дудокларини ғалати бургач, биров атай қитиқлагандек, нозу карашма ила қиқирлаб кулди. Маънос тортиб мунғайган кампир, мен ғариба туғилмаган ўғилу қизларимга аза тутганимни кўра-била шодланасан-а дея, ёнокларини тирнай-тирнай бўзлади, қаттол камон ўқи яралаган қарчиғайдек эзилиб ва тўлиқиб бўзлайверди...

Аваз чархи каж нотантилиги ва қилвирлиги мўллигидан огоҳ этувчи эзгин йиғидан ногаҳон сачраб уйғонди; беҳад қаттиқ чўчиган, ранжиган ва қайноқ терга пишган эди. Ғалати туш таъбирини излаб, қум тўшакда пича хомуш ўтирди, хаёлан Зилолага таънаю дашном ёғдиргач, шуқуҳли тонг шабадасига кўксини тутиб, уфқдан оловланиб мўралаётган қуёш билан эгилиб саломлашди. Қуёш улкан олтин шар қиёфасига кирган дамда ориқлаган айғиру биялар ва эшағу хачирлар қўшилган юзлаб ва эҳтимол минглаб бўм-бўш шалдиروق арава қуршовида гарангсиб турарди. Ҳадемай тошдек қаттиқ туёқлар кўтарган чангу тўзон шиддатли довул янглиғ ўрама ҳосил қилди ва яшил водий кўрки саналган мевали ва

манзарали дарахтлар, кўм-кўк алафлару мафтункор гуллар кўрки камоли ва тароватини бир қадар йўқотди; ҳатто завқу шавқ кўзғовчи муаттар ифорларга ҳам пугур етган ва улар кўнгилни айнитар даражада чучмал тортган эди.

Қитмир шамолвой ёрдамида тобора қуюқлашиб ёйилаётган чангу тўзон букрайган тақир дўнглик этаги бўйлаб йўрғалаётган Заранг дароз жисмини ёшган ва этаги елпинаётган қора лас жанда чопонни оқишу сарғимтир тусга олачалпоқ бўяган эди, қолаверса, бу билан кифояланмай, қировлаган бароқ қошлари, сочу соқолига елимдай ёпишар, хиёл таҳликали боқаётган кўнғир кўзларини ачиштириб ёшлантирар ва бўғзини тўлдирганча нафас олишига халақит берар эди.

Рафтори анча сўлгинлашган теганалик Мажнун нарху навоси ва фойдаси номаълум атиги бир боғлам ўтин учун олис яшил водийга эринмай қадам ранжида қилгани ақлга сиғмасди. Ҳайтовур нафосат маконига адашиб келиб қолган кўринади. Шу боис абжир овчи таъқибига учраган бўридай олазарак бўлиб, аллатовур хавотир ичра манглайини тириштирар, кўксини кериб ишқирар ва жумлаи олам сарварини шарафлар эди. Бутун фикру зикри новча бўй-бастини яширган ва хира товланганча янгини эски асраши ҳаётий таомил эканини уқтираётган алмисоқи тўнда эди; лекин гўё бу ҳолатини ўзидан сир сақлаётганди. Қачондир эгнидан уни апил-тапил ечиб, хасу хашак ғарами устида қатлаб қўйгач, кафти билан ичига тортилган қорнини дўмбира қилиб савалади. Дафъатан Шафоат пари номини айтиб хўрсинди-да, иккимиз ҳам ишқ майига захар қўшган нотавон жонмиз дея шивирлаб, қадрдон қўшиғини димоғида оҳиста хиргойи қила-қила, дадил енг шимарди ва пўлат дастаррани ишга туширди...

Кўшиқ жозибасида жам бир тугёнда

минг тугён яширин эди,
киёмига етаётган авжи
шовва шовуши тахлит
кўнгилга қанот бағишларди,
умид ва мунг тўқнашуви,
висол завқи ва армон оғриғини
енгил тўлғаниб шарҳлар эди.

Заранг дароз нозик таъбли донгдор чолғусоз, муғанний ва ҳофиз ўтган аждодларини ёдлаб, дил кўрғонини зеру забар қилган Теша овчини ҳарчанд қарғаса ҳам аламию ҳасрати босилмаган Шафоат пари дийдорини қўмсаб куйлаётганди. *Бахт етиму дил вайрон* сатрини оҳангга солганда қарилик нуқси урган кўзлари тубида айрича ғусса чайқалди, сўнг ўша унсур захри бутун борлиғини қамради чоғи, диққатни тортувчи ҳалиги сатрни такроран янада мунграниб куйлади ва ўша заҳоти нарироқдан жадал суръатда Олача карвони шалдираб ўтаверди; карвон гоҳ жадалу гоҳ секин илгари босгани сайин Қурама чўли ташвишига ташвиш қўшиларди ва аввалгидек сирли жараён кечаётганди бовурида...

Шамолвой оҳиста шитирлагаётган бутазорда Аваз ва Ниҳон паналаб олганидан беҳабар Заранг дароз, оғзидан қўшиғини қўймай, дастаррани бир маромда жадал ишлатиб ғўлача тайёрлаётганди. Гоҳо туси янаям ўчгандек туюлаётган увада чопон атрофида айикдай лапанглаб айланар, аллатовур қониқиш ила хиринглар ва Олача карвонини номаълум марра, яъни йўқлик сари билиб-билмай ошиқаётган бебош тўдага менгзар эди. Миясида одам наҳот одамга бўри деган совуқ фикр ғивирлар экан, кулоқлари кесилган бақувват хачир қисқа-қисқа ханграб яқинлашди ва илимсиқ тумшугини терчилаган бетига суйкади.

Заранг дароз димоғига туйқус игнасимон қилтанок санчилгандай афту ангорини буриштириб сўкинди, дастаррани увада чопон ёнига улоқтиргандан ке-

йин орқадощу елкадош оғангман маъносида мулойим жавдираётган ва хайрихоҳ пишқираётган жониворни таёқ ўқталиб ҳайдади. Асаби бузулиб ва оғиз кўпиртириб ўшқирган пайтда буткул бегона одамга эврилди. Сўнг бўйи қарийб уч газли кундачаларни бир жойда тўшлади-ю, қайта-қайта тепкилаб қаттиқ жипслади, ҳосил бўлган тахламни йўгон жун арқон билан роса қисиб боғлагач, яйраб-яшнаб шукрона айтди худога...

Аваз анчагина толиққан ва манзили олислигини яхши билган Заранг дароз қизишганча чиноквойни шафқатдан маҳрум ғанимдек олдиға солиб қувлагани учун таажжубда эди. Барча юмушни пишиқ-пухта бажарган қария эса уни аллақачон унутган бўлиб, йўлга отланишдан аввал қотган нон кавшаб қовзанди. Сўнг хасу хашак ғарами устида аллатовур мунғайиб турган уада чопонни гувраниб кучди, қировлаган бароқ қошларини уйириб, қисқа муддат ўй сургач, қумлок жойда дастурхондай ёзди. Ўша заҳоти пўст бойлаб ёрилган дўрдоқ лабларига ингичка табуссум кўниб, найза тахлит тик қалин киприклар қуршовидаги кўнғир кўзлари дафъатан йириклашди. Энди ўзини аллақачон кўрку тароватини йўқотган чопон асиридек тутаетганди. Илк бора кўраётган каби, шаклу шамойилига ютоқиб тикилар, тикилгани сайин беҳад завқланиб энтикар ва рафторини қоплаган қатор-қатор ажинлар сезиларли даражада сийраклашар эди.

Ёпирай, бу қанақа эрмак?!

Наҳот қурмагур ақлдан озмиш?!

Жин ёки шайтон ин қурганми ичида?!

Тупша-тузук юрган одам...

Ниҳон ёнидан ўн кадамча жилган Аваз кўҳна дунё аслида нуқул арзиган ёки арзимаган эрмакдан иборат экани ва одамзод шу нарсага ўлардек ўчлиги ҳақида мулоҳаза юритаётганди. Аслида ҳаёт биз фақирларни мазахлаб кулса ажабмас деб шивирлагач, бехосдан Заранг дароз авзойи ўзгарди: лабларини қимтиганча майин қумда хушламай чўкиб, ҳорғин нигоҳини номаълум нуқтага михлади. Энди бояги ажиб шодлиги ва мастона кайфияти саробдай қайгадир чекинган, ўрнини тушуниш мушкул безовталиқ, иштибоҳ ва гидир эгаллаб, жисми руҳидан айро тушган эди. Айни шу ҳолдан қониқмай, нўноқ раққос тахлит кифтларини беўхшов ўйнатиб, суяклари бўртиқ яланг тўшига бир неча марта шапатилаб, нечун ўзимда ўзим шоён эмас тарзида аламангиз ғудранар экан, ҳамон ёзувли турган уада лас чопон жон киргандай оҳиста қимирлади ва сирли вишиллаш янгради. Шубҳа аралаш ажабтовур ваҳима олиб келган ёввойи товуш баҳона сукунат бузилди ва тўн қўлтиғига туташ мўъжаз чўнтақдан чилвирдай ингичка сал кам бир қулочлик чипор илон ўрмалаб чиқди. Жуводдиз тешигидай кичик кўзлари яшилтоб газанда недир куч таъсирида тўсатдан фазовий ошёнини тарк этган ола-була ёриткичга ўхшарди. Ҳалқадек бир-бирига туташ тўқ жигари хол-хол тангалар, майда оку қора чизиклар қоплаган силлиқ бадани, ёғоч қошиққа монанд қорамтир ясси боши, хиёл пачоқ тумшукчаси ва бўйни ўзаро ёпиштириб қўйилган муз лахтакчалар мисоли совуқ ялтирар эди.

Ўзинг асра илоё, қодир эгам!..

Тавба, бу тушми, рўёми ёки ҳуш?

Нима бало, чоли қурмагур сеҳргарми

ёки қачондир сирқда ишлаган морбоз?!

Роса капалаги учган Аваз бутун диққатини Заранг дароз теварагида ўрмалаётган ва думини ялпоқ тошга тарс-тарс уриб вишиллаётган чипорхўжа сари йўналтирди; ҳатто Ниҳон ҳам ажиб воқеа қай йўсин тугашини бетоқат қутаётган эди. Тор жойдан қутулиб, кенг ва ёруғ олам билан юзлашганига қувонаётган

махлуқ майин кумда кулча урди ва лов-лов порлаётган офтобда маза қилиб тоблана бошлади; кўк тоқидан ларзон-ларзон ёғила-ёғила чўли биёбонни кўмаётган ёқимли ҳароратни мириқиб эма-эма семириб ва ҳатто узайиб бормоқда эди.

Нафси тўла қониб мириққан ва севинчини жилдираб боқаётган кўзлари орқали аниқ маълум қилаётган чипорхўжа илдам судралиб ва вишиллаб жойига ўрнашди. Ўша заҳоти ғайратига янада ғайрат қўшилган Заранг дароз ҳанграб ва ич уриб курукшаган майса чимдиётган чиноквойни қовоқ уйиб жеркиди, бир нечта қайроқ тош отиб қувлагач, кўксига аста-аста муштлаб ва ҳепаланиб қадрдон либосини кийди. Аста пичирлаб дуойи фотиҳа ўқигандан кейин қаварган кафтларини чўяндек қорайган энли бетига суртиб, зилу замбил тахламни ё пирим дебон даст кўтарди. Суйган кўшиғини димоғида эркин хиргойи қила-қила тинмасак шамолвой оҳиста тебратаётган дарахтлар панасида соядек йўқолди ва гўё ховуч-ховуч умид уруғи қадалиб қолаётганди изида...

Ўн биринчи сайр

Абадият чўққиси жангари кузгунларнинг навбатдаги ҳамласини мардона бартараф этаётганда ясси қояда ёнма-ён кўнган хур қийғирлар Заранг дарозни, ғойибона суҳбатга чорлай-чорлай, матонат ва сабру бардош одами сифатида кутлашаётган эди. Салдан кейин Ниҳондан иложи борича ортда қолмай, Қурама чўли манглайидаги беҳад узун бужир чандиққа ўхшаш Айригум жарига яқинлашган ва увада лас чопон чўнтагида яшовчи чипор илонни эслаб ажабсинаётган Авазни алоҳида хурмат ва эҳтиром кўрсатиб қаршилашди.

Меҳрибон тангри таоло васийлигида Халил пурча чангалидан соғу саломат кутулган кундаёқ собиқ етти ўғри – хур қийғирлар мудом Қурама чўли эътиборида турадиган Айригум жариди уялашган эди. Сўнг зурриёт қолдиришга мойил бўлишиб, тезда жуфтларини топишди; таҳсинга сазовор яна бир омад буюргани учун астойдил севинишар ва офатлардан асраниш ташвишини чекишар эди.

Аваз хур қийғирлар Айригум жариди муқим ўрнашганини билгандан кейин бир қувонса, бир қайғурди, негаки, кўп аччиғу чучукни бошдан ўтказган жарликдан негадир доим ҳайиқарди. Ўзаро туташ ўнлаб тармоқдан иборат бу маконда чиндан ҳам тириклик мувозанати ва диллар оромини бузгучи даҳшатли кўрқув болалаб ётарди; каваклари ва ёриқларида турли махлуқлар ноаҳил кун кечиришар ва доимий ғалваю ғурбатлари товуши ягона доира ичра тинимсиз изғийдиган Олача карвони говурига кўшилиб янграб эди.

Аваз ўзини Ниҳон муриди санайдиган Заранг дароз ҳаётини хатарга қўйгани ва қилни қирқ ёрадиган Халил пурча билан ўчакишиб (бир неча марта ундан ўтин пулини ундиролмаган) юришини ўйлаб хитланаётганда хур қийғирлар Айригум жари яқинидаги Туманак харобазори узра маъюсона сайраб қанот қоқишаётганди ва авзойларидаги ўзгариш баҳона Аваз дарров недир шубҳага бориб сергак тортган эди.

Аваз илк бора кўраётган харобазор, Қурама чўли янглиғ беҳад қадимий бўлиб, илгари катта шону шуҳрат ва иззат-хурмат қозонган бинойидек кишлоқ эди; кўрки камоли ва тўкин-сочин озода ҳаёти ҳатто ой ва қуёшни ҳам мафтун қилганди. Дафъатан тангри таоло қарғаб, шайтоний йўриқларни қурол айлаган қора қуён⁵ зарбасига учради-ю, жами бисотидан бутунлай айрилиб, кўзлари қисик бойўғлилар мулкига эврилди. Аста-секин улар шамолвой хуружидан зада мунғайган чалдеворлар, қинғиру қийшиқ кўчалар ва курукшаган дарахтларни

⁵ Чингизхон босқини назарда тутилаётир.

бемалол эгаллашди. Эндиликда чор тарафда ҳақиқий хўжайинлар каби кезинганча донлаб юришади. Баъзан инларидан тинчимизни бузманг маъносида ўқрайиб боқишар, ўрни келган заҳоти ўзаро иззат-икром таллашиб чўқилашар ва негадир ғанимни қардошлари орасидан қидиришни хушлашар эди.

Аччиқ афсусга чулганган Ниҳон харобазор разолат қиличидан қолган оғир жароҳат эканини қайғуриб таъкидлаган чоғда илгари беҳад муҳташам бўлган ва эндиликда ночорона титилган йирик кўрғон кўринди. Этак томонда бўй чўзган толу тераклар қуршовида турли жумбоқ хусусида роз айта-айта қадимий сарҳовуз сокин жимирлаб турарди ва кўплаб яхшию ёмон гувоҳига ўхшарди. Сал наридаги ўнқир-чўнқир айлана ажриқзорда юзлаб ва эҳтимол минглаб турки совуқ олазарак бойўғли тўпланганди. Ҳадемай қурмагурлар машғум тақдирига мотам тутаётган кўрғоннинг янги эгасини тайинлаш масаласини ўртага ташлашди. Ҳар бири тортинмай ўзини шу нуфузли ўринга муносиб номзод қилиб кўрсатарди, охири даҳанаки жанг катта жанжалга уланди: тиф каби ўтқир тумшуқ ва чангаллар шафқатсиз йўсинда саваша кетди ва ҳаял орасида қанча-қанча қон тўкилди...

Аранг омон қолган ярадор бойўғлилар четроқда бетоқат тўдалашганча бир-бирини қарғишлаб ғувиллашгач, Аваз ҳар неки ғурбат якуни фақат аччиқ пушаймон дебон афсусланди ва ичи айрича сидирилган ҳолда сарҳовуз сари шошилди. Тубсиздек туюладиган сарҳовуз ойна каби товланиб сокин чайқала бошлаганда хотиридан агар сув ўзида мужассам илоҳий малҳамни узлуксиз ўзлаштирмаса охири мутлоқ ташналик азобига учраши ҳақидаги хулосаси кечди. Сўнг беадад жабру жафо чеккан ва барчасини мардона даф этган, яъни хусусий имкони доирасидаги қувватни тополгани боис қуримай жўшаётган сарҳовузни эртасига жиддий умид боғлаб яшаётган пажмурда қишлоқнинг гупиллаб ураётган виқорли юрагига қиёслади. Қурукшаб ёрилган лабларини ялай-ялай энкайиб, ҳузурбахш нафас уфураётган зилол сувдан ҳовуч-ҳовуч ичаркан, илоҳий обизамзамга тўйгандек, чексиз завқу шавқ ва ифтихор туйиб роҳатланди.

Чанқоғи босилиб, кучига куч қўшилган ва енгил тортган Аваз тангри таоло таърифлаш амри маҳол чексиз иноят ва ҳиммат соҳиби эканига яна бир карра имон ўгирди. Ниҳон кўринувчан неъматларга муҳтож эмас деган ўйда мийиғида жилмайган эдики, сезимларни мулоим тирнайидиган ва нимасидир инқилобий шовушга монанд латиф куй янгради. Аллақачон чириган пардаси остида похол уялар ўрнашган пастаккина омонат кулба биқинида, қуялаган юмалоқ пўстақда, ранг-рўйи синиққан, чап қулоғи супасида зиғирдек майда қизғимтир сўгал бўртган ўрта яшар барваста киши бир маромда тебраниб дутор чалмоқда эди.

Таажжубга асло ҳожат йўк; Заранг найнов эътирофи ва таклифидан бери ўзгача интикликка чулганган Аваз, тангри иродасига кўра, шафқатсиз тақдир бўрони хазондек чирпирак қилиб учирган ва ниҳоят Туманак харобазоридан кўним топган тижоратчи ва муғанний Мусабек билан учрашиш шарафига муяссар бўлганди.

Сездирмай афсунловчи жозибадор машқни ниҳоят тўлиқиб поёнига еткизган Мусабек хиёл дўрдоқ лаблари гезарган ва пайваста қошлари чимирилган кўйи шўрлаб емирилган деворга бафуржа елка тиради; нечундир вазмин сукутга толганча мунтазам ўксиниб бош қашлар, кўпдан буён қайчи тегмай кўрпалаган соқолини асабий тутамлар ва томирлари кўкарган қўлларини кўкка чўзиб дудуқланар эди. Атрофини ўраган ажиб манзарага эса сира кизиқмасди: шамолвой тебратаётган дарахтлар, сарҳовуздан сувлаш истагида келган нозикбадан кийиклар ва тагин ажриқзорда чувиллашиб анжуман бошлаган бойқушларга бепарво эди. Ким билсин, балки иссиғу совуқдан иборат олис кечмишини тафтиш қилаётгандир, балки худо қарғаган гўшада ёлғиз умр кечираётгани учун

қайғудадир, балки аразлаган ардоқли умр йўлдоши ёки бирон ёққа бадар кетган туғишган иниси дийдорини қўмсаб ўксиётгандир.

Потирлаб наридан-бериға йўргалаётган тартибсиз гала мазкур макон турмуш эҳтиёжини қондиришда торлик қилаётгани ва қўшимча тураржой зарурати туғилгани хусусида тортишаётганини сезган Аваз устидан мағзава ағдарилгандек бир хил сесканди. Жонон дуторни кучоғидан қўймай паришон хаёл сураётган, бутун борлиғини ҳасрат чулғаган Мусабек қошида паришон тиззалар экан, нималвон тусли баданига садаф аралаш марварид зарбланган дутор хаёлини йирикларга олиб қочди. Ўша заҳоти ажиб орзиқиш билан аёл бўйни каби нозик бўйнидан авайлаб ушлади, учида нозланиб елпинаётган бежирим гулпопукни сархушланиб силагач, чарм халтасидаги қотинқираган зоғора нонни пўстак четига авайлаб жойлашгирди.

– Сизни насибангиз экан, биродар!..

Ажиб қониқиш ҳосил қилган Аваз ногоҳ кўнглидан кечган фикрни ишонч ва умидга йўғрилган юмшоқ товушда орзиқиб ифодалади, нон ҳидини туйган ва ориқ кафтларини кулоқлари орқасига тираганча безовта бўлаётган Мусабек рафторида миннатдорлик учкунни ёнди: умрингда асло камлик кўрмагин, ҳимматли йигит! Аваз интиқланиб жавоб кутаётганда Мусабек кўксида шу сўзлар бош кўтарган, лекин тилига кўчолмай, алам ёндираётган бўғзида сўнган эди.

Тўлиқиб дардлашгиси келаётган ва лекин эплломай тутақаётган Мусабек мен дунёдан безганман маъносида култ эткизиб ютинган пайтда сарҳовуз бўйидаги анжуман тарқаганди. Ташвиши янада ортган Аваз баланд товушда ярамас кушлар бошқа хароботга ишқибоз эканини таъкидласа ҳам Мусабек индамади, пароканда хаёлга чўмди-ю, кўкси тўкилгудек ҳолда хўрсиниб қайтадан дуторга юкунди. Кўп ўтмай маромида созланган парда ва торлардан карами кенг худойим тортиқ айлаган хайрли лаёқатни дилни покиза тутиш ва имон гавҳарини дахлсиз асраш учун сарфлашга чорловчи исёнкор куй таралди. Ҳам умид, ҳам ноумидликка мойил куй мавжлари сеҳрини таъминлаган оҳанрабо Қурама чўли кудратини белгилловчи кувноғу ғамгин талотумлар, таҳлика ва ғурурга тўлгин кийқириқлар, шижоату сурур ташувчи наъралар моҳияти билан уйғун бўлиб, Мусабекни ўртаётган тоғдек залварли қайғу ифодаси эди ва барисини ҳаргиз безовта Аваз қалби тегишли сўзларга ўгира олди...

Жуда кўплаб давраларда астойдил эъзозланган ва юракларда мудраган туйғуларни уйғотган дутор аввал кўҳна дунё кирдикорлари ва Туманак харобазори чеккан озорлар бобида роз айтди. Салдан кейин Мусабек меъдаси тўқ ўктам одам экани, молу давлат ва хусусан ҳар қандай сархил егуликка асло зор эмаслиги, аммо тақдир такозосига кўра, кўпдан буён кадрю қиммат ва меҳру оқибат гадосига айлангани, натижада чексиз надомат кўзғовчи ажалдан ҳам мудҳиш басирлик ҳамда гунглик балосига йўлиққани хусусида ўкиниб сўйлашга киришди...

Эй фаҳму фаросати тўкис ўғлон,
 айтсам тилим куяр, айтмасам дилим!
 Ҳаммаси имонга бешбегона
 нобакор ҳасад меваси, ҳайҳот!
 Аслида у
 зулмат тузган ғумбакда пинҳондир.
 Номинг ўчгур етила-етила
 охири ташқарига юзланади-да,
 тириклик билан ўчакишиб,
 орзу-умидлар томирини кемиради ва
 юракларни ямламай ютади.

Агар тили бўлса,
 хоҷам Муса бойвачча
 бу фикримни тасдиқларди,
 негаки,
 ҳасад гумашта Тоғай қиёфасида
 жисму жонини пора-пора айлаган...

Фақат дутор эмас, танбуру най, қонуну рубоб каби афсунгар чолғулар билан ҳам қиёматлик дўсту ҳабиб тутинган Мусабек ишқу муҳаббат бобида омадли бўлиб, хайрли тилакларга лиммо-лим дили мужгонларини тун қароқчиси каби жон қасдига хунхор ханжар айлагувчи⁶ лолаю нарғиз каби кўхли жонон Лобар дилига пайванд эди. Қаҳратон қиш кунларидан бирида Мажид гушна бошлиқ йўлтўсар каззоблар ўлмичи қилиб калтаклаган ва даштда яра-чақаси йиринглаб ётган Тоғайни Бойчибор лақабли отига мингаштириб келганда у билан қовушганига атиги бир йил тўлганди. Кўли энгил табиб муолажаси туфайли тузалиб, тузуккина маош эвазига Мусабек оиласида қароллик қила бошлаган Тоғай бир эрта ҳовлида Лобарни кўриб телбалик чанғалига тушди, ночору нотаваон ишқ асири сифатида кечалари телбавор йиғлаб чиқадиган бўлди, Мусабек навбатдаги тижорат сафарига жўнагач, кўкнор қўшилган ошдан еб хушини йўқотган малакни гижинглаб безовта кишнаётган Бойчибор белига ўнгарди-да, сағрисига устма-уст аччиқ қамчи босди...

Сафардан омади чошиб хушнуд қайтган Мусабек мусибатдан хабар топган заҳоти еру кўкка сиғмай бўғилди ва Тоғай нокасни учратган кунини тавқи лаънатга кўмди. Сўнг карами кенг худодан нажот тилаб, сим-сим ёнаётган кўксини зах ерга бўйрадай қапиштириб, мунгли қароқларидан муттасил милтир-милтир қора қон тўкди, ундан ҳосил бўлган тубсиз дарёда сарғайиб бандидан узилган япроқ сингари титраниб оқди, ҳайҳот, юраги қиймаланган ҳолда ўтли фиғон чекиб, беҳолу бемажол қалқиб-қалқиб ва инграна-инграна оҳиста оқаверди.

Мусабек виждони ва диёнати тупроқ остида қолган сомон тахлит мағорлаган нобакор нусха манфур экани, фақат сеvimли учқур тулшори ва хусни малоҳатда тенгсиз ёстиқдоши эмас, юраги ва ору номуси, қувончи ва қадру қимматини ҳам йўқлик сари ола кетганини теран анлагани сайин баттар ўз ёғида қоврилари. Мудҳиш дардига чора истаб, жонини жабборга бериб елиб-югургани, барча кент, овул ва шаҳар сари ёлланма чопару хуфиялар йўллагани, нафаси ўткир фолбину қушнучу парихонлардан кўмак сўрагани ҳатто қилча фойда қилмади. Пировардида дилидаги аламу армон тоғи беҳад юксалиб, оғир ланг орттирди, охири молу мулки ва ҳовлию ҳарамидан воз кечди-да, суюк дуторини бағрига босганча боши оққан томонга жимгина улоқди ва тентираб юра-юра тупканнинг тубидаги Туманак харобазорига юзланди. Эндиликда кўпинча ўзини бирон суянчи йўқ мискин гадо, қаландар ёки савдойига тенглаштиради, баъзан эса бетайин танҳолик шарафига қўйилган тирик ҳайкалга қиёслайди. Сўнг кўнглидан буткул аразлаган каби бўғилар, ҳасратини тўқолмай хўрсинар ва ўрасига чўккан нурсиз кўзларидан сизган шўртгак ёшни кафтлари билан арта-арта чорасиз ингранар эди.

Мусабек чекига дарбадарлик мусибати тушгандан буён ягона ишончли ва содиқ дўсти, посбони ва бийрон тили бўлиб келаётган дутор ёрдамида бир қадар юпанади. Чиндан ҳам дутор хоҷаси ғаму андуҳини унутиши учун меҳрини сира аямасди, бир дам ёнидан жилмай, жафокаш юрагида борини шарҳлаш ва тарғиб қилиш билан мунтазам шуғулланар, карами кенг худодан мудом тағин саодат тожини киймоғи, молу мулки қаторида, севикли ёри Лобар дийдорига етишмоғини тиларди...

⁶ Алишер Навоий.

Айлана ажриқзорда бойўғлилар пала-партиш ғув-ғувлаганча галдаги мажлисга тўпланаётган пайтда саробу сукунат қоплаган дашту далалар оша тўхтамай узоқ муддат югурган олқордай толиққан дутор енгил энтикиб куйлашдан тўхтади. Сийратини қамраган сирли инқилоб сиртига кўчганди, натижада бутун борлиги тарам-тарам гулобий ёлқин сочар, аниқроғи, қайсар шамолвой елшиб яшнатган чўғдек ловуллаб товланар эди. Айни шу вазиятида у янада афсунгар, кўркам ва қатъиятли туюлаётганди: кўпинча ишонч ғурбат ва қайғу етаклаб келиши, барча унсур ботинида оқу қора бирдек мавжуд бўлиши ва бу ажиб ҳолатлар бўш-баёв эътиқодни охири таназулга гирифтор этишини уқтираётган эди.

Бийрон тилли дутор баданини авайлаб силаётган Мусабек энди ёруғ дунёга бутунлай этак силкиган, руҳан чўкишдан зерикиш баробарида, умид қилишдан умуман тўйган, жисму жонини ёвуз ажалнинг қонли чангалига топширгани ҳозирланаётган ва булар бариси аслида нималигини англашга ожиз маҳқумга ўхшарди. Киртайган сўник қароқларида жам маънодан маҳрум маъно, хусусан, соқол босган энли бетини қамраган чексиз изтироб дилини буровга солаётган мисли йўқ инқилоб шиддатини ифодаларди, ҳар бир тирик жонни кирои фарзандим деб мағрурланадиган Курама чўли иссиғу совуғи неча йиллар мобайнида тарашадек қотирган манглайини тилимлаган беҳисоб ажинлар шафқатсиз хиёнат ханжари асорати янглиғ аянчли туюларди...

Ҳамон Туманак харобазори узра айрича маъюсланиб чарх ураётган хур қийғирларни ҳавас оғушида кузатаётган Аваз *кўнгиш шишаси устухон эмас ва агар синса мўмиё уни тузатиши дарғумон*⁷ тарзидаги таги чуқур ҳикмат Мусабек аҳволини яққол ифодалашини эътироф айлади. Сўнг қизиган бетини ишқалаб ва юраги тўкилиб алвидо айтди. Эски хотиралари ва дутор билан қолаётган ажиб тақдирли кимсадан узоқлашган пайтда бойқушлар айлана ажриқзорни мўру малях сингари тўлдиришган эди. Кўп ўтмай боқиши беҳад виқорли ғундалак шериклари учиб келди-ю, яшасин етакчимиз Тажанг тўра деган хитоблар янгради. Дарҳол давра тўрини эгаллаган сардор тезак уюми ёнида ўйчан турган Шўрачи шум исмли хиёл бадқовоқ оғасини имлаб ёнига чорлади.

Курраи арз сирларига қизиқадиган айрим тенг-тўши каби, Аваз ёшлик давридан буён паррандалар авлодининг мазкур беҳад кибор ва мумсук қавмини сира ёқтирмасди. Ана шу қавм вакиллари ҳаёти нозик кесатиклар орқали тасвирланган ажиб ривоят⁸ билан танишгандан кейин нафрати баттар газаклади. Агар панапастқамда атиги битгасини тасодифан учратса дарҳол жини кўзиб хитланар ва миясида турфа беҳосият мулоҳаза чумолидек гивирлар эди. Кажфёъл чарх бадном қилган макон тупроғига қадам босган лаҳзадаёқ ҳалиги ривоятни эслаган, нохуш кечинмаларга чулғанган ва тезроқ жуфтук ростлашни мўлжаллаган эди.

Аваз назарида аста-секин кенгайган, ҳамма нарса сотиладиган ва сотиб олиннадиган бозорни эслатувчи даврада турли хил истаклар кўланка янглиғ хуфия оралаб юрарди. Теваракка ўғринча боқаётган нигоҳлар, истехзога мойил имошора ва узук-юлуқ овозлар ботинида жам маънолар ўзаро мувофиқ эмасди. Тобора диққати ошаётган Тажанг тўра кейинги кунларда ҳаёт билан видолашган марҳумларни ёд этишни таклиф қилганда айрим жиззаки қушлар норозиланиб қовоқ уйишди ва биз уларни ҳечам танимаймиз тарзида типирчилаб ғавғо солишди. Можарочи гуруҳ тезда қилич қайраб келадиган қишга пухтароқ ҳозирланиш, зурриёт давомчилари саналмиш жўжаларни старлича тўйғазиб боқиш, баҳорда кечикмай сифатли тухум кўйиш, қариган ва касалга чалинган аймоқдошларни

⁷ Алишер Навоий.

⁸ “Зарбулмасал”даги ривоят назарда тутилмоқда.

мунтазам кўллабу қувватлаб туриш муҳим бурч экани ҳақидаги масалалар муҳокамасига буткул бефарқ қолди.

Аваз ҳайратини яширолмаи қисиниб бармоқ тишлар экан, ҳамон тўрда айрича савлат тўкиб чўнқайган Тажанг тўра, ён-бериға янада виқорли назар ташлагач, бемалол асосий масалаға кўчди, шижоатда бургуту қарчиғайдан қолишмас ўғли Довқурни кўкларға кўтариб таърифлади-да, Шўрачи шум билан куда-анда тутуниш нияти борлигини ошқор айлади. Тажанг тўра жондай азиз жигарбанди Довқур палаги тоза Шўрачи шум ардоқлаб ўстирган паридек сулув Ларзона кўйида девонавор ёнишини билган куниёқ қатта тўй бошлашни кўнглиға тугиб кўйганди ва шу баҳона доврўғини янада ошириш илинжида эди.

Индаллоси шуки, қони қизиқ бобоси Тўнабой султон калондимоғ ошнаси Япалокқуш⁹ билан умр бўйи орият талашгани ва мудом кўли баланд келгани ҳануз овоза эди. Япалокқуш ўғли Кўлангир султонни Кунушбону исмли сулувға унаштириш олдидан ота-онасига минг чалдеворни қалин қилиб берганини эшитган бобоси роса куйган, кечалари ухлолмай патларини юлган ва ғалати режа тузган эди: расму русум тақиқлашиға қарамай, ўғли Жўмард сурни иккинчи марта уйлантириб, қудаси Олгир тўраға бутун бошли йирик тиканзорни қалин сифатида узатиб юборганди.

Эътиборға лойиқ мазкур анъана бардавом эканини инобатға тутган Тажанг тўра тасарруфида бўлган Чегирма тўқайини Ларзона ҳурмати учун Шўрачи шумға эҳтиром ила тортиқ қилади, токи бели бақувват, дасти узун ва ҳиммати баланд шоввоз эканини барча англасин ва бундан кейин ҳамиша номини шарафласин...

Ларзона каби кўҳли ва баҳоси юқори қиз тарбиялагани учун чексиз фахрланган Шўрачи шум муносиб қалинға эришгани сабабли тўйға розилик билдирди ва ўша заҳоти даврани ҳақиқий шодиёна қамради. Воқеа бундай тус олишини кутмаган Аваз ногоҳ бошини чангаллади, Ниҳон ҳам эсанкираб ғашланганини пайқагач, наҳот кўҳна дунё олаўйини шу қадар мўлу кўл дебон ғудранди-да, тагин оҳиста тебраниб дутор чертаётган ва қароқлари янаям сўлғинлашган Мусабек сари охирги марта қаради, сира ўйламай тузлукқа тупурган ва оқила бекаси Лобарни ўғирлаган Тоғай шайнини ерлаётганда мажлисни яқунлаган бойқушлар Чегирма тўқайини кўриш истагида мамнун чувилашмоқда эдилар...

Ўн иккинчи сайр

Тажанг тўра дангаллиги боис Шўрачи шум мулкиға айланган қадимий Чегирма тўқайи Қурама чўлининг ўзида ўлиш ва ўзида тирилиш ҳодисаси йўриқларини кўравериб пишиган ҳамда кўп бало-қазоға йўлиққан алоҳида минтақа эди. Ҳар бир қаричи азал ва абад кўламини ифодалайдиган тўқай ҳатто вақтида жаннатдан қувилган Одам Ота ва Момо Ҳаво туйган севинчу сурур, аламу ҳасрат ва армонларни бўлишганди ва бугун ҳаётида муҳим ўрин эгаллайдиган барча кўринувчан ва кўринмас унсур таржимаи ҳоли орқали чексиз ҳайрат уйғотади.

Ҳатто ёввойи мушук оралаши дарғумон тўқай четида бўйлаган улкан эман тақдир, айниқса турли тасодифий ва зарурий воқеалар тизимини жамлаганди. Кўз очиб юмгунча ортда қолган ҳамда вақт кадрини теран англатган навкирон фаслида у бахтиёр ва қудратли эди. Мана энди омад тамом юз ўгириб, ҳолиға маймунлар уввос тортиб йиғлаётир: икки қулоч аранг стадиган бақувват танаси ўзаро битим тузган кибр ва хусумат яшини чалгани боис ночор ахволда, бир бўлаги, яъни белидан юқориси ерда беҳолу безабон чийралиб ётибди. Кўпдан бери мислсиз оғриқ чулғаган ва тобора ҳолдан тойиб ўксиётган яримта танаға

⁹ Ўша ривоятдаги образлардан бири.

суяниб кун кечиради. Сира бундан қоникмай, муттасил инграниб нола чекади ва дардига шифо тилаб доим худога ёлборади.

Юпқа сароб пардаси қоплаган кенгликлар оша тўқай сари ҳансираган кўйи ошиқиб келган Аваз ўнғай жойда ёнбошлаб, чарм мешдан илмилиқ кимиз ичиб, Ниҳон билан Туманак харобазори қисмати хусусида суҳбат қилаётганда ногирон эман ҳасратидан чанг чиқаётганди. Узуқ-юлуқ маҳзун овозига қараганда ёшлик хотираларини эслаб, мудҳиш аҳволига четдан назар солиб куяётган эди. Оғриқли ноласи ногаҳон тинар экан, бутун Қурама чўли қуму шағал кечиб жадал елаётган Олача қарвони шиддатидан оғринганча оҳиста титрана бошлади. Шалок араваларга қўшилган айғиру биялар, эшагу хачирлар товуши жўрлашиб янграр ва орқада илдамлаб йўрғалаётган Заранг дароз хиргойисини босиб тушаётганди; натижада гўё хиргойи моҳияти учун хос бетакрор тароват хиралашган ва сезимларни ёқимли тебратувчи майин наво сеҳри заифлашган эди.

Аслида ҳозир Заранг дароз ўзини тоғараси тешиқ кўҳна дунё устидан бемалол кулиб ўтаётган, ҳар қандай ғаму алам ва азобу уқубатни тирноқча писанд қилмас марди майдон кимсадек тутаётганди. Яқинда кузалган ихчам соқолини бафуржа силай-силаи, Шафоат пари ёнида кечирган шукуҳли дамларини қўмсаб, жами аччиғу чучук туйғусини ягона ўзанда бирлаштириб куйлаётганди. Қўшиқни поёнига еткизгач, тартибсиз йўртаётган қарвондан четлашиб, панада орзиқиб турган Аваз ва Ниҳонни кўрмай, ногирон эман сари бурилди. Йигирма қадамча босар-босмас қуймичига юмалоқ кўзлари ғалати чақнаётган чиноқвой бетоқат алфозда тумшуқ тиради, мендан асло ётсирама маъносида пишқиргач, жисмини ёпган жанда чопон этагини тишлаб тортқилай кетди.

Важоҳати бузилган Заранг дароз турки совуқ сен шамгазак гумроҳни ўчоғимга тутантириқ қилармидим деб асабий ғудранди ва тишларини ғичирлатганча ўқрайиб ойболта ўқталди, чиноқвой лўкиллаб қир панасига ўтиб кетгач, чангу тўзонга ботган увада чопонини эғнидан ечиб, Чегирма тўқайини содиқ посбон сифатида ҳалолу покиза қўриганини шарҳлаётган ногирон эман биқинида жойлади ва қитиғи келган боладай ирғишлаганча ҳиринглаб кўйди.

Мана энди Заранг дароз суврати ва сийрати англамасиз сирли инқилоб бўҳрони комида қолганди. Мунтазам Шафоат пари номини тилга олиб аста фиғон чекар, сендан ўтган саркашлиқни кўрган Қурама чўли мендан кўпроқ азобланди қабалида минғирлар ва ўз ношудлигини орага тикиштириб зорланар эди. Шартти кетиб парти қолган Шафоат пари билан хаёлан тортишиб, ойболта ёрдамида мўлжалидаги ғўлачани тайёрлаганда офтоб қиёмда эди. Тахламни жун арқон билан қисиб боғлар экан, майин қумда ағанаб мўлтираётган чиноқвойни яна хушламай сўкинди, ҳозироқ қорангни ўчирмасанг дабдала қилгум маъносида мушт ўқталгач, қировлаган бароқ қошларини чимирди-ю, кадрдон чопонини лўла шаклида ўраб кучди. Сўнг питраган туссиз авраю астарини муаттар бўйли гул искагандай искалаб, оғзидан суйган қўшиғини қўймай, инграётган ногирон эман атрофида лапанглаб айланаверди. Жони танига сиғмас бўз йигитдай ўктамона гурс-гурс қадам ташларди, барча ҳаракатида кийикдай тошдан тошга сакрайдиган ва дашту далалар чўлловини қондирадиган асов сой шашти мужассам эди...

– Эй кўнглим, наҳот мен сенга бегонаман, наҳот сен мендан бир умр ётсирайсан, ахир, карами кенг тангри бизни эгизак қилиб яратмаганми ва нечун бундан тонамиз?

Заранг дароз ушбу ажиб савол жавоби топилиши даргумон эканини яхши билгандай аллаговур хўмрайди, теварагига бирров ҳадикли аланглагач, ийиғи чиқиб кетган тўнни, қани сени қабримга олиб кетолсам дея паришон шивирлаб, кекса эман остида авайлаб ёзди. Ана шунда, вожаб, авзойи буткул ўзгариб,

кийғирники каби ўткир ва тик боқувчи кўнғир кўзлари айрича порлади. Майсадек қалин оқимтир жун қоплаган яланг кўксига шап-шап урувдики, чопон шамолвой тегинган каби аста қимирлади ва ҳадемай таниш чипорхўжа ним жигари тилини қайчи қилганча мўъжаз тўрвасимон ола-була чўнтақдан жилди ва пичирлаб дуо ўқиётган Заранг дароз бўйнига бовлиқдай ўралди.

Орадан тахминан ўн беш дақиқа ўтгандан кейин чипорхўжа нигоҳи сирли порлаб ерга сапчилади, куёш тигида роҳатланиб хотиржам тобланар экан, қарийб билакдай йўғонлашди, резина каби чўзила-чўзила бир ярим қулочга етиб, турку тароватини ўзгача виқор сояси қамради, сийратида эса афсунга мойил ажиб эврилиш рўй бераётганди. Ясси ёғоч қошиққа монанд бошини тик тутиб, чор атрофни синчков кузатгач, чуррак товушига ўхшатиб ингичка чириллаб қўйди.

Қовжираган юпка ажрик кўрпачада тагин озгина роҳатланиб ётган чипорхўжа қачондир беихтиёр безовта алфозда бош кўтарди-ю, қорамтиру кўкиш ва оку жигаранг териси йилтираб қуйига энди. Шувоғу эчкичак исига тўйинган беғубор ҳаводан ўпкаси яйраб сипкораётган Заранг дароз эса кишу ёз бирдек тепкилаб киядиган, мудом жуда кўп аччиғу чучук дамларини ёдга соладиган жулдур либоси ёнида қолди: ҳаргиз ундан нигоҳ узмай муттасил ғалати орзиқар, Шафоат парини ёнига чорлар ва ўқтин-ўқтин ногирон эман билан дардлашар эди...

Имиллаб қиёмдан оғаётган куёш Курама чўлини жазирама селига кўмган паллада Заранг найнов ногирон эман остидаги хазон ва хасу хашак хирмонида ёнбошлаб мизғиганди. Кўп йиллик қадрдон ҳамроҳи саналмиш увада тўн киссаси соҳибини тамом унутгандек эди. Аслида эса бутун ҳушу хаёлини, фақат пес мирига қиммат исқирт либос эмас, моҳиятан қурқув нишонаси бўлган ўша лаънати банд айлаганди...

Аста-секин ўзини тутиб олган чипорхўжа, асл мақсадини мардона баён этмоқчидек, тинмай виш-вишлаб, девор тахлит тўсиқ ҳосил қилган турфа алафу буталарни шитирлатиб ўрмалаётганди. Хур-хур шабадага кўкрак тутиб мудраётган Чегирма тўқайи ўнг ёнида ястанган жимжит овлоққа етган ҳамона турки таровати баттар кўпчиди, негаки, жазирама селига қоришиқ сароб пардаси ва шаклсиз кўланкалар қоплаган овлоқда қизил боши найза учига монанд, нимзангор бўлган елкасидан то думигача тўқ сариқ хол ўзаро мувофиқ тизилган, силлиқ қорнига эса пистоқи чизиклар тортилган анча йирик ўқ илонга рўпара бўлганди...

Аваз миясида қодир эгам недир муддаода яратган бу газандалар шаксиз иблис қавмига мансуб деган ажиб мулоҳаза ғимирлади. Ҳадемай улар Аваз фикрини ўқигандек сергакланиб, ярим белларигача тикка туришди-да, асабий чириллаб хўрпайишди. Жуволдиз тешигидай митти кўзлари яшил тусда чакнаб қаҳру ғазаб сочарди. Нигоҳлари орқали ичларида ажриқлаган мудҳиш ниятни ошкор этишгач, дангал олға ташланишди. Айёрона тарзда илдам силтаниб тишлашган ва девпечак каби ўзаро чирмашган дамларда қалайи тусли ўткир тишлари қавгидан симиллаб қуюқ заҳар томар ва елим каби чиппа тупроққа ёпишар эди.

Аваз хомушланган Заранг дароздан кўнгил узолмай ва ҳадиксираб овлоққа яқинлашди. Ақл бовар қилмас муросасиз жангу жадал суръати довул шиддатидан қолишмасди: қаҳру ғазабга минган газандалар жами шижоатини сафарбар этаётганди, қизиғи, ҳайратга молик кураш яна бир карра чархи каж кирдикори бисёр эканини эслатаётганди ва қандай йўсинда қачон тугаши номаълум эди.

Рафтори ва ҳаракатига қараганда баданини кўркам сариқ хол қоплаган қизилбош Курама чўли иссиғу совуғи ва аччиғу чучугини тотавериб роса пишган кўринади, янада муҳими, муқаррар ғалаба томон элтувчи мураккаб жанг усулини танлаганди. Айрича маҳорат ва шижоат намунаси ҳисобланган кескин ҳамлаларига бардош бериш бениҳоя мушкул эди.

Ҳақиқатан қамчидек қарсиллаб дадил олишаётган чипорхўжа дафъатан ёмғирда ивиган латта каби бўшашиди, нафас олиши қийинлашиб, гавдаси ирода-сига қарийб бўйсунмай қўйди. Лекин аҳволи оғирлигини иложи борича сездирмай, жами зардаси ва аламини чакрайган митти кўзлари, жами кучи ва ғайратини белида жамлаб, чалғитувчи тезкор хужумлар уюштиришдан уввало тийилмади. Барча тадбири самарасиз яқунлангач, ранж ва малол аралашган оҳангда заифона чириллаб қатланди-да, эллик қадамча наридаги қору ёмғир ва шамолвой зарбаси илма-тешиқ қилган фил сиёқли гранит қоя сари жўнади...

Афтидан чипорхўжа омаддан қисилгани, енгилгани ва жангу жадалга бошқа ярамаслигини тан олганди, узоқ муддат бенишон кетгани боис Аваз шундай хулосада тўхтади ва ўзини хотиржам тутишга интилаётган Ниҳонни мунозарара тортди. Ошналар феъли қийшиқ чарх ҳар бир тирик жонни фитна қозонида қайнатишга ишқибоз эканини муҳокама чиғириғидан ўтказаетган чоғда ҳатто тушга кирмас ғаройиб мўъжиза рўй берди: халигина бутунлай тинкаи мадори куриб қочворган чипорхўжа онадан қайта туғилган каби буткул яшариб, яъни айрича долғаланиб ортига қайтганди. Энди аввалгидек бақувват, эпчил ва доқкур бўлгани учун дафъатан эсанкираб қолган ва турфа шубҳаю фаразга чулганган қизилбошни қисқа вақт орасида ер тишлатишга қатъий ишониб савашди. Натижада эҳтиёткор рақибни усталик билан ҳийлаи найранг йўлини танлагани, шаънини ҳар неки имконини эҳтиёткорона тежаш орқали ҳимоя қилаётгани ва муҳим яқуний зарба бериш учун ўнғай пайт пойлаётганини пайқамади. Ортиқча хужумга шўнғиб кетгани айникса қаттиқ панд берди, ҳадемай тагин нафаси қисилиб ва аранг судралиб майдондан четлашди.

Худо ҳаққи тушуниб қийин: кучли зарбалар оқибатида дарди дунёси зим-зиё тунга эврилаётган чипорхўжа улкан фил сиёқли қоя паноҳида кўп марта жон сақлади. Ҳар гал ўша ёқдан мангу ҳаёт шарбатини тўйиб-тўйиб ичган ёки чинакам сабру қаноат ва матонат сандонида пўлатдай тобланган каби, ғайрату шижоати тошиб ва руҳи юксалиб қайтарди. Натижада симдай беҳад таранг тортилган қалтис вазият буткул фойдасига ўзгариб, қўли ниҳоят баланд кела бошлади. Иродаси букилиб, сабру бардоши тугаетган қизилбош хужумлари эса доқкурликдан маҳрум бўла борди, агар аҳвол шундай давом этаверса, тезда мудҳиш мағлубият аламини ютиши ва азиз жонидан буткул айрилиши тайин эди.

Эй жумлаи олам сарвари,
 нимадан далолат ўзи бу тўқнашув?!
 Якун қандай бўлур, якун?!
 Наҳот яна муттаҳам алдов ва
 нобакор фириб устун келса?!
 Тавба, хайрли мувозанат қайда,
 қайда қолди кадрсевар жўмардлик?!

Аваз назарида чипорхўжа ёвузлик тарафида туриб савашаетганди, агар у ғалаба қозонса ва жойига қайтса, Заранг найнов яна азиятга маҳкум бўлиши муқарар эди, ахир, қўйинда газанда асраш осонми ва буни билганлар нима деб ўйлашади. Сўнг гранит қоя ортидаги чайла ёки кулбада қандайдир сўхтаси совуқ қилвир жодугар писиб олгандек ва афсун орқали ҳаёт-мамот жанги тақдирини ҳал қилаётгандек туюлди. Қизиқиши янада ортган Аваз беихтиёр ўша тарфга юрди. Бироқ ҳар қанча куйиниб тадбир чекса ҳам жоду илму амали билан машғул бирон зот дараги топилмади. Овораи сарсон изғиганига ачиниб, соддалиги устидан истеҳзоли кулган эдики, гранит қоя ногоҳ енгил силкинди ва гинаомуз шивирлади: ўғлон, анови ажиб манзарани кўрмай нечун чалғидинг?

Андак эсанкираб чор атрофга аланглаган Аваз ногоҳ ҳайрат бармоғини тишлади ва ўзини овсарга менгзади. Фаромушлиги сабабли чиндан ҳам тузукрок эътибор қилмабди, ахир, боя рақиб зарбаларига амаллаб чап берган чипорхўжа тахминан тўрт бўйра кенглигича жойни эгаллаган ва димоқни мулойим қитиқловчи нимтатир бўй таратаётган ҳазориспан¹⁰ оғушида арқон тахлит чўзилганди. Гоҳо нажоткор меҳринг моясини азиз жонимдан қизғанма маъносида вишиллаб, ширага энган бўлиқ пояларни ютоқиб ҳидлар ва оғзини каппа-каппа очиб жавдирар эди. Сўнг кадрдон онаизорига эркаланган гўдак мисоли латиф япроқлару марвариддай шода-шода оқиш гулларга шодланиб аста суйканарди; натижада руҳидаги мағлубият асорати чекинаётгани ва сезимлари орқали бутун борлиғига таърифлаш қийин ёқимли ҳарорат кўчаётгани англашилар эди...

Ранг-рўйи анча тиниклашган, митти кўзлари ғайирона чақнаб, тани янаям йўғонлашган чипорхўжа галдаги аёвсиз саваш чоғида бошқатдан мислсиз жасорат кўрсатиш ва ғолиб бўлиш истагига чулғангани шубҳадан тамом холи эди. Ҳайрати ва гумони афсус билан алмашинган Аваз энди баттар хитланди, сирли ғалвани шунчаки кузатиш ноўрин эканини чамалагач, Ниҳондан маслаҳат сўрашни унутиб, гармселда осуда силкинаётган ва ихтиёри ихтиёридан ташқарида эканини айтиб зорланаётган исирикзорни ошиғич гумдон айлади: ўзаро чирмашган мўрт пояларни кафтлари шилиниб жадал юлди ва тирикчилик ташвишига кўмилган Чегирма тўқайи ичкарисига элтиб ташлади.

Кўёш ҳаргиз синчиклабразм солаётган овлоқда энди адолат инқироз бўсағасида ночор тургани хусусида ҳикоят сўйловчи аёвсиз жангу жадал ваҳимаси ҳукмрон эди. Бир-бирини тириклай ғажилаб ейиш иштиёқида ёнаётган газандалар талвасали ҳолда ҳамла устига ҳамла қилишар, муздек совуқ важоҳатлари ва кескин ҳаракатларида намоён чексиз қаҳру ғазаб мисли йўқ уқубат келтирувчи хусумат белгисига ўхшар эди. Охирги имконини жисми ва жони оралиғида муқаррар масофада тўплаган қизилбош моҳирона амалга оширган навбатдаги кучли зарба оқибатида чипорхўжа дафъатан мувозанатини йўқотди, бутунлай ҳолдан тойгач, ноилож торгина сўқмоқ бўйлаб ночорона қочворди.

Чипорхўжа шижоат ва ўктамлик бахш этувчи беқиёс нодир манба саналмиш исирикзор аввалги қиёфасини йўқотгани, тушқун кайфият ва ҳасрат уйғотувчи оддий тақирга дўнганидан ғофил ҳолда аранг билтанглаб ўрмаларди. Ўша ғаройиб манба кўмагида дарҳол аҳволини ўнглаш ва беҳад чайир рақибини ер тишлатишдан ҳануз умидвор эди. Буқаламун чархи қаттол кутилмаган найранг ҳозирлаганини аниқлагач, ногоҳ думи қирқилгандай аламангиз типирчилаб бўзлади. Начора, галдаги янада муросасиз савушув чоғида чиндан ҳам омади юз ўгирди, орияти ва ғурурини муҳофаза қилгани ортиқ қурби етмай, чиппа қора қонига бўялди-ю, беҳолу бемадор чийралиб қолди овлоқда...

Аваз назарида

ҳайтовур ҳақ қарор топганди.

Лекин нечун бундан Ниҳон тажанг

ва нечун исирикзорга

бекор тегиндинг деб кесатмоқда?!

Ўртада бошқа синоат мавжуд чамаси ва

наҳот ундан Аваз беҳабар?!

Ҳайтовур Аваз тангри иродасига кўра кечган савашув адолат манфаати учун яқунланди деган ўйда қониқиш ҳосил қилганди. Ахир, бугундан Заранг дароз кўйнида турки совуқ заҳарли махлуқ асрашдек мудҳиш одатдан тоабад қутулди ва

¹⁰ Ҳазориспан (исирик) – ҳазораспбанд, яъни минг отни тутқун қилувчи.

Аваз жуда муҳим бу юмушни амалга оширишда билиб-билмай астойдил ғайрату шижоат кўрсатди. Энди эртаю кеч тинмай Курама чўлидан ўтин ташиб кун кечирган, мислсиз азобу укубатни ҳузуру ҳаловатдан устун қўйган, қолаверса, нафс қулига эврилган етти ўғри кўнглига ҳидоят нурини олиб кирган саркаш чолга барисини сўйлаши лозим. Кутилмаган муждадан у роса кўнгли ўсиб қувониши, ажойиб хурлик мақоми буюрган ушбу кунни дилига нақш этиши ва мумдек эрий-эрий Авазни илоё тезроқ Зилола билан қовушгайсан дебон алқаши шубҳасиз...

Аваз чипорхўжа ўлигини бағрига сиғдиргиси келмай оғринаётган овлоқдан узоклашган ва ҳануз маҳзун нола чекаётган ногирон эман олдига борганда Заранг дароз дили ва жисмига туташ кадрли оламидан адашгандай девонавор эди; эски-туски чиг селону ва бўз малопа¹¹ билан чалакам-чатти ямалавериб пўстиндай қалинлашган чопонни эгнига илганча хомушланиб ўй сураётганди. Барваста жуссаси дами чиқиб кетган шардек пучайиб, туртиб чиққан ёноқлари чўян тахлит чуйкалган, япалоқ манглайини тилимлаган қатор-қатор ажинлар янада қалинлашган эди. Ҳорғин боқаётган ва жияклари қизарган кўнғир кўзларидан милтираб оқаётган шўртак ёш бурушиқ бўйни аралаш ёқасини хўл айлаганди.

– Қалайсиз, ҳе-е, танги отагинам? – Заранг дароз аҳволини кўрган Аваз кўнглида пишигган гапларини унутди. – Нега бунча хомушсиз, хўш, бурга тепдими ёки айронийизга пашша тушдими?! Ахир, ҳалигина тетик ва бардам эдингиз-ку!..

– Кўп оширма, ўғлим, энди олмаю ўрик бўлармидим, танам ва қабрим ораси бир қадам! Илож қанча, ҳаёт бевафо, тақдири азал эса дажжол каби қаттол! Ҳе тавба, нима десам, ҳа-я, ҳамроҳим дараксиз, демак, омонат умрим етипти поёнига!..

– Ис, ўвв, отахон, нималар деяпсиз?

– Кейинроқ биларсан, ўғлим. Фақир мудом қодир эгамдан сендек бир қобил фарзанд тиладим, аммо орзуим ушалмай, ёлғизлик билан мурсои мадора қилишдан бошқа чора топмадим. Пешанамга битилган ёзук мағзини чакиш учун кўп вақт ва қувват сарфладим. Водариғ, узок яшаган одам балоғатга етиши даргумон экан, мен ҳамон довучча, яъни паққос етмишни урган думбул бандаман!..

– Оббо, сиз-ей, тухмат қилипсиз-ку ўзийизга!

– Ўғлим, рост, бариси ниҳоят тугади, энди оғир кунларимга яраган ва яхшимни ошириб, ёмонимни яширган мўътабар Курама чўлини кезиш афсуски бошқа насиб этмайди. Ҳайҳот, энди сендай азаматни ҳам ташлаб кетаман! Маҳшарда учрашгунча алвидо! Худо ҳаққи юрагим ҳам фиғон қилаётир, о-ох, шўрлик юраккинам!..

– Ҳали узок яшайсиз, жудаям узок!

– Бас, ёлғон тасаллини йиғиштир, ўғлим. Курмагур ҳамроҳим ҳадемай келаман дея бошлаб алдади-ёв! – Заранг дароз кўп зорланма маъносида илкис наъра тортган ногирон эманга оғриниб суянди. – Энди ярамагур қорасини кўрсатмаса керак!..

– Тавба, қанақа ҳамроҳ, отахон?

– Иложим қанча, тақдир экан, нариги дунёга тоғдай армон орқалаб кетишга мажбурман! Агар қоронғи гўрида азоб емай, хитланмай тинч ва хотиржам ётсин десанг, ўғлим, Шапоат парига етказки, бир умр ўша аёл висолини кўмсаб яшадим! Бечора қачондир мушфиқ дилидан фақирга жой бергани учун ўзини жудаям бахтиёр санарди. Лекин кутилмаганди жами умиди чил-чил бўлди. Бўйнига зўраки осилган оғир айб баҳона қум каби титилиб қариди ва доимо мендан жайрондай қочиб овунди!..

Заранг дароз узук-юлуқ сўйлагандан кейин навдадек оҳиста титраётган ва қавариб ёрилган сертомир бармоқларини қадду қомагига ёпишмай турган ислиқи жанда чопоннинг баридан то ёқасига қадар бир неча марта авайлаб юргизди; кўпол чоку ямоқлар, титилган жияклар ва ғоваклашган авраю астарга ҳар қачонгидан кўра жиддийроқ

¹¹ Малопа -- парча-пуриш латга (шева).

интикланиб ва маъюсона мўлтираб термиларди. Рафторини надомат сояси чулғаб, қуруқшаган лаблари четиди синиқ табассум учқунлай бошлаганига қараганда икки ўт ўртасида бетоқат тўлғанаётган эди. Охири ботинқираган ўмганини хиёл кўтариб, аллаларса дейиш муддаосида энтикиб лаб жуфтлади. Аммо нурсизланган кўзлари соққаси ногаҳон кенгайиб, нималиги номаълум охириги сўзлари бўғзига данак каби тиқилиб қолди. Ўлигимни хорламагин маъносиди бош ирғагандан кейин нафас ютолмай чилт кўкарди-да, бўғзига пичоқ тортилгандай ғарғара қилиб тинчиди: вужуди қафасини сабил қолдирган жон қуши осмон салтанати сари ўрлаган эди.

Умр ёстиғини қуритишга ишқибоз асроил нафасини туйган Аваз томдан қулаган бола мисоли ўтақаси ёрилар даражада кўрққан ва рангу кути учиб қалтираётган эди. Андак юпаниш ниятида терчилаган қайноқ бетини қизғимтиру сарғиш териси хиёл қовжираган ва суюқлари бўртиқ илимсиқ кўкракка босди, охириги сонияда талваса, умиду илинж сувратланиб қолган кўнғир кўзларни юмаркан, сал илгари Ниҳон афсус ичра юмалатган аччиқ қочиримни эслади, тасавурида ногаҳон оёқлари остида топталган нимяшил исириқзор жонлангач, аллатовур ўртаниб беун ингради, ахир, қаники ҳозир иложини топса-ю, Айригум жари гирдидан қуйига шўнғиса ва қутилмаган маломатдан тоабат қутулса?!

Аваз ўзидек қаттиқ афсус чекаётган ва ёруғ дунёга сиғмай ўкинаётган Ниҳонга қарагани ботинмади, қараса гўё фалак тоқи гувиллаб кулар ва бутун замин увокланиб кетар эди; ногоҳ шунда Шафоат парини эслади-ю, вужуди баттар қақшаб, юраги тарс ёрилаёзди. Не қиларини билмай, жон ҳовучлаб паришон турганда ғойибда тангри таоло иродасига бўйсуниб фарзу қарз деган нидо янгради, илоҳий даъватдан энгил тортган ҳамоно бойқушлар чуғурлашига тўла Чегирма тўқайи тарафда чангу тўзон кўтарганча жадал шалдираб елаётган Олача карвони кўринди. Ўша заҳоти меҳрибон тангри таолога таҳсин ёғдириб, карвондан орқароқда қолган ва қобурғалари саналиб турган чавқар айғир судраётган бўмбўш аравани қуйиб-пишиб ногирон эман сари қайирди.

Тақдир ёзуғини қаранг: тепада етти қийғир мунгли сайраб учаётган паллада, ғарбга ёнбошлаган қуёш ёғдуси остида, оҳори тўкилган кўкимтир шоҳи белбоғ билан жағи бойланган Заранг найнов жасади ортилган арава икки тарафи қорамтир бархан ва қиру адирдан иборат кумлоқ йўл бўйлаб тебрана-тебрана илгарилаб борарди. Пишқириб одимлаётган чавқар айғир белига безовта кўнган Аваз бетобга ўхшар, бору йўқни унутган ва кўнгли иқлимида телбавор адашган эди. Баъзан одамзод жонини бошқа махлуқ жисмида сақлаб юриши қандай синоат деган ажабтовур фикр чўғланарди ғуборли миясида...

Ўн учинчи сайр

Думи чўнка¹² супургига ўхшаш, хиралашган кўзлари намли чавқар айғир қўшилган арава ғилдиракларини ғичирлата-ғичирлата Тегана қишлоғини четлаб ўтди, Халил пурча қўтони сари бурилди-да, кигиз ўтов яқинидаги пастқам томли уй пешиди тўхтади. Томоғи қуруқшаган ва тинкаи мадори қуриёзган Аваз, кенггина айлана қўрага қамалган ва зорланиб маъраётган касал қўй-қўзи ва эчки-улоқларга хашак бераётган Норимқул ва Ойхолга парво қилмай, совуб улгурмаган жасадни айвондаги ёғоч сўрига амаллаб жойлаштирди, оҳори тўкилмаган кўкимтир чойшаб билан ўрагач, терчилаган пешанасини чала-ярим сувалган ва томдан сизган чакка қорайтирган деворга тираб хўнраворди...

Аваз ҳаргиз лолу ҳайрон: Заранг дароз ногирон эман тагида ўтирган пайт-

¹² Чўнка – кўп ишлатилгани боис қалтарган (шева).

да ажал шарпасини қандай сизди, сезган эканки, туси бутунлай ўчган исқирт лас чопонини қайта-қайта паришон сийпалаб ва вужуди жодига тикилгандай типирчилаб ҳасратлашди, дарду аламини бурушиқ ёноқларини милтираб юваётган қайноқ ёшга қўшиб тўкди. Жонсарак талмовсираб мўлтираётгани боис жуда муҳимлиги англашилган қандайдир муждани эса ошкор этишга улгурмади ва ғариб кўнглида сақлаб қолди. Келгусида ҳатто Ниҳонга ҳам номаълум ўша гапни билиш амри маҳол, негаки, Заранг найнов бошқа мархумлар каби тирилмайди, энди бечорани кўп маҳтал қилмай қаро тупрокқа топшириш, яъни сўлғин нигоҳи орқали умидланиб айтган охириги васиятини бажариш лозим...

— Эвоҳ, оғаларим, мушфиқ Курама чўлини орқадош ва ҳатто эмиқдош ҳисоблаган ва бировдан асло тили қисик бўлмаган теганалик бир бандаи мўминдан ажрадик. Тақдир йўллаган ҳасад чакмоғи зарбидан бели синган эман пойида тўсатдан жон берди. Видо онларида мени ўғлим деб атади ва мен билан очилиб анча узоқ дардлашди. Сўнгги нафасига қадар маъшукаси дийдорига интиқланган зот қоронғи лаҳадда тинч ётадимми ёки бир кун уни ёриб чиқадими, эй ёронлар?!

Аваз бутун вужудини ўртаётган залварли қайғу-ҳасратни жанозадан олдин худди шундай куйиниб шарҳлади. Аммо Ниҳон аллақачон Курама чўли хотира китобига киритган муросасиз сирли савашув хусусида умуман индамади. Аслида Заранг дарознинг ҳамроҳи саналган чипорхўжа ва ғалабага эришган қизилбош турқи таровати сира ҳаёлидан жилмасди. Номгинанг ўчқурлар, ваҳима ила қалбини ағдару тўнгар айлагани етмай, ортидан шарпа каби муттасил таъқиб қилишарди, янаям қизиғи, гўё жону жаҳонида ўрнашиб олишганди: гоҳо нимадир сўрагандай ўқгин-ўқгин чириллаганча оҳиста ғимирлаб қўйишганда ногоҳ юраги пўкиллар, руҳи таранглашиб типирчилар ва лекин аҳволини бировга сездирмас эди.

Аваз танаси муштдай кичрайиб, афту ангорига ажал нуқси урган майит ювилаётган ва кафанга ўралаётган паллада баттар хўрлик ютди ва беихтиёр Ниҳондай ўзини ўзида яширишни тилади. Кўҳна дунё билан тузук-қуруқ келиша олмаган, тўғри йўл тутгани ва ҳақ эканига амин бўлган банда жасади энди гўё кўнглида узала тушиб ётарди. Қудратли вақт Олача карвони сингари баъзан оҳиста ва баъзан жадал илгариллагани сайин буни янада яққол туйиб ҳаприқаётган эди.

Ёпирай,
умиду гумон,
роҳату оғрик,
иродаю заифият,
савобу увол
ўзаро битим тузиши мумкинми?!
Қувонч топиш қувончи,
эрк сари интилиш иштиёқи,
заруратни тан олиш зарурати нима
ва наҳот булар
ғам дарахтини илдиз бўлиб кўкартирса?!

Аваз назарида анча чигал ушбу тушунчалар Заранг дароз ва Шафоат пари турмуш тарзини белгилаб берганди, ҳар иккиси қалбини умр бўйи даҳшатли ғаддор сиртмоқдай аёвсиз бўғиб, мудҳиш талвасаю таҳликага гирифтор этганди. Ана шу баҳона улар пешанасига босилган ҳижрон муҳри замирида чексиз надомат залварии жамланганди ва шу нарса Аваз қисмати йўналишига жиддий таъсир қилиши мумкин. Агар Зилола шафқат ва меҳру оқибат нималигини бутунлай унутса, келгусида у ҳам омади чопмай қон қақшаган ошиқ сифатида кўҳна дунёни лаънатлаб сўккабош ўтади ва мудҳиш фироқ кафанини ёпиниб киради қоронғи қабрига...

– Эй юрагим, нахот Заранг дароз издошиман ва нахот тоабод тақдир қўлида ўйинчоқ бўламан?! Сен бечорага айниқса осон эмас, негаки, дахшатли ҳижрон аввало сенинг вужудингга найзадек санчилур! Карамии кенг тангри кошқи сени эъзозлаб қўлласса!..

Чуқур таъзия изҳор этаётган Ниҳондан нигоҳ узмай, тобора эзилаётган Аваз охири юрагига мурожаат қилди. Таъналии янграган эзгин овози тўсатдан паймонаси тўлган Заранг дарозга алоҳида мотам тутаётган Қурама чўли бўйлаб ёйилди, сўнг чўпдек озғин Шафоат пари бўзлови билан қўшилиб акс садо берди. Хомуш тортиб қолган кўёш кузатуви остида туртина-суртина имиллаб келган Шафоат пари тобора совуётган жасадни бағрида яширган ва бу қилмишидан хижолат эканини беун сўйлаётган тобут ёнида бору йўғини бой берган гадодек мунганиб тўхтади. Чексиз изтироб ҳосиласи бўлган ёш дарёсида чорасиз сузиб, зарчадек саргайган ва бевафо дунёни кўтир зиғир ёғидай бадимга урмиш тарзидаги маъно зухурланган қиёфага ғилтиллаб тикилди...

– Ҳе-е, дариғо, мани суйимли суянчиғим деб адашганим, мандан бир оғиз ризолик тиламай жўнапсан-да чин дунёга?! Ҳайҳот, ёлғон дунёда мани ёлғиз ташлаб кетишга қандай журъат қилсан?! Аразинг катга экан-да ва сан ўлгунча шу араз ўлса бўмасмиди?! Майли, ху-ув, бу ноҳақликка бир амаллаб чидашим мумкин, аммо сени охират сапарига етти ёт бегоналар кузатиб қўяётганига қандай чидайсин?! Тангри таоло иродасига кўра, сен тобуткаш ва чироққарлардан қисилдинг: улар товаллуд топмай ва ёруғ дунё юзини кўрмай қовжирашди!..

Надомат ва ўқинч оғушида юм-юм йиғлаётган Шафоат пари арзи ҳоли жаноза аҳлини роса чирқиратди. Яхши ва ёмон ўргасида овораи сарсон бўлган ва Заранг дароз каби барисига кўниккан кампир фарёди ичра пинҳон ингроқ бутун курраи арзга етгулик эди. Жаноза ўқилган ва тобут кўтарилган пайтда кўкиган айвонда тошдай қотиб ўлтирар ва қони қочган серажин бетига ҳаёт асари сезилмас эди; ёшлик даври хотиралари ва ҳижронли кунлар аламу армонлари дилини чирмовуқдай чирмаганди. Сўнг ногоҳ тарс ёрилгудек ҳолда, тиним билмай елиб-югуриб чарчаган Ойхолга жовиллаб ёпишди ва ундан чексиз қайғу ва оғриқдан иборат йирик азада хотин-халаж йўқлиги сабабини суриштирди. Тайинли жавоб ололмагач, якка ўзи уй пешидида тўлиқиб садр тепди; безовта ҳолда гир айланиб, қуриган кўксига муштлай-муштлай, кўхна дунё аввал ғам тоғини бунёд этиши ва кейин ўша тоғ остида ўзи мўрчадай чийралиб ётиши ҳақида эзиб-эзиб марсия айтди ва охири ҳолсизланиб гуппа йикилди.

Жаноза расму русумини маромида уюштирган Норимқулу Ойхолу Авазни баттар куйдирганча Шафоат пари мен бахту иқбол шуъласи ўрнига зулмат дугонаси бўлдим деган иборани такрор минғирлаб айта-айта оғир дардга чалинган бетобдай кўрпа-тўшак қилиб ётди. Нукул Авазни ёнига чорлар ва илоё мениям кўмгин тарзида ёлборарди. Аваз назарида вақт кечгани сайин шўрлик ҳатто ўзидан ҳам ётсираётган эди, юраги боғи узилгудек инқиллаб фиғон чекар экан, бутун Қурама чўли унга қўшилиб инграётганга ўхшарди.

Тунни тахтидан қулатган галдаги тонгда Шафоат пари оби ҳаёт ичиб тузалган бемордай салгина хушини ўнглади, бурчақда қунишганча қурум босган шифт ва қия очиқ деразага узоқ термилгач, ҳалиги марсияни эзиб-эзиб такрорлади-да, ташвиши мўл уй эгаларига чурқ этмай, қировлаган сочларини сийнасида ёйиб, онаси дийдорига интизор бўталоқдай бадар кетди. Қовоқари етқизган чала-ярим хабарга кўра, кўп фурсатини туз татиб-татимай Қурама чўли хилватларида телбавор тентираб, Заранг дароз қабри бошида серажин бетини тирнай-тирнай шашқатор ёш тўкиб, марҳум суйган кўшиқни бир маромда куйлаб, қайта-қайта дуойи фотиҳа ўқиб ва тавбаю тазарру қилиб ўтказар экан...

– Хў-ў, жоним Аваз, Заранг дароз шу аёл учун жуда кўп алам ютиб қоврилди тўқими оғтан дунёда! Дангали, имондан жудо бир номард сурларча топтаган муҳаббат учун оғир товон тўлади! – Норимқул анча дағал соқолини тутамлаб ғулдиради. – Чархи каж зуғумига мардона чидаган, бош ёрилса дўппи остида деб овунган, аммо қадру қимматига тирноқча қизиқмаган шу банда арвоҳини доим ёд этиш лозим, а-а, лаббай!..

– Маъкул, ростдан маъкул, дадажон! Аммо ҳозир мен бошқа жумбоқни ечишга уринаётган эдим. Хўш, айтинг-чи, шодлик билан ғуссани қайси тарозида ўлчаш мумкин?! Ва нечун вақтида шу саволни ўша ситамгар чолга бермадим!..

– Ҳечқиси йўқ, ўғлим. Локигин у, адашмасам, онаси қорнидан ё бир қайнови кам бўлиб тушган, ёки гўдак пайтида лўли-пўли кўлидан жудаям расво жоду еган! Мевасиз дарахтдай ёлғиз сўшпайиб ва беҳуржун гадодек қилпиллаб умр кечиргани галати-да! Қуруқ номию лақабидан бошқа ҳеч вако қолмади ортида!..

Аста-секин авзойи ўзгарган Норимқул нозик қочирим аралаш дағал вайсирай бошлагандан кейин Аваз елкаси тиришиб ва ичи сидирилиб афтини ўгирди. Баъзан тили тугуни ечилиб, истаган одамидан камчилик қидириб завқланадиган отаси аслида ҳақ: минг уйли Тегана қишлоғида Заранг дароз хусусида на чўмич ва на капгирда турадиган турли узунқулоқ гаплар папша мисоли урчиб кетди. Бугун Халил пурча ва бошқа айрим олифта нусхалар томонидан у турмуш расму русумини умуман менсимаган, фақат бити билан келишиб яшаган ақли қосир саркаш кимса сифатида айбланади. Ростдан ҳам бола-чақа орттириш қайғусини чекмагани, тузукроқ бошпана курмай, тепса қулагудек омонат кулбада молдек тунаб юргани, мундоғ пичоққа илинадиган молу дунё тугул, ҳатто озгина ўлимлик ҳам йиғмагани ҳеч бир рисолага тўғри келмайди-да...

– Хў-ўп, Авазбой ўғлим, зотдор гап шуки, Заранг дароз ёдини ҳадеб пуйпалаш бепойда, бечора қиёмат-қойимга қадар ти-и-инчгина ва осуда ётсин қоронғи гўрида! Тўғрим, а-а, лаббай?! – Норимқул тарашадай қотган чаккасини бафуржа қиртиллатиб қашлай-қашлай андовани дафъатан бошқа томонга тортди. – Мулла, яхшилаб эшитгин: яхши калом хўш, локин савил хуржун бўш!..

– Эҳ, бариси ўроқдай тўғри, дадажон! Агар эпласайдим, ўша жонивор хуржунийизга ер, ой ва куёшни жойлаб берардим, майли, булар ёнига бир ховуч юлдуз ҳам қўшиб қўярдим!..

– Авазбой, барака топкур, ҳадеб маймачалпак айтишма, яхшиси ҳозир зипиллаб оғилдан кетмон обчик, биргалашиб янтоқ чопамиз. Ашу савил қишу қировда туёқни тўйғазишда жудаям асқотади. Агар яна қулоғингни қимирлатсанг таъзирингни ейсан! Ҳаддингдан опма, бола! Эртадан қаро кечгача панаю пастқамда эгаси ҳайдаган кўппакдай дайдиб шимилдирик топарминдигин?!

Борлик узра субҳидам кумушранг қокилини ёйгандан бери Нихонни интизор кутиб, Қурама чўли бўйлаб сафарга отланиб турган Аваз сирпанчик пичинглар таъсирида товонига тикан санчилгандай тўрсайди, кўнглида эса сиз поёнсиз кенгликлар суврати ва сийратида пинҳон жозиба сеҳридан гофилсиз тарзидаги мулоҳаза кўзгалди. Ўта чучмал шимилдирик сўзи қитиқ патига беҳад қаттиқ ботгани сабабли тилига эрк бериш ва аста жўнавориш учун шайланди. Аммо аллақачон сурувни яйловга ҳайдаган ва қўтондан селгиган чалма ва таппи ташиётган касалманд Ойхол темиртирноқ Норимқул ёнида икки букилиб янтоқ чопишини чамалагач, ноилож сукут сақлади ва қачондир Халил пурчанинг отаси Розик қиморбоз қурдирган оғил эшигига юзланди.

Аваз ягона юмалоқ туйнуқдан тушаётган ғира-шира ёруғда сўқирдай пайпасланиб кетмон қидирар экан, Шифо дарёси сари элтадиган олис йўлда адаш-

гандек саросар эди. Қоранг ўчгур кетмон эса анқо уруғидай ҳадеганда топила қолмади, не қиларини билмай хитланган дамда пахса охурдан бериди хивчиндан тўқилган саватдай тўнкариб қўйилган йирик дошқозонга тўқишиб мункиди ва қуртлар ғалвирдай тешган устунга урилди. Ўзини ношудликда айблаб, қақшаб оғриётган пешанасини уқалай-уқалай қад ростлаган заҳоти ғойибда кимдир тавалло оҳангида юмшоқ ғудранди: ўғлим, анов нарсани ташлаб кетмагин!..

Вожаб, ким бунчалар қуйиниб
фармойиш бермоқда?!
Ёпирай, наҳот тўсатдан омонатини топширган
ва тунов куни қирқи ўтган
ўтинкаш Заранг дароз бўлса?!
Худо шоҳидки,
чол недир ташвишу ҳасрат ичра
қайғуриб тикка турган чамаси қабрида
ва арвоҳи сўйламоқда чирқираб!..

Аваз ажабсиниб жон қулоғини динг қилди, ҳалиги хитоб янада яқиндан эшитилгач, хавотиру шубҳаси қизиксинишга эврилди ва безовта нигоҳи мағорлаган сомону порига қоришиб ётган юмалоқ тугунга қадалди. Пушти гулли одмиёна чит рўмолга ўралган анча залварли буюм Заранг дароз умр бўйи эгнидан ечмаган, кўз қорачиғидай авайлаб асраган ва зарур пайтда бошига ёстик қилган жанда чопон бўлиб чиқди.

Оддий кечган дафн маросимидан сал илгарироқ у сарик чақага қиммат ноке-рак матоҳ сифатида улоқтирилган ва ҳалигача бирон кимса томонидан иримига йўқланмаган эди. Ҳатто уни Аваз ҳам хотирламабди. Энди ҳамма қатори бепарволик йўлини тутгани учун аллатовур оғринди, беҳосдан узилган ва охиратга улкан аламу армон тоғини орқалаб кетган теганалик Мажнун қиёфаси тасавурида жонлангач, пирпираётган қалин киприкларига илимсиқ ёш қалқиди...

– Ана холосу пишди гилос, кетмон қани, занғар?! – Норимкул рафтори хиёл кўпчиган Аваз қўлтиғига қистирилган нарсага нописандлик билан ишшайиб қўл чўзди. – Оббо, ҳалиги савил-ку! Шу дардисар ёрдамида янтоқ чопазмизми, гаранг?! Апсус, буни эски-туски йиғувчи мўлтониям увокча назарга илмайди-ю, сен баччағар пишириб ермидинг?! Хўп-пала, бут жойи умуман йўқ, қуроғи ва чоки беҳисоб! Ҳе-е дариғ, Заранг ота, кадринг шу ислики кадридан минг марта юқори эмасмиди?! Нечун миянгни тузукроқ ишлатмадинг ва бу оддий ҳақиқат тагига етмадинг?! Ахир, замонида кимсан тегана уруғига ўлардай қайишган, зотдан жирканган ва ор талашган полвон эдинг-ку!..

– Секин айтасизми, дадажон?!

– Бас, ёқвориш керак тандирда!..

Норимкул енгил депсинганча заҳаролуд илжайгандан кейин ямай-ямай тепкилаб кийилган, борлиғидан ачқимтир тер, қум-тупроқ ва гиёҳ-ўтин ҳиди қўшилиб анқиётган чопонни хушламай ғижимлади. Кучук катагига тўшамчи ҳам бўлолмайсан маъносида бурнини жийирди-да, барини чап оёғи остига бостириб, енгидан шартга силтаб тортди, телбавор тарзда ихрана-ихрана ва эринмай роса тортқилади, нафаси тикилган ва бўйин томирлари ўқлоғидек бўртиб чиққанда ҳам, жуда муҳим иш бажарётгандек, астойдил кучанаётган ва ҳар замонда асабий ғудраниб сўкинаётган эди.

Қора терга пишган Норимкул жаннати бўлгур Заранг дароз шаънига таъна ёғдирганча тинмай ҳансираб уринаверди; қахру ғазабдан иборат кўпол муносабат туфайли чопон жони сим-сим оғриб тутақайтган ва шафқат тилаб инграётган эди. Охири сабру бардоши тугади чамаси, ҳар жойидан оҳиста тириллаб

қақради, чириб қорайган ва қотинқираган пахтаси савағич билан савалангандай чангиб питради, охири Заранг найнов гавдасига муносиб бўлган шаклу шамойили йўқолди ва ўша заҳоти ақлу идрокни ўғирловчи мўъжиза рўй берди.

Худо ҳаққи ишониш кўп қийин: бировлар кафан, муносиб мерос ёки шоҳона либосга менгзаб масхаралаган ислиқи чопон алал-оқибат қачондир кулфу калит қилинган сирини очиб ташлаганди, аниқроғи, авра-астарлари қатларидан эртақларда тасвирланган каби бежирим, илон оғзидан чиққандек латиф тиллаю кумуш тангалар, моҳирона ясалган зумраду ёқуту марварид буюмлар оҳиста шиқирлаб тўкилган эди. Ҳар қандай дилда беадад ҳавасу умид аралаш орзиқиш, таърифи йўқ фароғат ва хавотир, ифтихор ва рағбат уйғотувчи шода-шода жавоҳирот юксак тахтидан ажабсиниб боқаётган куёш нурида майин товланмоқда эди.

Эй фалак,
 ушбу манзара нимадан нишона
 ва сен нечун гувиллаб қуламаяпсан?!
 Эй парвардигор,
 ёруғ дунёга баумид келган
 Заранг дарозда қасдинг бормиди
 ва нечун бечорага қайишмадинг?!
 Тавба, сендан у ўзини йироқ тутармиди,
 сендек улуғ биру бор иродасини
 тан олмай қўйганмиди
 ва ёки сени атай ранжитиш тилагида
 шайтон қанотига кирганмиди, ҳайҳот?!
 Ахир, Аваз Заранг дарозни
 кўнгли билан қиёматлик дўст тутинган,
 имон гавҳари қийматини
 оламда мавжуд жами жавоҳирот баҳосидан
 бир неча чандон баланд ҳисоблайдиган
 ҳамда уни бор кучини сарфлаб асрайдиган банда;
 нафс балосидан йироқ юришни
 уқтирадиган ҳикматларни дастур қилган ва
 фақирлик фаҳримдир дея руҳланган
 диёнатли зот деб суймасмиди?!
 Аваз каби етти ўғри ҳам
 Зароз дароз кимлигини қаёқдан билсин,
 ҳайҳот,
 аслида у молу дунё ортидан кувадиган
 Халил пурча қавмига мансуб экан-да!..

Нақадар ҳайратомуз: ҳайкалдай қотиб афсус ичра мулоҳаза юритаётган Аваз қаршисида жумлаи олам сарвари ва тириклик бунёдкори қудратига бевосита тегишли бўлган ва бани башарни мудом талвасага солган илоҳий маъданлар намуналари осуда жилва қилаётганди. Айни пайтда тасаввури ойнасида муҳаббат ҳақидаги маҳзун кўшиғини айта-айта, мудом қадимий Қурама чўли бўйлаб изғийдиган Олача қарвонини уввало менсимай, зилу замбил ўтин елкалаб одимлаётган ва ашаддий етти ўғри қалбига инсоф уруғини қадаган Заранг дароз бўйлаган эди...

Кўҳна дунё билан ҳаётни ҳар мақомда бемалол йўрғалатишга қодир жавоҳир уюми қошида Норимқул ва Ойхол манзилидан адашган йўловчидай эсанкираб қолганди. Бир амаллаб Аваз каби фаҳму фаросати ва иродасини ишга солиш учун тиришаётган Ойхол оқи кўпайган толим-толим сочларини турмаклаб маъюсона хўрсинди.

Авзойи ва қараши буткул ўзгарган Норимкул эса аввал лабларини ялаб ишпайди, сўнг бўғзига пичоқ тиралган кимсадек дафъатан шанғиллаганча қичқирди. Сал кечмай қандайдир қуйқа сезимлари орқали мияси бурчларини қамради-ю, хиралашган кўзлари оқи орқасига сурилиб, бирдан Авазни мақтай кетди. Оғзидан оқаётган сўлакай ёқасини шалаббо қилганини сезмай, ҳалигина беписанд жавраганини бутунлай унутиб, уада чопон бурдаларини аллатовур ихлос, эҳтиром ва ғалаги қилиқлар билан қайта-қайта қошу қобокларига суртди. Ҳам мамнун ва ҳам қайғули алфозда Заранг дарозни ёруғ дунёга тўймай кетган улуғ зотлар қаторига қўшиб узок бидирлагач, жавоҳиротни боши узра бир неча марта жиринглашиб сочди-ю, маймундек енгил дикир-дикир сакраб ва ҳикиллаб ҳиринглай бошлади.

- Хо-хо-хо-о, итники итгаю битники битга!
- Хў-ўш, энг ҳалоли – кеч буюргани!
- Авазбой, ашинақа, топганники тоо-опаа-лок!
- Ҳувва, хув, холис банда пешанаси бир қарич!..

Ҳаял орасида шуури туманлашган бўлса ҳам Норимкул ана шу ибратли нақлларни сира янглишмай яққол эслади ва уларни тилини ҳаққа чўқигандай айрича ғулдираб, ялтоқиланган кўйи ғалати илжайиб, эринмай қайта-қайта такрорлар эди. Энди кўзлари аллатовур чўғланиб чакнар, қорачиқлари ёруғ дунёдаги жами қувонч ва сурурни жамлагандай кенгайиб борар ва ёноклари кўпчий-кўпчий кўкармоқда эди. Ҳадемай лабу лунжи тортиша-тортиша бир томонга қийшайди, лекин буни сезмай, қандайдир сирли ўргимчак тўқиган тўрга ўралаверди; назарида тангри таоло ҳаётига хайрли назарини тиккани учун кафтига омад қуши қўнган ва жигарини хуну қўнглини хуфтон қилиб келган мискинлик қайгадир абадий чекинган эди.

Аслида табиатан чодирхаёл бўлган Норимкул юпқа лаблари гезарганча лаллайиб турган ва алланарса деб паришон пичирлаётган Ойхолни белидан кучган ва эҳтирос-ла ҳий-ҳийлаб бетидан чўлп-чўлп ўпаётган пайтда Тегана кишлоғи тарафдан илдам елиб келган Қарчиғай кўтон этагида пишқириб тўхтаган эди. Қора кўпикка ботган тўриқ ниманидир сезгандай безовтаҳол кишнаб депсинар ва ҳатто кўкка сапчилар эди. Ҳадемай кигиз ўтов, уй-оғил ва кўтон узра бетоқат учаётган хур қийғирлар нимадандир огоҳ этганча чуғурлай кетишди.

Ажиб ҳодиса боис кўкси тирналиб қуйинаётган ва хавотирга кўмилган Аваз арпаю сули ейвуриб семирган Қарчиғай алоҳида улкан ташвиш етаклаб келганини пайқамади. Шубҳа ичра мислсиз афсус ва қайғу чекаётган Ниҳон амманнинг бузовидай кўп анқайма деб аста жеркигач, ҳалигина муз остидан чиққандек дағ-дағ қалтираётган Норимкулни ачомлаб, томида чумчуқ ва қалдирғочлар чуғурлашиб донлаётган уй томон шошилди. Нечундир юраги кўкрак қафасини ёргудек потирлаб тепаётганди, назарида эшиклари олдида қандайдир кулфат оғзидан оташ пуркайдиган сарик баданли ёлдор аждар каби кўндаланг чўзилган эди. Ишқилиб охири бахайр бўлсин ва отасини худо асрасин паноҳида...

Ўн тўртинчи сайр

Ҳемирига қиммат жанда чопон
сирини фош этган дақиқадан буён
Норимкул гоҳо хушли, гоҳо беҳуш...
Бўғзини нимадир мутгасил куйдиради.
Оқдан оқ соялар килкиллайди кўзлари ўнгида...
Ботини ва зуҳурида
ажиб тўлғанишу тушунуксиз таҳлика,

тогли санчиғу азоб, аччик шодлиғу рағбат,
 ниҳоят,
 недир умиддан дарак берувчи ҳайрат,
 мард ва сахий бўлишга ундовчи сурур ҳукмрон...

Аваз назарида энди Норимқул ғайриихтиёрий тарзда бирдан ниқобини ўзгартирган, ақлий ва руҳий ўлчамидан чиқиб кетган ёки бирон мақсадда бошқа сайёрадан келиб қолган нотаниш одам эди. Чиндан ҳам рангу рўйи кўпчиган ва бўялгандай кўқарган бўлиб, жимжит даҳлиз тўридаги юпка сатин кўрпачада ялпайганча талваса ичра эснар, баъзан бўйнини сиртмоқ қисаётгандай қиска-қиска хириллаб йўталар, шайтонарава ҳайдаётган бола каби оёқларини узлуксиз силкитар эди. Қачондир орқаси тутиб ва ғалати пишқириб эловлади-да, қизарган кўзларини ваҳимали йириб, сархил егулик тилагандек ғилтиллаб тамшанди. Ёндориси чириган қия очик омонат эшик сари чақчайиб тикилгач, шундоқ ҳам талотумли кўнглида туйқус алланарса портлади: фақир топган аломат ёмби қайда, хо-овв, мардум?!

Норимқул шу қадар тутақиб шовқин солдики, кўқиган айвонда киприк намлаб бетоқат ҳикиллаётган Ойхолни овутаётган ва хаёлан Зилолани инсофга чорлаётган Аваз беихтиёр сесканди. Масала нима эканини ниҳоят фаҳмлаб, мийғида истехзоли кулди-да, ҳозирок бариси жойида бўлишини таъкидлади. Ростдан ҳам энди Норимқул тоабат қоранг ўчкур Халил пурча янглиғ дасти ва тили узун бойвачча каслар қаторига қўшилади, осмондан чалпақдай ёғилган ва чексиз ҳайрат уйғотган катта бойлик унга шубҳасиз шундай ажойиб имкон яратиб беражак...

Аваз ўпкасини қўлтиқлаб келганда бир ёни хиёл чўккан оғил пешида ғози қочган, туси ўчган куроқ авраю астар, сарғайиб чириган пахта ва ҳазон тахлит юқарган бўлгагу сўлтақ жияклар товук титкилаган ифриндидай афтодахол чуйкалиб ётарди. Тангри амрига кўра, жуда муҳим хизматни эплаган увадалар, азалу абад ғалваларидан ажиб ҳикоятлар сўйлаб, Заранг дароз, чипор илон ва зару зе-вар бўйини таратаётган эди. Фақат қора қозонини аранг қайнатадиган оила, хусусан, Норимқул ҳаловатини бузган жавоҳир уввало кўринмади, ҳайҳотки, савил қолгур сароб, шарпа ёки рўё мисоли ному нишонсиз йўқолганди. На чора, балки ер қаърига киргандир, балки кушдек мовий осмон сари учгандир ёхуд иссиқда муз тахлит эрий-эрий буғланиб кетдими?!

Сира буни кутмаган Аваз надомат исканжасида лабларини тишлаб қонатаёзди; аслида энди кўчаларида чинакам байрам бўлиши, ҳаётлари ўнгланиши ва барча ни-ятлари ушалишига қаттиқ ишонган Норимқул ва Ойхол аҳволига ачинмоқда эди. Ноилож нотанти ва беқарор чархи кажни бўғилиб лаънатлар экан, тасавурида тега-наликлар суқини кўзгайдиган Қарчиғай, хиёл чўзик зоғора бетига табассум қалқиган чоғда тугмасимон кўзларида риё аралаш ҳасад учқунлайдиган ва кумуш тўғали чарм камарига заррин қопчиқ осилган Халил пурча жонланди. Пахса деворли оғил пеши-да чочилган зебу зийнат буюмлари ва бухори тангаларни ўша энаси байтал ўмаргани шубҳасиз, дангали, енг ичида иш битириш бобида у шунчалар устаси фарангки, зарураг туғилса шайтони лаъинни ҳам нақд бир чўқишда қочиради. Қовоқари хабарича, мучал ёшига тўлганда, отаси Розик қиморбоз насиҳатига кўра, умр бўйи ростни қийратишу алдовни қўллаш, сувдан бошлаб ҳолва ясаш, бургаю канани тақалаш, тирноқ остидан эринмай кир қидириш ва сомонни буғдой деб пуллаш ҳадисини эгаллай бориш хусусида ер ўпиб қасам ичган экан...

Падар қусур тақдир нақадар чигал: Аваз шундоқ ҳам ғовлаган бошига тағин битта бемаъни ғалва ортгирди. Энди ҳар қанча келиштириб аниқ-тиниқ сўйласа ҳам ушбу савдойи шўришни аллақачон ўзини бойвачча чоғлаган кўйи нақд тўққизинчи осмонга кўтарилган ва келгусида пичоғи ғарчча мойга ботишини

чўтлаётган Норимкулга тушунтириши тоғни жойидан кўчиришдек машаққатли эди. Ана шу дарди бедаво ишқални назарда тутиб, сурувни яхши кўримаган итдек калтак ейишдан чўчигани боис, нукул фақир топган аломат ёмби қайда дебон чираниб ҳайқираётган отасига чап берди-да, димикқан кигиз ўтовга қамалиб, Элёр отбоқар нафаси теккан бахмал муқовали китоблардан бирини варақлашга киришди. Кейинги ҳайратомуз воқеалар ва айниқса ўзини маликадек тутаётган Зилола қилмиши оромини бузаётгани боис мутолаа жараёнида хаёли мутгасил бўлинар ва миясига ўнтадан битта фикр аранг ўрнашар эди.

Чимилдиғи узилмаган келинчакдай барно тўлин ой олмос сирғадай бежирим юлдузларни атрофига тўплаганда Аваз беҳад ўтли изтироблар комида тўлганмоқда эди. Фалак маликаси маним рақибам Зилола дийдорига нақадар интиқсан дебон шивирлагач, дарди баттар газаклади. Агар ҳозир у билан юзлашса, бир даста лолладек кучоқлаб, зерикарли тунларда кўзлари тинимсиз оқизган аламу армон ёшларидан ҳосил бўлган уммонда сузиб чиқажаги ва охири соғинч бандаси сифатида ҳижрон уйини ёқиб юборажаги ҳақида шивирлаб роз айтарди қулоғига!..

Кўп афсуски, ҳозир Зилола олисда, қандай юмуш билан машғул экани ва нимани ўйлаётгани тамом қоронғи, зеро қурмагурни *топмоқлик роса қийину топмаслик жуда ҳам осон, чунки кўриниши алҳол яширин ва яширингани кўриниш*¹³ бўлса ажаб эмас. Эвоҳ, балки ушбу дамда тўйиб ўткир шароб ичиб тугмасимон кўзлари кизарган Халил пурчага мушукча мисоли суйканиб юрагини ёраётгандир; балки Қурама чўли хилватларида тинимсиз кезиб овунадиган Авазни масхаралаб қикир-қикир кулаётгандир ёки чиройли момик кафтларини кўш чўққидек бўртиқ маммаларига босганча содда йигит шаънини ерлаётгандир. Аммо тоабад биргаликда қувониш ва қайғуриш саодатига чулғаниш, кўнгил қуши ҳаё ва садоқат ихтиёр қилган тақдирдагина ҳаёт гашти яхшироқ татиши борасида илгари тўлиб-тошиб айтган лутфлари эса сира хотиридан кечмаса керак...

Аваз бағри тошдай қаттиқ санамлар сафига қўшилиш мақсадида интилаётган Зилолани ғойибона суҳбатга чорлагани сайин юпаниш ўрнига баттар хитланаверди, сўнг кигиз ўтов бикинидаги ёғоч каравотга безовтаҳол чўзилиб, ўзини Қурама чўли билан фалакнинг дили пора-пора ва лекин кўп нарсадан умидвор саркаш сирдошига қиёслади. Назарида биллурдек сайқал топиб жозибали ярқираётган сайёралар, хусусан, Хулқар юлдузи коинот мулкига муносиб латиф безак эди. Илгари Аваз, бетакрор илоҳий дурдона саналган Хулқарни, Зилола билан яқдил келишиб, бир умрлик севгимиз ва бахтимиз тимсоли деб белгилаганди. Айни дамда маъшуқаси ҳам ўша ноёб хилқатни завқланиб кузатганча энтикаётган бўлса нетонг ёки бепарволик билан уни аллақачон унутганми ва юлдузлар орасидан бошқа бирига ихлос боғлаганми?!..

Субҳидам арафасида Аваз тўшақда тўлганганча босинкираб ётар ва тинмай телбавор алаҳлар эди, аниқроғи, тушида нукул дил ақлга тобеми ёки ақл дилга деган фикрни такрорлаб, яссибурун ва сариқ чаён кўриқлаётган Қаноат боғида тентираб юрарди. Сўнг беҳосдан бойкушлар макон қилган Туманак харобазоридаги суви ҳеч қачон айнимас сарҳовуз бўйида ҳозир нозир бўлди. Кўрпача тўшалган ёғоч сўрига жимгина ўрнашгач, теграсида етти қийғир қув-қувлаб қанот қоқа бошлади. Атрофида серажин бетларига ҳажр асорати тепчиган Заранг дароз ва Шафоат пари, қовоқлари солиқ Мусабек, Лобар ва Тоғай, қарашларида қувонч ифодаланган Халил пурча ва Зилола кўр тўкканди. Негадир Аваз ҳеч кимга қарамай, ўртада маъюс турган гулпопукли мунаққаш дугор пардаларини оҳиста силаб, таскин бағишлаш орқали умид уйғотувчи оҳорли куйга ташна

¹³ Алишер Навоий.

эканини таъкидлади. Худди шу хил оҳанраболи куй айрича эшилиб янграр экан, баттар тўрсайган Тоғай илкис сакраб турди-ю, Мусабек кўлидан шартта дуторни юлиб олди ва ерга уриб бўлаклади...

Ногоҳ гўё дилбар создек жисми майда-майда бўлган Аваз ногоҳ кўксини чангаллаб, телбавор гўлдираб уйғонди ва қайдалигини аниқ билгунча бир неча сония кечди. Тўлин ой ёритган кечани ҳамишагидек бедор ўтказган ва Қурама чўли тарихига оид дафтарни муҳим маълумотлар билан бойитган Ниҳон оғриниб эснаётган Аваз тушидан аллақачон хабар топганди ва қисқа мулоҳаза юритгандан кейин шопилмай уни таъбирлади: кейинги вақтларда ҳаёт оқу қораси моҳиятини теранроқ англаш муддаосида аллақачон эскирган қолишларни бузиш ва кўнглингни ислоҳ қилиш пайдасан, масалан, Шифо дарёсини излаётганинг, Халил пурча тузоғига илинаётган Зилола, Тоғай чув туширган Мусабек ва Лобар тақдири учун қайғураётганинг шундан далолат эканини унутмагин!..

Аваз ушбу хулосада жон борлигини тан олган ҳамоно ғойибда кимдир нуқра олтин ўрнини босолмас дебон шивирлади ва шу баҳона ошналар кўҳна дунёда заковат иморатига пойдевор қўйган оқил зотлар кўпинча маломат остида қолажаги ва ўша пойдеворни емирган нусхалар хурмату эътибор қозониши хусусида қизғин мунозара бошлашди. Баъзан эндигина тухум ёрган жўжалар тап тортмай сор лочинлар бетига чанг солишади ва натижада бир умр майиб бўлиб қолишади, афсуски, имкони кенг ёшлик ночор кексалик сари ихтиёрий тарзда интилади ва бу ҳақиқатни теран англаш ҳар кимга ҳам буюрмайди. Бугунги кунда айниқса эътиқод ва қадр ўртасида бемалол хитой девори бўйлаётгани, аччиғу чучук лою сомон аралашгандек ўзаро қоришиб бораётгани, эзгу амал хору зору, фитнаю фасод азиз бўлаётгани ва макру ҳийла ишонч бағрини тиглаётгани ажиб ҳолдир, агар бу жараён тизгини тортилмаса, худо кўрсатмасин, охир-оқибат қуёш Қурама чўлини етим қилиб ташлаб кетади...

Қизиқарли мунозарадан Аваз анча қониқди, чор тарафга тармоқ отган ва дарди дунёсига ғарқ Айригум жарига етишгач, Зилола ва Шифо дарёси қаторида етти қийғир дийдорини кўмсади. Муруватли тангри иродаси билан хурлик мақомига эришган ва қабоҳат дунёсидан буткул чекинган қанотли дўстларини соғинган эди. Аммо тепада муттасил вижирлаб учаётган зағча ва қалдирғоч, лойхўрак ва чумчуқлар орасида улар кўринишмади. Натижада яна ҳам чуқур интизорлик туйиб эзилди ва ҳушу хаёлини бутунлай шу нохушлик қамради, қизиғи, одатда инида чумоли қимирласа дарров биладиган қовоқари ҳам бу борада ғофил эди.

Аваз наздида афсонавий Айригум жарининг фақат зийрак кўнгил кўзи илғайдиган беҳад чуқуру қоронғи жойида замирида кўплаб қувонч, алам ва армонни жамлаган ғаройиб тақдирлар саржиндек қалашиқ эди. Ҳар қадамда турфа ранглар шакли йўқ соялар ва юпқа сароб жўрлигида алёр айтиб жилва қилаётганди. Бутазор четида қанотлари ипақдай майин капалак навдада аранг илиниб турган озғин япроққа ҳаёти жуда қисқалигидан нолийди. Шарқираб оқаётган билақдай асов сой чап қирғоғида турфа тиканлар қалин кўрпа бўлиб тўшалган, ўнгида эса ёноқлари қирмизи лола ва боқишлари туйғун нопормон бинафшалар кўноқ...

Аваз шўх-қувноқ сой тушларига бир кеча қиш ва бир кеча ёз киришини тахминлаганда пушти кўйлак кийган нозиккина хонқизи чумчуқ чангалидан тасодифан кутулиб қолган ва нигоҳини кўрқув чулғаган кўкиш чигирткани эркалаб юпатмоқда эди. Чигиртка синган оёғини аранг боса-боса нарироққа жилар экан, ногоҳ тизгини узилган шамолвой асабий хуштак чалиб, ҳамма ёқни тўғзитиб юборди. Чангу тўзон тинганда подачига қулоқ солмай подадан ажралган икки

басавлат буқа кучаниб шохлашмоқда эди; бутун Курама чўлини таҳликага солган савашув Чегирма тўқайи яқинидаги жимжит овлоқда чипорхўжа ва қизилбош ўртасида кечган муросасиз қаттол жангга ўхшарди. Тобора қутураётган хўкизлар бўкириб суриша-суриша жар гирдига бориб қолишди, подачи таёқ ўқталиб ҳай-ҳайлашига қарамай, ниманидир исботлаш тилагида телбавор пишқиришар ва бурама шохларини силтаб депсинишар эди.

Бир-бири ҳамласига дош беролмай толиққан хўкизлар охири мўлтираб ва зорли-зорли мўъраганча жарлик тубига қулагандан кейин Аваз ғамгин бош чайқади, дилида зўравон аввало ўзи қушандаси деган фикр учқунлаб, безовта нигоҳи орқали фалақдан тағин етти қийғирни излади. Яна улар дарагини тополмай дийдаси тилимланар экан, сезимларни беҳад оғир тебратувчи эзгин нола янгради. Туйқус қизиқиши ортган Аваз, толу теракнинг яланғоч ва чайир илдизларига осила-осила қуйига энди-ю, ҳатто тушга кирмас дўзахий қатлгоҳни учратгандек анқайди, ахир, торгина нотекис сахнда қирқни қоралаган, чўпдек озгин, сочу соқоли ғовлаган мўғул сиёқли кимса тупроқ ёки гўнгдан чиқиб қолган чувалчангдай чалқанча чўзилган кўйи афтодахол ингранмоқда эди; дафъатан қараганда бўғзига амаллаб чала-ярим пичоқ тортилган кўчқорга ўхшарди; сўнаётган шамга монанд киртайган кўзлари маъносиз боқар, сийрак қошлари ўртасидаги тугун тор манглайини қоплаган қуюқ ажинлар билан туташган эди. Ақл бовар қилмас мудҳиш аҳволига қандай чидаётгани, нечун ҳалигача нафас олаётгани сабаби ва яна қанча яшашини фақат худо билса керак.

Тағин ҳам дангали шуки, номаълум кимса тириклик дунёсидан беадад нафрат қилувчи ва ҳаётни ортиқча даҳмаза ва яроқсиз эрмак сановчи маҳқум мисоли ночору нотавон эди. Тиришиқ териси нимқора ботик кўксини тешиб ўтган найзасимон оқимтир қозиктош ушбу хулосани тасдиқлаганча яққол бўртиб турарди; йиринглаб шишган яраси атрофида сон-саноксиз хира пашшаю сўна, мўйловдор йирик замбулар визиллаб уймалашар ва ярадан милдираб сизаётган қон айрим жойда лахта-лахта қотган ва баъзи ўринда саёз кўлмакка эврилган эди. Пажмурда гавдасини кўпдан буён кўтаролмай ётгани боис гўё тақир у такрон ерга ажриқдай томирлаб кетганди; буткул мўртлашган жон ришталари битта-битта узилаётгандек, туси қочган дурдоқ лабларини тишлаб аранг тамшанар ва ногоҳ шунда кўксидан бўртган қозик буюрилган жиддий вазифани охиригача бажариш учун мажбур эканини аста шивирлаб изоҳлар эди.

– Тавба, сен кимсан, қардош?

– Уфф, биродар, камолонлик Мусабек бойвачча кўксидан юрагини беомон суғуриб олган, Лобардек пок аёлини хўрлаган ва нариги дунёга сафар қилолмай эзилиб ётган гумроҳман!

– Э-э, ҳа-а, Тоғайман дегин?! – Лаънати қора қуюн жабрлаган Туманак харобазорида дутори ва хотиралари билан қолган Мусабекни эслаган Аваз кўксидан аччиқ оғриқ кўзгалди. – Лекин ажалинг ҳақ-ку!

– Атангки, на тирикман, на ўлик! Ҳозир Мусабек ва Лобар аҳволимни кўрса шаксиз аламлари ёзиларди. О-о, иккиси ҳам мен дардисар худбинни сира кечир-маса керак. Ҳусн ва ҳаё маликаси Лобар номаъқул бузоқ гўштини емагин деб озмунча ялиндими, аммо унинг илтижоси эмас, дилимни бетоб қилган разолат даъватига қулоқ тутдим!

– Сени тўнғиз дейиш, ўша махлуқни ҳақоратлашдир!

– Авзойим багтар бузилгач, афсусга ботган Лобар изиллаб йиғлади ва Бойчиборга қатъий қилиб буюрди: хожанг жуфти ҳалолани манови банда чангалидан кутқаз!..

– Нақадар таҳсинга лойиқ!

– Увоқча ёлгон эмас, дарров қаҳру ғазаби жўшиб, ажабтовур шижоат ва ғайратга тўлган Бойчибор кишнаб кўкка сапчиди, жиловни ҳарчанд кучаниб тортсам-да, бўйсунмай йўлини ўзгартириб жардан сакради. Қачондан буён оромимни йўқотиб, ягона нажоткорим саналмиш Азроилни интигу интизор кутмоқдаман!..

Энди Тоғай жумлаи олам пойида патагу паймона бўлишини тилайдиган қасамхўр шайтонга ихтиёрий равишда ёлланган, елкаларига икки улкан қоя кўндирган ва манзилига етиши даргумон ҳаммол каби нафаси қисилиб пишнаётганди. Баъзан нимсариқ киприкларини пирпиратар, ҳозироқ жони узиладиган бемор янглиғ ажабтовур олайиб типирчилар, оғзини каппа-каппа очар ва бўғзига суяк тикилган итдек гингшилар эди. Ҳаял орасида бир неча марта авзойи ўзгаргани ва гоҳо ўзини оқлашга урингани боис Аваз янада энсаси қотиб тўрсайди; шуури қатлари ва сезимларини мудом бир-бирига иштиёқ ила интилиб яшаган ва оғиру энгил кунда бир-бирини кўллаган бахтиёр эру хотин дилини ёритиб келган умид чироғини ўчирган даҳшатли ғаразу хусумат изғирини музлатмоқда эди...

– Ў-ўв йўловчи, шафқатингни дариғ тутмай, калламни сапчадек шартта узгин, балки шунда мушкулум осонлашиб, охират сафарига жўнарман ва сен қатга савоб топасан!..

Баттар ҳолдан тойган ва пушаймон ўтида қоврилаётган Тоғай гўё чуқур тубидан кўрқибгина зўрға шивирлади, хириллаган паст овози Аваз кўнгли иқлимида жаранглаб акс садо берди ва гўё етмиш икки томири бўйлаб оқаётган қайноқ қон нафрат наҳрига эврилди. Ақл бовар қилмас ўтинчини Тоғай тез-тез хўрсиниб такрорларди, бутун вужуди ўртаниб ёлборгани сайин Аваз баттар ғижинаверди ва тезроқ Шифо дарёсига етиш учун бу ердан илдам жўнаб қолишни чўтлади.

– Ҳе-е-ей, кўзлари соққасида заҳарли тикан кўқарган нотавону нобакор бахил банда, худойимга беҳисоб шукрки, мен жаллод эмасман. Лекин агар шафқатдан маҳрум жаллод бўлганимда ҳам сени манглайингга битилган мудҳиш ёзуқдан сира халос қилмасдим. Фаҳмимча, ўтинчингни бажарсам аҳволинг янада оғирлашади, аниқроғи, бошинг ва тананг айри-айри ҳолда типирчилаб қийналади. Бас, ичаги эгри зот, адолатпеша тангри иродасига бўйсуниб, қиёматга қадар чидайсан!..

Аваз учириклари баҳона қисмати чама айлаганидан бешбаттар аламнок эканини қайта англаган Тоғай қақшол кўлларини фалакка чўзиб уф тортган заҳоти теграсида тирноқлари ва тумшуклари тигдек қаттол ўнлаб ўлаксахўр калхат айлананиша бошлади. Жангарилик бобида абадият чўққиси тинчини муттасил бузиб турадиган ёвуз кузғунлардан бемалол ўзадиган довқур калхатлар афсусга тўла ғамгин кўзларини чўқилаб ва идраган лошини бурдалаб ейишса бўларди. Лекин улар ҳатто азроил ётсирайдиган кўрнамак нусха қони меъдамизни шаксиз буза-жак маъносида асабий қийқира-қийқира юқорилаб кетишди. Салдан кейин измаиз пайдо бўлган йўлбарс ва сиртлон Тоғай баданини ижирғаниб искалади, сўнг шишинқираб сарғайган ва чексиз надомат сояси аксланган заъфарон башарасига ўқрайиб қарай-қарай жимгина қиру адир оша жилди.

Айригум жари гирдидаги шаклу шамойили айиқни эслатадиган қояда чўнқайган Аваз йиртқичлар нигоҳида мавжланган нафрат ва ғазабни ҳатто ўз қилмишларига ҳам ҳасад нигоҳи билан қарайдиган ҳасад устидан чиқарилган ҳукмга менгзади. Чидамида қатра чидам қолмаган Тоғай эса ўша заҳоти яна аллатовур бўғилиб ва ўртаниб бўзлади. Аслида фитнакор хиёнатга ўйламай ён босган ва охири табиатига бегона хато қилганини яққол англаган диёнат нола чекаётган эди...

Ўн бешинчи сайр

Атиги биргина қалгис қадам баҳона тириклик шукуҳидан лаззатланиш ва иззатли ўлим топиш имконидан айрилган ва оғир пушаймон ичра мискин жонга эврилган Тоғай ингроқлари элас-элас таралар ва адиру барханларга оҳиста урила-урила сўнар эди. Бундай кезларда Аваз шубҳасиз Туманак харобазорини қароргоҳ қилган ва ёстикдоши Лобар дийдорига интиқланиб қийналган Мусабекни эсларди; сўнг аллатовур алағда бўлиб, ўзини ўша банда ўрнига қўйиб кўрарди-да, бирдан телбавор тутақар ва кажрафтор фалак устидан мағзава ағдарар эди. Узоқни кўзлашу арқонни узун ташлаб қўйишни хушлайдиган Ниҳон ўғитлари сим-сим ўртанаётган жонига ҳадеганда ора кирмасди. Сал-пал юпангач, хаёлини бир нуктада жамлаб, жимгина Қурама чўли юрагини тингларди. Охири иқрор бўлдики, қалбида зарра-зарра ҳолда ўрнашган чўлистон тугул ҳатто бутун курраи арз ҳам мудом ўзида ўлади ва ўзида тирилади. Ана шу узлуксиз жараёнда, жумлаи олам турфа қиёфага кирганидек, одамзод ийлана-ийлана камол топиш баробарида заволат сари юз тутати, аниқроғи, зиё ёки зулмат манфаатини ҳимояловчи, фойда ёки зиён келтирувчи мавжудотга эврилади.

Мунтазам шайтони лаъин қилиқларига суяниб, имони ва инсофини пуллаган Тоғай шубҳасиз иккинчи манфурона тоифага мансуб ва лекин бундан ҳаргиз ғофилдир. Қачондан бери у туйиб келаётган беадад қийноғу ҳасрат ва аламзадалигу афсус тез орада Қурама чўли юрагига сурон солиб кўчса керак, янада ачинарлиси, дўзахий каслар ноласига монанд оху воҳлари эртаю кеч баралла янграб, барча тирик жон, ҳатто тоғу тош ҳаловатини бузиб туриши муқаррар...

Аваз ботинида адолатпеша тангри таоло кароматлари ва жами хайрли башарий хислатларни жамлаган Шифо дарёси дийдори буюрадиган хайрли айём жуда яқин деган ўйда ғайрату шижоати тошиб одимлаётганда Қурама чўли залвар сукунат қўйнида ухлаётган, Одам Ота ва Момо Ҳаво давридаги ҳаётини туш кўраётган эди. Фалак тоқини болиш айлаган абадият чўққисига тажовузкор қузгунлар тагин бехосдан ҳамла бошлагач, ногоҳ уйкуси қочиб сергакланди.

Аввалгидек бирон тайинли натижага эришолмаган шафқатсиз жангари қушлар ниҳоят гувиллаб чор-ночор чекинишди, аммо ортларида тирикликни топтайдиган беҳад оғир асорат қолган эди ва ўша нарса қандайдир мудҳиш фалокат нишонасига ўхшарди. Ҳадемай Тоғай ноласи билан улар қийқириғи қайси бир ўлчамда бирлашди-ю, янада таҳдидли фарёд туғилди. Замирида хусумат ва ғараз унсурлари пинҳон бўлган бу фарёд еру кўк оралиғида шаклу шамойилдан маҳрум куюн сингари узоқ чарх урди ва охири Қурама чўли шимолини даҳшатли зимистон бўлиб қучди: рўпарада баданни шамшир тиғидай тешиб юборадиган аччиқ изғирин уфураётган кумуш тусли ғаройиб воҳа ястанган эди. Чексиз ваҳима ва ҳайрат уйғотаётган бу ажиб маконда вақт ҳамда ҳаракат ноилож тўхтаб қолганди, ўлчами йўқ ўлчамларда, адолату разолат унсурлари билан бирга, умиду ирода, тушқунлигу нафрат, эҳтиросу иштиёқ музлай-музлай қадру қимматини йўқотганди. Турфа эзгу ва нохуш ниятларнинг қору қировли юксак тоғлари устидан ҳатто темир қанотли сор лочин ҳам учиб ўтолмасди; ҳар жойда тарашадай қотган мавжудотлар сафи эса тобора ортиб бораётганди.

Қодир эгам шоҳидки,

Одам Ота ва Момо Ҳаво давридаёқ

ёлғонни никоҳлаб олган

хиёнат

суврати ва сийрати шу бўлса керак.

Жазирама иссиғу қаҳратон совуқ ўртасида саросималаниб қолган Аваз шуурида

ана шу фавкулудий фикр чўғланди, сўнг бутунлай ўзини йўқотиб қўймаслик илинжида, Зилолани эслай-эслай, Заранг дароз жонидан ортиқ севган қўшиқни димоғида қуйлай бошлади. Қўшиқни яна бир қарра қалбини тамом қамраган ўтли эҳтирос ва тахир изтироблар ифодасига менгзагач, етти қийғир дийдорини қўмсаб кўкка мўлтираб термилди. Иложи топилса ҳозироқ қанотли дўстлари орқали тобора меҳрини қизғанаётган ва дийдаси тошга эврилаётган маъшуқасига чексиз соғинчи, аламу армони ва қайғусини қўшиб салом йўлларди. Аммо бу мақсади ушалиши дарғумон, негаки, бир неча ой мобайнида, аниқроғи, Заранг дароз омонатини топширган ва қабрга қирган кундан буён улар қора берган эмас...

Улуғ Шифо дарёси билан тезроқ юзлашиш учун эса йўлда дафъатан кўндаланг бўлган ва ботинида хиёнат кирдикорини яширган кумуш тусли воҳа қиёфасидаги ажиб ғовни мардона енгиб ўтиши, нияти холису иродаси барқарор эканини иботлаши керак. Шунинчун тугиб, тун бўйи зах ва панг ҳиди анқиётган ғорда кесакни болишу хазонни кўрпа қилганча роса мириқиб ухлади, тонг бўзарган ҳаммоно қовоқларини уқалаб уйғонди-да, етти қийғир ҳадемай етиб келиши ва завқу шавқ ила аҳволидан хабар олишига ишониб оёққа қалқиди. Нимқирмизи уфқ гардишидан мўралаган офтоб нурида сокин товланаётган ажиб манзарани кузатаркан, ногоҳ исмсиз туйғуга чулғанди; ҳайтовур анови ғариб ҳайкаллар ёнида ҳайкал бўлиб, таназул фарзандига дўниши эҳтимолдан холи эмасди. Вазият беҳад қалтислигини яққол сезган Ниҳон балки аҳдингдан қайтарсан деб шивирлагач, хавотири ва шубҳаси баттар кучайди. Ногоҳ шунда қандайдир сирли куч жисмини туйқус олға етаклади, иқроор бўлдики, ўша куч ғайб бир маромда йўллаётган сирли омил эди.

– Худога таваккал, дўсти қадрдон!..

Жаннат ва дўзах туташган жойга ўхшаш ҳайратомуз чегара чизигидан дадил ҳатлаган Аваз ғудраниб мушт дўлғади ва мудҳиш таназулдан дарак бериб гупураётган сирли салтанат бағрига отилди. Чинакам афсонадан иборат ғаройиб мулкни тиз чўқдиришдан кўра қурраи арз киндигини суғуриб олиш осонроқ эди. Шу боис ғайб мадади ва сабру бардошига ҳар қанча суянса ҳам ҳадемай аҳволи оғирлашди; беҳад совуқ изгирин тинимсиз увуллаб бўғзига аёвсиз чанг солар ва аччиқ санчилувчи игналари билан баданини поралар эди. Бехосдан этида бошланган мислсиз ўткир санчиқ таҳликал тарзда сезимлари орқали суяклари, хужайралари ва томирларига кўчгандан кейин бариси тугагандай туюлди, кўп афсус, наҳот энди хиёнат суврати ва сийрати ифодаси саналган макон қонунларига бўйсунмиш учун мажбур бўлса?!

– Бўшашма, ху-ув, йигит!..

Аваз зафар ичра мағлуб, нажот олдида ночор қолишдан ёмон ҳолат йўқлигини хаёлидан кечириб чуқур хўрсинган дамда ғойибда юпатувчи дадил хитоб янгради; хитоб бутун Қурама чўли ва қурраи арзни қарамига киритишга қодир афсонавий салтанат пўписаси, қаҳру ғазоби ва нафратидан кўркмасликка ундаётганди. Беихтиёр айрича рағбатланиб ва юраги потирлаб қарасаки, ўзидек юпун кийинган Шафоат пари мўъжазгина муз чайла тўрида чехраси аллатовур нурланиб урчуқ йигираётгир ва булоқдай жўшганча Заранг найнов суйган қўшиқни қуйламоқда. Салдан кейин бутун воҳани яна ҳалиги жарангдор нидо тутгач, Аваз кўнгли иқлимини муборак Шифо дарёси ўзанидан оқадиган сутдай оппоқ тарам-тарам шуъла қамради ва жисму жонини мунтазам оловдай иситиб турди.

Орадан балки юз, балки минг йил имиллаб кечди-ю, жаҳаннам бир бўлаги саналмиш салтанат эрий-эрий номаълум томонга чекинди ва таваккал билан ишончда гап кўп деган ўйга борган Аваз мислсиз жазирама иссиқда чўяндек қизиган кумга бафуржа оёқ қўйди.

– Қандингни ур, эпладинг, азамат ўғлон! Чанқоқ руҳингни эмину эркин тутиб, танангни дангал унинг паноҳига топширганинг учун эпладинг! Мана энди ростдан ҳам бир поғона баланддасан!..

Ғойибдан элас-элас шу хитоблар ўзаро чирмашиб келган ҳамоно Аваз еру осмон орасини Ниҳон билан бирга кезиб келгандек севинди; назарида дафъатан омади чошган, кўнгил кўзи янада теран очилган ва Шифо дарёси қирғоғига қадам босган эди. Каллаи саҳарда уясини тарк этган қовоқари еткизган хабар эса тепа сочини тикка қилди, ахир, тунов куни Халил пурча не-не хомхаёлда босар-тусарини билмай юрган Хожар момо уйига димоғдор икки қайвони чолни совчи қилиб жўнатибди ва яқинда Қаноат боғида қурилган ҳовли-уйда данғиллама тўй бўлар эмиш!..

– Қон қусиб ўласан охири, муттаҳам!..

Дарди дунёси ойсиз кечадек қоронғилашган Аваз бошини чангаллаб айюҳаннос солди, аслида Зилола тилёғлама Халил пурча томон оғган кундаёқ қиймаланган ва эндиликда тарикдай титила-титила буткул оромини йўқотган юраги исён кўтариб ҳайқирган эди. Бас, иложи топилса вужуди ва руҳини юрагидан йироқроқ тутган бўларди. Ана шунда эҳтимол Зилола ситамларини андак унутарди ёки жилла курса кўп азоб емасди. Ахир, бу кетишда шаксиз Заранг дароз каби азият одамига айланади. Етим бўлаётган муҳаббат тақдири Зилолани ташвишга солмай кўйгани айниқса аянчлидир. Лекин айни шу аччиқ ҳолатни Ниҳон дил вужудини тоблаш омили деб атади, маъшуқаси маломатларини қоралаб ўзини йўқотмаслиги, аксинча, баҳоси йўқ муносиб неъмат сифатида қадрлаб руҳланиши чинакам ошиқлик эканини ҳам чуқур уқтирди. Келгусида жону жаҳонини Зилола азобу укубатга маҳкум этгани сайин букилиш ўрнига қаддини тузукроқ ростлаши ва ҳузуру ҳаловат туйиш орқали қаноат ҳосил қилиши заруратдир. Теран умид ва мустаҳкам ишонч шубҳасиз ғараздан холи қаноат замирида вояга етади. Афсонавий музлик салтанатини кесиб ўтаётганда бунга иқрор бўлди, биладики, олдинда ҳали унақа синов жуда кўп учрайди, ишқилиб бирон тасодиф баҳона чув тушмаса ва алданиб қоқилмаса кифоя...

– Чўлшараст йигит, дилингни шайтони тажовузидан асраб, имонингни мудом савоб йўлига тиксанг орзуинг албатта ушалур ва абадият чўққиси таъзим қилгани келур кошингга!..

Дафъатан ғойибда долғаланиб янграган, бинобарин, ботинида ҳақиқий далда ва даъваткорлик жамланган жанговар нидо баҳона Аваз тугул, ҳатто Ниҳон қалби ҳам алоҳида иштиёққа чулғанди. Беҳад ҳаяжонланган ошналар сирли нидо мағзини муҳокама қилишга киришганда Қурама чўли ажиб нашида ичра энтикиб турарди. Майсаси қовжираган дала ўртасида чўнқайган қапада Набижон исмли бўйчан, буғдойранг юзли ва қалин қошлари туташ ёш савдогар мук тушганча Мажид гушна етти пуштини ёқа чоклаб маломат қилаётган эди.

– Биродар, Мажид амакини намунча ёмон кўрасан? – Лаблари ва оғзи қуруқшаган Аваз қапа олдидаги супа гирдига чўқди. – Нима, ростдан ҳам қонингга ташна қилган эдимми?

– Номинг ўчкур бугун орамизда эмас, лекин вақтида мендан издош қолсин деган ўйда бир каззобга оқ фотиҳа берган экан. Ўша банда тузган тўда кеча молу ҳолимни талади. Сарик чақасиз ота-онам ҳузурига боргани юзим чидамай, ўзимни осмоқчиман!..

Набижон бутун борлиғи роса чийралиб, лаб-лунжи гезариб, оху фиғон аралаш дудуқланиб сўйлар ва бидирлагани сайин мусибаги тоғдай оғир экани англашилар эди. Салдан кейин шўрлик ёруғ дунёда нафси ҳакалак отган ўғрию қароқчилар пайини қирқадаган жўмард топилмаётгани қайғули ҳол эканини айта-айта қападан узилди-да, эллик қадамча нарида бўйлаб турган саксовулни

мўлжаллаб юрди, ҳайҳот, шамолвой қитмирлик қилиб тегишаётган саксовул эмас, яхши-ёмонга этак силкиган, жами орзу-умидидан бутунлай кечган ва қўлтиғига арқон қистирган ҳолда бемаврид ажали сари мунграниб интилмоқда эди.

Тасавурида етти ўғри ва етти қийғир жонланаётган Аваз қачондир йўл қўйилган гуноҳ асорати наҳот жумлаи оламга татиса ва қиёматга қадар умр кўрса деган ўйда хитланди. Сўнг ошиғич ёш савдогар изидан бориб, қўлидан арқонни тортиб олди-да, бўйнига осилган нонхалтадаги беш йил муқаддам Норимқул меҳри ийиб совға қилган дандон сопли пичоқ ёрдамида қиймалаб ташлади.

– Бурга жониворга аччиқлаб кўрпани куйдирма!..

Кажфеъл чарх тўфонига учраб довдираган Набижон нигоҳида илкис умид учкуни ёнди, молу мулкидан айрилгани ва ҳаёти устидан мудҳиш ҳукм чиқаргани ёлғондек, товушсиз кулди-да, ажиб рағбат туюётган Аваз бағрига отилди ва кулфат келса ақл аразлар экан деб минғирлади. Сезимлари енгил тебранган Аваз пулу давлатдан кўра жон, қадру қиммат ва орийат чандон азиз эканини таъкидлагач, йигит янада рағбатланди, келгусида ҳар қандай оғир вазиятда руҳан чўкмаслик, ақлу идроки, сабру бардошига суяниб иш тутиш ва иложи борица иродаси ҳамда ғайратини разолатга қарши қўйиш бўйича қатъий ваъда берди...

Набижон билан хайрлашган пайтда Аваз азалу абад моҳиятига тегишли ўта муҳим жумбоқ ечимини топган ва бу хизмати учун улкан мукофот олган кимсадек масрур эди. Омонат қапа ёнида ҳаёл суриб қолган янги биродарига қўл силкий-силкий илгарилагач, барисини кузатиб турган Ниҳон олқиш айтишдан тийиложилмади. Уфқ этагида ястанган Тегана қишлоғи каби қадимий Нўғай овулига лўкиллаб яқинлашганда ўлардай чанқаган ва ҳолдан тойган эди. Бирон кишидан сув сўрашни чамаловдики, қайдадир ипакдай майин эшилиб чанқовуз хониш қилди: Курама чўли бўйлаб таралаётган хиёл эзгину хиёл кувноқ оҳанглар айрича эшилиб тўлғанар ва ҳар қандай тош дийда билан тил топишишга қодир эди...

Эй бағри тоза мунис чанқовуз,
эи севган ва севилган кўнгиллар сирдоши,
нақадар афсунгар ва дилбарсан!
Қачондир ниётлари холис Зилола
гулгун раъно ёки наргисдек яшнаб,
сунбул сочлари ингичка белида елпиниб,
сени қирмиз тусли ғунча даҳанига жойласа,
бежирим бармоқлари ила
тилидай нозик тилгинангни
куйиб-ёниб черта бошласа
ва маҳзун ийув-ийувларинг орқали
эҳтиросу ишваларини шарҳ қилса,
жон қолармиди Аваз жисмида,
ҳей, мислсиз жодуга учраб,
беҳолу безабон чўкарди тубсиз қароқларга,
ҳай-ҳай, чўкибгина кетарди, эй чанқовуз!..

Аваз тобора жўша-жўша нозланиб тўлғанаётган ва тириклик дунёсида ажиб исён қўзғайтган куй сеҳридан телбавор сархушланди, ўша заҳоти музлик салтанати ваҳимаси ва чўллаш азобини унутиб, тоабад дилига ўрнашган эски хотиралар домига илинди. Чиндан ҳам Зилола чанқовузни тилга киритишни беҳад қийиб кўярди. Лекин номаълум созанда ҳам бу борада ҳақиқатан тенгсиз экан, ким бўлса ҳам диди ўтқир ва кувваи ҳофизаси кенг моҳир устоз таълимини олган кўринади.

Аваз аллақайси никоҳ тўйи базмида Зилола дугору рубоб жўрлигида қароқлари ёниб кўшиқ айтгани ва натижада шилқим ошиқлари тикилиб кетганини ғашланиб кўнглидан ўтказганда сурувини яйлов сари ҳайдаётган ўттиз беш ёшлардаги бўйчан чўпон ҳам чанқовуз сайрашига ошифтаҳол кулоқ тутаетган эди. Аллатовур мулоийм товланаётган куй енгил инграниб тинган заҳоти у сурувни ўз ҳолича қолдириб ортига бурилди, боқишида эҳтиром ифодаланган Авазга ўзини Болибек деб таништирди-ю, гирдини пастқам ёғоч тўсин ўраган ва уйи томига зангламас оқиш тунука қоқилган ҳовлидаги шийпончали қудуқдан сиркорий пақирда сув тортди. Қорайган тошўчоқда куйманиб кўмғон қайнатгач, йўғон устунлари силлиқ рандаланган ораста айвонда, қамиш бўйра ва бир қаватли юпқа қуроқ кўрпача тўшалган ёғоч сўрида, номаълум нуқтага маъюс тикилиб ўтирган сулув аёл олдиға попукли шол дастурхон ёзди. Оч яшилға бўялган деразасиға алвон гулли мовий парда тутилган даҳлиздан шапати нон, туршагу майиз ва қанд-курс кўйилган юмалок жез патнис кўтариб чиқди-ю, ҳануз хаёлдан бўшамаган аёлға ботинмай зимдан қараб, ногоҳ кўкси увалгудек ҳолда энтикиб чуқур хўрсинди...

– Жигарим, сен шунчаки йўл қувган оддий йўловчи эмас, ғаразу ҳасад балосидан йироқ ошиқ сайёҳға ўхшайсан ва хиёнат кўчасиға асло қадам босмагансан! – Меҳмондўст Болибек нигоҳида самимият акс этган Авазни ёқтириб қолганди. – Сендек рангу рўйи тоза меҳмон қадами қутлуғ бўлиши шубҳасиз! Ўтган кеча хайрли туш кўрган эдим!..

– Худойим касбу корингга қут-барака берсин! – Қурама чўли ҳар бир қаричини беҳад ардоқлайдиган жонкуяр ва танги чўпонлардан бири бўлган Болибек муомаласини Аваз астойдил маъқуллади. – Илоё жами орзуларинг бекаму кўст ушалиб, завжаи ҳалолнинг билан кўша қаригаёсан! Бўсағандан яхши одамлар қадами аримасин!..

– Кўп қуллуқ, биродар. Аммо камина ҳозирча омади чаппа қайтган сўққабош бандан мўминман. Хусни малоҳати ҳайратомуз манови париваш мен учун номаҳрам, анчадан буён биргамиз-у, атганки, ҳалигача никоҳ йўқ ўртағизда!

– Кўп чигал дунёйи кўтир!..

– Нимасини айтасан! – Ғалати орзикаётган Болибек овозини ногоҳ бир поғона кўтарди. – Ҳар қандай эркакни мафтун этадиган бу офатижон малакни шўрғинам қисиб хилват бутазорда учратдим, баъзан учратмасам ўлармидим дейман ачиниб. Худо шоҳид, бечора ранг-рўйи узилиб, либослари йиртилиб, ўликка ўхшаб осуда ётарди. Ҳушиға келган заҳоти мен нотавон ҳушимни йўқотдим ва ҳаловатимдан айрилдим. Нима учундир парвардигор сўқиру гунгта айлантириб, фақат эшитадиган қилиб кўйган бу аёлни ўша кундан бери кўнглимға жуда яқин тутаман. Лекин у мени ҳатто тирноғиғаям арзитмайди!..

Ҳалигача ҳаёт йўлини белгилашға улгурмаган Болибек дам-бадам кўкси ўпириллар даражада энтикиб оҳу фиғон чекар ва дилида ажриқлаган мудҳиш армон асирини айланиб қолганини изоҳлашға уринар эди. Сўнг йўқ жойдан чекиға тушган балойи азим аслида шафқатсиз тақдир ўйини эканини таъкидлаб, сидирға оппоқ чинни чойнақдан кўллари қалтираб чой сузди ва қўрада думи ёрдамида хира пашшаларни кўрий-кўрий куртиллади арпа чайнаётган саман от сари бош ирғади ва бемалол олис юлдузларни кўзлаб учгудек шижоатқор абжир бедовни ҳавас ичра синчиклаб кузатган Аваз кўкси чўғ теккандай жиз элди, сўнг ҳамон паришон хаёлға чўмган номаҳрам аёл сари ўтирилди.

Давоми бор



НАЗМ



Муҳаббат САФОЕВА

1969 йилда тугилган. Урганч давлат университетида ўқиган. Унинг “Сирли нигоҳлар”, “Исм-сиз ришталар”, “Муҳаббат” номли шеърӣ ҳам-да “Ҳаёт гули” номли публицистик мақолалар тўпламлари нашр этилган.

Шабнамнинг биллурдай томчилари

Куз

Тўкилиб бормоқда япроқлар,
Авайлаб бағрига олар она ер.
Бошида осмонни кўтарган дарахт,
Эҳтимол, қисматим шундайинми, дер?

У жуда отамга ўхшаб кетади,
Ҳаёт тўсиқларин йиққан, йиқилган.
Уйи тўлиб турган қушларни, энди,
Бирма-бир, бирма-бир учирма қилган.

Оҳанг таралади аллақадан,
Ёмғир бўғотларнинг чангини артар.
Курсига ўрнашиб олганича куз
Боғларга оҳиста сабр тарқатар.

* * *

Яна соғинчларга солар ишқингиз,
Яна кунларимда бошланди тўфон.
Изғирин изиллаб ўтар жонимдан,
Кўксимнинг остида юрак безабон.

Яна ўз-ўзимга эртақ тўкийман,
Яна ёндош бўлиб сирнинг ёшига.
Кимнинг менга раҳми келиши мумкин,
Ўзим чиққан бўлсам ғамнинг қошига.



Мени унутишга ҳаққингиз борми,
Ҳаққим борми сизни ўйламасликка?
Ўртамизда сарсон заъфарон савол,
Ўйлайлик армонга айланмасликка.

* * *

Кўчаларда рақсга тушар бахт,
Йўлақларда кикирлар ёмғир.
Кўзларимга қолдиради хат,
Ўқимоқлик нақадар оғир.



Бир қучоқ гул

*Марҳум шоира
Уллибиби ОТАЕВани эслаб*

“Бир қучоқ гул”, дердингиз, опа,
Гулларга айланиш осонмас, ахир.
Гуллар яшаб берган битта фаслга,
Умримнинг қирқ йили яшалган тақдир.

Сокин кезаяпман кўчалар бўйлаб,
Фигон кемиради қалбимни менинг.
Хиванинг ҳар битта минорларида
Нигоҳлари қолган Уллибимнинг.

Қучоқ-қучоқ гуллар овутмас сира,
Тоғиб беролмайди рухсорингизни.
Китоб жавонимга етаклаб борар,
Офтоб очиб борар жамолингизни.

* * *

Сукут – ризолик аломатимас,
Инкор ҳам эмасдир сирилган.
Бўйнимгача осилган ғурур
Бўғзимгача келиб урилган.

Сукут – руҳим кўзғатган бўрон,
Кўзларимдан чиқолмаган ёш.
Илкимгача чўкинган исён,
Пешонамда ёрилмаган тош.
Сукут...

* * *

Гўё йўқдек ҳеч бир поёни
Тугамади йўл.
Қум босиб ётгандек дунёни
Сабримни синайди ҳатто чўл.





Боғу Эрамларни кездим мен,
Сувлари шарқироқ сойларни.
Тоғлар елкасида кўтариб турди,
Борлиқ кўзларимга жойланиб.

Борар кўзларимга жойланиб дунё,
Баногоҳ ўйладим, тоғ тепасидан
Қарасам уйимиз кўринармикан,
Дунёнинг заминга жо супасидан?

Автобус елади. Ойнадан
Отилиб боради нафасим.
Узоқдан қумларнинг ортидан
Кўрина бошлади Хоразм.

* * *

Кипригимда кун бўйи тизилиб турган
Шабнамнинг биллурдай томчиларини
Бағрига олади саховатли тун.

Ватан

Ватан остонадан бошланар, дерлар,
Ҳатлаб ўтолмасман сени бесўроқ.
Юрагим – остона, юрагим – Ватан,
Муқаддас, мўътабар, эй, она тупроқ!

Билмайман, мен сени қандай севаман,
Дарахтман бағринга томирлар ёйган.
Ўғлим ва қизимнинг товонин ўпиб,
Ўзинг кўпроқ меҳр билан суйгансан.

Айтолмас, дилим дил изхорларини,
Камлик қилаверар йўқ, етмас кучим.
Битта шабнам қўнган гул япроғингча
Бўла олмас менинг бўй қадар қурчим.

Билмайман, мен сени қандай севаман.
Сиғдиrolмаяпман кучоқларимга.
Қизғонч жоним ҳалак, олов жон ҳалак,
Тинчир, гар, жойлансанг қароқларимга.



**Жаҳонгир ИСМОИЛОВ**

1952 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетида ўқиган. Унинг “Созинч”, “Юрт меҳри”, “Баҳордан кузгача” номли шеърый, “Сўнгги манзил”, “Тошбой ҳангомалари” насрий китоблари нашр этилган.



Юрагингда меҳр бир дунё

* * *

Ҳаёт – чексиз, тиним билмаган оқим,
Еламиз лаҳзалар баридан тутиб.
Ютиб юборди баъзида шовқин,
Баъзида сукунат юборар ютиб.

Кимнинг бор-йўқлиги билинмас мутлақ,
Кимдир доврўғ солиб кўнглини шодлар.
Сизга талпинаман шовқиндан йироқ,
Сукунатдан нари яшаган зотлар.

* * *

Гарчи кўп бор дилда борини айтдим,
Эзгу, пок ниятда узатсам ҳам кўл:
Ҳар гал ҳузурингдан бош эгиб қайтдим,
Сенинг юрагингга тополмадим йўл.

Буткул сўкилмаган умидим чоки,
Сарғайган куз эмас, менинг ёшимдир.
Сен, балки, энг сўнгги топганим ёки,
Эҳтимол, энг сўнгги йўқотишимдир.

* * *

Тўғри келмай қолди қарашларингиз:
Балким, сен ноҳақсан,
Балким, у ноҳақ.
Энди бефойда гап талашишингиз,
Асл моҳиятни кўрсатади вақт.

Бир қатъий турар айтган сўзида,
Бирининг дард, азоб ўтар жонидан.
Баъзида қарайди ҳар ким ўзича,
Билсанг, бир бутуннинг икки ёнидан.



* * *

Инсон она замин бағрида ўсиб,
 Паймонаси замин бағрида тўлар.
 Табиат маҳсули бўлса ҳам, қизиқ,
 Табиатга ҳукмини ўтказмоқ бўлар.

Ким берар кучига ортиқча баҳо,
 Ҳукмронлик ҳисси қамраган танни.
 Айтингчи, даҳолик қилганча даъво,
 Бир умр қон тўкиб ўтганлар камми?

Бизга-ку нек ният, шукрона одат,
 Халқим нурли манзил томон бормоқда.
 Лекин, қаердадир тиғ санчар бидъат,
 Қаердадир еру само ёнмоқда.

Зиён кўраётир замин, сув, ҳаво,
 Қирилиб битмоқда айрим жонзотлар.
 Ўзгалар дардини ҳис этмас, асло,
 Оддий инсонийлик туйғуси ётлар.

Баъзиларнинг нафси бамисли ўпқон,
 Бу қадар бўлмаса мол-дунёга ўч.
 Қалтис қадамлари сабабли инсон
 Турфа балоларга келаётир дуч.

Мислсиз кашфиёт, хуружлар боис,
 Эримокда мангу музлар тобора.
 Танда хавfli дардлар олаётир юз,
 Баъзи бирларига йўқ эрур чора.

Яратган, бандам иш тутсин, деб, ўйлаб,
 Завол топмасин, деб, тириклик ногоҳ,
 Уммонда вайронкор пўртана қўзғаб,
 Офатлар ёғдириб этмоқда огоҳ.

Иймон – инсонийлик қасрида устун,
 Заминдош, ортингдан қолдир нурли из.
 Она ер, табиат тақдири учун,
 Ахир, барчамиз ҳам бирдай масъулмиз.

Кўзинг оч,
 Огоҳ бўл,
 Ҳаддингни бил, деб,
 Ҳайқираман бугун дунё аҳлига.
 Токи, кетма охир ўз бошингни еб,
 Учрама бир куни Ҳақнинг қаҳрига.



* * *

Илк бор қўлга қалам тутқизар севги,
Кўнгил берганинга шеърлар битасан.
Ҳисларинг беғубор, туғёнли, эзгу,
Висол орзусида тонгни кутасан.

Етти қат осмонда юрасан учиб,
Самовий таассурот, туйғу, илҳом ёр.
Ўтмассан бир умр фалакни кучиб,
Ҳар қандай парвознинг интиҳоси бор.

Ўзни ҳис этасан хаёлдай эркин,
Само кенг, тўсиқ йўқ фақат учганда.
Сен фақат ҳақиқий ҳаёт нелигин
Англайсан, бир куни ерга тушганда.

* * *

Сенинг муҳаббатинг илоҳий эрур,
Куёшдай ҳовурли,
Уфқдай чексиз.
Сен менинг бахтимга кўкдан тушган хур,
Сенсиз ёруғ олам совуқ ва кўрксиз.

Митти юрагингда мехр бир дунё,
Ғамларим муз янглиғ эрир тафтида.
Ҳорғин кўзларимга бахш этар зиё,
Рухим мадад олар толган вақтида.

Сен билан баҳордир умрим куз фасли,
Хаёлингсиз яшаб билмасман сира.
Фариштам, илоҳий муҳаббат, асли,
Илоҳий садоқат билан бокира.

* * *

Кимга омад ёрдир, кимдир қоқилар,
Маломатда қолсанг кўпам чекма ғам.
Сени англамаслар доим топилар,
Топилади сени тушунганлар ҳам.

Гоҳ билмайсан зарба келар қаёқдан,
Бошинг қотар излаб чора – йўлини.
Билиб қўй, тортган пайт кимдир оёқдан,
Кимдир мадад бериб чўзар қўлини.





Абдужалол РАҲИМОВ

ЖИЙДА ГУЛИ

Қисса¹

Бу йилги куз илиқ келди. Ёзнинг чилласида тоғлардаги қор эришдан тўхтамади. Бўзсувнинг сатҳи ҳар қачонгидан ҳам кўтарилди. Соҳил тизза бўйи ўт-ўлан билан қошланган. Тепароқда жингил буталари барқ уриб ўсаётир. Фермага бурилишда бир туп жийда кўринди. Беш-олти кулоч келадиган шохлари алвастининг сочидек ҳар томонга тарвақайлаган. Бу жийданинг неча йиллик эканини қишлоқда ҳеч ким билмасди. Кексалар, бизнинг болагимиздаям шу жийда бор эди, деб юришади. Ёшлар “Мажнун жийдаси” деб ном қўйиб олишган. Азал-азалдан ошиқ йигитлар маъшуқалари билан шу жийданинг остида учрашишди. Соясида ўтган-кетган йўловчилар дам олишади. Иссиқдан қийналган киши дарёнинг муздек сувида юз-кўлини чайиб, жийда паноҳида нафасини ростлаб олади. Кейин яна ўз йўлида кетаверади. Бу оқчашмаликларга одат. Шунинг учун жийданинг тагида бирор кимсани кўришса ажабланишмайди.

Ҳасан жийдани чамалаб қадамни тезлатди. Яқинлашганида кимнингдир дарёга тикилиб турганига кўзи тушди. Бу Зухра эди! У хаёлга чўмиб, Бўзсувга термилиб қолганди. Қадам товушини эшитмади. Ҳасаннинг юраги қинидан чиқиб кетгудек типирчилай бошлади! Ўтган икки кун кўнглида фақат бир истак бўлди: тезроқ Зухрани кўриш, қизнинг ўзи билан ёнма-ён туришини ҳис қилиш! Мана, ҳозир Зухра қаршисида, бир неча қадам ташласа бас.

У кизни чўчитмаслик учун қадамни секинлатди. Соҳилдаги куз манзараси ниҳоятда гўзал эди. Қийғос гулга кирган жингил буталари улкан ҳудудга гулдас-талардек сочилган. Бу моҳир мусаввир чизган суратни эслатади. Дарёдан келаётган салқин шабада кишининг баҳри-дилини очади.

– Зухра! Шу ердасиз?! – деди Ҳасан овозини пасайтириб.

Қиз чўчиб тушди. Ортига ўгирилиб, Ҳасанни кўрди-ю, жилмайди:

– Ҳасан ака?! Бугун сизни кутгандим. Газетада чикдимми?

– Мана газета, мен сўзимда тураман! – Ҳасан қўлидаги буклоғлиқ газетани узатди.

Зухра ёш боладек суюниб кетди. Бир зумда кўзлари қувончдан порлаб газетани очди. Катта ҳарфларда ёзилган сарлавҳани ўқиб, ажабланди:

– Вой! “Оқчашма қизи” деб ёзибсиз? Машхур қилиб юборибсиз-ку!

– Шунга муносибсиз, Зухраҳон!

– Ҳасан Али-чи?

– Бу таҳаллусни устозим қўйганлар. Ҳали бунга лойиқ эмасман.

– Ёқимли таҳаллус.

– Ростданми?!

Зухра қулиб, гапни бошқа ёққа бурди:

– Қаёққа кетаётгандингиз?

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.



– Ўзингиз-чи?

– Мен... ишга-да, фермага.

– Мен ҳам ишга!

– Сиз?.. – Зухра тутилиб қолди.

– Мен ҳам ишдаман, Оқчашма қизи билан гаплашаман, лавҳамнинг давомини ёзмоқчиман!

Зухра кулиб юборди. Ҳасан ҳам унга қўшилди. Енгил шабада эсиб, жийда барглари шитирлади. Улар бунга эътибор беришмади. Алланималарни гаплашиб ферма йўлидан ёнма-ён юриб кетишди.

5

Газета таҳририятида иш доим дарёдек тўлиб-тошган бўлади. Ҳасан аллақачон бу жўшқин оқимнинг бетиним силсиласига қўшилиб кетганди. Иш билан андармон бўлиб кунлар, ойлар қандай ўтаётганини сезмасди. Қишлоқ хўжалик бўлимининг ишини бемалол эплаб қолди. Қилаётган ишидан завқ олиш нима-лигини шу ерда тушунди. Зухра билан учрашиш учун ҳамон Оқчашмага тез-тез қатнаб турарди. Бунинг учун ўзи сезмаган ҳолда турли баҳоналар ўйлаб топа бошлади.

– Қишлоқ хўжалик бўлимини чорвачилик бўлимига айлантириб юбордингиз, – дерди Иззатилла ака кулиб.

Аслини олганда устози бундан хурсанд ҳам эди. У ўтроқ журналистларни ёқтирмасди. Ҳасан учун таҳририят иккинчи уйига айланиб қолди. Жамоадагилар билан аҳил эди-ю, нимагадир Қурбон Қорабоевни сира жини суймади. У ўзига “Қурбон Қора” деб тахаллус қўйиб олди. Қурбон Қора асосан шикоят хатлари билан шуғулланар, онда-сонда танкидий мақолалар ёзарди. Уларнинг ҳаммасиям газетада чиқавермасди. Ҳасан буни Иззатилла акадан сўраганида, у кулди:

– Қурбон Қора махсус топшириқларни бажаради.

– Кимнинг топшириқларини? – ҳайрон бўлди.

Иззатилла ака сирли жилмайди:

– Ҳали ўзингиз билиб оласиз!

Бу “сир” тез орада фош бўлди. Кузги йиғим-терим палласи давом этаётганди. Мавсум ишини ёритиш асосан қишлоқ хўжалик бўлимининг зиммасида эди. Ҳасаннинг бош қашлашга қўли тегмасди. Шундай кунда бош муҳаррир чақиртириб қолди. У кирганида Шавқиддин Хўжаев хонасидаги юмшоқ ўриндикда телевизорга тикилганича ўтирарди. Ҳасан тик турган ҳолда унинг эътиборига сазовор бўлишини кутди.

– “Пештахталар ортида нималарни кўрдик?” рукнига фельетон тайёрланг, – деди Шавқиддин Хўжаев туйқусдан ўгирилиб. – Санитария-эпидемиология назоратидан одам қўшиб берамиз. Мева-сабзавот дўконларини айланасизлар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосидаги камчиликларни ҳам ёритиб бориш керак-да.

Ҳасан буни таҳририятнинг одатдаги топшириғидек қабул қилди. Эртасига ўрта ёшлардаги, тепакал санитария врачининг ўзи таҳририятга келди. Исми Валижон экан.

– Ҳамкор бўларканмиз-да, – деди у сирли қилиб.

– Топшириқ шундай, – Ҳасан бу бизнинг қўлимизда эмас, деган маънода елкасини қисди.

Шу куннинг ўзида Валижон ака билан туман марказидаги сабзавот

дўконларига чиқишди. Бир нечта дўконларда аҳвол талабга мутлақо жавоб бермасди. Санитария назоратининг вакили алоҳида-алоҳида далолатномалар тузди. Унда муддати ўтиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган карам, сабзи, бошқа сабзавотлар кўрсатилганди. Далолатномаларга Ҳасан ҳам имзо чекди. Кун якунида Валижон ака ўзи ёзган далолатномаларнинг нусхаларини Ҳасанга тутқазди.

– Булар ўзингизда қолаверсин, мен ҳаммасини ён дафтаримга ёзганман, – деди Ҳасан.

Валижон ака кулди:

– Бош муҳаррирга берасиз! Бу шахсан Шавқиддин акангизнинг топшириқлари, – у нимагадир “шахсан” сўзига урғу бериб гапирди.

Ҳасан бу кинояга эътибор бермади. Санитария назоратининг вакили-ку, деб Валижон аканинг айтганини қилди. Таҳририятга келиб, далолатномаларни Шавқиддин Хўжаевга олиб кирди. У ғалати кулиб, қоғозларни олди.

– Сиз бораверинг, – деди.

Ҳасан шу куннинг эртасига “рейд” натижалари бўйича фельетон ёзди. Унда истеъмолга яроқсиз сабзавот сотаётган дўкондорларнинг қилмишлари фош қилинганди. “Бемор сабзавотлар” деган яхшигина сарлавҳа ҳам топди. Фельетонни дарҳол Шавқиддин Хўжаевга олиб кирди.

– Менда қолсин, – деди у. – Кўриб чиқаман.

Далаларда пахта терим мавсуми бошланганди. Ҳасан қишлоқ хўжалик бўлимининг ишлари билан андармон бўлиб, уч кун “Бемор сабзавотлар”идан хабар ололмади. Тўртинчи куни Иззатилла акадан фельетони чоп этишга берилган ё берилмаганини суриштиргани кирди.

– Шавқиддин акадан ҳеч нарса чиққани йўқ, – деди масъул котиб бошини чайқаб.

Фельетон изсиз йўқолгандек эди. Шундан кейин Ҳасан ўзлари кириб чиққан дўконларга яқинлашолмай юрди. Яна истеъмолга яроқсиз сабзавотлар сотилаётгандек, бунда ўзининг айби бордек қисиниб-қимтина бошлади. Ниҳоят, фельетонининг тақдирини суриштириш учун бош муҳаррирнинг олдига кирди. У Ҳасанни истамайгина қарши олди. Бу одатдагидек телевизорга тикилиб ўтириши-ю, қаршисида тик турган Ҳасанга бефарқ бир назар ташлаб, бошини буриб олишидан ҳам сезилди.

– Шавқиддин ака, фельетон нима бўлди? – сўради Ҳасан.

– Фельетон қолдирилди, – Шавқиддин Хўжаев яна гапинг борми, дегандек ўқрайди.

– Ахир...

– Гап тамом! – чўрт кесди у.

Таҳририятнинг ўз қонун-қоидалари бор эди. Қўшма рейд-текширув натижалари бефарқ қолдирилмайди. Бироқ Ҳасаннинг бош муҳаррирга эътироз билдиришга ёши катталарга ҳурмат руҳида тарбиялангани йўл бермади.

Эртасига сабзавот дўконларининг таниш сотувчиларини таҳририятда учратди. Улар ҳеч нарса бўлмади-ку, дегандек тиржайиб, намойишкорона истехзо билан Шавқиддин Хўжаевнинг хонасига кириб кетишди. Ҳасан ғалати бўлиб қолди. Буни ичига сиғдиролмай Иззатилла аканинг олдига кириб, бор гапни тўкиб солди.

– Нималар истеъмолга яроқсиз экан? – деб сўради у.

– Карам, сабзи...

– Текширганингиздан кейин ўша карам, сабзилар барра бўлиб қолгандир-да...

Ҳасан мулзам бўлди. Шу пайт хонага Қурбон Қора кирди. Кўзларини аланг-жаланг қилиб, масъул котиб билан Ҳасанга бир-бир қаради:

– Халақит бердим-ов, жим бўлиб қолдинглар?

– Нега жим бўларканмиз, масалан мен ҳозир ҳам гаплашяпман, – деди Иззатилла ака лабини чўччайтириб.

– Ким билан?

– Ўзим билан, – Иззатилла ака унинг кўзларига тик қараб тураверди.

Қурбон Қора довдираб қолди.

– Ие, шунақасиям бўладими?!

– Нега бўлмасин? Ҳамма нарса бўлиши мумкин. Масалан, мен ўзим билан шахмат ўйнайман. Демак, ўзим билан гаплашишим ҳам мумкин.

Қурбон Қора ғўлдираб алланима деди. Бироз каловланиб турди, нега кирганини ҳам унутиб, хонадан отилиб чиқиб кетди.

– Қалай, – деди Иззатилла ака айёрона илжайиб. – Бопладимми?

Ҳасан кулиб юборди.

– Оқчашмага бормоқчимисиз? – Иззатилла ака энди ўзини бепарво тутди.

– Ҳа, шу...

– Майли, бориб келақолинг. Сўраб қолишса, бир нима дерман.

Ҳасан раҳмат айтиб, эшикка йўналди.

– Ҳасанбой! – Иззатилла ака уни тўхтатди.

– Лаббай?

– У яхши қиз, сизга муносиб. Қўлдан чиқарманг!

Ҳасан эшикдан чиқиб кетаётиб устозига миннатдорлик билан бош ирғади.

* * *

Шу кунларда Ҳасаннинг юрагини ишк шарораси куйдирарди. Кўнгил уйда янги бир оламга дарча очилгандек. Бу олам бекиёс жозибаси билан ишқий эҳтиросларга лиммо-лим қалбини ром қилди. Томирларида кўпираётган қайноқ қон вужудини ўт-олов бўлиб ёндирар, у ҳаётнинг энг азалий туйғуси оғушида маст эди.

Кунларини Зухрасиз тасаввур қилолмай қолди. Уни уч-тўрт кун кўрмаса вужудини соғинч ўртайди. Куну тун юраги орзиқиб, Оқчашмага талпинади. Зухрага етишиш учун тоғ келса кемириб, сув келса симиришга ҳам тайёр. Фақат у билан бирга бўлса бас! Бундай хиссиёт Зухрага ҳам бегона эмасди. Фермадагилар мухбир йигит билан соғувчи қизнинг муҳаббатини тилдан тилга кўчириб, афсона қилиб юборишди. Ҳасаннинг онаси Мастура опа эса аллақачон тўй ҳаракатига тушганди.

Бугун Ҳасан билан Зухра Бўзсув бўйидаги мажнун жийдасининг остида учрашишди. Тиккага келган куёш оловли нафасини уфураётгир. Кўчада одам кўринмайди. Ҳасан Зухрани етаклаб дарё бўйига олиб тушди. Бўзсув бирин-сирин гирдоблар ҳосил қилиб, тўлиб-топиб оқарди.

– Зухра, жоним, эртага совчилар боришмоқчи, – деди Ҳасан қизнинг қўлидан маҳкам ушлаб.

– Нега? – Зухра беихтиёр шундай деди-ю, кўзини олиб қочди.

– Оқчашма қизини олиб кетгани.

– Оқчашма қизи кишлоғини яхши кўради-да!

– Ҳасанни-чи?

– Униям! – Зухра қўли билан юзини беркитди.

Улар жингил бутасининг панасида туришарди. Ҳасан энтикиб Зухрани кучоклади. Қиз илк бор қаршилиқ қилмади. Ҳасан уни ўтли бўсаларга кўмиб ташлади. Жингилнинг кумушранг япроқлари бошларини силади, Бўзсув майсалари пойларини ўпди, муҳаббатга лиммо-лим юраклар бир-бирига талпиниб тўймади...

Эртаси куни Мастура опа тайинлаган совчилар Оқчашмага жўнашди. Шу кунгача Зухра билан ўзининг муносабатидан нарини кўролмаган Ҳасан хавотирга тушиб қолди. Зухранинг уйидагилар “йўқ” деб юборишса, нима деган одам бўлади?!

Аммо иш унчаликка бориб етмади. Қизларининг Ҳасанга кўнгил кўйганидан онаси хабардор экан.

– Қайнотам, қизимнинг бувалари куёвни кўриб, гаплашмоқчилар, – деди истиҳола билан. – Биз кишлоқи, содда одамлармиз. Хафа бўлманглар, ўргилайлар. Бир кунни тайинлаб, қайнотамни олиб борсак... Майли-да, гаплашсинлар, танишишсин. Замона одамлари шудир-да.

Бу шарт бошдан-оёқ сарпо кийиш иштиёқида келган совчиларни чўчитмади. Ўша кунни белгилаб, хабар қиладиган бўлишди.

6

Якшанба куни Ҳасан уйда ёлғиз қолди. Отаси билан акасининг ўғли иккита кўчқорни мол бозорига олиб кетишди. Кўчқорлар етилиб, тек туролмайдиган бўлиб қолишганди. Тисарилиб бир-бирига калла кўйгани-кўйган. Сотмаса, бир-бирини майиб қилиб кўйиши тайин. Мастура опа ҳам харажат қилгани катта бозорга чиққан. Ҳасан ишқом остидаги чорпоёда ёнбошлаганича газета ўқиб ётарди. Шу пайт дарвоза тақиллади:

– Овси-ин, уйда мисиз? – деган ингичка аёл овози келди.

Ҳасан ўрнидан туриб, чорпоядан тушди. Йўлкадан тез-тез юриб келаётган совчи хотинни дарров таниди. У ёнбош томондаги узум ишқомларига оғзи очилиб қарай-қарай ўзига тикилиб турган Ҳасанни пайқамай қолди.

– Вой, кўрқитиб юбордингиз-а! Куёв бола, уйда эканингиз яхши бўлди, – деди кўкрагига “туф-туф”лаб. – Бугун келинпошшанинг буваси келади, их-им, чўчиб кетдим-а, яхшилаб кутиб олинг; – деди-да, шошаётганини билдириш учун бўш сумкасини у қўлидан бу қўлига олди.

Ҳасан бир оғиз сўз деёлмай, бошини қимирлатиб, унинг гапини тасдиқлади. Совчи хотин яна аллақанча гапларни чулдираб чиқиб кетди.

Ҳасан бироз ҳовлида каловланиб турди. Совчи хотиннинг гапи унга чақмоқ чақнагандек таъсир қилганди. Зухра буваси ҳақида кўп гапирарди. Бироқ Ҳасан уни бирор мартаям кўрмаган. “Қария нимани суриштираркин? Бўлажак куёвни ёқтирмай қолса, ишқал чиқмайдими?” Шундай хаёл билан чорпоёга ўтирди. Шу пайт яна дарвоза очилиб, кимнингдир йўталиб овоз бергани эшитилди. У ўрнидан туриб қаради-ю, ўзига таниш одамни кўриб суюниб кетди. Дарвозанинг тутқичини ушлаганича атрофга аланглаб Ҳошим амаки турарди. Ўша-ўша ихчам соқол, нуроний чехра. Оқ кўйлак устидан сариқ-нофармон ёзлик чакмон кийган. Ҳошим амаки ишқом панасидаги Ҳасанни кўрмаётганди.

– Уйда ким бор? – деди ҳовлига кўз ташлаб.

Ҳасан ишқом остидан чиқди.

– Келинг, Ҳошим амаки, – деди дарвоза томонга чаққон юриб бораётиб.

Ҳошим амаки ўзининг исмини эшитиб ҳайрон бўлди.

– Мухбир Ҳасанбойларнинг уйи шуми? – деди.

– Худди ўзи! Келаверинг, Ҳошим амаки, – Ҳасан кўлини кўксига кўйиб салом берди.

У Ҳошим амакини газетага боғлиқ бирор ташвиш етаклаб келган деб тахмин қилганди. Қария эса куёв бўлмишнинг эмин-эркин муомаласидан хайратланди.

– Мени танимадингизми? – деди Ҳасан. – Оқчашмада, йўлда учрашгандик. Ўшанда ривоят айтиб бергандингиз?

Ҳошим амаки унга бироз тикилиб турди-да:

– Эсим курсин! – дея кафти билан пешонасига урди. – Ўша сенмидинг, болам? Танимаганимни қара-я!? – Энди Ҳошим амаки ҳам суюниб кетди.

Ҳасан қария билан сўрашиб, ишком остига бошлади. Ҳошим амаки амиркон ковушини ечиб, чорпоёга чиқди. Улар хонтахтанинг икки томонига ўтиришди. Ҳошим амаки ховли, уйларга бир-бир қараб олди-да, кўлини фотиҳага очди.

– Илоё кўшганинг билан кўша қариб, бахтли бўлгин, болам.

– Оқчашмадан келяпсизми? – деди Ҳасан.

– Ҳа, болам, – Ҳошим амаки тарадудланиб қолди.

Ҳасан буни ўзича тушунди:

– Бирор хизмат бўлса, бемалол, айтаверинг.

– Ҳасанбой, мени иш билан келди, деб ўйладингизми? – У энди нимагадир “сиз”лай бошлади.

– Ҳа-да, газетага боғлиқ бирор иш билан...

– Газетага эмас, сиз билан неварам Зухрага.

– Зухра, сизнинг...

– Менинг неварам.

Ҳасан тахтадек қотиб қолди. Пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Уни кузатиб ўтирган Ҳошим амаки кулди:

– Шунақа-а, ўғлим, куёв бўлмишни бир кўрай, гаплашай, – деб келдим-да, айбга буюрмайсиз энди.

– Мени кечиринг, – Ҳасан хижолат бўлди.

– Ундай деманг ўғлим, сизлигингизни билиб, кўнглим кўтарилди.

Ҳасан бошини эгиб жим бўлиб қолди. Ҳошим амаки Зухранинг буваси эканлигини билмаганини ўйлаб ғалати бўлиб кетди. Зухра ҳам “бувам-бувам” дерди-ю, бувасининг исмини айтмаганди. Совчи хотин, келиннинг буваси келади, деганида оппоқ соқоли кўксига тушган қарияни тасаввур қилганди. Қандай кутиб олишни билолмай безовта эди. Мана энди ўша “бува” Ҳошим амаки бўлиб чиқди.

Ўртадаги сукунатни Ҳошим амакининг ўзи бузди:

– Фотима билан Зухра – тўнғич невараларим. Яхши жойга тушишсин, бахтлари очилсин, деб ният қилганман. Фотимани узатганимизга бир ярим йил бўлди. Турмуши яхши, ундан хотиржамман. Зухрамиз жуда кўнгулчан, содда қиз. Шунийчун куёвни бир кўрмоқчи бўлдим. Си-из яхши йигитсиз, ўғлим, буни ўшанда билганман. Болаларим, невараларимнинг ҳаётлари бизникига ўхшамасин, дейман-да.

– Урушда бўлганмисиз? – деди Ҳасан унинг гапини ўзича тушуниб.

– Ҳа, ўғлим, уруш бошланганида қирчиллама йигит эдим, кўнгулли бўлиб жўнаганман. Урушнинг иккинчи йилида билагимдан оғир яраланиб қайтиб келганман, суяк синиб кетган, ҳали хануз сирқираб оғрийди. Урушнинг жароҳатлари ёмон... Ўшанда Оқчашмамизда эркаклар санокли қолганди. Борлари ҳам қариқартанглар эди. Шийпонда атала қилишарди. Шу аталани ичаман деб болалар ҳам далада ишлашган. Жароҳатим битар-битмас мен ҳам далага чиқиб кетдим.

Болалигимдан чидамли бўлиб ўсганман. Ўтгизинчи йилларнинг очарчилигида онам бизни ташлаб, бир ошпаз кишига тегиб кетганди. Дадам чечак касалидан чўтир бўлиб қолганди. Пахта зовутта ишларди. Оқчашмадаги амакимнинг кўлида катта бўлдим. Бу ҳикоя жуда узун, айтаверсам зериктириб қўяман.

– Ундай деманг, – Ҳасан чаккон ўрнидан турди.

Энди Ҳошим амаки Зухранинг буваси эканлигидан суюна бошлади. Кутилмаган учрашув уни анча музтар ҳам қилиб қўйди. Чорпоядан тушиб, ошхонага кирди-да, бир зумда чой дамлаб келди. Хонтахтадаги усти ёпиб қўйилган дастурхонни очди. Пиёлага чой қуйиб, Ҳошим амакига узатди.

– Очарчилик йилларини кўрганлар сизга ҳам гапириб беришгандир, – деди Ҳошим амаки пиёладаги чойдан хўплаб. – Инсонга очликдан оғир азоб йўк, дейман ўзимча. Одамлар ақл-хушидан ажраб қолишгандек эди ўша пайтларда. Болалигимдаги бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Онам бизни ташлаб кетганида отам ҳали анча ёш эди. Амакиларим бир боласи бор аёлга уйлаб қўйишди. Шу аёл отам билан беш-олти ой яшади. Асаби чатоқ, эсарроқ хотин эди. Бир куни овқатланиб ўтирганимизда бешикдаги бола чинқириб йиғлаб қолди. Қарасак, бояги хотин болани бўғяпти. Отам сакраб ўрнидан турди-да, хотинни нарига итариб юбориб, бешикни тортиб олди.

– Иплос! Нима қилипсан!? – деди ўшқириб.

Ҳалиги хотин кигизни устида ётганича дод солиб ерни муштларди. Нима дейди, денг: “Шу бола бўлмаганида менам силар билан овқат ердим”, эмиш... Ўша воқеадан кейин отам у хотинни ҳайдаб юборди. Кўнгли совигандир-да.

– Боласи биланми?

– Эсимда йўк, у пайтларда ёш бола бўлганман, – Ҳошим амаки бошини чайқади. – Отам инсофли одам эди. Қариндош-уруғларига олиб бориб топширгани аниқ. Ҳалиги хотин ақлдан озгандир-да, бўлмаса онаям ўзи тукқан боласини бўғадими, ит-мушуклар ҳам боласини қизганиб одамни талайди-ю.

Ҳошим амаки қовоғига ўсиб тушган қошларини силади. Бир нарсани эсламоқчидек пешонасини тириштириб, ҳовлига тикилди. Нима мақсадда келгани, кимнинг олдида ўтирганини ҳам унутиб юборгандек эди. Ҳасан унинг ҳикоясини дарсда муаллимини тинглаётган ўқувчидек диққат билан эшитиб ўтирарди.

Қуёш қўтарилиб, олтинранг нурлар ҳовлини киздира бошлади. Ишқомнинг ости салқин эди. Ток новдаларидаги шиғил каттақўрғон гужумлари шарбатга тўлган. Бу нав кеч кузгача поясида туради, кейин омборнинг тўсинларига илиб, баҳоргача асраш мумкин. Ҳошим амаки кўлидаги бўш пиёлани айланттираркан узум гужумларига тикилди.

– Чой қуйиб берайми? – деди Ҳасан.

Ҳошим амаки пиёлани узатди.

– Ўғлим, ўтган гапларни эслаб, бошингизни қотирдим.

– Сираям ундаймас... Кейин нима бўлганини айтиб беринг?

– Қирқ биринчи йилда уруш бошланди, жўраларим қаторида урушга кетдим. Отам кексайиб қолганди, урушдалигимда вафот этибдилар. Ўсмирлик пайтларимдан эсимда, отамнинг боши тинмай оғирди. Мен дорихонама дорихона югурардим. Гоҳ топилади отамнинг дориси, гоҳида йўк. Отам ўша дорилар билан тирик эди-да. Охири дарди кучайиб, олиб кетибди... Биз амаким билан бир ҳовлида яшардик. Ярадор бўлиб урушдан қайтганимдан кейин далага чиқиб, ғўза чопиғи, пахта теримига қарашиб юрдим. Кейинчалик бригадага ҳисобчи қилиб қўйишди.

Урушдан қайтган мендек аскар учун бу кунлар жуда-а тансиқ эди билсангиз.

Аммо болалик хотираларим, бош оғриғидан азобланаётган бечора отамга дори излаганларим сира хаёлимдан кетмади. Оппоқ халат кийган дорихоначиларга қаттиқ ҳавас қилиб қолгандим-да. Бу одамларнинг юзларида зарифлик, хатти-ҳаракатларида аллақандай жозиба кўрардим. Хаёлимда улар дунёдаги энг қудратли кишилар эди. Хоҳлашса, отамни додлатиб юборадиган бош оғриғидан халос қилишади, хоҳлашмаса... Хуллас доришунос бўлишга аҳд қилдим. Уруш тамом бўлган йилиям колхозда ишлаётгандим. Доришуносликка ўқишга бораман, десам, раис: “Ўқишга ўзим юбораман, агроном бўласан”, деб туриб олди. Мен ниятимдан қайтмадим. Тошкентга, Охунбобоев техникумига бориб, ўқишга кирдим...

Ҳасан Ҳошим амакининг ҳикоясини тинглаган сари хайрати ортарди. Уни биринчи учратганида оддий намозхон қария деб ўйлаганди. Ҳозир қаршисида ўтирган, энди унга ҳам бегона бўлмаган, улуғвор қиёфали кимсанинг чехрасида ўқимишли одамларга хос бир иноят – меҳрибонликни кўрди. Ҳошим амаки эса аллаловчи овозда узундан узоқ ҳикоясини давом эттирди:

– Доришуносликка ўқишим осон бўлмади. Техникумнинг ётоқхонасида жой етишмасди. Бўш ўринларни узоқ вилоятлардан келган талабаларга беришди. Аввал қатнаб турдим. Шаҳарга поезд саҳарги тўртда бўларди. Темир йўл бека-ти уйимиздан уч чақирим узоқда. Кечқурун бекатдаги чойхонага келиб ётаман. Эрталабки тўртда поездга чиқаман. Шу аҳволда бир ой қатнаб, чўпдек озиб кетдим. Раҳми келдими, амаким бироз пул берди, шаҳарда ижара уйга жойлашдим. Амакимнинг хотини – опоқим бир ҳафтага олтита нон ёпиб берарди. Ижарада турган уйимнинг эгаси кечқурун бир коса овқат беради. Ўқишдан бўш пайтимда одамларнинг унча-мунча ишларини ҳам қилиб турдим. Таътил пайтлари колхозимизда ишладим. Булар урушда чиниққан аскарга унчалик қийин ҳам эмасди. Шундай қилиб ўқишни битириб олдим. Дорихонага ишга жойлашдим. Ниятимга етгандим. Энди ўзим оқ халатли доришуносман. Қўлим пул кўрди, аҳволим яхшиланди, амакимнинг оиласигаям ёрдам бериб турдим.

Тақдирни қарангки, шундай кунларда ҳаётимда яна онам пайдо бўлдилар. Ўғай отам қазо қилибди. Кексайиб қолган онам қайтиб келдилар. Энди ёлғиз эмаслигимдан суюндим. Амаким мени уйлантириш ҳаракатига тушганди. Келинни онам топдилар. Узоқ қариндошларининг қизи экан. Ўзимизга яраша тўй қилдик. Уйланиб, етимликда чўккан кўнглим анча таскин топди. Амаким икки ўғлини уйлантирганидан кейин ҳовли-жой торлик қилиб қолди. Алоҳида чиқиб кетишимиз керак эди. Тежаб-тергаб йиғиндим. Икки йилда бир эски ҳовлини сотиб олдим. Онам, хотиним, ўғилчам билан кўчиб чиқдик... Бундай кунларга етгунча бошимдан кўп қийинчиликлар ўтди.

– Осон бўлмаган экан, – тан олди Ҳасан.

– Ҳаётнинг аччиғигаюм, чучугигаюм чидаш керак, ўғлим. Мен қийин кунларда чўкиб қолмадим. Ҳаммасини орқага ташлаб, шукр қилиб яшадим. Йиқилай деганимда тиришиб-гирмашиб яна йўлимни топиб олавердим. Бугун ўтган умримдан хотиржамман. – Ҳошим амаки чуқур тин олди. – Энди мен борай, Ҳасанбой, анча ўтирдик. Сабр билан эшитдингиз, балли. – У қўлини фотиҳага очди, дуо қилиб, ўрнидан турди.

Ҳошим амакини кузатаётганида Ҳасан ғалати бўлиб қолди. Зухранинг – севган қизининг буваси у билан танишгани, тўғрироғи, уни синовдан ўтказгани келди-ю, на сўроққа тутди, на рози ё норизолигини айтди...

Аммо шу куннинг эртасидан икки томонда ҳам тўй ҳаракати бошланди.

Орадан бир ой ўтди. Сунбулада Ҳасан билан Зухранинг тўйлари бўлди. Ҳасан оилада кенжа ўғил эди. Акаси билан жиянлари “қамишдан бел боғлаб” хизмат қилишди. Мастура опанинг қувончи оламга сиғмасди. Ҳовлига чор бурчак қилиб маҳалладан олиб келинган столлар қўйилди. Дастурхонни ширинликлар, қовун-тарвуз, олма-узумга тўлдириб таппашди. Ҳасаннинг жўралари тўрга гилам илиб, пахта билан “Ҳасан+Зухра” деб ёзишди, ёнига юрак шаклини “чизиш”ни ҳам унутишмади.

Тўйга тахририят билан бирга босмаҳонанинг ишчилари ҳам жамоа бўлиб келишди. Давранинг тўрига Шавқиддин Хўжаев савлат тўкиб ўтириб олди, ёнидан ими-жимиди Курбон Қора жой олди. У ёши улуғ Ёдгора опа ёки босмаҳонанинг катталаридан ҳам “юқорилаб” кетганидан сира тортинмасди. Муҳаррир ўринбосари Абдулла ака, масъул котиб Иззатилла Иброҳимов қарама-қарши томонга жойлашишди. Ўртакаш йигит даврани очиб, табрик сўзини Иззатилла акага берди.

– Сиз Ҳасанга ҳам устоз, ҳам ака ўрнидасиз, гапираверинг, – деди Ёдгора опа.

Ҳамма Шавқиддин Хўжаевга қаради. У атрофдагиларга эътиборсиз, Курбон Қора билан гаплашиб ўтирарди. Сўзга чиқишни истамаганини тушунишди. Иззатилла ака ўрнидан туриб, овоз тутқични олди-да, ҳаяжон билан балоңд овозда гапира кетди:

– Ҳасан билан Зухра бир-бирларига муносиб ёшлар. Мен уларнинг бахтли бўлишларига чин дилдан ишонаман ва бугун жамоамиз номидан бахт тилайман! Ҳасан укамиз жуда истеъдодли журналист...

У келин-куёвни мақтаб, уларнинг шаънига бир олам илиқ гапларни айтиб юборди. Шу пайт кетма-кет кўтарилган қадахлар таъсирида анчагина қизишиб қолган Абдулла ака ҳам ўрнидан туриб, табрикка қўшилиб шеър ўқий кетди.

Тўй базми борган сари қизирди. Ширакайф йигитлар маданият уйидан келган хонандага “Биринчи муҳаббатим”ни қайта-қайта айттиришди...

* * *

Тўйдан кейинги кунлари оламда Ҳасандан бахтлироқ йигит йўқ эди. Авваллари ишию кўчадан бери келмасди. Мастура опа уни тергагани тергаган эди. Энди бўлса бўзчининг моксидек уй билан ишхона ўртасида қатнаб чарчамайди. Зухранинг умр дафтарида ҳам янги саҳифалар очила бошлади. Туғилган уйи, соғувчилик касби Оқчашмада қолиб кетди. Туман марказига келин бўлганига бир ой тўлар-тўлмас босмаҳонага саҳифаловчи бўлиб ишга кириб олди. Уқувли, уддабурон экан, янги касбини тез ўзлаштирди. Бундан ўзида йўқ хурсанд эди, унинг учун муҳими – Ҳасаннинг ёнида бўлиши.

Бир куни босмаҳонада газета саҳифалаётганида Ҳасан кириб келди. Ўзига таниш қадам товушидан юраги ҳаприқиб, оргига ўтирилди-ю:

– Сизмидингиз? – деди жилмайиб.

– “Мен ўша”, – деди Ҳасан “Ўткан кунлар”даги Отабекнинг Кумушбиби билан никоҳ кечасини эслаб.

– “Кўзларимга ишонмайман”, – Зухра ҳам Кумушбибининг гапини такрорлади.

Линотип хонасидан Фарида опа чиқиб келганида улар бир-бирларига қараб қулиб туришарди. Зухра уялиб дарров нари кетди.

– Ҳа, куёв бола, соғиниб қолдингизми? – деди Фарида опа маъноли қилиб.

– Саҳифани олиб тушгандим, – Ҳасан жиддийлашди.

– Энди навбатчилигингизда саҳифани бўяб ташламайсиз, – Фарида опа кулди. – Бўлмаса-а, хотинчангизнинг қўли қаваради, укагинам!

Ҳасан босмаҳона аёлларининг беғараз ҳазилларига ўрганиб қолганди, индамади.

Фарида опа шипиллаб хонасига кириб кетди. Очиқ эшикдан яна ҳарф териш машинасининг шовқини эшитила бошлади. Зухра яна Ҳасаннинг олдига келди:

– Ҳасан ака, журналист бўлишни орзу қилганман, деганим эсингиздами? – деди беадоғ меҳр билан тикилиб.

– Эсимда, биринчи учрашган кунимиз эди ўшанда.

– Ниятимга етай деб қолдим, қаранг, сизнинг ёзганларингизни саҳифалаяпман.

– Бу бошқа.

– Менга шуям етади.

Ҳасан завқланиб кетиб уни кучоқлаб олди. Зухра ўзини тортиб, очиқ эшикка ишора қилди. Ҳасан юз-кўзи аралаш қаттиқ ўпдида, кўзини қисиб, чикиб кетди.

8

Ҳасан Али қаттиқ меҳнат қилганиданми ё ўзи омадли йигитми, ҳарнечук тезда туман раҳбарияти эътиборига тушди. Йиғилишларда журналист Ҳасан Алининг номи бот-бот тилга олинадиган, унинг мақолалари атрофида баҳс-мунозара юритиладиган бўлиб қолди. Ҳатто бир куни таҳририятга туман раҳбарининг мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари дабдурустдан кириб келди!

– Ҳасан Али қаерда, Ҳасан Али?! – деди у гумбурлаган товушда йўлак бўйлаб одимларкан.

Раҳбарнинг шарпасини илғагандаёқ хонасидан отилиб чиққан Шавқиддин Хўжаев уни тавозеларга кўмиб ташлади.

– Хуш келибсиз, Бегали Язидович, хуш келибсиз... ташрифингиздан таҳририятимиз чарагон бўлиб кетди...

Аммо раҳбар бош муҳаррирнинг ялтоқланишларига кўп ҳам эътибор бермади. Расмий оҳангда у-бу нарсалар ҳақида гаплашган бўлди-да, дарҳол мақсадга кўчди:

– Очиғи, Ҳасан Али деган журналистни кўргали келдим. Кечаги сонда чиққан очеркени ўқиб чидаб туrolмадим. Шу йигитнинг бир қўлини қисиб табриклар кўйгим келди. Зўр шогирдларни тарбия қиляяпсиз, Шавқиддин Эшбоевич, раҳмат сизга...

– Ҳозир Ҳасанбойни топиб берамиз, – деди бош муҳаррир баттар эгилиб-букилиб.

Кўп ўтмай, котиба чақириб чиққан Ҳасан Али Бегали Язидович ёнига келди. Туман раҳбари ўзи айтгандай, ёш қаламкашнинг қўлини қисиб қизғин қутлади.

– Худди шундай давом этиши керак ука, – деди у жўшқин оҳангларда. – Сизнинг ҳар бир сатрингиз нафақат газетанинг, балки бизнинг ҳам обрўмиздир...

Туман раҳбари тўлқинланиб гапирган кўйи Ҳасан Алини етаклаб таҳририят ҳовлисига чиқди. Негадир у бош муҳаррирга кўп ҳам эътибор бермади. Афтидан Ҳасан Алига айтадиган алоҳида гапи борга ўхшарди.

Шавқиддин Хўжаев худди тўдабоши ўйинга кўшмаган боладай ўкиниб йўлакда қоларкан, ҳовлига чиққанлар ортидан дарғазаб тикилди. Қўллари мушт бўлиб тугилди, лаблари қимтиниб алланелар дея пичирлади.

Худди шу воқеадан сўнг Ҳасан Али туман раҳбарияти томонидан пойтахтга, уч ойлик малака ошириш ўқув курсига юборди. Бу кўп нарсадан дарак берарди. Ҳарҳолда, газета бош муҳаррири, унинг атрофидагилар шундай фикрда эдилар.

Ҳасан Али малака ошириш сабоқларидан қайтгач, яна катта куч-ғайрат билан ишга киришди. Кетма-кет, бир-биридан ўткир сермазмун мақолалар ёзди.

– Қалайсиз, бўлажак бош муҳаррир, – деб ҳазиллашарди баъзан дангалчи Фарида опа. – Йигитнинг омадини берсин экан...

Бир куни худди шундай ҳазил-хузул билан Ҳасан Алини қарши олган Фарида опа йигитни хомуш кўриб ажабланди.

– Вой қоқиндик, вой, сизга нима бўлди, бўлажак раҳбар?
 – Э-э, – деб норизо қўл силтади ёш журналист, – аҳволни кўриб юрибсизу ўзингиз ҳам Фариди опа, худди мен еб, бошқалар курук қолишгандай, кўплар менга ковоқ-тумшук қилиб юрибди..

Фарида опа шарақлаб кулди.

– Вуй, шунга шунчами, мен нима эмиш деб ўйлабман. Кўяверинг, сизнинг ютуқларингиздан ичлари ёниб кул бўлаётгандир-да...

– Менга бирор ёмонлик қилишадими деб кўрқаман.... тўғрироғи.... Зухра учун кўрқаман.

– Сиз заррача чўчиманг, – деди Фариди опа ғайрат билан ҳарф теришга киришаркан, – бировга чоҳ қазиган, ўша чоҳга ўзи қулайди. Мана, кўрасиз.

– Раҳмат опа, кўнглимни кўтарганингиз учун.

9

Ўша йили қиш қаттиқ келди. Ўтган йили зиғирча ёққан қор ҳам бир кунда эриб, куёш чарақлаб кетаверганди. Бу қишда паға-паға қор ёғди-ю, ора-сира офтоб мўралаб қолсаям, тарновдан бир томчи сув тушмади. Дарахтларнинг қарахт новдасидаги опшоқ қорли пўстин яна садафранг момик билан қошланди.

Ҳасан тахририятга бораётиб йўл четидаги дарахтларга тикилди:

“Мана бу чинор, анови сада қайрағоч унинг болалигида ниҳол эди. Бугун одам кучоғига зўрға сиғадиган улкан дарахтларга айланишибди. Йиллар тез ўтаяпти. Булар ҳам тирик жонлар, бир-бирлари билан аҳил ака-укалардек тизилишган. Аслидаям нега шундай бўлмасин? Дарахт ҳам тирикликнинг бир тури-ку! Одамлар Ердаги ягона онгли ҳаёт биз, деб ўйлашади. Балки дарахтлар ҳам шундай-дир? Улар ҳам ўз ташвишлари билан у ёқдан-бу ёққа елиб-югураётган одамлар устидан, булар мунча бесабр, дея қулишар?..”

У музламада қаттиқ-қаттиқ қадам ташлаб тахририятга етиб келди. Совуқнинг зўридан қўлига ёпишаётган эпик тутқичини ушлаб, ўзининг хаёлпарастлигидан кулди. Хонасига кирар-кирмас Ёдгора опа бош муҳаррир чақираётганини айтиб кетди.

Ҳасан вақт ўтган сайин Шавқиддин Хўжаевнинг феълига тушуна бошлаганди. Унинг ботинида икки тоифадаги одам яшарди. Бири – ҳамма қатори еб-ичадиган, газета учун ёзиб-чизадиган оддий бир инсон бўлса, иккинчиси – сершубҳа раҳбар. Кейинги пайтда жамоани тез-тез алғов-далғов қилиб турадиган кўнгилсизликларда Қурбон Қоранинг “қўли борлиги”ни ҳамма биларди. У бирни мингта кўшиб Шавқиддин Хўжаевга етказарди. Бу кўпчилик ходимларнинг асабини буза бошлади.

Ҳасан кирганида Шавқиддин Хўжаев столидаги бир тўп қоғозни варақлаб ўтирарди.

– Келинг, ука? – деди совуққина қилиб. – Нима гап?

– Ишляпман.

– Ишланг, ёнинг! – У Ҳасанга синовчан тикилди. – Журналист ёниши керак! Шунчаки ишласа бўлмайди! Марказий газеталарни ўқияпсизми?

– Ҳа.

– Мана бу мақолани ниҳоятда диққат билан, синчиклаб ўқинг! – У ички саҳифаси очилган газетани узатди.

Ҳасан қизиқиб газетани олди. Иккинчи саҳифадаги катта қора ҳарфларда “МАНМАНЛИК” деб ёзилган мақолага кўзи тушди.

– Бу мақолани ҳам-ма ўқисин! Бизнинг орамиздаям манманлар йўқ эма-ас!

Шавқиддин Хўжаев, гап тамом, дегандек столида сочилиб ётган қоғозларига

тикилиб олди. Ҳасанга бу гап ўзига теккизиб айтилгандек туюлди. Биров устидан совуқ сув қуйиб юборгандек жунжикиб кетди. “Бу одам нега ҳеч тик гапирмайди-я? – дея ўйлади ғижиниб. – Ким, ўша манман? Менми?.. Қурбон Қора бир гап айтиб келгандир-да”.

Ҳасан бош муҳаррирнинг олдидан асаби бузилиб чиқди. Қабулхонада Ёдгора опа бир қараб кўйди-ю, индамади. Гира-шира ёритилган йўлакдан ўтиб, хонасига кирди. Қўлидаги газетани столга ёзиб, мук тушганича “Манманлик”ни ўқий бошлади. Бу мақола газетанинг салкам бир саҳифасини эгаллаганди. Унда истеъдодли, ёш олимнинг манманланиб, ночор аҳволга тушиб қолгани ҳақида ёзилганди. Охири фосикликка берилиб, талаба қизнинг номусига тажовуз қилади. Судда айбига икром бўлиб, шармандаси чиқади.

Ҳасан мақолани ўқиб бўлиб, газетани четга сурди-да, ўйланиб қолди: “Шавқиддин Хўжаев, бундайлар бизнинг орамиздаям бор, деб унга шама қиляптими? У ном чиқариш, шон-шухрат ҳақида ўйламайди-ку?! Шавқиддин Хўжаевнинг ботинида нима гап бор?”.

Хонага Иззатилла ака кирди.

– Ҳа, Ҳасанбой, – деди лабини чўччайтириб, – нега бўшишиб ўтирибсиз? Сизни Шавқиддин аканинг олдидан, дейишганди?

– Ассалом алайкум, – Ҳасан ўрнидан турди.

– Ваалайкум. Ўх-хў-ў, сиз ҳам “Манманлик”ни ўқияпсизми?

– Шавқиддин ака бердилар.

– Ўқинг-ўқинг, ҳар хил майда гапларни кўнгилга олаверманг-да, – Иззатилла ака бош муҳаррирнинг хонасига ишора қилди. – Биз ишлашимиз керак. Ҳаммаси ўткинчи, ижод қолади, ука. Атрофимизда не-не ажойиб одамлар бор, ҳар куни бир эзгулик яраляпти. Ана шулар ҳақида ёзайлик! Шахсан мен ўз ишимдан завқланаман. Билишимча, сиз ҳам шундай. Хуллас, сизга топшириқ бор.

– Майли.

– Фақат кишлоқ хўжалиги билан ўралашиб қолманг, дейман-да. Қаламингиз анча чархланди. Ҳозир қиш, бошқа соҳалар билан ҳам бемалол шуғулланишингиз мумкин. Шифокорлар ҳақида ёзганмисиз?

– Жиддийроқ нарса ёзмаганман.

– Лекин мен айтмоқчи бўлган одам ҳақида жиддий ёзиш керак. Олтинкўлга бориб келасиз. Биласиз, Олтинкўл туманимиздаги чекка кишлоқ. Қишлоқда касалхона бор. Турсунали Мамажонов деган йигит бош шифокор бўлиб ишлайди. Уни излаб бошқа вилоятлардан ҳам беморлар келишади. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, қирлар оралиғидаги кишлоқда таниқли шифокор ишлайди? Нега одамлар унга интилишади? Сабаби нимада? Дўхтир кўп-ку? Ана шуни очиб беринг.

– Хўп, уриниб кўраман.

– Аввал тиббиётдаги янгиликлар билан яхшилаб танишинг, суҳбатга жиддий тайёрланинг. Ҳали кўрасиз, Мамажонов жуда ақлли йигит.

Иззатилла ака шу гапларни айтиб, чиқиб кетди. Ҳасан Шавқиддин Хўжаев билан бўлган кўнгил хираликни бироз унутгандек бўлди. Энди устозининг топшириғи ҳақида ўйлай бошлади. Ўзиям анчадан бери бирорта шифокор ҳақида портрет очерк ёзишни режалаштириб юрганди. Бу таклиф айни муддао бўлди.

У ён дафтарини пальтосининг қўйин чўнтагига солиб, таҳририятдан чиқди. Олтинкўлга туман марказининг шохбекатидан автобус қатнади. Бекатга етганида зарғалдоқ рангли “ПАЗик” энди жойидан жилаётганди. Тўхтатиб, чиқиб олди. Ер музлама эди, ҳайдовчи автобуснинг тезлигини оширмади.

Қишлоққа салкам бир соатларда етиб келишди. Олтинкўлдаги уйлар тоғли кишлоқдагига ўхшаб баланд-паст қирликларга сочилган. Қирлар ўртасидаги суви жимирлаб кумушдек товланаётган кўл киши эътиборини тортади. Ҳасан автобус ойнасидан оппоқ қор қоплаган соҳилни томоша қилиб борди. Кўлнинг қирғоқларини қоплаган қорли кўрпадан куриб сарғайган қамишлар чиқиб турарди. Одамларнинг айтишларича, бу кўл ер остидан дарё билан туташган эмиш.

Ҳасан дарахтлар қуршовидаги мактаб биносида автобусдан тушиб қолди. Касалхона мана шу мактабнинг ортида эди.

Касалхонага кириб келганида бош шифокор хонасида экан. Бу хона дўхтирларнинг оддий қабулхонасидан ҳеч нарса билан фарқ қилмасди. Жиҳозлари – стол, бир нечта стул, кушеткадан иборат, оддийгина. Тўрдаги столда оқ халат кийган Турсунали Мамажонов ўтирарди. Эллик ёшлардаги дўхтирнинг соқоли қиртишлаб олинган, чехрасида хотиржам бир ифода. Кўринишидан озода, батартиб инсонлиги сезилиб турибди. Ҳасан кўлини кўксига қўйиб салом берди. Дўхтир алик олиб, ўтиришга таклиф қилди

– Ҳарбийда бўлганмисиз? – деди ичидагини ўқиб олмоқчидек тикилиб.

– Ҳа... Қандай билдингиз?

– Қадам ташлашингиздан. Ҳарбийда бўлган йигитлар оёқларини кўтариб бошишади.

“Синчков экан”, дея ўйлади Ҳасан. Бироқ буни ўзига айтмади.

– Газетаданман, – деб кўя қолди.

– Касалхонамиз ҳақида ёзмоқчимисиз?

– Сиз ҳақингизда ёзмоқчиман... Турсунали ака, кўли енгил шифокорсиз, – гапни улаб кетди Ҳасан. – Беморлар сизни узоқ ерлардан ҳам излаб келишаркан?

– Бу менинг алоҳида қобилиятим бор, дегани эмас, ука, – у ёқимли жилмайди. – Ҳамма шифокорлар ҳам одамларни даволашяпти.

– Шундайку-я...

– Шифокорнинг обрўси ишига муносабатида. Аслида ҳамма касблардаям шундай. Тиббиёт олийгоҳини битирганимда шу туманга ишга йўллашди. Соғлиқни сақлаш бўлимидагилар Олтинкўл амбулаториясига тайинлашганди. Йиллар ўтиб кишлоқ одамларига ўрганиб қолдим, шунинг учун бу ердан кетолмадим. Секин-аста амбулаторияни туман касалхонасининг бўлимига, кейинчалик шифохонага айланттирдик. Шифокорларимиз, ҳамширалар беморларга эътиборли. Энг катта ютуғимиз мана шу, аслида.

Турсунали Мамажоновнинг кўзлари кишига меҳрибонлик билан боқарди. Бу қарашларда қатъият, ўзига ишонч бор эди.

– Бўлимларни айланиб кўрасизми? – деди у жиддийлашиб.

– Майли.

Шу пайт эшик очилиб, кишлоқча кийинган; яшил чопонли, катта гулдор рўмолга ўраниб олган жиккаккина кампир кириб келди. Унинг қўлида кичик тугунча бор эди. Озғин юзини тарам-тарам ажин қоплаган, қиёфасидан ёшини аниқлаб бўлмасди. У Турсунали Мамажоновга қараб нимадир дегандек лабларини сассиз кимирлатди. Бир сўз демасдан, тугунини столга қўйди. Турсунали Мамажонов ўрнидан туриб, “раҳмат”, деди. Кампир қандай қирган бўлса, шундай, овоз чиқармасдан юриб чиқиб кетди.

Доктор тугунни бир четга олиб қўйиб, Ҳасанга қаради. Ҳасан кампир ҳақида сўрашдан истиҳола қилди. Турсунали Мамажонов ҳам буни тушунтириб ўтирмади. Улар шифохонани айланиш учун биргалашиб хонадан чиқишди.

Касалхона ҳовлиси оппоқ қор билан қопланганди. Куёшнинг нимжон, тилларанг нурлари бу қорли кўрпага авайлаб тирмашар, аммо кун совуқ бўлгани учун қор зиғирдак ҳам эримаётганди. Улар йўлқадан қаршиларидаги бир қаватли бино томонга юришди. “Терапия бўлими” деб ёзилган қўш тавақали эшиқдан ичкарига киришди.

Бўлим йўлаги иссиқ эди. Турсунали Мамажонов чап тарафдаги 1-палатанинг эшигини очди. Улар олдинма-кейин хонага киришди. Ичкарида тўртта бемор ётарди. Доктор тик турганича улар билан алоҳида-алоҳида сўрашиб чиқди. Шошилмасдан ҳар бирларидан навбат билан даволаш натижаларини суриштирди. Ҳасан унинг ҳаракатларини диққат билан кузатиб турди. Ўринларда ётган турли ёшдаги эркаклар дўхтирлари билан зориқиб кутган одамани топиб олган боладек берилиб суҳбатлашишди.

Кейинги хонага кирганларида бир беморнинг олдида узоқроқ ушланиб қолишди. Эллик ёшлардаги бу одамнинг соқоли олинмаган, кайфияти йўқлиги юз-кўзидан ҳам билиниб турарди.

– Дўхтир, тузаламанми? – деди у ҳазин овозда.

– Албатта! Ҳамма кўрсаткичларингиз яхши томонга ўзгаришти, – деди қон босимини ўлчаётган Турсунали Мамажонов. – Асабни бузманг. Маслаҳатларим эсингиздами?

– Эсимда, дўхтир.

– Унда, келишдик. Бу ердан соғлом бўлиб чиқасиз! Чекмаяпсизми?

– Чекмаяпман, дўхтир.

– Касалхонадан чиққанингиздан кейин ҳам чекмасангиз бемалол юз йил яшайсиз.

Бирдан беморнинг чехраси очилиб, жилмайди.

Турсунали Мамажонов ўрнидан турди. Ҳасан дўхтирнинг бир оғиз сўзи беморга чакмоқдек тасир қилиб, бир зумда кайфиятини кўтариб юборганидан ҳайрон эди. Ахир, айтарли ҳеч нарса демади-ку?

– Бу кишининг касали нима? – деб сўради йўлакка чиқишганда.

– Хафақонлик, гипертония.

– Кўнглини анча кўтардингиз.

– Беморим ўзини менга яқин олса хотиржам бўламан. Хаста одам ёш боладек таъсирчан-да. Унга меҳр, эътибор керак, алдаб бўлмайди. Ҳар бир беморнинг ўзи алоҳида олам. Шифокор тайёр қолип билан ишласа яхши натижага эришолмайди.

...Ҳасан Олтинкўлдан қайтаётди, кўрган-эшитганларини кино тасмасидек ҳаёлидан бир-бир ўтказди. Ёзмоқчи бўлган очерки қад ростлаётган бинодек тасавурида сатрма-сатр тиклана бошлади. Бир қараганда Турсунали Мамажоновда ҳеч қандай ғайриоддийлик йўқ. Лекин одамлар чанқаган саҳройи сувга интилганидек унга талпинишади. Кўзларидан нур ёғилиб туради унинг... Очеркда мана шуларни кўрсатиши керак!

Тахририятга етиб келганида Иззатилла ака кетишга шайланиб турган экан.

– Хўш, Ҳасанбой, таассуротлар зўрми? – деди қайта жойига ўтириб.

– Оддий касалхона, ҳамма қатори шифокор, – Ҳасан беихтиёр Турсунали Мамажоновнинг гапларини такрорлай бошлади. – Лекин...

– Ана шу “лекин”ини айтинг-чи? – Иззатилла ака лабини чўччайтириб унга тикилиб олди.

Ҳасан кўйин чўнтагидан жигарранг муқовали ён дафттарини чиқарди-ю, очмади. Кўрган-эшитганлари хотирасига муҳрланиб қолганди. Олтинкўл қишлоғи, ғаройиб кўл, Турсунали Мамажонов билан танишгани, касалхонани айланганларини батафсил гапириб берди.

– Қишлоқ сиз кўрган кўлнинг номи билан аталади, – деди Иззатилла ака.

– Шундай.
 – Кўлга сув қуйилмаслиги, оқиб ҳам чикмаслигини эшитгандирсиз?
 – Ҳа, бу кўл ерости сувлари билан туташган, дейишди.
 – Шундай бўлиши мумкин. Қирлар ўртасида сирли кўл! Биргина шунинг ўзи хаяжонга солади кишини. Мен Оқчашма одамлари ҳақида ёзганимда айнан ана шу манзарани тасвирлашдан бошлаган бўлардим. Ўзингиз ғайриоддийликни кўра олсангиз бошқаларни ҳам ҳайратга соласиз, тўғрими?

– Бу ҳақда ўйлаб кўрмабман.
 – Ўқирманни ортингиздан эргаштиринг. Уни қишлоқнинг жўшқин ҳаётига олиб кирсангиз – мана шу энг катта ютуғингиз бўлади. Шаҳарлик шифокорнинг қишлоқда қолиши сабабини ҳам очиб бериш керак. Дарвоқе, тугунда овқат кўйиб кетган кампир ҳақида суриштирдингизми?

– Йўқ, ноқулай деб ўйладим, эътибор бермабман.
 – Эътибор беринг-да! – Иззатилла ака афсус билан бошини чайқади. – Мен олтинкўлликлардан эшитганман: сиз кўрган ўша кампирни бир пайтлар Турсунали Мамажонов ўлимдан сақлаб қолган. Ўн саккиз йилдан буён ҳар куни дўхтирга бир косадан овқат олиб келаркан. Уни ўғлим деган.

Ҳасан Иззатилла аканинг туманни яхши билишига кўп марта тан берганди. Унинг Турсунали Мамажонов ҳақидаги гаплари ҳам ўйлантириб қўйди: “Дарҳақиқат, журналист қахрамонини ботинан тушуниши керак. Акс ҳолда, жонли қилиб тасвирлай олмайди. Шифокордаги фидойиликнинг ўзаги нимада?” У ҳаёлида жонланаётган воқеаларни бир ипга тизишга уринарди. Беихтиёр бош муҳаррир билан бўлган нохуш суҳбатни эслади. “Нега одамлар турлича? Лекин аслида Турсунали Мамажоновга ўхшаган одамлар дунёни тутиб туришибди”.

Яна баҳор келди. Қиш бўйи оппоқ қорли кўрпа остида ухлаб ётган қирлар яшил майса билан қопланди. Тунд одамнинг юзидек қовоқ уйган осмон ёришди. Куёпнинг илиқ нурлари заминни илтиб, она ўз фарзандини суйгандек қор сувларини шимиб кўпчиган тупроқни эркалай бошлади. Уфққа туташган мудроқ пахта пайкаллари трактор двигателларининг ҳайқиригидан уйғониб кетди. Уватларда кетмон кўтарган одамлар кўриниб қолишди. Ҳасан газетанинг қишлоқ хўжалик бўлимида ишлагани учун шу кунларда чигит экиш, ғўза қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш каби дала ишларини ёритишдан бўшамасди.

Зухра ҳомиладорлик таътилига чиқди. Эр-хотин ўзларини янги оламга тушиб қолгандек ҳис қилишарди. Улар биринчи фарзандни кутишнинг ширин ҳаяжони оғушида эдилар. Ҳар куни янги режа тузишади, тунлари кун санаб чиқишади. Дўхтирлар белгилаган муддат яқинлашиб қолганди. Шундай кунларнинг бирида Ҳасанни қаттиқ изтиробга солган воқеа содир бўлди.

Ўша куни таҳририятда газетанинг янги сони саҳифаланаётганди. Ҳасан навбатчи эди. Бундай кунларда ҳамма ходимлар соқчи аскарлардек ҳушёр ишлади. Тайёр саҳифани аввал мусахҳих, кейин ўзи ўқиб, хатоларини тузатишди. Иззатилла ака навбатдаги саҳифани бош муҳаррирга кўрсатиб чиқди-да, унинг кўлига тутқазди. Улар Раҳмонали билан ўқишга киришишди.

Раҳмонали – таҳририятнинг янги мусахҳихи. Ёши йигирмага ҳам тўлмаган. Паст бўй, оқ юз, кўзлари кулиб турадиган бу йигит ипга келган кунидан Ҳасан билан ака-укадек бўлиб олди. Ҳозир ҳам унинг хонасида эшилиб, яйраб ўтирибди. Ўқиши керак бўлган саҳифа қолиб, гапга тушиб кетди:

– Ҳасан ака, сиз навбатчи бўлсангиз бизга иш қолмайди, – деди кулиб.

– “Лайлақлар даласида”ни яхшилаб ўқинг. Имзони кўрдингизми? – қовоғини уйди Ҳасан.

– Кўрдим, “шеф”ники экан, хато кетса – тамоммиз! – Раҳмонали қўлини “пичок” қилиб бўйнини “кесиб” кўрсатди.

– Шунақа, ўқинг!

Учинчи саҳифадаги “Лайлақлар даласида” мақоласини Шавқиддин Хўжаев ёзганди. Туман марказига туташ бу далани Ҳасан болалигидан яхши билади. Ўртасидан магистрал электр тармоқлари “кесиб” ўтган. Юқори кучлинишли симларни осмонўпар темир таянчлар тутиб туради. Бу симёғочлар Оқчашма қишлоғига чўзилиб боради. Ундан нарисига қирлар оралаб, кўзга кўринмас электр қувватини узоқ-узоқларга олиб кетади. Темир таянчларнинг парку булулларга туташган учларига лайлақлар уя қуришган. Инлардаги кўксини шамолга тутган мағрур кушлар кишининг завқини оширади. Бир пайтлар бу манзарани Зухра билан ҳам завқланиб-завқланиб томоша қилишган. Ўшанда лайлақлар бахт келтирадиган кушлар эканлиги ҳақида гаплашишгани ҳам эсида...

Ҳасан ўқиб бўлган саҳифасини дарҳол босмаҳонага олиб тушди. “Бегоналар кирмасин!” деб ёзилган темир эшиқдан чоп этиш бўлимига ўтди. Бу ерда юз йил аввалги, қоғоз қўлда узатиладиган “тигель” механик дастгоҳи, замонавий “Доминант” дастгоҳлари ҳам бор.

Маҳобатли “Доминант” атрофида Сардор куймаланиб юрарди. Бир қўлида ёғ идиши, иккинчисида қорамой юқли латта. Ҳасан йўл-йўлакай Сардор билан саломлашиб, газета саҳифаланаётган хонага кирди. Бу ерда Қурбон Қорани кўриб ажабланди. У эшикка тесқари турганича бигиз билан кўрғошин литераларни титқиларди. Ҳасан кирганини сезмади.

– Бу ерда нима қияпсиз? – деди Ҳасан туйқусдан.

Қурбон Қора ялт этиб ортига ўгирилди, Ҳасанни кўриб ранги ўчди. У қўлидаги литераларни алмаштирадиган бигизни яширишга беҳуда уринарди:

– Бекор эдим, газета саҳифалашниям ўрганиб қўяй, дедим-да. Нима, мумки-намасми?

Ҳасан индамади. Ўқилган саҳифани қолдириб, чиқиб кетди. Бу пайтда газетанинг учта саҳифаси тайёр бўлганди. Тўртинчи бетда хато кўп экан, иш анча чўзилиб кетди.

– Ҳасан ака, фақат сиз эринмасдан ишлайсиз! Ҳар битта вергулни ҳам тўғрилайверасиз, – нолиди Раҳмонали.

Ҳасан “жим” дегандек ўқрайиб қаради-ю, индамади. Саҳифани яна бир қур кўздан кечирди, хошиясига “Босишга руҳсат!” деб ёзиб, имзо қўйди. Шундан кейин тахририят ходимлари уй-уйларига тарқалишди.

* * *

Эртаси куни Ҳасан одатдагидек барвақт ишга келди. Хонасига кириб, деразани очди. Димоғига гул-чечак исли баҳор ҳавоси келди. Иш столига ўтириб, бир зумда қоғозларига шўнғиб кетди. Эшик қия очиқ қолганди. Бир-бирлари билан саломлашиб, хоналарига тарқалишаётган ходимларнинг қадам товушлари эшитилди. Йўлақдан Иззатилла аканинг овози келганда ўрнидан туриб, унинг хонасига чиқди.

– Қалайсиз, Ҳасанбой? – деди Иззатилла ака лабини чўччайтириб. – Янгилик борми, дейман, бугун жуда бардамсиз?

Ҳасан устозининг маъноли саволини тушунди. У Ҳасан билан Зухранинг фарзанд кутишаётганини биларди.

– Ҳали вақт бор, – деди жилмайиб.

Бироз ўтиб Иззатилла аканинг олдидан чиқди. Нимқоронғи йўлакда Курбон Қорага урилиб кетишига бир баҳя қолди. У қабулхона томонга югургилаб кетаётганиди. “Э-э-э!” деганича тўхтаб, қўлини узатди-да, ёв кувгандек шошилиб ўтиб кетди. “Яна нимани бошлаяпти бу, – дея ўйлади Ҳасан. – Оёғи куйган товукдек типирчилаб қолибди!”.

У ўзининг хонасига кириб, деразани ёпди. Телефонлар рўйхати бўйича ташкилотларга қўнғироқ қила бошлади. Анчагина хабарларни йиғиб, “Туман янгиликлари” рукнига ахборот тайёрлади. Яна телефон гўшагига қўлини узатганида эшик тарақлаб очилди. Хонага ҳовлиқиб Раҳмонали отилиб кирди. Ранги кув ўчган, Ҳасанга узатган қўли билинар-билиномас титрарди. Етти қақирим ердан ҳаллослаб югуриб келгандек оғзини каппа-каппа очди-ю, ҳеч нарса деёлмади. Ҳасан ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. Ниҳоят, Раҳмонали ютиниб олиб, тилга кирди:

– Ҳасан ака! Хато кетибди! – деди кўзини ола-кула қилиб.

– Қандай хато? – Ҳасаннинг нигоҳи Раҳмоналининг қўлидаги газетага кадалди.

– Мана... шу... – деди у йиғламоқдан бери бўлиб.

Ҳасан газетани олиб, столга қўйди. Раҳмонали ундан кўзини узмай, титроқ қўллари билан газетани очди. Учунчи бетдаги “Лайлақлар даласида” мақоласига, яширмоқчи бўлгандек, шап этказиб кафтини қўйди. Беихтиёрий бу ҳаракатни шундай бир умидсизлик билан қилдики, гўё кафти остида бомба бор-у, кўтарса портлаб кетадигандек. Ҳасан Раҳмоналининг қўлини четга сурди. Мақолага кўзи тушиб, унинг ҳам ранги ўзгарди. Саҳифадаги тескари сатрларни кўриб, кўзлари жимирлашиб кетди.

Газетани оддий одамлар яратишади, фаришталар эмас. Баъзан бирорта сўзда хато ўтади ёки безақлар жойига тушмай қолиши мумкин. У аввалига шундай деб ўйлаганди. Чунки, навбатчилигида саҳифаларни диққат билан ўқиган, хато йўқлигига ишончи комил эди. Лекин не кўз билан кўрсинки, “Лайлақлар даласида” мақоласининг биринчи устунидаги икки сатр тескари турибди! Учунчи, тўртинчи устунлардаги учта сатрда ҳам аҳвол шу!

– Бўлиши мумкинмас! – Ҳасаннинг ранги ўчиб кетди. – Бу мақолани икки марта ўқиганман, бирорта хато қолмаганди!

Газетага қайта-қайта тикилди: “Литералар сочилиб кетганми? Чоп этувчи саҳифани дастгоҳга олаётганида эҳтиётсизлик қилганми...” Ҳасаннинг хаёлидан минг хил ўй ўтди. Эрталабки хотиржамлигидан асар ҳам қолмаганди. Ўйлашиб туриб, хаёлига келган биринчи гапни айтди:

– Газетани таркатмаслик керак!

– Тарқатиб бўлишибди, – деди Раҳмонали бўшашиб.

– Сен қаёқдан билдинг?!

– Курбон Қора бош муҳаррирнинг хонасидан чиқаётган экан, йўлакда менга дўқ урди, ўша айтди.

– Нега тўхтатишмабди?! Аввал Шавқиддин ака ўқирди-ку?!

Раҳмонали елкасини қисди. У ҳали газета ишининг нозик томонларини тушунмасди. Бироқ бу хатолар катта можаро бўлишини сезиб, жим турарди. Газетани аллақачон тарқатиб юборишган, фалокатнинг на олдини олиб, на тўхтатиб бўлади. Ҳасан бош муҳаррирнинг совуқ нигоҳини тасаввур қилди-ю, эти жун-

жикди. “Шавқиддин Хўжаевнинг унга муносабати шундоқ ҳам яхши эмас. Энди оғримаган бошига қандай ғавғолар ёғилади?..” У деразадан кўчага тикилиб, шулар ҳақида ўйларди.

Ташқарида сўлим баҳор эди. Қуёш сахийлик билан илиқ нурларини сочмоқда. Май ҳавоси бутун оламни уйғотган. Иккита қалдирғоч чиркиллашиб, бирин-кетин бинонинг пештокига учиб кирди. Аслида, мана шу беозор қушчаларнинг ташвишлари олдида уларнинг безовталиги писта пўчоғичалик ҳам эмас. Ҳозир жажжи тумшукларида бир томчидан лой ташиб, минг азобда ин қуришмоқда. Тухум кўйиб, полапон очишади. Уялари, тухумлари, кейинроқ полапонларини душман қушлардан ҳимоялаб, минг гирди балога дуч бўлишади. Бу тинимсиз меҳнат, бу азоб-укубат – умр бўйи, ҳар йили такрорланаверади. Шундаям уларни яшаш иштиёқи ҳеч қачон тарк этмайди, мусаффо осмонларда парвоз қилиб завкланишдан чарчашмайди. Азамат қушлар экан-да, бу қалдирғочлар...

Инсон зоти қизиқ. Аслида осмон ерга кулаб тушмади-ку? Ахир, Ер ўз меҳвариди айланаётир. Ҳамма жонзотлар шу ҳаётда яшаш завқини суришмоқда...

Айни пайтда Ҳасаннинг хуфтон кўнглига бундай мантиқли фикр юпанч бўлолмасди. У хона деразасидан кўчага тикилиб, ўтган-кетганларни бефарқ кузатар, иштибоҳлар исканжасида совуқ тошдек қотиб қолганди. Кун келиб, ўзининг шу бугунги ҳолатини хокисорлик билан мушоҳада этиши, хотиржам кулиб қўя қилишини билганида эди...

– Раҳмонали! – деди ортига ўгирилиб. – “Гранка”лар, ўқилган саҳифаларни олиб кел!

Инидан адашган қушдек типирчилаётган Раҳмонали бирдан тек қотди. Йўлини топдингиз, дегандек Ҳасанга миннатдорлик билан қаради-да, эшикни тарақлатиб очиб, елдек учиб чиқиб кетди.

Ҳасаннинг юраги баттар сиқилди. Раҳмонали келавермагач, сабри чидамасдан ўзи мусаххих хонасига чиқмоқчи бўлди. Оёғига тош бойлангандек оғир қадамлар билан эшик томонга юрди. Шу пайт эшик очилиб, рўпарасида Раҳмонали пайдо бўлди.

– Ҳасан ака, ҳеч нарса йўқ! – деди бўшашиб.

– Нима, йўқ?! – Ҳасан ўзини босолмай бақириб юборди.

– Гранкалар, ўқилган саҳифалар – ҳаммаси йўқ! Бир тутам қилиб ўраб, газета сонини ёзиб, жавонга қўйгандим, – минғирлади Раҳмонали.

– Хў-ўп?

– Ҳозир борсам, йў-ўқ! Ҳамма ўрамларни авра-астар қилиб ташладим, шу сон йўқ! – У қўлларини икки томонга ёйди. – Тушунмай қолдим.

Ҳасан қўлини силтаб, хонадан чиқиб кетди. У ҳозирги аҳволида на танасини ҳис қилар, на тузукроқ фикрлай оларди. Боши гаранг бўлиб қолган, нима қилишини билмай қийналарди. Сўнгги илинжи – босмахонадаги, ўзи имзо чеккан газета нусхасида эди.

Юраги хаприқиб, шошиб босмахонага тушди. Ўша илинж билан чоп этиш бўлимига кирди. “Доминант” шовқин солиб ишларди. Сардор дастгоҳни диққат билан кузатиб турибди. У Ҳасаннинг ҳовлиқиб кирганини кўрди. Аввал ажабланиб бироз қараб турди-да, ишини тўхтатди.

– Нима гап, тинчликми? – сўради дастгоҳ зинасидан тушаётиб.

– Кечаги, имзо чекилган нусха қани? – деди Ҳасан саломлашишни ҳам унутиб.

– Шу ерда бўлиши керак. Кеча янги келган йигитлар ишлашганди.

У қурдошини ҳеч қачон бундай аҳволда кўрмаганди. Ҳасаннинг ранги ўчган,

оғзидан чиқаётган сўзларни тез талаффуз қилганидан тушуниб бўлмасди. Сардор жиддийгина нохушлик юз берганини сизди. Ҳайрон бўлиб, доимги ҳазил-хузил гапларини ичига ютди. Дастгоҳ ёнидаги темир стол тортмасидан хошияларига қорамойли бармоқ излари тушган газетани олиб берди. Ҳасан пала-партиш ҳаракатлар билан шошиб газетани очди. Учинчи саҳифадаги “Лайлаклар даласида”га кўзи тушиб, бўшашиб кетди. Мақолада тескари сатрлар ярқ этиб кўзга ташланиб турарди. Сўнгги умиди ҳам пучга чиққанди: “Бу қанақаси? Кимнинг иши?!”. У ёнида турган Сардорни ҳам унутиб юборгандек эди. Босма-хона ховлисига қараган деразага хаёлчан тикилиб шамдек қоғоз қолганди.

Ҳасан бироз шундай турди-да, диққатини жамлаб, кечаги кунни бир-бир кўз олдига келтирди: “Аввал – иккинчи, учинчи, кейин – биринчи саҳифани ўқиди. Бироррта хато қолмаганди. Тўртинчи саҳифани босмахонага ўзи олиб тушди. У ерда... Қурбон Қора турганди. Ҳа-ха, Қурбон Қора! Нега?! Унинг қўлида саҳифаловчи ишчининг бигизи бор эди! Нега бигиз?... Ахир, бу бигиз билан “литера” – кўрғошин сатрлар алмаштирилади-ку?.. Наҳотки Қурбон Қора? Нега?! Унга нима ёмонлик қилди? Нега бу йигитнинг юрагида фақат ёмонлик яшайди? Ҳасан фитначилик, фирибгарликдан, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилишдан доим ҳазар қилган. Ахир, инсон покликка интилади. Қурбон Қорага бу туйғулар шунчалар бегонами?”

Ҳасан ўқиган саҳифаларида хатолар йўқлигига ишонганди. Ҳозир эса чоп этилган газетани варақламасдан имзо қўйганини эслаб, аламдан инграб юборди. Энди ана шу хатоси учун ўзини ўзи лаънатларди. Қўлидаги газетани Сардорга қайтариб берди-да, галдираклаб, индамай чиқиб кета бошлади. Сардор унинг ортидан бироз тикилиб туриб, газетани стол тортмасига солди. Бошини чайқаб, у ҳам дастгоҳи томонга юрди.

Ҳасан ўша аҳволда иккинчи қаватга чиқиб, хонасига кирди. Мақсадсиз у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Тор хона янаям торайиб кетгандек туюлди. Шу пайт эшик очилиб, Ёдгора опанинг боши кўринди:

– Ҳамма йиғилишга! – деди-ю, эшикни оҳиста ёпди.

Ёдгора опа ҳар сафар ичкарига кирар, “Ҳасан, йиғилишга чиқинг!” дерди дона-дона қилиб. Кейин атрофга бир қур назар ташлаб, фаррошнинг ишини кўздан кечирарди. “Кечикманг, шунақа”, деб чиқиб кетарди. Бугун ҳамма ўзини ғалати тутмоқда. Бу ҳолат бутун уйни тўполок қилиб юборадиган соатнинг жиринглашидан олдинги хавотирли сукунатга ўхшарди.

11

Ҳасан бош муҳаррирнинг хонасига бўйнидан занжир бойлангандек оёғини базўр судраб кирди. “Энди нима бўлади?” деган савол жизғанагини чиқариб, ич-этини каламушдек кемирарди. Шу тескари туриб қолган кўрғошин литералар туфайли мағрур боши эгиладими? Топган обрўси бир пул бўладими? Томчилаб йиққан обрўси пақирлаб тўкилса-я! Ёзаётган мақола, очерклари нуфузли газета-ларда босилиб турган бўлса... Шундоқ ҳам Шавқиддин Хўжаев уни ҳушламай юрганди. Манманланиб кетган, деб ўйлайди. Бунда Қурбон Қоранинг “хизмат”и бўлгани аниқ. Модомики шундай экан, йиғилишдан шафқат кутмаса ҳам бўлади...

Шавқиддин Хўжаевнинг хонасида бутун жамоа йиғилиб ўтирарди. Ҳасан кириб келганида ҳамма ялт этиб унга қаради. Сўнгра, аскарларга буйруқ берилгандек, нигоҳлар зарғалдоқ рангли ялтироқ столга қадалди.

– Келинг, Ҳасан, ўтиринг, – Иззатилла ака ёнидаги бўш ўриндикни кўрсатди. Ҳасан ҳимоя излагандек устозига бир қараб олди-да, секин ёнига ўтирди.

Шавқиддин Хўжаев ҳаммага бир-бир бефарқ назар ташлаб чиқди. Ҳасан унинг бу ҳолатига ажабланди: газетада шунча хато кетади-ю, у нега хотиржам?

Ходимлар жим эди. Умумий йиғилиш деб кириб қолган тахририят ҳайдовчиси Зокиржон ёнидагиларга алланималарни гапириб, ўз-ўзича кулиб ўтирибди. Унинг ҳазиломуз гапига ҳеч ким эътибор бермади. Шавқиддин Хўжаевнинг овози эшитилганда у ҳам жим бўлди. Бош муҳаррир бошини ёнбошга буриб, кучаниб гап бошлади:

– Газетамизда қўпол хатолар ўтиб кетди! – у бошини сарак-сарак қилди. – Биз Ҳасан Алиевга ишонардик... Бу қанақаси?! Гап хатолар мени мақоламдалигидамас... Ҳамма кўрдими, газетани? – Шавқиддин Хўжаев кўлидаги газетани силкитди.

– Кўрдик, – деди Иззатилла ака. – Хатолар қандай ўтганини аниқлаш керак. Балки айб босмахонадагилардадир? Тушунолмадим? – у елкасини қисди.

Шавқиддин Хўжаев бу гапни эшитмагандек давом этди:

– Буни шундай қолдирилмаймиз! – У ўрнидан турди. – Бунақа хатолар учун ходим ишдан кетади! Манманликнинг оқибати бу!

Ҳамма эртақдаги сеҳрлаб қўйилган одамлардекдек қотиб ўтирарди. Қурбон Қора бош муҳаррирга мулоим термилиб, унинг айтганларини тасдиқлаб, бошини силкитди. Ёдгора опа “...ходим ишдан кетади”, деган гапни эшитганида чўчиб тушди, Ҳасанга оналарча куйинчаклик билан ачиниб қаради. Бу муҳокамага адашиб кириб қолган Зокиржон атрофга аланглади, ёнидаги Раҳмоналидан пичирлаб нима гаплигини сўради. У ҳам бир оғиз сўз айтиб, бошини мажнунтолдек эгиб олди.

Бош муҳаррирнинг хулосаси Ҳасанга электр токи ургандек таъсир қилди. Эти жимирлашиб кетди. У ҳар қандай жазога тэйёр эди, аммо Шавқиддин Хўжаевдан бундай кескин гапни кутмаганди. Аслида, газетанинг қўпол хатолар билан тарқалиши кечириб бўлмайдиган ҳол. Бунга, биринчи галда, шу сонга навбатчи бўлган у айбдор. Бу кўриниб турган ҳақиқат. Лекин қандай қилиб сатрлар тескари бўлиб қолди? Шуни ўйлайвериш мияси ғовлаб кетди.

Йиғилиш жуда совуқ ўтди. Бош муҳаррир яна анча-мунча таънаю дашномларни тўкиб ташлади. Аксарият ходимлар муҳокамага кўшилмасликни маъқул кўришди. Фикр билдирганлар “аниқлаш керак”дан нарига ўтишмади. Ниҳоят, Қурбон Қора ўрнидан турди:

– Албатта, кечириб бўлмайди! – деди у юзига қайғули тус бериб. – Мен ёшманку-я, лекин газетамизнинг обрўси учун...

Ҳасан унинг қолган гапларини англамади. Миясининг гап етиб борадиган дарчаси беркилиб қолгандек эди. Раҳбарнинг фикрига қарши чиқишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Ҳасанни оқлайдиган бирорга далил йўқ эди. Босмахонадаги чоп этувчилар янги ишга келганлардан экан, улардан ҳам маънили гап олиш амримаҳол. Раҳмонали ҳали тажрибасиз. Асосий масъулият Ҳасаннинг зиммасига тушди.

Йиғилиш қатнашчилари “ҳукм”ни кутаётган қалтис бир пайтда Зокиржон сўз сўраб қолди. Ҳамма ҳайрон бўлиб унга қаради. Ҳайдовчи қўлларини бир-бирига қовуштириб, бироз қизариб-бўзариб турди-да:

– Ҳасан ака доим газетага жон куйдирган, – деди ҳаяжоннинг зўридан овози титраб. – Бу-у... қанақаси?! Ҳамма бир бўлиб битта одамни эзса, а?!

Ялтиратиб сирланган столдаги ўзининг соясига ҳомуш тикилиб ўтирганлар ҳушёр тортишди. “Рост-да-а” деган маъно бор эди Ёдгора опанинг мунис қарашларида. “Ҳақ гап” дерди муҳаррир ўринбосари Абдулла аканинг ақл-заковат ёғилиб турган нигоҳи. “Бундай хато ўз-ўзидан ўтмайди”, демоқчи бўларди лаби-

ни чўччайтириб олган Иззатилла Иброҳимов. Бўлим мудирини Ҳамида опа бефарқ, Курбон Қора бу оддий ҳайдовчининг тили ўткирлигидан ҳайратланиб бўзрайди.

Шавқиддин Хўжаев ўзини Зокиржоннинг гапларини эшитмаганга олди. Хонага яна юракни сиқиб юборадиган сукунат чўқди. Зокиржон саволига жавоб излаб ҳаммага бир-бир қараб чиқди. Сўнгра ҳайкалдек қотиб ўтирган шерикларига қўлини силтади-да, рухсат ҳам сўрамасдан чиқиб кетди. Хонада пашша учса эшитиладиган жимжитлик ҳукм сурарди.

Вазиятни яна бош муҳаррир қўлга олди. Кўпчилик тезроқ тугашини кутаётган йиғилишнинг бошловчиси-ю, яқунловчиси ҳам Шавқиддин Хўжаевнинг ўзи бўлди.

– Хўш, гапингиз борми? – У Ҳасанга нохуш назар ташлади.

Хатолар муҳокама қилинганида, одатда, ўқилган саҳифалар диққат билан кўриб чиқиб, айб кимдалиги аниқланарди. Ҳасан буни айтолмади. Раҳмоналининг жавонидаги ўқилган саҳифаларнинг йўқолгани қўлини ипсиз боғлаб кўйганди. “Айбингни яшириш учун ўзинг йўқотгансан”, дейишлари мумкин эди. Шунинг учун жавоб тополмай қийналди.

– Бу хатолар қандай ўтганини билмайман, – деёлди иложсизликдан.

– Қаламингиз бор, танилиб қолгансиз, – Шавқиддин Хўжаев қарз бераётган одамдек тиришиб, қақиб-қақиб олди. – Лекин манманлик ҳар доим кўнгилсиз оқибатга олиб боради! Бундай хатолар учун ҳеч ким аяб ўтирилмайди, эртагаёқ ишдан бўшага ариза ёзиб киринг. Масалани тинчгина ҳал қилганимиз маъқул.

Ҳамма ялт этиб Ҳасан Алига қаради. Барчанинг кўзида ачиниш, ҳамдардлик бор эди. Бироқ ҳеч бири бош муҳаррирга қарши бирор нима дейишга ботина олмади.

– Айтмасангиз ҳам ёзаман, – деди Ҳасан Али ўриндан ўйчан туриб. – Мен барибир бундай жамоа ичида қолмайман.

У илдам юриб хонадан чиқиб кетди.

13

Зухранинг кўзи ёриш арафаси эди. Ҳасан дарвозадан кирганида у кенг-мўл кўйлақда ҳовлида секин ғимирлаб юрарди. Бўшашиб турган эрининг рангрўйини кўриб, хуши бошидан учди. Ҳасан хотинига бир қаради-ю, индамай уйга кириб кетди. Зухра ҳам унинг ортидан кирди. Ҳасан ётоқхонада кийимларини ечмасдан, ўзини диванга ташлаган кўйи шифтга тикилиб ётиб олганди.

– Нима бўлди?! – деди Зухра кўзларини катта-катта очиб.

– Газетада хато ўтибди! Мени тинч қўй! – Ҳасан хотинидан аламини олмоқчидек зарда қилди.

Бу гапдан Зухранинг кўзига ғилтиллаб ёш келди. Хотинининг қаппайиб турган қорнига қараб Ҳасан жим бўлиб қолди. Зухра эрига ачиниш кетди. Бироз тикилиб турдида, пичирлаб сўради:

– Қанақасига?

– Шунақасига.

– Сизда сираям ундай бўлмасди?

– Бу газета-да...

– Энди нима бўлади?

– Ишдан бўшатишди.

– Хафа бўлманг, ишдан бўшаса ҳам одамнинг ризқи тугаб қолмайди-ку, – деб Зухра унинг елкасига қўлини қўйиб, силай бошлади. – Икковлашиб бир амаллаб бирор тирикчилик қилармиз.

– Кўнглим қолди, – Ҳасан “уф” тортди.

– Кимдан?

– Одамлардан.

Зухра Ҳасаннинг гапига ҳайрон бўлиб, жимиб қолди. Ҳозир ўзи яхши билган, беадок севгисига сазовор бўлган йигит ҳамма қатори одам эканлиги, унинг ҳам кўнгли борлиги, эркак киши тошдек мустаҳкам, баъзан эса тортилган тордек таъсирчан бўлиши мумкинлигини тушунди. Унинг Оқчашма фермасида биринчи учрашганларида, “Йигитларда қалб йўқ деб ўйлайсизми?” деганини эслади.

– Ҳаммадан кўнгили қолиши мумкинамас... Ҳамма бир хиламас, сиз буни биласиз, – Зухранинг овози эшитилди.

Ҳасан сергак тортди. Зухранинг икки кўлидан ушлаб, кўзларига қаради.

– Вой! – Зухра бирдан кўлини тортиб олди. Қорнини чангаллаганича диванга ўтирди.

Ҳасан сакраб ўрнидан туриб кетди.

– Нима бўлди?! – деди кўзларини катта-катта очиб.

– Ойижонни қақиринг! – Зухра оғриқнинг зўридан лабини қонатиб юборгудек тишлаб ингради.

Ҳасан эшикка отилди. Ҳовлига чиқар-чикмас бор овозда “Ойи!”, деб бақирди. Ошхонада кечки овқатга уннаётган Мастура опа очиқ деразадан бошини чиқарди:

– Ҳа, болам, тинчликми?

– Зухранинг мазаси қочди! – деди Ҳасан ҳовлиқиб.

Мастура опа югургилаб ошхонадан чиқди. Ҳасан онасини ичкарига киритиб, ўзи ташқарида қолди. Икки-уч дақиқа ўтар-ўтмас эшик очилиб, Мастура опа кўринди:

– Тез машина топиб кел, касалхонага олиб борамиз!

Ҳасан шу заҳоти ўқдек отилиб кўчага чиқиб кетди. Бояги ўйчан, ғамгин кайфиятидан асар ҳам қолмади. У бир дақиқада арслондек қудратли эркакка айланганди.

Кўчада биринчи дуч келган машинани тўхтатиб, уйга бошлаб келди. Дарвоза тарақлаб очилганда Мастура опа ҳовлига чиқиб, дарвоза томонга мўралади. Кўчадаги машинага кўзи тушиб, уйга қайтиб кирди-да, аллақачон кийиниб шай бўлиб турган келинининг кўлтиғидан ушлаб очиқ дарвоза томонга етаклади. Зухра қайнонасига суяниб оҳиста қадам ташларди. Йўл-йўлакай атрофга аланглаб, қатор қилиб экилган атиргулларга тўйиб олмоқчидек термилиб борди. Ҳовлини сўлим баҳорнинг ифори тутган, йўлка четларини қоплаган яшил майсалар оламнинг яшариш, янгиланишидан дарак бериб турарди.

Мастура опа билан Зухра қизил “Жигули”нинг орқа ўриндиғига, Ҳасан ҳайдовчининг ёнига ўтиришди. “Жигули”нинг эгаси эллик ёшлардаги қотма киши эди. Мастура опа ранги ўчган, беҳол Зухрани етаклаб чиққанидаёқ гап нимадалигини фаҳмлади. Машинани дарҳол ўт олдириб, газ тепкисини босди. У йўлдаги ўнқир-чўнқирларни айланиб ўтар, машинани моҳирона бошқарарди. Ҳасан тепасидаги ойнадан орқа ўриндикка хавотир билан қараб-қараб борди. Зухра кўзини юмиб олган, лабини қимтиб жим ўтирибди. Ҳар замонда оғриқнинг зўридан инграб кўяди. Мастура опа нимадир дея пичирлаб, уни юпатади.

Орадан беш-олти дақиқа ўтиб-ўтмай туман касалхонасига етиб келишди. Мастура опа ихраб-сихраётган келинини туғруқ бўлимига етаклаб кириб кетди. Бироз фурсат ўтиб жиддий кифоада қайтиб чиқди:

– Худо оқ йўл берсин, эсон-омон қутулиб олсин, – деди ўғлига эшиттириб.

Безовталаниб у ёқдан, бу ёққа юраётган Ҳасан тўхтаб, онасига бир қараб

олди. Мастура опа ҳеч нарса демасдан ҳовлидаги харрак томонга юрди. Ҳасан ёш боладек унга эргашди. Она-бола шу ерда ўтириб кута бошлашди. Бироздан кейин туғруқxonанинг эшиги очилди. Ичкаридан ихчамгина оқ халатли қиз югуриб чиқди. Улар бараварига ўринларидан туришди.

– Кетмай тураркансизлар! – деди қиз Ҳасанга табассум билан шўх бир қараш қилиб.

У қандай чиққан бўлса худди ана шундай чаққон қадамлар билан диқирлаб ичкарига кириб кетди. Она-бола яна ўтирган жойларига қайтишди. “Эсон-омон кўзи ёрисин”, – деди яна Мастура опа. Ҳасанга бу ўтиришлари ғалати туюлди. “Энди у ота бўлади! Ўғилми ё қиз? Майли, нима бўлсаям, онаси айтгандек эсон-омон кутулиб олсин”. Лабини қимтиётган жажжи чақалокни кўз олдига келтириб ҳаяжонланиб кетди. Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи жуда-жуда ёқимли эди. “Ҳозир Зухра қийналаётгандир? Боя унинг аҳволини кўриб юраги чиқиб кетаёзди. Инсоннинг дунёга келиши шунчалик қийинми?”

Орадан яна хавотирли ярим соат ўтди. Туғруқxона остонасида бояги шўх қиз пайдо бўлганида Ҳасан билагидаги соатга қараб безовталанарди. Қиз нимагадир икки кўлини кўтариб кулиб қўйди-да:

– Ўғил! – деди қувноқ овозда.

– Вой, тилингда шакар! – Мастура опа чаққон ўрnidан туриб унинг олдига борди.

Ҳасан шамдек қотиб қолганди. На юра олади, на тилига бир калима сўз келади. Онаси кизнинг кўлига нимадир тутказди. У “раҳмат” деб, Ҳасанга бир қур назар ташлади-да, югургилаб ичкарига кириб кетди. Чамаси, “мамаша”га “дадасининг худди ўзи” демоқчи бўлди. Мастура опа каловланиб турган Ҳасаннинг олдига қайтди.

– Ота бўлдинг, ўғлим! Худойимга шукр! – деди елкасидан кучиб, юзидан ўпаркан. – Даданг, ўғил бўлса исмини Самандар қўямиз, деганди.

– Дадам нима десалар, шу-да, – жилмайди Ҳасан.

Шу пайт яна туғруқxonанинг эшиги очилди. Бу сафар ўрта ёшлардаги, лўмбиллаган, оппоққина аёл чиқди.

– Дояни чақиртиргандим, – деди Мастура опа аёлнинг истиқболига шошиб.

Улар бир-икки оғиз паст овозда гаплашишди. Мастура опа бу дояниям ими-жимиди рози қилди. Аёл раҳмат айтиб, ичкарига кириб кетди.

– Энди уйга борайлик, – деди Ҳасаннинг олдига қайтган онаси. – Бир коса мастава қилиб бераман, обкеласан. Аталани эртага ичади, ҳозир кўнгли тортмайди.

Улар йўл-йўлакай гаплашиб пиёда уйга қайтишди. Айни пайтда Ҳасан кундалик ташвишларини бутунлай унутиб юборганди. Ичига сиғмаётган қувончини аранг босиб борарди. Уйда Мастура опа эри билан Ҳасанга ўзи дамлаб кетган ошдан сузиб берди. Овқат устида отаси қудаларга албатта хабар қилиш кераклиги, Оқчашмага эрталаб борса ҳам бўлаверишини тайинлади. Мастура опанинг маставаси тайёр бўлганда қоронғи тушди. Ҳасан овқатни олиб касалxонага кетди. Туғруқxонада унга на Зухрани, на чақалокни кўрсатишди. “Эртага бемалол келаверинглар, бугун ўзимиз яхшилаб қараймиз, овқат ҳам, чой ҳам берамиз”, деди ўша паст бўй, тўладан келган оппоққина доя.

Ҳасан уйга келганида вақт алламаҳал бўлганди. Туни бўйи яхши ухломасдан у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилиб чиқди. Хаёлан йўргакланган жажжи чақалокни кўлига олишини қайта-қайта тасаввур қиларди...

Саҳарлаб туғруқxонага борди. Зухра билан иккинчи қаватнинг деразасидан имо-ишора билан гаплашишди. Ҳасан шундай тушундики, ҳеч нарса керакмас, чақалокнинг ҳам, ўзининг ҳам аҳволи яхши эмиш.

У касалхонадан чикди-ю, дархол Оқчашмага жўнади.

Қайнотасиникида уни эндигина ўн олтига кадам кўйган қайинсинглиси Моҳигул қарши олди.

– Жиянча муборак, Моҳи, – деди Ҳасан оғзи қулоғида жилмайиб.

– Вуй-й! – чапак чалиб юборди Моҳигул. – Опам яхшими?! Мен ҳозир бо-ра-ман! Юринг почча, бу ерда турмайлик, бувам уйдалар, қолганлар ишда. Чақалоқнинг дарагини биринчи бўлиб мендан эшитсинлар, суюнчи оламан! Айтгандай, исми нима бўлди?

– Самандар.

– Вуй-й, зўр-ку!

– Шунақа.

Моҳигул яна алланималар деб бижиллаганича ҳовли тўридаги уйга бошлади. Ҳасан ҳар келганида жиҳозлари кўҳна бу уйга кирар, Ҳошим амаки билан суҳбатлашиб кўнгли ёзилиб кетарди. Уйнинг ичкари хонасида ойнаванд китоб жавони бор. Китоблар доришунослик, тиббиётга оид, бадиий адабиётлар алоҳида ажратиб терилган. Бир куни Ҳошим амакининг кўлида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”ини кўрганди. Бугун ҳам китоб ўқиб ўтирган қария куёвини очик чеҳра билан, ўрнидан туриб қарши олди.

– Бува! Чеваралик бўлибсиз! – деди Ҳасаннинг ортида тугмачадек бўйини кўрсатолмай, ичи қизиб турган Моҳигул.

– Ия! Муборак бўлсин!

– Ўғи-ил! – Моҳигул чийиллаб қичқирди. – Исми Самандар, бува!

– Оҳ-оҳ-оҳ, исмидан айланай чеварагинамни! – Ҳошим амаки Ҳасанни қайтадан кучоқлаб олди.

Хурсандлигидан еттинчи осмонда учаётган Моҳигул чой дамлаб кирди. Ҳошим амаки билан Ҳасан бир пиёладан чой ичишди. Ҳасан безовталаниб шошилди, туришга ижозат сўради. Ҳошим амаки унинг кўзидан бир нарсани ўқиб олмоқчидек синовчан тикилди:

– Ўғлим, тўғри юрганга ташвиш ўтқинчи, хотиржамлик ҳамроҳ бўлади. Мен умр бўйи нохушликларни орқага ташлаб яшадим. Мана, энди неварачевараларим билан бағрим тўлиб ўтирибман. Ҳаёт дарёнинг тўлқинига ўхшайди, ташвишларнинг ортидан яхши кунлар ҳам келаверади. Ўтқинчи дилхираликларни деб ўзингизни қийнаманг.

Бу гаплар Ҳасанга электр токи ургандек таъсир қилди. Қария ботинини саҳифаси очик китобдек ўқиб олаётганга ўхшади. Кечаги хато воқеаси, боши мажнунтолдек эгилиб уйга келгани, Зухрага гапирганларини эслаб ўз-ўзидан хижолат бўлди. Ҳошим амаки кўлини фотиҳага очиб, узундан узоқ дуо қилди. Сўнгра ўрнидан туриб, уйнинг тўридаги тахмонга борди. Кўрпа қатидан авайлаб бир нарсани олди. Ортига ўтирилганида қоксуяк, серажин кўлида нақшинкор қинли пичоқ ялтираб турарди. Ҳасаннинг олдига келиб, пичоқни икки қўллаб унга узатди:

– Бу пичоқ отамники, чақалоқнинг бошига қўйинглар, бола ёмон туш кўрмайди. Чеварамга катта бобосидан хотира бўлсин.

Пичоқни олаётганида Ҳасаннинг юраги бир қалқди. Унга Ҳошим амаки ажодларидан мерос бебаҳо буюмини бераётганди.

– Раҳмат бува, айтганингиздай қиламан, – деди кўзлари қувончдан порлаб.

У Ҳошим амакининг уйдан руҳида кўтаринкилик билан яхши кайфиятда чиқиб кетди.

Орадан йиллар ўтиб

Хотима ўрнида

...Ўғли Ҳасан Алини Бўзсув бўйига олиб келди. Энди унинг чекка сочлари оқарган, мўйловига ҳам қиров кўнгандек эди. Бироз тўлишган гавдасига кексалик нуқси урган. Синчков боқишлари ўша-ўша. Шу дамда у чуқур хаёлга чўмганди.

– Сен ўтира тур, – деди машинадан тушаётиб Самандарга.

Ўзи эса ёшлик хотираларига озор бермоқчимасдек оҳиста қадам ташлаб тўғридаги бир туп жийда томонга юриб кетди.

Ўша йили таҳририятдан ҳайдалгач, Ҳасан Али боғдорчилик совхозига оддий ишчи бўлиб ўтди. Томорқага қаради. Хуллас, тирикчилик амал-тақал кечди. Аммо ёш ижодкорнинг қалами синди. Худди қасам ичгандай Ҳасан Али бошқа ёзмай қўйди.

– Газетадан кетганингизга ачинаяпсизми? – деб сўрарди баъзан Зухра эрининг кўзларига меҳр билан термилиб.

– Асло, – деб кулимсирарди “қуйилган” журналист. – Газетадан мен ўз ҳақимни олиб бўлгандим.

– Қанақасига?

– Ўша ерда ишлаб мен сизни учратдим, бахтга эришдим, озми-кўпми элга танилдим...

Мана, орадан йиллар ўтди. Ҳасан Али ўзини ҳар нарса деб овулардию, бироқ хануз таҳририятни, ижодни кўмсарди. Шундай кезлар шу ерга, таниш мажнун жийдаси ёнига келади.

Ҳасан Али секин-аста бориб кекса дарахтнинг серажин танасини кучоқлади. Жийданинг тарвақайлаган шохлари ҳам кексайиб қолгандек эди. Новдалардаги кумушранг япроқлар енгил шабадада секин пичирлагандек туюлди. “Мен билан саломлашаяпсанми, қадрдон жийдам? – деди у ҳам шивирлаб. – Мен кексайиб қолаяпман, сен ҳам қаридинг... Ёшлик шунчалар қисқа бўладими, вақтнинг ўтишини қара, энди оёғимда қувват аввалгидекмас. Энди ҳеч нарса аввалгидекмас...”

У жийда остига гиламдек тўшалган ажриққа ўтириб олди. Тўлиб оқаётган Бўзсувнинг қудратли оқимига термиларкан ўйлади: “Йиллар оқар сувлардек ўтиб бораётир. Унинг ёшлик даврлари ҳам шунчалар тез ўтдики, завкига тўёлмай қолди. Улар Зухра билан бахтли яшашди. Ўғиллари ўзларидек иймон-этиқодли бўлиб улғайди. Аслини олганда бундан ортиқ бахт бўладими?! Ахир яшашдан мақсад, аввало, ўз юртинг, оиланг, фарзандларинг ардоғида бўлиш-ку!”

* * *

Ҳасан Али ўтган умри давомида яхши одамларни кўп кўрди. Эзгуликлардан кўнгли дарёдек тўлиб яшади. Энди, кексайганида улардан қарздор сезади ўзини. Бу эзгуликлар уммонида ёшликдаги бир саркаш ғалаён нима деган гап.

У жийданинг қизғиш-кўнғир, серажин танасига қўлини қўйиб, секин ўрнидан турди.

Дарёнинг яшил соҳили, баҳор ҳавоси Ҳасан Алининг дилига ором берди. Секин юриб машинасида кутаётган ўғлининг олдига қайтди.

– Дада, кетамизми? – деди Самандар.

– Кетамиз, ўғлим.

Самандар машинани ўт олдириди. Садафдек товланиб турган “Нексия” Оқчашманинг ўрикзор кўчасидан шамолдек елиб кетди. Ҳасан Али йўл-йўлакай бир оғиз ҳам гапирмади. Оқчашмадан чиққунларича кўча ёқасидаги уйларга

термилиб борди. Самандар дадасининг феълига ўрганиб қолгани учун индамади. Бобосининг уйлари олдидан ўтаётганларида бир қараб қўйди. Аммо у бунга ҳам эътибор бермади. У Ҳошим амаки ўтганидан кейин қайнотасиникига кам келадиган бўлиб қолганди.

Уйга етиб келишганда ҳам Ҳасан Али ўша кайфиятда эди. Уйга кира солиб келинидан Зухрани сўради. Келин қайнонасининг қўшни аёллар билан маҳалладаги маъракага чиққанини айтди.

Уни ҳамон дарё бўйидаги хотиралари тарк этмаётганди. Ёлғизликни истаб, ўзининг хонасига кириб кетди.

Шифт баробар тоқчаларга терилган китобларга термилиб ўтириб, кўзини юмди. Бироздан кейин ўрнидан туриб, хона бурчагидаги эски жавонни очди. Газета тахламларини титкилаб, анча уринганидан кейин ўзи излаган, ўттиз йил аввалгисини топди. Бу газеталарни ўша хато муҳокама қилинган йиғилишдан кейин қўлига олмаганди. Гўёки, бу бир йил ҳаётида бўлмаган, эслашни ҳам сира-сира истамасди.

Тахламни столга қўйиб, яна оромкурсига оғир чўкди. Кўзойнагини тақиб, йиллар ўтиб сарғайган газеталарни бир-бир варақдай бошлади. Мақолалардаги имзоларга кўзи тушиб, устози Иззатилла Иброҳимовни, муҳаррир ўринбосари Абдулла акани эслади. Онасидек меҳрибон Ёдгора опанинг самимий сўзлашларини яна бир мартагина эшитгиси келди... Бехосдан кўз ўнгиде Шавқиддин Хўжаев билан Қурбон Қора пайдо бўлди. Таҳририят ҳайдовчиси Зокиржоннинг чапаниларча қўлини силтаб, хонадан чиқиб кетгани хаёлида жонланди... Ўзи ёзган лавҳа, очеркларни оз-оздан ўқиб кўрди. Улар ниҳоятда самимий, жўшқин ёзилганди. Май ойига келганда саҳифаларни тез-тез варақлашга тушди. Ҳозир ўша мақола чиқади, дея ўйларди. Лекин кўнгли хотиржам. Шу дамда бунга ўзиям ҳайрон. Ахир, ўша кун бошига қанча ғавғоларни солганди! Юраги қон бўлиб, не хаёлларга борди. Энди эса буларни хотиржам эсламоқда...

Мана, ўша газета! У ички саҳифаларни очди. Учинчи бетда “Лайлақлар даласида” мақоласи ярқ этиб кўзга ташланди. Кўп йиллар аввал жумбоқ билан бошланган воқеа ёдига тушди: Раҳмоналининг “хато кетибди” деб совуқ хабар топиб келгани, ўқилган саҳифаларни зир югуриб излагани, муҳокама йиғилиши, ниҳоят Зокиржоннинг ўтирганларга қўлини силтаб чиқиб кетиши...

Унинг хаёлида буларнинг бари куни-кеча бўлгандек эди. Аммо орадан ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтди. Йиллар саракни – саракка, пучакни – пучакка ажратди. Мана, унинг кўнглини пора-пора қилган ўша мақола! Остига “Шавқиддин Хўжаев” деб имзо қўйилган.

Ҳасан Али кўзойнагини тўғрилаб, газетага диққат билан тикилди. Узоқлаштириб яна кўздан кечирди. Сергак тортди! Не ажабки, матнда тескари сатрлар кўринмасди. Устунма устун қайта-қайта назардан ўтказди.

Тажрибали журналист матндаги номутаносибликни бир қарашда илгарди. Лекин қўлидаги газетада ҳамма сатрлар шахмат доналаридек ўз ўрнида. Ахир, мана бу устунда иккита литер тескари бўлиб қолганди-ку? Учинчи, тўртинчи устунлардаги тескари литералар ҳам йўқ. Мақола бошдан-оёқ рисоладагидек, бехато!

Ҳасан Али сеҳр-жоду, мўъжизаларга ишонмасди. Аммо шу онда ўзи гувоҳ бўлган жумбоққа ечим тополмади.

– Ё, тавба! – деди газета тахламини столга қўйиб.

Узоқ ўйланди. Минг хил тахминни тарозига солиб кўрди. Ниҳоят, ўрнидан туриб, эшикни очди.

– Зухра-а! – деди бошини чиқариб.

Қайтиб келиб, яна “Лайлақлар даласида”ни ўқий бошлади. Ҳамма ҳарфлар ўз ўрнида эди. Вожаб! Фаришталар тўғрилаб қўйишибдими?! Нигоҳи беихтиёр

девордаги кўхна зангли соатга тушди. Соат бир маромда чиқиллар, кўнғир тусли нозик мили тинимсиз олдинга сакраб, вақт ўтиб бораётганини билдирарди.

Хонага маъракадан қайтган Зухра кирди. У ҳам энди ёш эмас, аммо оппоқ чехра, меҳрибон нигоҳлар ўша-ўша. Фақат бироз тўлишибди, юзида кулгичга ўхшаган чизиқлар пайдо бўлган. Эгнида яшил халат, бошида мовий дурра.

– Лаббай? – деди у эшикдан кираётиб.

– “Лайлаклар даласида” мақоласи эсингдами?

Зухранинг қиёфаси жиддийлашди:

– Самандаримнинг туғилган куни эсимдан чиқармиди! Сиз навбатчи эдингиз. Шавқиддин Хўжаевнинг лавҳасида литералар тескари бўлиб қолган.

– Ҳа, ўша мақола.

– Бешта сатр тескари бўлиб қолганди. Мен билганман, бу ишда бирортанинг кинғир кўли борлигини. Босмахона ишчилариям айтишган. Саҳифаловчи литератескари турганини бир қарашда пайқайди. Чоп этувчилар ёш ишчилардан экан. Кимдир шундан фойдаланган-да.

– Мана бунга қара! – Ҳасан Али очик газетага ишора қилди. – Бирорта хато йўқ, сатрлар жой-жойида.

Зухра газета тахламига яқин келди. У ҳамон кўзойнаксиз ўқирди. Очик саҳифага бошини эгиб турди-да, кўрсаткич бармоғини лабига босди. У ҳам нима дейишини билмасдан ажабланиб эрига қаради:

– Ўша мақола. Хато йўқ-ку?

– Уйда газеталарни ўзинг тахлам қилардинг, шундайми?

– Тўғри?..

– Мана бу тахламга таҳририятдан олиб келган газетамни тикканмидинг?

– Кўп йил ўтди ахир, эсимда йўқ.

Ҳасан газетанинг биринчи саҳифасини очди. Сарғайган хошияга кўк қалам билан уй манзили ёзилганди.

– Бу мен олиб келган газета эмас, почтачи олиб келгани...

Ҳасан Али ўйланиб қолди: одатда, почта ходими газеталарни рўйхат бўйича бўлиб чиқади. Кейин хошиясига обуначининг манзилени ёзади. Ўша йили бош муҳаррирнинг талаби билан таҳририят ходимлари ҳам ўзларининг газеталарига обуна бўлишганди.

Зухра ҳеч нарсага тушунолмай, кўзларини пирпиратиб Ҳасанга тикилди:

– Нега почтачи олиб келган газетада хато бўлмайди?

Бу жумбоқни Ҳасан Алининг ўзи ҳам энди тушунгандек бўлди. Фикридан даҳшатга тушди. Лекин аччиқ ҳақиқат кўлидаги газетада ярқ этиб кўриниб турарди. У Зухрага ҳорғин қараб, буни тан олди:

– Почтадан тарқалган газеталар хатосиз чиққан экан, – деди. – Хатолар фақат таҳририятга олиб келинган нусхаларда бўлган. Аввал сатрларни тескари кўйиб, “сигнал” нусхаларини босиб олишган, шундан кейин ҳаммасини жой-жойига кўйиб, асосий адад чоп этилган.

– Шунақасиям бўладими?!

– Бўлар экан-да.

– Бу кимнинг иши?

– Билмадим, – Ҳасан Али бошини чайқади. – Ким бўлсаям бу хатосини ўттиз йил юрагида тошдек олиб юрибди. Бечора...

Ҳасан Али бир нуқтага тикилиб, жим бўлди. Зухра унинг елкасини бир пайтлардагидек силай бошлади.

Хонада кўхна девор соатининг бир маромда чиқиллаши эшитилиб турарди.

КҮНГИЛ МУЛКИ



Абдугани СУЛАЙМОН

1943 йилда туғилган. Шинжонг университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шоирнинг “Кўнглимдаги дарё” шеърий китоби нашр этилган. Унинг асарлари қozoқ, қирғиз, уйғур тилларига таржима қилинган.



ШЕЪРИЯТ КҮНГИЛ ДЕГАНИ

Куйма сатрлари билан халқ кўнглини топа олган Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо шеърияти жуда дилбар, латиф туйғуларга бой. Унинг қайси бир шеърини ўқиманг, кўксингизга Фарғонанинг нимхуш, ифорли ҳавоси урилгандек бўлади.

*Баҳор шамолига бағримни очдим,
Кўксимда сиргалди ипак ҳаволар.
Қўшқулоқ ялтизнинг бўйларин ичдим
Булутдан ушатиб олдим ҳалволар,*

деб ёзади “О, баҳор” номли шеърида шоир. Тасвиру ташбеҳлари жуда тиник ва нозик. Ҳар қандай дилни сеҳрлайди. Шоирнинг битиклари содда, айна пайтда жуда чуқур. У кўнглини гуллаган дарахт мисол очиб ташлайди.

Бошқа шоирларга ўхшаб туйғуларини рандалаб ўтирмайди:

*Мен куздан баҳорга ҳатламоқчийдим,
Гулламоқчи эдим, яна бўлмади.
Яна бинафшани ҳидламоқчийдим,
Юр, бахтли бўламиз десам кўнмади.*

Юқоридаги мисралар шоирнинг “Кириб бораётган маҳалим кузга” номли шеъридан. Ёшлик чорбоғидан кузнинг ҳазин боғига кириб бораётган инсоннинг ҳам изтиробга, ҳам саркашликка тўла ҳолати бу. Иқбол Мирзо дилини шеърга тўкаётганда замзамали ташбеҳлар изламайди, аксинча, ёзганлари юракнинг ўзига ўхшайди. Қалбидаги ишк, соғинч борлиғича сатрларга тўкилади.

“Сочларинг патила...” деб бошланадиган шеърида ўсмирликнинг тоза, бегард, бежавоб севгиси тошдан-тошга урилиб оқаётган булоқ сувларидек ғамгин айна пайтда шўхчан жаранглайди:

*Менинг шумлигимдан зерикди мактаб,
Сен эса чиройли йиғлардинг қурғур,
Жонимга ёқарди аламли шу гап:
“Онамга айтаман, ҳали қараб тур!”.*

*Мен энгим йиртигин муаллимадан,
Яширган каби,
Андуҳларимни
Пинҳон тутажакман то охирги дам,
Яшираман қалбим чандиқларини...*

Шеърни қайта-қайта ўқиб тўймайсиз. Чунки унда ўзингиз ҳам бошдан кечирган, сиз таниган ва сизни таниган дамлар завқи бор. Шоир мактабдош кизни сочлари патила деб эслайди. Яъни, халқона айтим билан сифатлайди. Содда, аммо дилни илдизигача титратадиган, “Енги йиртигини” муаллимадан, “Қалби чандиқини” эса ўша киздан умри охиригача яшириш ҳолати ниҳоятда таъсири.

Агар сезган бўлсангиз, Иқбол Мирзо сўзларни эркалатиб ёзади, яйратиб кўнгилга сайр эттиради. Шоир шеърларидаги фалсафа бир қарашда оддийдек туюлади. Аммо дилингизга кириб олган шеър сизни ҳаётнинг аччиқ ва ширин хикматига тўқнаштиради. Шунда умрингизни қайтадан кашф этгингиз келади.

Иқбол Мирзо шеърлари бир қараганда сокин дарёни эслатади. Шеър ичкарасига кириб борганингиз сайин дарё тубидаги сўнгсиз ғалаёнга дуч келасиз. Ва ана шу ғалаён руҳингизга кўчиб, сизни ажиб бир ҳолатга солади. Кўнгилдан чиққан шеър таъсирида олам юзидаги сирли пардалар кўз ўнгингизда сирғалиб тушаётгандек бўлади.

“Севги” номли шеъри шундай бошланади:

*Йўзу боримга боис борлиқсан севги,
Ягона ёрдан ёлғиз ёрлиқсан севги...*

Шеърда севги таърифи хўп келтирилгач, охирида жуда чиройли ҳукм чиқарилади:

*Чўкайтиб тутганим хассан мен учун,
Севгимдан минг қарра ортиқсан севги.*

Ҳа, шоир дили тубидаги ғалаённинг сўлим манзараси бу.

Шоир аллақачон ширин туйғули шеърларини халқ кўнглига муҳраб кўйган. Унинг ижодидаги фалсафа илдизи ишқдир. Шунинг учун бўлса керак, шеърларидаги изтироб ранги юрак рангига ўхшаб кетади.

Иқбол Мирзо шеърларининг, таъбир жоиз бўлса, шеvasи жуда чиройли. Ана шу шева билан шоир ўқувчи кўнглини завқлантиради. Дараларга қамалиб қолган бўрондек ошиқ ҳисларини алангалатади. Ва тинчланмаган юрак суронларига кўшилиб шеърхон қалбига кириб боради.

“Ошиқликда хокисорлик бор”, дейишади. Аммо шоир ошиқлигида ўзгача ҳолат акс этади, яъни ёр хузурига ўзини келтириш иборасида жунунвор ғурур бор. Ана шу жунунворликдаги ғурурда ҳам ишқ мавжи эшилади. Шеърдан шеърга ўтганингиз сайин кўнглингиздаги ғуборлар тарқалиб, юрагингиз ошиқлик ҳавосига талпинаётганини ҳис қиласиз.

Шоирнинг “Дераза пардаси” номли шеърдаги ўйчан, ҳазинроқ кайфият ўқувчига тез юқади. Чунки мисралар қатида гўё яқиндагина севгисини бой берган ошиқ юраги уриб турибди:

*Дераза пардаси елкандай шишиди,
Яна сени ўйлаб кўнглим увишиди.
Сени олиб кетди қайси дарёлар?
Ҳамроҳинг бўлдилар қандай саболар?..*

*Дераза раҳига бошимни қўйиб,
Ўйладим, ёмгирсиз ўтдим тўйинг?
Йиғламадим, фақат ҳўрсиндим холос,
Боладек жимгина ўксиндим, холос.*

Севгилиснинг тўйи бўлаётган ошиқда ғалати одоб сукути бор. Бу изтироб одоби, азоб одоби. Ана шу боладек жимгина ўксинишнинг ўзида тоғдек оғир юкни ҳис қиласиз. Шоир шеърларини осмондан ранг олган нузли ипга гўё узун маржондай тизиб чиққан. Худди ана шунинг ўзи Иқбол Мирзонинг ўзига хос йўлидан дарак беради. У содда, ҳамма ишлатадиган сўзлардан руҳи баланд шеърлар яратади:

*Мени эслайсанми ой тилиб-тилиб,
Қийқимлаган бахмалим, ялпиз?
Кимни излаясан чувалчанг бўлиб,
Ўрмалаб кетган илдиз?*

Ўхшатишлар шу қадар жонлики, беихтиёр кўз ўнгингизда руҳни яшнатадиган қишлоқ манзараси ястаниб олади. Димоғингизга болалик ялпизларининг ҳиди келиб урилади. Дарахтларнинг сойга туташган, чувалчангсимон илдизларини соғиниб кетасиз.

Шеърдаги тасвирларнинг ўзига хос рангларда берилиши шаффоф хотираларни уйғотади:

*Севгилим, ҳаммаси тамом бўлган. Гоҳо
Мени қийнайди бир сўз
Сендан билмоқчийдим, аммо
Ёдимдан чиқди афсус.*

Шоир қишлоғини кезиб она ердан, анҳору дарахтлардан, ялпизлардан кўнгил сўрайди. Ва шеър охирида ўша мангу соғинч олдида ўзини ошкор этади. Бу ошкорликда замини осмонни боғлаб турган энг чиройли туйғу ниҳондир.

Иқбол Мирзо қаламини юрагига чархлаб олган шоир. У рост ёзади, кўнгил ҳақиқатини ёзади. Барча шеърларида ишқнинг ҳақиқати, ҳақиқатнинг ишқи у томонда:

*Кечагина гўр шоир эдим,
Ғўр эдим-у зўр шоир эдим.*

*Шеър тўқирдим, дангал, кўрқмасдан,
Ва ўқирдим ҳар гал кўрқмасдан.*

*Бугун эса ўйлаб ёзаман,
Битта шеърни ойлаб ёзаман.*

*Унвони бор катта шоирман,
Лек ўлғудай латта шоирман.*

*Кечагина гўр шоир эдим,
Ғўр эдим-у зўр шоир эдим.*

Бу шеърда шоирнинг халқ билан кўнгли бирлиги ўз аксини топган. У юрагидаги бор шодлигу қайғусини эл билан бўлишади. Дилида ёниб турган алангани ҳеч кимдан япирмайди. Аксинча, уни шеърга солиб ўзига яқин дилдош истади. Иқбол Мирзонинг катта ҳақиқати кўнглидаги барча ҳисларни сўзларга ишонишидадир.

Шоирнинг баъзи шеърларидан муқаддас китобларда битилган битиклар ҳиди уфуради. Албатта, бу ўринда фикрлар кўчирилган демоқчи эмасмиз. Биллакс, ўша муқаддас битикларни кўнгил кўзгусига солиб ёзганини эътироф этаямиз, холос:

*Бу дунёга келганим –
У дунёга сафарим.
Бу дунёни енгганим,
У дунёда зафарим.*

Машрабона ҳислар тўлкинида ёзилган бу шеърда кўнгил бор бўйича қоғозга тўкилганини кўрамиз. Тўкилаётган кўнгилда эса баланд ва қадимий эътиқод мавжи бор. Ошиқлик дунёсида борликни ҳис қилиш ҳолати акс этади, бу шеърда. Шоир осмон қалбида қушдай учиб юрган ҳақиқат овозини шундай янгратади:

*Бу дунёда ҳаловат,
У дунёда хатарим...*

Ва бу ҳақиқат овози барчамизни нималардандир огоҳ этади.

Иқбол Мирзода мумтоз шоирлар ижодига бўлган эҳтиром кучли. Уларнинг ҳаёт, тириклик ҳақидаги эътирофларини шоир ўзига хос услубда давом эттиради:

*Рухингни эзади чилла куйлар,
Муסיқа юракдан зор бўлиб ўтар.
Тошкентнинг ёмғири довондан нари,
Фарғона томонга қор бўлиб ўтар...*

Бир қараганда оддий тасвирлардек туюлган манзара аслида юракдаги тўлғоқли дарднинг кўлида битилган. Шеърда такрорланиб келадиган “Ўтар” сўзида яшаш фалсафаси пинҳондай:

*Мен кимни ахтардим, нени изладим,
Кимга эрмак бўлди, гўзал ҳисларим.
Синфдош қизларим, дилдош қизларим,
Кимларга кўнгилсиз ёр бўлиб ўтар.*

Шоир тирикликни ўзининг кўнгил нигоҳларида қайтадан кашф қилади. Унинг қалбидаги ларзага қулоқ тутсангиз, гоҳ хижрон, гоҳ хиёнат, гоҳи маломат дастидан изтироб чекаётган инсон овозини эшитгандек бўласиз. Бу овоз сизни хушёр тортиради, ҳаётни, умрни, атрофингиздаги одамларни чуқур англаб, гўзал ва мазмунли яшашга даъват этади. Изтиробга йўғрилган ҳисларнинг эзгулик излаш жараёни дилингизга жуда яқиндек туюлади.

Азал-азалдан шеърятимизда ҳикмат айтиш анъанаси устувор бўлиб келган. Зотан, адабиётимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг ижод булоғидан сув ичади. Халқимиз ҳикматга ўчлиги боис, Навоий, Яссавий, Машраб, Хувайдо китобларини кўлдан кўймаган.

Худди ана шу анъана бугун ҳам давом этаяпти. Иқбол Мирзонинг “Назар” номли шеърда ҳикматга йўғрилган шундай фикрлар бор:

*Битта дарахтга қараб,
Бири танбур кўраяпти.
Бири тандир кўраяпти.*

*Битта тулпорга қараб,
Бири наслини ўйлар,
Бири қазини ўйлар...*

Оқ ва қора ранг мажозий тушунча. Худди ана шу маънодан келиб чиқадиган бўлсак: нур ва соя, яхши ва ёмон тушунчасига рўбарў келамиз. Шоир эзгулик ва ёвузликни икки инсоннинг назари орқали акс эттираяпти:

*Битта чаманга қараб,
Бири гулни кўраяпти,
Бири пулни кўраяпти.*

Иқбол Мирзо шеърларида ҳайрат соғинчи, муҳаббат соғинчи бор. Негадир ишққа тўлган кўнгил ортида қолган йўлларга, йилларга талпиниб, соғиниб боқади:

*Ўшанда (Оқ осмон, кўнгир ер гувоҳ)
Исмимни биларди қайрагоч барги.
Юрагим томида ётган қизгалдоқ
Капалак ҳақида қўшиқ айтарди.*

Жуда чиройли, юракни соғинчга тўлдирадиган манзара. Энтикиб-энтикиб ана шу манзарани излаб йўлга тушгингиз келади. Эвоҳ, дейсиз, мана болалик, ёшлик ҳам қуюндай ўтиб кетар экан-да...

*Ўшанда шамолни севарди оғоч,
Булутлар яшарди гамли ўксиниб,
Тутундан қорайиб кетган қалдирғоч.
Сувларга урарди қизғини тўшини...*

Шеърни ўқиб бир лаҳза бўлса-да, ўзингизнинг соф оламингизга қайтасиз. Ва шамолни севган оғочни кўргингиз, унинг ишқ тилидаги шивирларни тинглагингиз келади. Шоирнинг аксарият шеърларидаги мунаввар соғинч ҳиссиёти ҳар қандай ўқувчини ўзига ром этади. Ана шу туйғу таъсирида китобхон қаердадир йўқотиб қўйган кўнглини излай бошлайди.

Иқбол Мирзо шеърларида гард тегмаган завқ бор. Ва бу завқ беихтиёр ҳар бир китобхон қалбини ёшлик шуқуҳи билан энтиктиради:

*– Сени обқочиб кетаман!
Ерни айлантириб туюқнинг зарби,
Ғилдирар осмоннинг адоқларида,
Ғунча қучоқлаган капалак каби,
Яшарсан лабимнинг ардоқларида...*

Юқоридаги сатрлар шоирнинг “Йигит” номли шеърдан. Йигитлик бу айна севги ширасига тўлган ёшлик палласи. Балки қалбимизда уйғонган ажиб ҳислар бизни ҳам ёшлик диёрига бошлаб кетар. Балки шеърни ўқигач, унинг таъсирида осмонни ишқимизга кўзгу этармиз.

Бу нозик, инжа ҳолат бизни қарийб ёшлик диёрига етказгандай бўлади:

*– Сени обқочиб кетаман!
Гулгун қўшиқлар мамлакатида,
Ўтли ўлан айтиб ўт-ўлан аро,
Тилла кўнғизларнинг салтанатида,
Хонқизи бўларсан, мен майли гадо...*

Шоир ўзбекча сўз ўйинидан кенг фойдаланади. Ва уларнинг ёрдамида ҳаёлининг мовий дунёсини яратади. Ана шу услублар шеърни кўнгилга янада яқинлаштирган.

Шоирнинг муҳаббат ҳақидаги шеърларида фақат севги мадҳ этилмай, балки тирикликнинг рангин туйғулари изтироб куйида берилади:

*Ҳилол бешик чайқалди аста,
Гулчин дарбозага суяндим хаста,
Бугун йиғламасам, эрта кулмасман,
Рухимни ҳилолга белагим келди.
Оёгингни қучиб йиғлагим келди.*

Соғинган қалбларга ҳилолнинг бешикдай чайқалиши жуда тиник кўринади. Айни дамда соғинч ошиқни файласуфга айлантиради. “Бугун йиғламасам, эрта кулмасман”, дейди у яқкаш:

*Сарпойчан дарахтлар дардим билмади,
Музлаган қуртаклар бағрим тилади.
Кўнгил бир гуллаган фасл тилади.
Кўнгилни қуёшга боғлагим келди.
Оёгингни қучиб йиғлагим келди...*

Шоирнинг нозик ташбеҳлари дилингиз деворига нозик туйғулар нақшини чизади. Бу нақшларга боқиб беихтиёр кўнглингизни қуёшга боғлаб юборгингиз келади. Мисрадан мисрага ўтишда умидбахш истакнинг алангаси гуриллайди. Сиз бу аланга кўзгусига тикилиб, кўнгил остонасига бош қўйиб ётган шоирни кўрасиз.

Иқбол Мирзонинг кейинги йилларда ёзаётган шеърларида ватанпарварлик руҳида битилган шеърлар ўзига хос ўрин эгаллайди.

*Бошинг эгиб таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун,
Осмонларда юрган бўлсанг тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!*

Шоир Ватан олдидаги бурчни садоқат туйғусига бирлаштиради. Она тупроқ меҳрини ҳис қилган кўнгли билан ҳайқиради:

Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!

Бу шеър кўзи очик, аммо юраги ухлаётган кимсаларнинг юрагини уйғотади. Шоир инсон фақат ўз Ватанида бахтиёр бўлиши мумкинлигини ўтли сатрлари ила эслатади:

*Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади,
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади,
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади.
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!*

Шеърни ўқиб туриб, юрагимизда мудраб ётган Ватан олдидаги қарздорлик ҳисси қайта уйғонгандек бўлади. Дилдан чиққан нидо дилга эзгулик бахш этади, деганлари шу бўлса керак. Шоирнинг она Ватанга бўлган муҳаббати мисрадан-мисрага ўтгани сайин авжланади:

*Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга.
Суюнгани таёқ бўлгин чўпонларга.
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?!*

Иқбол Мирзонинг самимий туйғулари шеърга айланганда гўё уриб турган юракни эслатади. Сўзлар қатидан меҳрибон она тупроқнинг ёмғир ёққандаги ширин ҳиди уфуриб туради. Унинг “Дарахтлар” номли шеъри таъсирли чиққан:

*Бардошингиз учун қуллук дарахтлар,
Бир жойда кўкариб ёйдингиз қулоч,
Чидадингиз бўрон қутурган вақтлар,
Қаҳратон қаҳрида юнун, яланғоч.*

Гарчи шеърда ям-яшил орзуларга чулғаниб ўсган дарахтлар акс этган бўлса-да, унинг равишида Ватанни севгувчи инсон киёфаси пинҳондир:

*Мевалар тўқасиз дастурхонларга,
Тозалаб берасиз аччиқ ҳавони.
Суюниб сиздайин қадрдонларга,
Ўйлайман бетийиқ саёқ дунёни.*

Дарахт образида яширин кўнгил чиройли бетакрор санъатдир. Зеро, дарахтлар ҳар қандай кўргиликка чидаб, Ватанни севгувчилар таърифидир:

*Пўстлогингиз силаб томиримда нур,
Кўшигингизда бор, хушбўй дарақлар.
Борингизга шукр, сизга ташаккур,
Ватандош дарахтлар, юртдош дарахтлар.*

Иқбол Мирзо бу шеърда гўё дарахтлар образида ҳақиқий ўзбекнинг сийрати ва суръатини чизгандек. Уларга “Ватандош дарахтлар, юртдош дарахтлар” деб мурожаат қилганда ҳам ўзбекона меҳр ҳароратини туясиз.

Шоирнинг деярли барча шеърларида Она юртга бўлган улуғ эҳтиромни кўриш қийин эмас. У униб-ўсган тупроғини, беҳиштий далаларини, ўжарлик билан шўхлик қилиб оқувчи анҳорларининг меҳрини ҳар мисрасида сингдирган.

Иқбол Мирзонинг халқ орасида машҳур бўлган “Сени бугун кўрмасам бўлмас” шеъри жуда оҳангдор. Бу шеър кўшиққа ҳам айланиб, қанчадан-қанча инсонларнинг кўнгил мулкига айланган:

*Ғамгин юрак, ғамгусор юрак –
Бечорани хўрласанг бўлмас.
Сени бугун кўришим керак,
Сени бугун кўрмасам бўлмас...*

Бу шеърни ўқиб, “Соғинчда ҳам шунча баланд эҳтирос бўладими?” деган савол уйғонади кўнглингизда. Кўнглимизда уйғонган саволнинг жавобини эса шеърнинг давомидан топасиз:

*Елкамга юк ташлади осмон,
Бу азоблар қўйгайми омон?
Тушун, сени соғиндим ёмон,
Сени бугун кўрмасам бўлмас...*

Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган осмоннинг ошиқ елкасига юк ташлаш ҳолати ҳам бевосита висолга талпиниш изтироби билан боғлиқ.

Шоирнинг “Соғиндим ёмон”, деган жумласи шеърдаги ҳолатни таранглаштиради. Борган сари соғинчнинг қайсарлиги, ўжарлиги ошиб бораверади. Ва ҳатто у бутун борлиққа, табиат гўзаллигига қўл силтаб, жисму жонида оташ бўлиб ёнаётган соғинч тилида ҳайқиради:

*Балки қуёш кулар эртага,
Очилади гуллар эртага,
Нима бўлса, бўлар эртага,
Сени бугун кўрмасам бўлмас.*

Ҳа, шеърдаги ширин тавалло ҳар қандай ўқувчи юрагини ширин ҳисларга тўлдиради. Шоир соғинч алангасига ўзини тоблайтиди. Шеър охирида симиллаб оғриб, жонини ўртаётган соғинч яраси ёрилади гўё:

*Узун кунлар бунчалар маҳзун,
Маҳзун кунлар бунчалар узун.
Мен эртага яшашим учун,
Сени бугун кўрмасам бўлмас...*

Шоирнинг алангали ҳисларга тўла китобини варақлаб ҳар бир шеърнинг ҳароратидан дилингиз ийиб кетади. Чанқаган руҳингиз унинг ижод булоғидан сипқориб-сипқориб туйғу ичади.

Икки дунёни бирлаштирувчи шамолда ҳикмат кўп. У ҳеч қачон қаримайди, ибтидо ва интиҳони қадим донишманддек кузатади. Ҳаёт устунларига ўралганча, тирикликни таҳлил қилади. Шеърдаги атиргул образи ҳам эски туйғуларнинг янги қиёфасидир. Шеър маҳзун нафасда давом этади:

*Пешайвонда намли патларин тараб,
Зағчалар ўзига беради оро.
Булут келаётган томонга қараб,
Дунё сузиб борар оҳиста, дунё.*

Беихтиёр дунё сузиб бораётган томонга қарагингиз, ўша томондан ҳали излаб топмаган ҳақиқатингизни топгингиз келади.

Ҳа, шоир қалбни ҳақиқат оҳангига солиш санъатини яхши эгаллаган.

Иқбол Мирзонинг шеърояти руҳни тиниқлаштирувчи, кўнгилни ошиқ этувчи шеърлари билан ҳам ўзига хосдир. Шу ўринда унинг куйидаги мисраларини келтиргимиз келди:

*Нокас, нонкўрларга гапим йўқ менинг,
Қуйласам сендайин қаро кўзим бор.
Сен борсан, кўзим тўқ, кўнглим тўқ менинг,
Бугдой ноним бордир, бугдой сўзим бор.*

Ҳақиқатан ҳам Иқбол Мирзо бугдой сўзли шоир. Чунки унинг шеърларини ўқиган ҳар қандай киши сўлим туйғуларга ошно бўлади. Ўзбекнинг Иқболи бўлмиш шоиримиздан халқимиз ранг-баранг шеърлар кутаяпти. Ишонамизки, Иқбол Мирзонинг ижод бўстонини бундан-да нафис шеърлар безайди. Зотан, унинг кўнглида ҳайрат, ишқ нафаси баланд. Шеър дегани эса, бу кўнгил деганидир.



БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ



Одина МАМАСИДДИҚОВА

1997 йилда туғилган. Наманган тиббиёт коллежини тамомлаган. Республика “Истеъдод мактаби” VII семинари иштирокчиси. “Биз истиқлол фарзандларимиз” ёшлар баёзида шеърлари чоп этилган.



Бағримда баҳорнинг уси таралар

* * *

Гувиллайди осмонда шамол
Ўйинларга тушар чақмоқлар.
Зар чопонда дўмбирасини
Чалади момақалдироклар.

Замин бешигини тебратиб,
Кўзёшларин тўкар бирма-бир.
Булбул каби майин оҳангда
Алла айтар кўшиқчи ёмғир.

Кўкнинг баланд бир пештоқиға,
Расм чизар рассом – камалак.
Етти рангда товланиб турар,
Гўзаллашиб осмону фалак.

Одина Мамасиддиқова Наманган тиббиёт коллежига ўқишга кирмасдан аввал Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими қошида ташкил этилган “Музаффар сўз” тўғарагига келганди. Ёш қаламкашнинг илк шеърларини ўқиганимда, Норин дарёсининг мавжлари унга илҳом берганини ҳис қилдим.

Одина Мамасиддиқова сокин шеърлар ёзади. Туйғулари ҳам исмига монанд. Ўхшатишлари ҳам ўзига ярашади. Бу ярашиқ ундаги адабиётга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди.

Мен Одина Мамасиддиқова ёзувларига равақ тилайман.

**Жамолiddин МУСЛИМ,
Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят
бўлими масъул котиби**



* * *

Хаёлга сиғиниб қолдим бу кеча,
Дардингни тўк, деди сирли хаёлот.
Сиримни қалбимга жойлаб борди у,
Дардимни айтмакка имкон йўк, хайҳот!

Аммо, бугун дилдан дардимни эмас,
Қувончларим тўкай дилда саралаб.
Бодом гулларини бағримга боссам,
Бағримда баҳорнинг иси таралар.

* * *

Йўлдаман, қўлимдан етаклар қуёш,
Тупроқ сийнасини силар оёғим.
Юлдузларни териб, кўзмунчоқ ясаб,
Бағримга қададим фурсат маёғин.

Йўлдаман, қўлимдан етаклар қуёш,
Кўйлагин ушладим, сўнмасин фақат.
Бугун юрагимга сингиган синлар
Ернинг кўкларига ёзади дастхат.

Йўлдаман, қўлимдан етаклар қуёш,
Таништирар менга дўсту душманим.
Ноўрин айтишган сўзлар таъмини
Ҳис қилар жисмимни кўтарган таним.

Йўлдаман, қўлимдан етаклар қуёш,
Юрагимда урар ишқнинг санчиғи.
Оппоқ йўргагимда ўралган чоғда
Пешонамда қолди тақдир чандиғи.

* * *

Мен тупроқдан яралганман,
Юрагимдир шу тупроқ.
Кўнглимнинг кўчасида
Тупроқнинг ранги кўпроқ.

Мен тупроқдан яралганман,
Улғайтирар шу тупроқ.
Тупроғимнинг кумидан
Мақсадим қаср қурмок.

Мен тупроқдан яралганман,
Тупроқ бағрин кучаман.
Шу тупроқнинг қаърига
Меҳр уруғин сочаман.



* * *

Япроқларга дўст бўлиб
Ўлтираман гоҳида.
Онамнинг кўзёшлари
Мажнунтолнинг шоҳида.

Сарғаяди нигоҳлар,
Қайрағочлар ғичирлар.
Сувдан қурук чиққанлар
Қулоғимга пичирлар.

Баландпарвоз гапларни
Нигоҳимга илмасман.
Ёғочдан қайиқ ясаб
Сизга томон келмасман.

Ёнган юрак ёнади,
Бораман ойни ўпиб.
Қайғуларни енгаман
Оловларга сув сепиб.

* * *

Ажин босиб бирма-бир юзни
Йиллар билан кўпайиб борар.
Оппоқ қору кўм-кўк майсани
Кўзлар кўриб армонда қолар.

Йиллар фасл, ойу кунларни
Бошдан ўтиб учратар йўлда.
Асли, ушбу шунқорчаларнинг
Тушови ҳам вақтнинг қўлида.

Бағрида икковлон ошиқлар
Бир-бирин ортидан чопармиш.
Висолнинг олдида бўлса ҳам
Ҳижронни атайин топармиш.

Бисотида шодлик ҳам, бахт ҳам,
Яна бордир қайғу, дард, алам.
Кўк ерга термилиб, ер кўкка боқиб,
Ёнверида бирдай айланар олам.





АДАБИЁТШУНОСЛИК



Шафиқа ЁРҚИН

Филология фанлари доктори. 1955 йилда Афғонистонда туғилган. Қобул университетининг журналистика факультетини тамомлаган. 1997-2001 йилларда ЎзРФА тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим вазифасида ишлаган. “Бобурга армуғон”, “Нодира ва унинг шеърлари” каби бошқа кўплаб китоблари чоп этилган.

ИЗДОШЛИКМИ ЁКИ ФИКРДОШЛИК

Амир ул-калом Низомиддин Алишер Навоий қасидалари кўп эмас. Форс тилидаги “Тухфат ул-афкор” қасидаси фалсафий фикрлари, бадий санъатлари билан юқори чўққига кўтарилган.

Кўпинча, қасида, деганда мадҳия ва марсиялар назарда тутилади, чунки ғазнавийлар ва салжукийлар даврида Унсурий, Фаррухий, Асжадий, Зоҳир Фарёбий каби машҳур қасиданавис шоирлар жанрни бадийлик ва гўзаллик нуқтаи назаридан шеърнинг энг юқори чўққисига кўтарган бўлсалар-да, амирларни мақташ билан чегараланиб қолганлари сабабли, кейинги шоирлар ҳам қасидани шу мавзуга қаратдилар. Бора-бора қасида мадҳу сано воситасига айланиб қолди.

Мадҳия қасидалар ўзига хос тузилишга эга. Унда, тағаззул, ташбиб, насиб, гуриз, қочиш, асл мавзуга қайтиш, даъвои ҳусни талаб, махлас каби рукнлар мавжуд. Аммо, баъзи бир улуғ шоирлар, жумладан, Носир Хусрав Балхий, Санойи Ғазнавийлар қасидани тузилиш ва мавзу нуқтаи назаридан бутунлай ўзгартирди. Улар қасида шаклини тағаззул, гуриз, ҳусни талаб каби рукнлардан озод қилиб, матлаъдан бошлаб, кўзда тутган мавзунини ёритиб беришга киришдилар.

Шунингдек, қасидани кўпроқ панду насиҳат, фалсафа ва ҳикмат, ахлоқу одоб, илму маърифат, тасаввуфу ирфон каби мавзуларга қаратдилар.

Амир Хусрав Деҳлавий ҳам қасидада кейинги тоифадаги шоирлардан ҳисобланади. Шоирнинг “Лужжат ул-аброр” (Дарёйи аброр) номли фалсафий, ижтимоий қасидаси мавлоно Абдурахмон Жомий билан Мир Алишер Навоий диққатини тортган ҳамда “Лужжат ул-асрор” ва “Тухфат ул-афкор” қасидаларининг дунёга келишига сабабчи бўлган.

Жомий ва Навоий замондош, фикрдош эдилар. Иккала шоир ҳам Хусрав Деҳлавийга ихлос қўйиб, ғазалларига назира боғлаб, назмини ҳар доим хурмат билан тилга олганлар. “Лужжат ул-аброр” қасидасига назира ёзиш шундай ихлос ва хурмат натижаси, дейилса тўғри бўлади. Чунки татаббуъ қилишга лойиқ фалсафий, ирфоний, ижтимоий қасидалар форс адабиётида кам эмас.

Мақола сарлавҳасини, “Издошликми ёки фикрдошлик”, деб қўйганимизга келсак, “Лужжат ул-аброр”, “Лужжат ул-асрор” ва “Тухфат ул-афкор” қасидалари вазн,



қофия, радиф жихатидан ҳам, олға сурилган ғоялар нуктаи назаридан ҳам бири-бирига ўхшаган ҳолда бадиий санъатлар, сўз ўйинлари, баъзи фикрларни олға суриш ёки баён қилиш услуби нуктаи назаридан фарқлидир. Бу мавзунини билиб олиш учун учала қасида матлаълари етарли. Амир Хусрав қасидаси бундай бошланади:

Кўси шоҳ холию бонги ғулғулаш дарди сар аст
Ҳар ки қонё шуд хушқу тар, шахи баҳру бар аст.

Жомий қасидасининг матлаъи эса бундай:

Кунгури айвони шаҳ к-аз қоҳи кайвон бартар аст
Раҳнаҳои дон к-аш ба девор ҳисори дин дар аст.

Навоий бу матлаъга жавобан мана бундай ёзади:

Оташин лаъле ки тожи хусравноро зевар аст
Ахгари баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Учала қасидада ҳам шоирлар бошиданоқ шоҳни огоҳлантиради, шоҳлик шон-шавкати, зеб-зийнати дардисар ва хом-хаёл эканлигини уқтиради, унга кўнгил қўймаслик, у билан мағрурланмаслик зарурлигини айтади. Аммо шоирларнинг ҳар бири, фикрини ўзига хос услуб, ўзига хос сўз санъатлари билан баён этади.

Амир Хусрав матлаъининг биринчи ва иккинчи мисралари орасида мустаҳкам робита ўрнатилмаган. Чунки биринчи мисрада қатъий қилиб, шоҳларнинг ноғораси бўш, ғулғуласи бош оғриғи, деб айтилса, иккинчи мисрада ҳўл ва қуруққа қонё киши, баҳру барр, яъни еру сув подшоҳидур, деб ҳукм чиқарилади. Бу икки мисрада фақат хушқу тар, баҳру барр орасида тазод санъати мавжуд, аммо ҳўлу қуруққа қонё киши қандай қилиб, баҳру барр подшоҳи бўлиши мумкинлиги исботлаб берилмайди.

Жомий матлаъини ҳам жуда гўзал ва мустаҳкам деб, баҳо бера олмаймиз. Чунки унда ҳам ҳар икки мисра орасида мантикий робита юзага келмаган. Шоҳлар қасри кунгураси, дин қўрғонининг раҳнаси (тешиги), деб ифодалаган бўлса ҳам бунинг далилу исботи келтирилмаган. Шунингдек, биринчи мисра сустроқ воқе бўлган, чунки шоҳ айвонининг кунгураси, дин қўрғони деворига раҳна солса ҳам осмон қасридан юқорироқ, деб айтилади.

Навоий матлаъи Хусрав ва Жомий матлаъларидан анча устун туради. Бу даъвоимиз исботи қуйидагилардан иборат:

1. Навоий қасидаси матлаъида, биринчи ва иккинчи мисра орасида узилмас мантикий робита мавжуд. Биринчи мисра иккинчи мисрага йўл очиб беради, иккинчи мисра биринчи мисрани изоҳлайди ва ҳар иккала мисра бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Қизил лаъл, оловга ўхшайди. Олов хом нарсаларни пишириш учун қўлланади, лаълнинг жойи тожда ва тожнинг жойи бошдадир. Албатта, хом хаёллар ҳам бошда бўлгани сабабли, олов ва хом хаёл бир жойда бўлиши керак. Бу икки мисра орасида маъно ва бадиийлик нуктаи назаридан узилмас мустаҳкам робитани узиш мумкин эмаслиги, бу матлаъ ўта моҳирлик билан ёзилганидан далолат беради.

2. Навоий матлаъини шеърини санъатлар мажмуи дейиш мумкин, чунки лаъл ва оташда ташбеҳ, лаъл, тож ва зеварда мароъат ун-назир, тож билан шоҳда таносиб санъатлари мавжуд. Оташин лаъл ташбеҳида ташбеҳ ҳарфлари йўқлиги ташбеҳ кучини оширади. Чунки лаъл оташга ўхшайди демайди, балки лаълнинг ўзини олов, деб беради. Демак, шу сабабли у балиғ (етук) ташбеҳлардан ҳисобланади. Шунингдек, икки мисрада ахгар пухтан (чўғ ва пишириш) орасида

мантикий таносуб бўлса, хом ва пухтан (хом ва пишиғ) орасида тазод санъати мавжуд. Иккала мисрани бир-бирига солиштириб қаралса, биринчи мисра мубтадо, иккинчи мисра хабар, биринчиси лафф, иккинчиси нашр, деб ҳам айтиш мумкин.

Шеърни шеър қиладиган нарса ғайри ҳақиқий, яъни мажозий тасвирдир. Шоирнинг хаёлида яратилган тасвир, қанчалик ғайри ҳақиқий, яъни мажозий бўлса, бадиийлиги ва тасвири ўшанча кучлироқ бўлади. Навоийнинг матлаъида шундай тасвир лаълдан ясалган чўғ бўлса, иккинчи мажозий тасвир хаёлнинг хомлиги, учинчи тасвир, хом хаёлни лаъл алангаси ёрдамида пишириш, тўртинчи тасвир тожни чўғи ловуллаб турган ўчоқ, деб тасаввур қилишдир. Албатта, сўнгги тасвирни шоир очиб бермайди, аммо тожнинг кўриниши ҳам, олтидан ясалгани ҳам, унда ёниб турган лаълнинг чўғи ҳам олтин ўчоқни эслатади.

Навоийнинг она тили дари бўлмаса ҳам “Тухфат ул-афкор” қасидасида сўз ўйинини ниҳоятда маҳорат билан кўрсатган. Матлаъда (жим ва хе) ҳарфлари олти марта (тож, хусрав, аҳгар, хом, хаёл, пухтан сўзларида) келтирилган.

Жомий икки мисрадан иборат бир матлаъда беш марта сўзларни қисқартиришга мажбур бўлган. Биринчи мисрада “кунгура” сўзини, “кунгур” “шоҳ” сўзини “шах”, “ки аз” сўзини “к-аз” қилиб қисқартирган бўлса, иккинчи мисрада “ки аш” сўзини “каш” ва “андар” сўзини “дар” қилиб қисқартиради. Хусрав ҳам “шоҳ” сўзини ҳар икки мисрада “шах” қилиб қисқартирган. Сўзларни қисқартириш ва талаффузни ўзгартириш катта айб ҳисобланмаса-да, етук шоирлар матлаъда кўпроқ куч сарфлаб, сўзларни яхшилаб танлаш заруратини сезиб, шеър матлаъсини нуқсонсиз қилишга уринадилар. Навоийнинг қасидасида ҳам сўз қисқартириш мавжуд, лекин матлаъ байти айтиб ўтилгандек, нафақат айбсиз, нуқсонсиз, балки жуда чиройли, адабий санъатларга бой шоҳ байт ва матлаълардан ҳисобланади.

Мазмунга эътибор берсак, Амир Хусрав (102 байтли) қасидасида шоҳ, муфти, фақиҳ, мунажжим, ҳоким кабиларни айблайди, ҳиммат, хокисорлик, фақирлик, ростлик, меҳнатсеварлик, жавонмардлик, саховатни тарғиб этиб, ҳар қандай ёмон ниятни қоралаб, кишиларни яхши йўлга йўллайди. Жомий (100 байтда) Хусрав каби муфтий, файласуф, ҳаким, мунажжим кабиларни айбласа, Хусрав тарғиб қилган фазилатларни тарғиб қилиб, ман этган амалларни ман этади. Шунингдек, ўз қасидасини Хусрав қасидасига ўхшатиб ёзгани ва уни “Лужжат ул-асрор”, деб номланиши қасиданинг яратилиш тарихини (880) “фарах” сўзидан ҳосил қилиш мумкинлигини баён қилади, аммо Жомий ўз қасидасида тавозени тарғиб этса ҳам ўзини Хусравдан юқорироқ кўймоқчи бўлади:

Ҳамчу фикри бикру Хусрав зодааст аз лутфи табъ,
Дар камоли хуби ин як хоҳар, он як хоҳар аст.
Эй басо хоҳар, ки бо хоҳар чу гардад жилвагар,
Дар жамол акбар бувад, ҳарчанд дар сол асғар аст.

Яъни, бу икки қасида, камол ва гўзалликда икки опа-сингилга ўхшайди, аммо сингил (Жомий қасидаси), жамолда опаси (Амир Хусрав қасидаси)дан улуғроқдир. Яна шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Жомий қасидасида уч-тўрт жойда сўкиш сўзлари жой олган.

Навоий биринчи байтдан бошлаб шоҳга хужумни бошлайди. Иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи байтларда ҳам шу мақсаддан қайтмайди, муддои масал санъати ёрдамида мазмунни яхшироқ очиб беришга ҳаракат қилади. Шоҳдан кўркмаган, шоҳ қулидан кўркмаслиги аниқ. Шунинг учун шоҳнинг салбий томонларини айтгандан сўнг садр, ҳоким, шайх, воиз, фақиҳ, қози, мунажжим, сифла, тардоман, далли, золим

кабиларни қаттиқ танқид қилади ва аксинча, ишқ, фақир, ирфон, мардлик, хокисорлик, ростликни мақтаб, тарғиб этади. Қасиданинг бир қисми Жомийга бағишланади, номланиш далили ва ёзилган тарихи қайд этилиб, дуо билан тугатилади.

Хусрав, Жомий ва Навоий муддаои масал санъатидан кенг фойдаланганлар. Аммо, Навоий муддаои масални ҳар бир байтда қўллайди. Унинг масалалари қуйидаги шакллардан иборат:

Муддао исботи учун тажнис санъати воситасида сўзларнинг шакл ва маъносидан фойдаланади. Мисол учун, “Оқибатни ўйламаган шох, мулкни вайрон қилади”, деган гап исботи учун “Хусрав” сўзидан фойдаланади. Чунки Хусравнинг маъноси подшоҳдир, аммо оқибатсиз хусрав, шакл нуқтаи назаридан “хуср” бўлади ва “хуср” сўзи нуқсон, камчилик, зиён ва бузилиш маъносини ифодалайди:

Шах, ки ёд аз марг н-орад з-ўст вайронаи мулк,
Хусрави беоқибат хусри билоди кишвар аст.

Шунингдек, сафар ва асфар, наҳс ва нажас, абир ва анбар, фақиҳ ва фикҳ, қурб ва ақраб, дур ва давр, қаср ва қайсар, қоф ва фоқиҳ сўзларидан ушбу мақсад йўлида фойдаланади.

Муддао исботи учун талмеҳ санъати орқали тарихий ва диний ҳикоятларга ишора қилади. Масалан: жом ва жам, Хизр ва обихаёт, Хайбар ҳисори, араб асирлари, Санжар ва Марвнинг ободлиги, Иброҳим ва Озар ҳикоялари ҳамда Пайғамбар (С.А.В.)нинг “Алфақру фаҳри” каби ҳадисларига ишоралар мавжуд.

Муддао исботи учун ҳаммага куёндек маълум ёруғ ҳақиқатни келтиради. Масалан, Гунбади хазронинг (осмон) иши тўқишдир, дейди, исботи учун энг содда, ҳамма биладиган мисол кифоя. Хинонинг барги яшил, аммо амали қизартириш, дейди:

Гунбади хазро ки хунрезист феълаш, дур нест,
Барги хино ахзар омад, лек рангаш аҳмар аст.

Мард киши олдида фано ва бақо орасидаги масофа бир манзилдир, деса, исботи учун офтоб Машриқдан Мағрибгача узун масофани бир кунда босиб ўтишини мисол қилиб беради:

Мардро як манзил аз мулки фано дон то бақо,
Меҳро якрўза роҳ аз Бохтар то Ховар аст.

Шунингдек, яланғоч киши қишда қалтирагани, ухлаётган киши уйқуда сўзлаганда уйғоқлар қулгиси қистагани, туя учун саҳрода қуруқ тикан хурмодек ширин экани, ипак қурти ипакка ўралиб ўлиши, мрамар тоши сувдан мавж топмаслиги, шам орасидаги ип узунроқ бўлганда қирқилиши, дур қиймати байзодан (тухум) анча ортиқлиги каби ҳақиқатлар мисол бўлиб, Навоий муддаолари исботи учун хизмат қилади.

Муддао исботи учун барчага аён бўлган гапни эмас, балки хосларга маълум ҳақиқатни ўзи кўриб мушоҳада қилган воқеаларни масал ўрнида келтиради. Масалан, ёш болалар ўйини (фолизбозлик) деҳқоннинг фолизидан тубдан фарқли эканлиги, болалиқда ўрганилган нарсалар, қариликда эсда қолиши, даф (доира, чилдирма) ёрилса унинг чамбари маймунни ўйнатиш учун қўлланиши, сичқон тухумни қандай ўғирлаши каби воқеаларга ишора қилади. Айтиб ўтилган сўнгги масал жуда қизиқарли. Бундай ҳодисани кўп кишилар кўрмаган ва ҳатто эшитмаган. Мен ҳам Навоийнинг бу ҳодисага ишорасини тушунмаганлигим сабабли кўп кишиларга мурожаат қилдим. Охири бир киши воқеа қандай юз беришини айтиб берганидан сўнг қуйидаги байт маъносини англадим:

Зиллат омад ҳосили хоин, ки мушон чун кунанд,
Байза дузди он яке, занбаркаш ин як занбар аст.

Яъни, хиёнаткор кишиларнинг ҳосили (оқибати) зиллат ва пастликдан бошқа нарса эмас. Бунинг мисоли сичқон сиймосида кўринади. Улар тухумларни ўғирлаганда, бири занбар ва бошқаси занбаркаш бўлади. Сичқон қандай қилиб занбар ва занбаркаш бўлади? Саволга бундай жавоб топдим: тухумни ўғирлаш учун икки сичқон бир-бирига ёрдам беради. Бири орқаси билан ерга ётиб, тухумни қорнига чиқаради ва оёқлари билан тухумни кўксига қисиб туради. Иккинчиси эса унинг думидан тишлаб судраб уясига олиб боради. Яъни бириси занбар бўлиб, тухумни кўксига ортади, иккинчиси занбаркаш бўлиб уни тортади.

Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси ана шундай қизиқарли ҳикоялар, масаллар ва бошқа адабий санъатлари билан Хусрав ва Жомийнинг “Лужжат ул-аброр” ва “Лужжат ул-асрор” қасидаларидан устунроқ туради. Бундай устунликни исботлаш учун юқоридагилардан ташқари қуйидагиларни айтиб ўтиш керак:

1. Амир Хусрав матлаъи унчалик кучли эмас ва мисралар орасида мантикий робита йўқ, деган эдик. Навоий ҳам ана шу камчиликни билиб, Хусрав қасидасининг матлаъини тазмин қилади, яъни ҳар бир мисрани байтда иккинчи мисра қилиб кўяди, бир-бир мисра уларга кўшиб, узилган робитани мустахкам боғлаб туради:

Лозими шоҳи набошад холи аз дарди саре,
“Кўси шаҳ холию бонги ғулғулаш дарди сар аст”
Бо даҳони хушку чашми тар қаноат кун аз он-к,
“Ҳар ки қонез шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст”

Навоийнинг кўшган мисралари Хусрав мисраларини маъно нуқтаи назаридан кучайтиргани яққол кўришиб турибди.

1. Навоий Султон Санжар Салжуқийни Марв бинокори, яъни Марв шаҳрига асос солган киши деб баҳолайди, аммо Жомий Санжарнинг ҳирсдан очилган оғзи Марв тупроғидан тўлди, деб маломат қилади:

Навоий:

Мулки дил пири жавонро ҳаст ободон зи ишқ,
Бонии Марви куҳан Санжар зи нав ҳам Санжар аст.

Жомий:

Шуд даҳони хирси Санжар пур вале аз хоки Марв,
Ин суҳан бишнава ки Марве аз даҳон Санжар аст.

2. Нуқсонда ҳам бирор фойда бор, деган гапни Навоий қуйидаги мисол билан исботлаб беради:

Навоий:

Эй басо нуқсон, ки дар зимнаш бувад як навъ суд,
Чун дафи лўли дарид аз баҳри маймун чанбар аст.

Яъни, нуқсонда ҳам бирор фойда бор. Лўли доирасининг чанбари маймунни ўйнатиш учун керак бўлади.

Хусрав шу маънини қуйидаги байтлар билан англатади:

Ҳеч зиште нест, к-ўро хубии ҳамроҳ нест,
Зангии шабрангро дандон чу дар азҳар аст.

Яъни, зиштларни (хунук) ҳам бирор чиройи бўлади. Тундек қаро зангини (қора танли) тишлари дурдек оқдир. Амир Хусрав ушбу байтнинг биринчи мисрасида зиштнинг чиройли жойи бўлади, деб яхши мавзуни кўтаради, лекин қора танли кишиларни “занги шабранг”, дейди. Яъни даф ва чанбардан Амир Хусрав бундай мазмун чиқаради:

Дил ки шуд бемор уммеди бувад то қолаб аст,
Даф, ки шуд суроҳ ғарболи бувад то чанбар аст.

Яъни, юрак касал бўлса ҳам жисм тирик қолса умид бор. Даф – чилдирма чанбаридан ғурбол яшаш мумкин. Хусравнинг бу байти кўп шеърлардаги ҳақиқатларга қарши туради, чунки қолип, яъни жисм асл эмас, балки жон ва юрак аслдир. Қолип бузилса, яъни қўл-оёқ қирқилса, кўз кўр, кулоқ қар бўлса яшаш мумкин, аммо юрак урмаса, тўхтаб қолса ва ёки жон чиқиб кетса, қолипнинг ҳеч кераги бўлмай қолади.

3. Навоий, бир ишни яхши ва ёмон бир хил бажармайди, яхши яхшилиқка, ёмон ёмонлиқка олиб боради, деган мавзуни қуйидагича ифодалайди:

Золиму Одил на яксонанд дар таъмири мулк,
Хук дигар дар шиёри мулку дехқон дигар аст.

Яъни, зolim ва одил ўрни мулкни обод этишда бирдек эмас. Масалан, ёввойи тўнғиз ерни кавлаб пайҳон қилади, аммо дехқон ерни шудгор қилиб экин учун тайёрлайди.

Жомий шу мазмунни бундай ифода қилади:

Комилу ноқис на яксонанд дар қатъи умур,
Он чи аз шамшир мешояд, на кори ханжар аст.

Яъни, комил ва ноқис ишни бажаришда бирдек эмас, шамшир қиладиган ишни ханжар қилолмайди. Жомийнинг бу байтида иккинчи мисра биринчи мисра изоҳ ва исботида ёрдам беролмайди. Шамшир ва ханжар ўлдириш, зарар етказиш учун қўлланилади. Шамширни фақат шаклига қараб, комил дейиш мантиқ нуқтаи назаридан тўғри келмайди.

Юқорида айтиб ўтилганга ўхшаш бир қанча байтлар Навоий, Жомий, Хусрав қасидаларида мавжуд. Ҳар бирини изоҳлаш, мақолани чўзиб юбориши мумкин. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Амир Хусрав биринчи бўлиб “Лужжат ул-аброр” қасидасини ёзди. Кейин Жомий “Лужжат ул-асрор”ни яратди. Навоий бу икки қасидани чуқур ўрганиб, улардаги ноаниқ жойларни тиниқлаштиришни, янги мавзуларни олиб киришни, сўз санъатлари ва мажозий тасвирлар ёрдамида мазмунни кучли ва таъсирли этишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Дарҳақиқат, Навоийнинг “Тухфат ул-афкор”(Фикрлар тухфаси) қасидасининг байтлари сони озроқ бўлса ҳам чуқур маъно ва гўзал ифодаси билан ўзига хос юксак ўринда туради. Шунинг учун бу қасидани тақлид эмас, балки фикрдошликнинг янги бир маҳсули, дейиш тўғри бўлади.

Ориф шоирлар комил Инсон бўлишни ўзларига мақсад қилиб қўйганлар. Ҳар доим комил инсон излаганлар ва инсонни комиллик сари олиб боришга интилганлар. Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар ҳам “Лужжат ул-аброр”, “Лужжат ул-асрор”, “Тухфат ул-афкор” қасидаларини ана шу муқаддас ғоя йўлида инсон фазилатини ошириш ва уни комиллик сари йўллаш учун ёзганлар.

Табдил қилувчи
Абдуракул ЭШОНБОБОВ



Абдурасул ЭШОНБОБОВ

1963 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика матбуотида ўттизга яқин мақолалари эълон қилинган.

НАВОИЙ ИЖОДИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР

Маълумки, Шарқ адабиёти тарихининг кўп асрлик тараққиёти давомида адабий анъана муҳим ўрин эгаллайди. Шоирлар салафлари ижодий меросига мурожаат қилар эканлар, аввало, ўз эстетик қарашларига мос, кўнгилларига яқин, дунёқарашларига нисбатан уйғун келадиган асарларни мақбул кўрганлар. Яна бир томони, ўрта асрлар эстетикаси меъёрий характерда бўлиб мавзулар кўлами ҳамда жанрлар табиати аввалдан белгиланган қоидалар асосида воқе бўлган ва бу ҳолат ўша давр кишиларининг ментал дунёқараши билан изоҳланади. Бироқ бу Шарқ адабиёти намуналари оригиналликдан холи, адабий анъаналар доирасида қолиб кетган деган мулоҳазага сабаб бўлмаслиги керак. Чунки ҳар бир шоир кўҳна мавзуга мурожаат этар экан уни маълум даражада бўлса ҳам замонаси билан боғлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, шоир мавзунини эстетик диди, адабий муҳитнинг етакчи тенденцияларидан келиб чиқиб ёритишга уринади ҳамда муайян бир ғояни илгари суради. Айнан шу сабабли, бир мавзу доирасидаги асарларни қиёсий таҳлил этишда, ҳар икки ижодкорнинг муштарак ёхуд хос жиҳатларини кўрсатиш бош мезон бўлиши шарт.

Алишер Навоий ижоди Шарқ адабиётининг бой адабий анъаналари заминида майдонга келди ва ўз навбатида кейинги давр адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсата олди. Маълумки, Навоий нафақат ўзбек тилида, балки форсий тилда ҳам салмоқли (форсий тилдаги таҳаллуси Фоний) мерос қолдирган. Унинг форсий мероси XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб илмий тадқиқотлар объектига айланди ҳамда мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Шу ўринда айни масалани махсус ўрганган тожик адабиётшуноси, академик Абдуғани Мирзоевнинг “Фоний ва Ҳофиз” мақоласидан қуйидаги кўчирмани келтиришни мақбул топдик: “Умуман, Алишер Навоийнинг мана шу икки жавобия ғазалида янги маъно ва нозик бадий таъсир маълум даражада кўп ва маҳорат билан ишлатилган бўлиб, буларни XV асрнинг иккинчи ярмидаги бутунлай мустақил ва биринчи даражали форс-тожик шеърларига айлангирган. Бу ҳолат “Фоний” девонида тасодифий бир ҳодиса эмас. Алишер Навоийнинг *форс-тожик шеър-ياتида ҳам устозлиги ва юксак маҳорат кўрсатганлигини унинг жавобия ёки мустақил ғазалларининг ҳар бирида, маълум даражада, аниқ кўриши мумкин*”.¹ Демак, шоирнинг форсий тилдаги мероси форс адабиётининг энг юксак намуналари билан беллаша олади. Фонийнинг Абдурахмон Жомий ғазалларига ёзган татаббуларини изчил муқояса этган бошқа бир тадқиқотчи Алишер Шомухамедов ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.²

¹ Мирзоев А. “Фоний ва Ҳофиз”. // Навоий ва адабий таъсир масалари. Т., 1968, 64-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Шамухамедов А.Ш. Традиция татаббу в творчестве Алишера Навои (на примере татаббуат Фани на газели Джамии). Т.: 1984, 135 с.



Умуман олганда, Фоний форсий тилда деярли барча жанрларда, жумладан, қасида жанрида ҳам гўзал бадиият намуналарини яратган. Шоирнинг қасидалари навоийшунослар томонидан маълум даражада ўрганилган. Бу қасидалар орасида “Тухфат ул-афкор” ўзгача мавқега эга ва нисбатан кўпроқ таҳлилга тортилган.³ Қизиғи шундаки, асар машхур шоир Амир Хусравнинг қасидасига татаббу тарзида ёзилганига қарамай, Навоий замондошларининг юксак эътирофига сазовор бўлган. Масалан, Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” тазкирасида қасидадан катта парча келтириб ёзади: “Гарчи Амир Хусрав пешқадам Сохиби фазл бўлса ҳам, “Баҳр ул-аброр”да (айрим манбаларда “Дарёи аброр” шундай номланади-А.Э.) унинг маърифат ва ҳақиқатлар, дақиқ хаёлотли орифлар наздида мукаррам ва азиздир. Бироқ бу улуғ амир (гап Навоий хусусида – А.Э.) ҳам маъноларни (энг баланд) чўққисига чиқарган бўлиб, шоирлик, суҳандонлик, ўзига хос тахайюлни кўрсатишда хато қилмади”⁴. Яна бир жиҳати, Хусрав Дехлавийнинг “Дарёи аброр” қасидаси XV аср Ҳирот адабий муҳитида машхур бўлиб, даврнинг номдор шоирлари Абдурахмон Жомий, Султон Маҳмуд Мирзо, Шайхим Сухайлий, Биноий унга жавоб ёзганлар. Булар орасида фақат Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий асарлари бизгача тўлиқ етиб келган.⁵

Алишер Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ёзишича “Тухфат ул-афкор” Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан ижобий баҳоланган: “Подшоҳ чун ўқиб таҳсин қилдилар” шоирнинг ўзи таъкидлаганидек “салтанат тариқининг нафйи воқеъ” бўлган. Қасида адабиётшуносликда адабий таъсир билан боғлиқ ҳолда ҳамда ирфоний талқинлар юзасидан бир қадар ўрганилган.

Афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин хоним Шарқ адабиёти, жумладан, форс-тожик адабиёти бўйича таниқли мутахассис. Олима маълум муддат республикамизда истиқомат қилган йиллари даврий матбуотда мақола, адабий таржималар, шеърлари билан мунтазам равишда қатнашиб турган. Унинг “Издошликми ё фикрдошлик” мақоласи Афғонистонда “Ойдин” журналида чоп этилган.

Шарқ поэтикаси қонун-қоидаларидан яхши хабардор, таъби назми бор шоира сифатида Шафиқа хоним шеърий матнни тушуниш ва тушунтиришда ўзига хос йўлни тутган. У ҳар учала шоир (Хусрав, Жомий, Навоий) матласини изчил муқояса этиб, поэтик фикрни ифодалашдаги нозик фарқларни кўрсата олган. Бундан ташқари, Навоийнинг салафлари шеъридаги баъзи жойларда старли даражада асосланмаган жиҳатларини кўриб, байтнинг биринчи мисрасини тазмин сифатида олиб, иккинчи мисрани ўзидан кўшиб, фикрни ёрқин баён қилганлигини олима исботлаб кўрсатган. Дарҳақиқат, Шафиқа хоним тўғри таъкидлаганидек, Амир Хусрав дастлабки байтдан бошлаб шохликни бош оғриғи эканлигини уқтиради-ю, бироқ нима учун хўл-куруққа қаноат қилган киши ерсув подшоҳи бўлишини айтмайди. Жомий байтида ҳам бадиий далиллаш (мотировка) оқсайди.

Қизиғи шундаки, қасидани Шарқ адабиётида адабий традиция билан боғлиқлигини махсус ўрганган олимларимиз негадир масаланинг бу жиҳатида диққатни қаратмаганлар⁶. Шафиқа хоним эса айнан дастлабки байтларни қиёсий таҳлил этиб Навоий салафларига нисбатан бадиий маҳорат борасида, мантиқий

³ Қасида хусусида С. Айний, А.Фитрат, Ҳ.Сулаймон, А.Ҳайитметов, Ш.Шукуров, Н.Комилов ва бошқалар муносабат билдирганлар.

⁴ Сирожиддинов Ш.Алишер Навоий. Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т. 2011. 225-бет.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Мирзоев А.М. Камал ад-дин Бинаи. М., 1976. 33-34 с.

⁶ Бу ҳақда қаранг: Ш.Шукуров. Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси ва унинг адабий традиция билан боғлиқлиги тўғрисида. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. Т, 1968, 191-бет.

изчилликда ва лисоний тарафдан устунлигини мисоллар орқали аниқ белгиланган. Умуман олганда, Навоий ижодида мантикий далиллаш бош эстетик принцип бўлиб, бу ҳақда ўз вақтида таникли навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов шундай ёзган эди: “Хамса”да мантикий асосланмаган бирорта воқеа ёхуд детални топа олмайсиз. Ҳар бир эпизод ёки воқеа конкрет бир сабабнинг оқибати сифатида юзага чиқади ва мантикий замин ўқувчида заррача шубҳа туғдирмайди”.⁷ Биз бу ерда “мантикий замин” деган тушунчани бироз аниқлаштириш лозим деб биламиз. Маълумки, ҳаётини мантиқ борлиқдаги воқеа, ходисаларнинг сабабий муносабатларига суянса, бадиий мантиқ ҳам ҳаётини мантиқдан келиб чиқади ва шу билан бирга бадиий шартлилик қонуниятларига асосланади.

Муҳими, “Тухфат ул-афкор”нинг биринчи байти шоир замондошлари тарафидан намунали шохбайт сифатида эътироф қилинган. Атоуллох Хусайний “Бадойиъус-с-санойиъ” асарида *матбуъ* шеър хусусида тўхталиб шундай ёзади: “Матбуъ деб андоқ шеърга айтурларким, ул соғлом таъбарга мақбул вазнга, тузук қофияга асосланган бўлур, алфози ёқимлиғу истеъмолда машхур бўлур, таркиби мустаҳкам латиф бўлур, анинг маъноси мақбул бўлур, кишиларнинг кўнглига теккан бўлмағай; санойиъдин нимаки анда ишлатилган бўлса, етук тарзда бўлғай ва анинг туфайлидин англамигаю хусн-и адосиға қусур етган бўлмағай; қадимғилар шеър жиҳатдин орттирған ортиқча ҳарфу алфоз ва алфоз ўзгаришларидин холий бўлғай, ҳазрати худованднинг (гап Навоий ҳақида – А.Э.) қуйидаги байти янглиғ... *Бу қасиданинг аксар байти ушмундоқ воқиъ бўлуптур*”.⁸ Маълум бўлмоқдаки, шоир қасидаси нафақат ўткир ижтимоий муаммоларни (“салтанат тариқининг нафийи воқеъ бўлган”) дадил кўтариши билан, балки бадиий ифодаси билан ҳам замондошларининг эътирофига сазовор бўлган. Бу ҳақда Фоний ва Жомий қасидаларини қиёсий аспектда адабий таъсир доирасида таҳлил этган Алишер Шомухамедов эътиборга молик мулоҳазалар билдирган. Чунончи, у Фоний асари ижтимоий муаммоларга нисбатан кенг ўрин ажратгани ҳамда ғоянинг бадиий ифодаси борасида мукамал қурилганлигини эътироф этади.⁹ Юқоридаги мулоҳазаларни умумий махражга келтириб айтиш мумкинки, Навоий қасидаси ўзига намуна бўлган салафлари асаридан ҳар жиҳатдан устун.

Демак, адабий таъсир хусусида сўз юритганда фақат масаланинг сиртига қараб мулоҳаза юритиш ушбу мураккаб эстетик ходисани бир томонлама тушуниш бўлиб, бутун моҳиятни чуқур очиб беролмайди. Бундан ташқари адабиётшуносликка доир аксар тадқиқотларда агар гап мумтоз адабиёт намуналари ҳақида бўлса, форс-тожик адабиётининг ролига урғу қаратилар, замонавий адабиётимизга келганда эса рус адабиётининг таъсири бўрттирилар эди. Ваҳоланки, миллий адабиёт намунасини яратилишини фақат ташқи факторлар билан боғлиқ ходиса сифатида талқин қилиш бир адабиёт бошқасига нисбатан устун деган ғайриилмий хулосаларга сабаб бўлади. Ҳар бир халқ ўз бадиий оламини (кенг маънода) тафаккури ва таҳаюлига мос равишда барпо қилади. Ва бунда у ўзининг узоқ асрлик бой халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиёти аъёнларига таянади. Албатта, дунёда ҳеч бир халқ ўз қобиғига ўралиб маҳдуд ҳолда яшолмайди, у ёки бу тарзда бошқа халқлар билан маданий алоқага киришиб ниманидир олади ва ўз вақтида беради ҳам. Қўшимча сифатида шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, адабий алоқа ва таъсирни юзага келиши учун ўша адабий муҳитда шунга мувофиқ шароит ҳам бўлиши шарт. Яна бир муҳим жиҳати, ижодкорга бир вақтнинг ўзида бир қанча факторлар (ҳам ташқи

⁷ Ё. Исҳоқов. “Хамса” поэтикасига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. 2-сон. 28-бет.

⁸ Атоуллох Хусайний. Бадойиъус-с-санойиъ. Т., 1981. 273-бет.

⁹ Юқоридаги китоб. 97-100-бетлар.

ҳам ички) таъсир ўтказиши мумкин ва бу табиий ҳолдир. Ижодкорнинг ижодий қиёфаси қанчалик кучли бўлса, у шунчалик тез суръатда юқоридаги факторлар билан маданий алоқага киришиб, уларни енгиб ўтади. Бундан ташқари, ҳар бир адиб ижодининг дастлабки палласида салафларининг у ёки бу асарига маълум маънода эргашishi, озиқланиши, таъсирланиши мумкин. Бироқ адабий анъанага муносабат ижодкорда доимо бир хилда кечмайди. Маҳорати оша боргани сайин салафлари меросига муносабати ҳам ўзгаради, саъй-ҳаракати ижодий мусобақа тусини олади. Муҳими, у яратган яратикнинг бадиият қонунлари ва мезонларига қай даражада мувофиқ келишидадир.

Адабиётшунослигимизда адабий алоқа ва таъсир хусусида сўз кетганда кўпроқ муштарак нуқталарга урғу қаратилиб, муайян бадиий асарни намуна сифатида тақдим этиш устунлик қилади. Ваҳоланки, ҳар икки ўхшаш ҳодиса чоғиштирилганда фақат юзадаги умумий ҳолатлар билан кифояланмай, *моҳиятни кўрсатувчи хусусий жиҳатлар* ҳам эътиборга олиниши шарт. Гап бадиий асардек соф индивидуал ижод маҳсули ҳақида кетганда юқоридаги ҳолатлар инobatга олиниши лозим. Афсуски, бугунги кунда адабиёт тарихига оид айрим мақолаларда адабий таъсирни бироз жўн тушуниш етакчилик қилмоқда. Масалан, Абдусалом Абдуқодировнинг “Садди Искандарий”: анъана ва ўзига хослик” номли мақоласида муаллиф Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоийнинг Искандар мавзуидаги дostonларини қиёсий ўрганган.¹⁰ Мақолада асосий диққат ҳар икки ижодкор дostonларидаги муштарак нуқталарга қаратилиб, Навоий “ўз асарини яратишда устозига эргашган, унинг анъаналарини давом эттирган” деган тезис асос сифатида илгари сурилади. Албатта, шарқ адабиётида адабий анъананинг ўрни ўзгача бўлиб, ижодкор салафлари яратган бадиият намуналарига маълум маънода асосланди ва бу ҳолат бутун ўрта асрлар адабиёти учун хосдир. Бу даврда янги мавзуларни куйлаш эмас, балки аввалдан маълум мавзунинг янгитдан талқин қилиш, олдин камроқ диққат қаратилган нуқталарга ўқувчи эътиборини жалб этиш бош эстетик принцип эди. Шу сабабли ҳам ўрта асрлар адабиётида мавзулар кўлами кўп эмас. Бироқ, бу шоирлар салафлари ижодий мероси доирасидагина иш кўриб, шахсий ижоди оригиналликдан холи деган хулосага сабаб бўлмаслиги лозим. Ҳар бир ижодкор кўхна мавзуга мурожаат этар экан, уни ўз даври адабий муҳити эҳтиёжлари билан боғлашга ва маълум эстетик идеални илгари суришга ҳаракат қилади. Бунга Алишер Навоий ижоди ёрқин мисол бўла олади.

ҲАҚИҚАТ

**Ҳақиқатан тугал бои бўлаин десанг,
борига рози бўл, баҳра топасан.**

Юсуф Хос ҲОЖИБ

¹⁰ Абдуқодиров А. “Садди Искандарий”: анъана ва ўзига хослик” // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014. 1-сон.



БОЛАЛАР ДУНЁСИ



Маъмур ҚАХҲОР

Фалсафа фанлари доктори. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) фалсафа факультетини тугатган. Муаллифнинг “Қулиб турсинлар доим”, “Сеҳрли сўз” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Суҳбат қурмоқ истасанг

Тонг

Тонг отмоқда, оппоқ тонг,
майса шудрингга қонди.
Кўзларини ишқалаб,
ана, куёш уйғонди.

Майин жилмайганича
кўкка томон йўл олди.
Уфқда-чи, қип-қизил
фақат тўшаги қолди.

Шамол

Маза, маза, кимга маза,
шамолга маза?
Дала, қирда армон билмай,
ўйнайди роса.
Булутлардан ясар турфа
шаклу ўйинчоқ,
Дарахтларнинг қаддин эгиб,
кулади қувнок.

Ёмон, ёмон, кимга ёмон,
шамолга ёмон.
Аниқ борар манзили йўк,
елар ҳар томон.
Ёлғизликдан, оҳ чекибми,
аёзли тунлар,
Деразамга бошин уриб,
бўридек увлар?



Туяқуш

Туя десанг, туямас:
паги бор, қаноти бор.
Қуш десанг ҳам келмас мос,
туя деган оти бор.

Ўйлаб-ўйлаб бошимга
бир гап келди, хулласи:
Туяларнинг куши у,
қушларнинг-чи туяси.



Кунгабоқар даласида

Офтобачалар
беҳисоб,
Сабоқ берар
тоб-тоб.

Ўргатар ул
қулишни,
Нафис кокил
ўришни.

Юмронқозик

Ер остида минг хона
қуриб қўйди пинҳона.
Ҳайрондир энди, бироқ,
ўтказа олмай чироқ.

Қора мушукча

Ойи, қора мушукчага
попук тақиб қўййлик.
Ойи, қора мушукчани
оппоқ рангга бўййлик.

Шунда, қора мушукчани
қувмас дайди болалар.
“Фалокатнинг белгиси”, деб,
атамайди холалар.

Ҳамма уни кўрган они
дейди: “Бунча чиройлик!”
Ойи, қора мушукчани
оппоқ рангга бўййлик.





Гуллар

Тили бордир
гулларнинг,
Сўзи – хиди
уларнинг.

Сухбат қурмоқ
истасанг,
Басдир, ўртоқ,
хидласанг.

Кўприк

Кўнгилларни
хуш этар,
Соҳилларни
эш этар.

То бу дўстлик
бузилмас,
Умри унинг
узилмас.

Ариқча

Кўриқлар шўх
арикча,
Армони йўк
тариқча.
Унга бахтдир:
гул, майса
Сочиб атир,
жилмайса.

Куртак

Ухлар куртак
йўрғакда,
Ҳали мурғак
гўдак-да.

Яшнаб афти –
ангори,
Туш кўряпти
зангори.

ҲУКМАТ

Вақтиқи узр десалар. қабул қил
ва одоё ўргатсалар ўрганқи, ҳар
қимга одоё ўргатсалару ўрганмаса,
ҳайвондир. Ва узр айтсалару қабул
қилмаса, шайтондир.

Хожа Ахрор ВАЛИЙ





АДАБИЁТШУНОСЛИК



Нурбой ЖАББОРОВ

Филология фанлари доктори, профессор. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университети-нинг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. “Замон – Мезон – Шеърят”, “Адабиёт ва миллий маънавият” каби кўплаб китоблар муаллифи.



ЭЛ – ОНА ТИМСОЛИ, ОНА – ЭЛ РАМЗИ

Кўлига қалам тутган шоир ёки адиб йўқки, бу улўғ зотни васф этмаган бўлсин. Негаки, она мурғак гўдакни, “Тол бешикка таяниб, тол уйқудан уйғониб...”, минг бир машаққат билан ўстиради; бор меҳрини бериб тарбия қилади. Фарзанди вужудига кирган тикан она қалбида оғриқ беради. Жигарбанди ногоҳ қоқилса, кўнгли қалқиб кетади. Қисмат тақозоси билан боласи узокроқда яшаса, кўзлари йўлда, қўллари дуода бўлади: “Оллоҳим, нуридийдамни ўз паноҳингда асра! Жигарбандимнинг иқболини баланд қил!” Она олдидаги қарздорлик туйғуси уни муносиб даражада кадрлашга, эъзозлашга ундайди. Ижод аҳлида эса, бу туйғу юз чандон зиёдроқ бўлиши табиий. Ўзбекистон халқ шоири Миртемир шеърятини бунинг ёрқин мисолидир.

“Сени, болалигим...” шеъриси мана бундай ёзади:

*Она чиройида барқ урган зиё
Фарзанд яноғида бўлади пайдо.
Сени, болалигим, мен кўрдим боя
Баҳор дийдорида равшан – ҳувайдо.*

“Она ер”, деган нақл бор. Табиийки, бу нақлда элимизнинг образли тафаккури мужассам. Уруғнинг гуркираб ўсиши, ҳосил бериши ер сифатига боғлиқ бўлгани сингари фарзанд камолини кўп жиҳатдан онанинг маънан баркамоллиги, руҳан етуқлиги даражаси белгилайди. Негаки, гўдак она вужудида шаклланади, она ситидан озикланади. Дастлабки икки мисрада шоир худди шу теран ҳақиқатни ҳеч бир шоирни такрорламаган ҳолда образли тасвирлашга эришган. “Она чиройида барқ урган зиё Фарзанд яноғида бўлади пайдо” – бу сатрларда ана шу ҳикмат, ҳаётнинг чуқур фалсафаси талқин этилган. “Сени, болалигим, мен кўрдим боя Баҳор дийдорида равшан – ҳувайдо” сатрлари орқали шоир Онани баҳорга ташбех этади.

Ана шу тўрт мисрада шоир Она – фарзанд – баҳор – болалик тушунчалари орасидаги узвий боғлиқликни бетакрор бадиият орқали ифодалайди.

*Эрта тонг салқини, қуёш кулгуси,
Шафақ латофати, булоқ дийдори,
Оналарнинг меҳри, падар суйгиси,
Ҳаёт малоҳати – жилванг диёри!*

Бу мисраларда оналар меҳри қуёш кулгусига, шафақ латофатига қиёсланади. Ҳаёт малоҳати оналар меҳри ва падар суйгисида экани ҳақидаги бадиий умумлашмага келинади. Умуман, “Сени, болалигим...” шеъри Она образининг ўзига хос тасвири билан алоҳида ажралиб туради.

“Холтош” шеърида шоир онаси қадрига етмаган, хизматини қилиб, дуо-сини олиш ўрнига кўп азият етказган Холтош образи воситасида муштипар она кечинмаларини, кўнгил изтиробларини, руҳий титроқларини бетакрор талқин этишга эришган:

*Кони ташвиш-ку бу тилсиз чақалоқ,
Эҳ, шўрлик она.
Кечалари шундоқ ўтгандир уйғоқ,
Зору парвона...*

Ижодкор бу сатрларда “кони ташвиш бўлган тилсиз чақалоқ”ни вояга етказиш илинжида зору парвона бўлиб, кечаларни бедор ўтказган мунис она образини таъсирчан ифодалайди. Чақалокни ювиш, тараш, тунни тонгга улаб бешик тебратиш, ўзи сўлғин чарчоқ ҳолда бўлишига қарамай, бешикка беун кулиб қараш – боласига жону дилини бағишлаган муштипар она руҳиятини шоир ана шундай бадиий деталлар орқали тасвирлайди. Бу мисраларда тинимсиз йиғлаётган чақалоқ, тебранаётган бешик, ана шу бешикка таяниб, тунни бедор ўтказётган она тимсоли ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён бўлади.

*Эҳ, она тақдири, она тақдири,
Оғир нечоғлиқ,
Ҳануз яралганмас она тасвири,
Сийнаси доғлиқ...
Менинг ҳасратимда кетди бевақтроқ,
Сўнди шам каби...*

Шоирнинг маҳорати шундаки, биринчидан, оз сўзга кўп маъно юклайди, иккинчидан, сифатлашлар, ташбеҳлар, тушкун руҳият тасвири орқали ифоданинг таъсир кучи ошишига эришади. Бу сатрлардан армон, изтироб, дард силқиб туради. Табиийки, сўзнинг замиридаги дард ўқувчига ҳам таъсир этмай қолмайди. Ўқувчи кўз ўнгида мушфиқ она сиймоси намоён бўлади. Волидасини қадрлагани учун шукроналик ёхуд эъзозлай олмагани боис ўкинч ва армон кўнглини чулғаб олади. Зеро, шеърдан мурод ҳам шу. Шеър шеър учун эмас, ахир. Ўқувчининг қалбига таъсир этмаган, туйғуларини жунбишга келтирмаган, тафаккурида эврилиш пайдо қилмаган, янги орзулар, иделлар оғушига олиб кирмаган шеърни шеър деб бўлмас.

*Сандиқда қолибди атоғлиқ белбоғ.
Холтош тагин ганг.
Емай-ичмай балки жамғармиш узоқ...
Аттанг, юз аттанг!*

Она ҳар доим фарзанди ғамида кун ўтказади, мудом унинг ташвиши билан яшайди. “Сандиқда қолибди атоғлиқ белбоғ” – чинакам миллий рух ифодаси кузатилади бу мисрада. Шоир ўзбек онасининг руҳий оламини ёрқин ҳаётий детал орқали инкишоф этади. Ана шу мисра она орзуси, армони, руҳияти – барчасини ўзида мужассам этган. Зеро, ўзбек онасигина ҳеч нарсаси йўқ бир шароитда ҳам жигарбандининг тўйини кўриш орзусида ҳеч бўлмаса бир белбоғни кўзига суртиб асрайди. “Емай-ичмай жамғармиш узоқ... Аттанг, юз аттанг!”

Одамзод табиатига хос бир хусусият бор: аксар ҳолларда моҳиятни кеч англайди, воқелиқдан кечикиб хулоса чиқаради. Ҳақиқатни англаган, ҳис этган кезде эса, вақт учоғи аллақачон ўзга манзилларга етган бўлади. Холтош ҳам худди шундай: ўз вақтида она қадрига етмайди. Балки бу нуқсон фақат унгагина тегишли эмасдир. Айрим инсонларни истисно қилганда, аксар фарзандлар ана шу ҳолга тушиши ҳаётий ҳақиқат-ку, ахир! Онани ўз вақтида қадрлаган, хокипойини кўзига суртиб, эъозлай олган одам, афсус, жуда кам. Шу маънода, Холтошни умумлаштирувчи образ, дейиш мумкин.

*... Маҳаллада танҳо сўққабош,
Дўппи ярим, бепарво, беор.
Тирик боқим, бибурд, бағри тош,
Бор-йўғини ўртамиш қимор.
Ярим тунда келар: “Она... Оишиш!”*

“Оналарнинг образи ўзи битта, – деб ёзади Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. – Лекин шакл-шамойили, исми ҳар хил бўлиши мумкин. Миллати ҳам, борингки, дини ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин ҳамма оналарнинг фазилати бир хил. Умуман, ҳамма динда, миллатда она деган касб битта. Она – бу меҳр дегани. Она фарзанд учун яшайди, афсуски, фарзанд она учун яшамайди. Шундай катта фарқ бор. Она боласи учун доим тайёр туради. Лекин фарзандни эса, албатта, она учун қурбон бўладиган тарзда фидойи қилиб тарбиялаш керак”¹.

Миртемирнинг санъаткорлиги шунда кўринадики, у “тирик боқим” Холтош ва куйган она руҳиятини қайғули бўёқларда тасвирлайди. Шоир “Тоқати тоқ, нурсиз кўзда ёш, Ҳасратида қадди ёй, бемор” сингари сифатлашу ташбеҳларни келтиради. Шеърдаги ҳар бир сўз, жумла, оҳанг онаизор руҳиятини теран ифодалашга қаратилган. Ўзбек онаси ҳар қандай мусибатга бардош бериши мумкин, лекин боласи сабаб эл ичида уятли бўлиб қолса, бунга тоқат қила олмайди. Йиллар юкидан шундоқ ҳам эгилган қадди баттарроқ эгилади, кўнгли бутунлай чўкиб қолади, ёруғ олам зимистонга айланади. “Токай ғалва, токай бу бардош Кўтарарми бундоқ юкни нор?” мисралари ана шу руҳий ҳолатни бор мураккаблиги, бор зиддиятлари билан акс эттирган.

¹ Орипов А. “Шарқ юлдузи” журнали ўқувчилари саволларига жавоблар. – Танланган асарлар. 6-жилд, Тошкент, “Шарқ”, 2010, 243-бет.

*Кошки, қўйса дайдишни Холтош,
Саёқ кўнгли топсайди қарор,
Тўй-томоша қилсам...бир ювош
Келин тушса, кундай безубор...*

Холтошнинг онаси – сабр тимсоли. Шоир онанинг умидвор кайфиятини, ҳар қандай оғир шароитда ҳам қувват топа олган руҳини ўзбекона орзуга боғлаб талқин этади: “Тўй-томоша қилсам... бир ювош Келин тушса, кундай безубор...” Миллий руҳнинг бетакрор тасвири – Миртемир шеърятининг асосий фазилятларидан экани ана шу биргина мисолдан ҳам яққол аён бўлиб турибди.

Она кўшниси Хожарнинг сулув, қаламқош келинига, танти, беозор ўғлига ҳавас билан қарайди. Она ўйларида ўзбек онасига хос тоза самимият бор; ҳасад эмас, ҳавас мужассам. Фарзанди ҳам шундай бўлишини орзу қилади, ҳолидан куйинади, хулқи яхшиланишидан умидворлигини изҳор этади: “Оҳ, лоақал бўлса сартарош, Йигит умри ўтмаса бекор”. Лекин надоматлар бўлсинки: “Тошни талқон қилолгудек ёш, Касби қимор, олам бўлди тор. Тенгдошлари бир-бир ишга бош, Бу ҳали ҳам қиморга хумор...”

Холтош сингарилар, гарчи ёш жиҳатдан ўсаётган бўлса ҳам ақл кўзгусини ғубор босгани боис эси кирмаган фарзанд – ота-она умрига эгов. Қавму қариндош ҳам ундан безор. Онаизорнинг кўзёш тўкиб айтган ўғитлари заррача ҳам қилмайди.

Она учун фарзанди заволини кўришдан ҳам оғир мусибат бўлмайди. Юқоридаги мисраларда она руҳияти, тубсиз армони ўқувчи онгига, руҳига селдай оқиб кирадиган тарзда таъсирчан ифодаланган.

Зиддиятли, киши онгию руҳига тўфондай таъсир қиладиган руҳий изтироблар тасвиридан сўнг шоир мана бу тарзда поэтик хулоса чиқаради:

*Кошки, мен ҳам бўлсам айтгули шоир,
Бир армоним бор:
Оналарга атаб яратгум охир –
Шеърдан чўнг ёдгор.*

Дарҳақиқат, Холтош қисмати мисолида Миртемир таъсирчан бир шеърый қисса ярата олган. Бу қисса ҳаётда йўлини йўқотган барча холтошлар, шунингдек, жами жигархун оналар армонининг мунгли талқинидир. Бу ҳол шоирнинг чиндан ҳам оналарга атаб “шеърдан чўнг ёдгор” яратганига далил бўла олади.

“Сен она...” шеъри образ ёрқинлиги жиҳатидан ҳам, она – аёл руҳиятининг бетакрор тасвири нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шеърда Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари улуғ мутафаккирлар, Махмуд Торобийдек озодлик ҳаракати йўлбошчиларининг дунёга келиши ҳам она деган мўътабар ном билан чамбарчас боғлиқ экани зикр этилади:

*Алишерга алла айтиб ухлатган
Сен – она.
Оғушида Бобур камолга етган
Сен – она.*

*Торобийни оғир жангга жўнатган
Сен – она.
Оламни нурида мунаввар этган
Сен – она.*

Кейинги сатрлар эса, она руҳияти тасвирининг тиниқлиги, таъсирчанлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир талқинича, онанинг йиғиси дунёни тит-рагади, кулгиси саодат парвариш этади. Мазкур шеър уруш йилларида ёзилган. Аслида, урушдан энг кўп азият чеккан ҳам, уруш сабабли нуридийдасидан айрилиб, изтироб гирдобида қийналган ҳам, биринчи навбатда, оналар бўлган. Оналар кўнглига таҳлика солган ўша суронли йилларнинг изтироблари Миртемирнинг мана бу мисраларида, айниқса, таъсирчан ифодаланган:

*Ягона ўзлингни жўнатдинг жангга,
Бўл бардам, она!
Онадай ошиқ йўқ Она-Ватанга,
Муҳтарам она...*

Миртемир ижодда миллий адабий анъаналар, шеъринг маданият уфқларини кенгайтиришга интилди ва буни муваффақият билан адо этди. Она мавзусидаги шеърлари ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ҳаёт кезларида онани муносиб даражада кадрлаб, хизматини қилиш, дуосини олиб, розилигига эришиш – улуғ саодат. Лекин, таассуфки, бунга ҳамма ҳам бирдай муяссар бўлавермайди. Шу маънода, Миртемирнинг “Онагинам” шеъри зоҳиран биографик характерга эга бўлиб кўринса-да, аслида умумлашма хусусият касб этади. Бу эса, шеърни реал воқеликнинг ифодаси деб қараш у қадар тўғри эмаслигини кўрсатади. Унда реал воқелик ва бадий умумлашма синтезлашган дейилса, тўғрироқ бўлади.

Шеърнинг бошланишида шоир лирик қаҳрамон руҳияти тасвирини кучайтириб ифодаловчи ғашлик тушунчасига урғу беради. Унинг “товонга чақир тиканакдек ботгувчи, бедаво сизловуқдай сизлатгувчи” эканига эътибор қаратади. “Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён чучварага туккувчи” – бу сифатлаш ғашлик лирик қаҳрамон руҳиятини батамом чулғаб олганини кўрсатади. Ўқувчида бу ғашликнинг сабабини билишга бўлган қизиқиш туйғуси кучая боради. Бу сўзлар кейинги мисраларда тасвирланажак ҳолатларга муқаддима каби таассурот қолдиради:

*Товонимга чақир тиканакдай ботгувчи –
ғашлик,
Бедаво сизловуқдай сизлатгувчи –
ғашлик.
Жигаримни қиймалаб аҳён-аҳён,
Чучварага туккувчи –
ғашлик.*

Она тилимизнинг ифода имконияти нечоғлиқ кенг эканига Миртемир шеърлари ёрқин мисол бўла олади. Шоир лирикасида тил ҳам, образ ҳам, бадий тасвир воситалари ҳам чинакам ўзбекона. *Сизловуқ, сизлатмоқ* – бошқа шоирлар ижодида бундай сўзларни топиш қийин. Яна бир муҳим жиҳати, шоир сўзни

мажбуран тиқиштирмайди, аксинча, сўзлар узукка қўйилган кўздек фикрга зийнат беради. Табиий оҳанги билан кўнгиллари оқиб киради, дил торларингизни чертиб юборади.

Миртемир – санъаткор шоир. Табиийки, маҳорат ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Кейинроқ, шоирнинг ўзи бундай деб ёзган эди: “Шеър – бу юрак дегани, қалбнинг саъй-ҳаракати ва туғёнлари дегани, шеър образ ва образли фикрлаш дегани”². Ана шу тушунчага содик қолган Миртемир она ҳақидаги шеърда инсон қалбини ҳаяжонга соладиган ёрқин, мукаммал, энг муҳими, одамни ўйлашга, тафаккур қилишга даъват этадиган образли тасвирлар яратди. Мана бу мисрлар ўқувчининг руҳий оламини ағдар-тўнтар қилишга, унинг қалбида буюк зот – она олдида ўз вақтида адо этилмаган қарздорлик туйғусини уйғотиб юборишга қодир:

*Тизасига бир нафас бош қўйишимга
кўзим етсайди,
Оналик меҳрига обдон тўйишимга
кўзим етсайди,
Оқ сўтингни оқлай, дейишимга
кўзим етсайди,
Менда ғашлик нетарди?*

Шоир ўқувчи шуурига кучли таъсир этадиган ҳаётининг деталларни бениҳоя ўринли қўллаш борасида ҳам моҳир. “Менда ғашлик нетарди?” дер экан, ўз фикрини “Янгоқ ўтинидек, Тамаки тутунидек, Тонг пайтида тарқалган бадбахтлик тунидек – Чексиз фазоларга тарқаб кетарди!” дея образли ва таъсирчан ифодалайди.

Адабиётшунос Фарход Ҳамроев ёзишича: “Миртемир бадий изланишларининг тадрижий ривожини ўша давр ўзбек адабиёти таракқиётининг умумий қонуниятларини – ижодда реалистик тамойилларнинг қарор топишидан тортиб уларнинг янгилаанишигача бўлган жараёнларни ўзида акс эттирди”³. Бу фикр таҳлил этилаётган “Онагинам” шеърини ҳам тўла тааллуққидир. Шоир реалистик тасвир методида ҳар жиҳатдан таъсирчан, бадий баркамол, дунё адабиётининг энг сара намуналаридан заррача ҳам қолишмайдиган асарлар яратиш мумкинлигини ўз шеърлари орқали исбот қила олди. Бунга шоир ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, мазкур “Онагинам” шеърини муаллиф мана бундай сатрларни ижод қила олган:

*Сўнги йўлга ўзим кузатолмаганим –
Тогдай зил.
Абадиятдай чексиз армон бўлиб қолди дилимда,
онагинам!
Одам бўлдимми менам?*

Шоир сўзни жуда ҳам нозик ҳис этади. Она тилимизнинг беқиёс ифода имкониятларини ўз лирик асарларида бор бўйи билан кўрсатишга интилади. “Одам бўлдимми менам?” – таассуфнинг юқори чегарасини мужассам этган

² Миртемир. Сайланма. Тошкент, “Маънавият”, 2012, 6-бет.

³ Ҳамроев Ф. Янгоқ танбур садоси. – Миртемир. Сайланма. Тошкент, “Маънавият”, 2012, 8-бет.

бу сўзлар чин маънода ўзбекона. Бундай сўзлар ўқувчи кўнглига чуқур кириб боради. Натижада, шеър мухлиси ўз-ўзини тафтиш қила бошлайди. Ўзидан ўтган қусурларни ёдга олади. Буюк сиймо – онаси олдида муносиб даражада адо этолмаган бурчи қалбини ўртайди, вужудига титроқ солади, виждонини қийнашга тушади.

*Ҳа, одам санашар мени элимда.
Сенга қилолмаган хизматим,
Сен деб чеколмаган заҳматим –
Жиндак зеҳним, жиндак шеърим, жиндак газалхонлигим
Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,
жиндак яхшилик ва ёмонлигим
Мени одам санаган элимга бахшида,
жафодийда онагинам!*

Афсус-надоматлар одам кўнглини ғуборлардан, занглардан тозалайди. Бироқ инсон фақат ўзигагина тегишли бўлган изтироблар гирдобига қолиб кетмаслиги зарур. Ижодкорнинг ижодкорлиги, шоирнинг шоирлиги шундаки, у ўзини эл билан бирга ҳис этади. Эл ғами унга андух, эл қувончи унга шодлик ҳадя этади. “...жиндак яхшилик ва ёмонлигим Мени одам санаган элимга бахшида”, деган тўхтама келиши бунинг ёрқин исботидир.

Эл назари ва ота-она назари бир-бирига уйғун, бири иккинчисини тақозо этувчи тушунчалар. Элга она нисбати берилиши, “Она эл” дейилиши замирида ҳам ана шу теран ҳикмат мужассам. Шоирнинг “Элга хизматим сенга хизматим эмасми” дейиши сабаби ҳам шунда. Чунки эл – она тимсоли, она эса – эл рамзи:

*Элга хизматим – сенга хизматим эмасми ахир,
Эл мени фарзандим демасми ахир!*

“Рози бўл, одам саналай менам...” – бу хулоса миллий рух ифодаси, покланган кўнглининг ўзбекона самимий изҳори. Зеро, она розилиги ўзбек учун энг муқаддас тушунчалардан бири, одамийликнинг бош шартидир. Она ризосига, эл ризосига муяссар бўлмоқ халқимиз учун шарафлар ичра энг олий шарафдир. Миртемирнинг она мавзусидаги шеърлари ана шу тоза туйғу, миллий рух бетакрор талқин этилгани билан янги замон ўзбек шеърляти ривожига алоҳида мавқега эга. Бу шеърлар таҳлили шоирнинг она тимсолида элни, эл деганда эса онани тушунгани ҳақидаги муҳим хулосага олиб келади.



ТАРЖИМАШУНОСЛИК



Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Унинг “Юлдузнинг беш қирраси”, “Латиф шеърят” монографиялари, “Турк адабиёти хрестоматияси”, “Турк адабиёти тарихи” (XIII-XVIII асрлар) ўқув қўлланмалари, “Ишиқ асири бўлган эсон” рисоласи нашр этилган.

МАШАҚҚАТЛИ ВА ОЛИЙЖАНОБ ИШ

Ўзга халқлар адабиёти, маданияти, санъати билан таниша борганимиз сари маънавий бойлигимиз ортади. Бу борада эса бадий таржиманинг ўрни беқиёс. Бадий таржима адабиётларни танитувда, халқларни яқинлаштирувда муҳим омил эканлиги, бугунги глобаллашув даврида янада кўпроқ исботини топмоқда. Бир халқ адабиётини қанчалик яхши билсак, уларни шунчалик тушунишимиз осон бўлади. Замон шиддати отргани сайин таржима ва таржимонга талаб ҳам кучаймоқда. Шундай экан Мустақиллик даврида таржимонларимиз қандай ютуқларга эришди ва келажакда бу соҳани янада ривожлантириш, камчиликларимизни бартараф қилиш учун нималарга эътибор қилиш керак?

Бадий таржима борасида сўз кетганда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов бундай деган эди: “Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олийжаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечими билан бевосита боғлиқ...”

Марказий Осиёда ягона саналган “Жаҳон адабиёти” журнали юртимизда мунтазам чоп этилиши ҳам адабиётга, маънавиятга, таржимага бўлган эътибор кўринишларидан биридир.

Ўзбекистонда таржимонлик теран илдизларга эга (Муҳаммад Ризо Огаҳий таржималарини эслайлик). Бугунги кунда мана шу қадимий ўзбек таржима мактаби муносиб давом этаяптими? Ёш таржимонларни тайёрлашда нималарга кўпроқ эътибор беришимиз керак? Таржимонликни илмий жиҳатдан янада юқори пағонага кўтариш, бадий таржимада теранликка эришиш учун нималарга эътибор бермоғимиз даркор? Бу каби масалалар ҳар бир таржимонни, бу соҳа жонкуярини ўйлантириши шубҳасиз.

Ўзбек таржимашунослиги асосчиларидан бири профессор Жуманиёз Шарипов, таржимашунослигимизда мактаб яратган олим Ғайбулла Саломовдан сўнг соҳада бироз вақт бўшлиқ пайдо бўлгандай эди. Ўтиш даврининг мураккабликлари, энди мустақилликка эришган давлат олдида турган жуда муҳим сиёсий,



иктисодий вазифалар ижроси билан боғлиқ вазиятда бундай ҳол бўлиши табиий эди. Шу билан бирга шўролар ғоявий тазйиқидан қутилгач, жаҳон адабиётидан таржималар қилиш жадаллашди. Айти пайтда жаҳон таржимонлик мактаблари тажрибаларини, назарий масалаларни ўрганишга интилиш кучайди. Кейинги йилларда бу жараён янада ривожланиб борди. Бир нечта ўқув қўлланмалари яратилди. Кудрат Мусаевнинг “Таржима назарияси асослари”, Жаҳон тиллари университети (Ўз.ЖТУ) ўқитувчилари Омон Мўминов раҳбарлигида нашр қилган “Ўзма таржима”, профессор Шухрат Сирожиддинов ва Дилноза Одилованинг “Таржимашуносликка кириш”, Иброҳим Ғафуров, Носир Қамбаровнинг “Таржима назарияси”, Иброҳим Ғафуровнинг “Таржимашунослик мутахассислигига кириш” ўқув қўлланмаси шулар жумласидандир. Бу китоблар ёш таржимонлар эҳтиёжини биров қондиргандай бўлди. Шунингдек, бу борада Тошкент давлат шарқшунослик институтида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш керак. 2005-йилда мазкур олий ўқув даргоҳида таржима кафедраси ташкил этилди. Шарқ тилларини ўрганувчи талабаларга “Таржима назарияси ва амалиётидан” сабоқ бериш билан бирга жиддий илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Таржимага оид тўпламлар, ўқув қўлланмалари нашр қилишда Эргаш Очилов ва Хайрулла Ҳамидовларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш керак.

Республикамининг бошқва хуудларида ҳам таржимашунослик соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Профессор Муҳаммаджон Холбеков шундай жонкуяр олимларимиздан. Жиззах ва Самарқанд олий ўқув юртларида “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти”дан дарс бераётган олим республика марказий матбуотида ҳам мақолалари билан тез-тез кўриниб турибди.

Таржима адабиёт тарғиботида муҳим аҳамиятга эга. Таржима китобхонни бошқа бир халқ маънавияти билан таништириш билан бирга янги таржимонни ҳам кашф қилади.

Бугунги жараённи кузатсак, жаҳон адабиёти дурдоналаридан кўплаб таржималар чоп этилаётир. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий маънавий” асари, Шекспирнинг аслиятдан қилинган таржималари, Драйзернинг “Сармоядор”, Нитшенинг “Зардушт таваллоси”, Жемс Жойснинг “Мусавирнинг ёшликдаги сийрати”, “Улисс саргузаштлари”, Кафка ҳикоялари, Паоло Коэлони “Алкимёгар”, Жейн Остиннинг “Андиша ва ғурур”, Чейз Хейлининг “Оқшом хабарлари”, Нобель мукофотига сазовор бўлган Ўрхон Помукнинг “Истанбул: шаҳар ва хотира”, Мо Яннинг “Мусаллас мамлақати”, Пушкиннинг “Қуръондан иқтибос”, Гоголнинг “Тентакнинг ёзишмалари”, Достоевскийнинг “Иблислар” асарлари ўзбек тилида нашр этилгани маънавиятимизга қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Бу таржималар адабиётимиз саҳифаларини бойитди. “Жаҳон адабиёти” журналинини кўздан кечириб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мустақиллик давридаги асосий ютуқларимиздан бири оралик тилдан эмас, аслиятдан таржималарнинг кўпайганидир. Шунингдек, “Жаҳон адабиёти дурдоналари” рукнида насрий, шеърий, драматик асарлар нашр этилмоқда. Булар ичида аввалроқ таржима қилинганлари ҳам, янгилари ҳам бор. Афсуски, таржималар ичида бадиий жиҳатдан бўш, дунё адабиёти дурдонаси дейишга арзимайдиган асарлар босилиши ҳам учраб турибди.

Муҳаммаджон Холбеков, Иброҳим Ғафуров, Абдулла Шер, Хуршид Дустмуҳаммад, Янглиш Эгамова, Шавкат Каримов, Хуррам Раҳимов, Зухриддин Исомиддинов, Эргаш Очилов, Хайрулла Ҳамидовларнинг таржимашунослик муаммоларига оид чиқишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Аммо улкан таржи-

мачилик мактабига эга бўлган ва кўплаб янги таржималар амалга оширилаётган бугунги кунда бу кам. Таржимачилигимизни ривожлантириш учун бугунги кунда пишиб етилган муаммоларга диққатни кўпроқ қаратмоқ керак. Шундай муҳим масалалардан бири ёш таржимонлар тайёрлашдир.

Тўғри, айрим олий ўқув юртларида таржимашунослик кафедралари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Шунга қарамасдан, илмий муассасаларда қилинаётган ишлар тарғиботини янада кучайтириш керак. Фақат оғзаки-синхрон таржимага урғу бермасдан, бадиий таржималарга эътиборни қаратиш лозим. Кафедралар қошида бадиий таржима тўғараклари мунтазам ишлашини йўлга қўйиш даркор. Атоқли таржимонлар билан учрашувлар қилиб, уларнинг тажрибасини ўрганиш зарур. Ёш таржимонларимизнинг заиф томонларидан бири, ўз она тилини чуқур билмаслигидир. Ваҳоланки, таржимон биринчи навбатда ўз тили имкониятларини яхши билса, у таржима қилган асарлар ўқишли бўлади. Аллома ва таржимон Алихонтўра Соғуний бу борада шундай ёзганди:

Киши ўз тилин яхши билмаса гар,
Заҳардир анга бошқа тил, гарчи шакар.

Олий ўқув юртларидаги таржимашунослик кафедралари ўқув юкласида мутасаддилар нутқ маданияти фани соатларини кўпайтиришни ўйлашлари лозим.

Эътибордан қолдириб бўлмайдиган жиҳатлардан бири, таржимоннинг асар танлашидир. Таржимон бирор асарни таржима қилишдан аввал, ушбу асар миллатга нима беради, умуман, ўқиган киши маънавиятини ўстирадими? – деган саволларни қўйиши керак. Ижобий жавоб берадиган асарларни таржима қилса, маъқул. Паст савиядаги, олди-қочди мавзудаги асарларни таржима қилмаслик лозим. Китобхоннинг дидини ўтмаслаштирадиган асарлар кўпаймаслиги олдини оладиган омиллардан бири, ноширлар таржималарни нашр қилишда фақат иқтисодий томонга эмас, маънавий жиҳатга ҳам эътибор беришса яхши бўларди.

Мустақиллик даври таржимашуносчилигимизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бизнинг ўтмишимиз билан боғлиқ бадиий асарлар таржимасига эътибор кучайганидир. Масалан, Георг Фридрих Генделнинг “Амир Темур” асари рус тилидан Ғулом Мирзо таржимасида чоп этилди. Ёш таржимон Улуғбек Жўраев Клавихонинг “Буюк Амир Темур тарихи” китобини аслиятдан ўзбек тилига ўгирди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Яна бир муҳим масала, ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон тилларига ўгиришидир. Давр талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таржима ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилиш муҳим вазифалардан бири сифатида қаралаётир. Кейинги йилларда ўзбек адабиётидан намуналар бир нечта хорижий тилларга таржима қилинди. Алишер Навоий ғазаллари франсуз, поляк тилларида, Бобур ғазаллари поляк тилида, “XX аср ўзбек шеърятидан намуналар” корейс тилида, “Қалбим сизга интилади” инглиз тилида босилиб чиқди. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”си, Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоялар тўплами немис тилида, мустақиллик даври “Ўзбек ҳикоялари антологияси” рус тилида, “Ўзбек халқ эртаклари” немис тилида нашр этилди. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асари турк тилида, “XX аср ўзбек ҳикоялари антологияси”, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари корейс тилида нашр қилинди. Шунингдек, Чўлпон, Тоғай Мурод ва Эркин Аъзам асарлари Парижда нашр этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Республика

Байналминал маданият маркази билан ҳамкорликда рус адабиётидан қилинган янги таржималар “Оқ қайин” номида тўплам қилиб эълон қилинди.

Алишер Навоийнинг рус тилига таржима қилинган ғазал, рубоий, туоқ ва маснавийларидан сараланган “Сокровищница мыслей” тўплами ўқувчиларга тақдим этилди. Озарбайжонда нашр қилинадиган “Душа” адабий альманахида ўзбек ва озарбайжон шоирлари, ёзувчилари асарларидан намуналар (Шахло Қосимова таржимаси) алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асари Азиз Қаюмов ҳамда Динара Азимова таржимасида, Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” эпопеяси муаллиф ва Саодат Камилова ҳамкорлигида таржима қилиниб дунё юзини кўрди. Хорижий тилга ўгирилган асарларнинг асосий таржимонлари миллатимиз вакиллари экани кишини қувонтиради.

Алишер Навоий ғазалларидан юзтаси немис ва инглиз тилларига тағлама таржимаси қилинди. Бу каби ишларда хорижлик таржимонлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилмоқда. Абдулла Қодирий “Ўтган кунлар” романининг тожик тилидаги таржимаси Истат Қосимзода Бойсуний томонидан қайта ишланиб, нашрга топширилди. Ойбекнинг “Навоий” романи инглизча таржимасини Илҳом Тўхтасинов ва Чристинэ Смартлар биргаликда амалга оширди.

Адабиётни дунё миқёсига олиб чиқиш миллат олдидаги бурч. Адабиётимизни хориждан келиб ўрганишса, таржима қилишса нур устига аъло нур. Аммо, ўзимиз ҳам қўл қовуштириб ўтирмаслигимиз лозим. Адабиётимизни жаҳонга танитишда ташаббусни қўлга олишимиз керак.

Шу маънода хорижий тилларга таржима қилишда ёш таржимонларимизнинг ишлари кишини қувонтиради. Муҳаммадамин Тўхлиевнинг “Ўзбек ҳикояларидан намуналар” китоби турк тилида, Ҳафиза Алланазарованинг “Ўзбек халқ эртақлари” тўплами инглиз тилида нашр қилинди. Гулистонлик Дилдора Отақулова Вильям Жэкобс ва Стефан Крейн ҳикояларини инглиз тилидан таржима қилиб “Кечиккан ҳукм”, “Қорли сукунат” номлари билан чоп эттирди. Жиззахлик Дилафрўз Очилова Жон Драйденнинг “Аврангзеб” трагедиясини инглиз тилидан, самарқандлик Д. Абдураззақов Эрик Орсеннанинг “Қоғоз йўли” китобини француз тилидан таржима қилиб, нашр қилди. Жаҳонгир Санақулов Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романини Мишел Бўшер билан ҳамкорликда Францияда нашр қилди. Алишер Отабоев, Н. Абдуллаев, З. Очилова, Шахло Облоқулова каби ёш таржимонларимиз ҳам инглиз, турк тилларидан қилган таржима китобларини эълон қилдилар.

Ёшларни таржима ишига жалб қилишда, уларга маҳорат мактабини ўташда таржима муаммоларига боғлиқ олий ўқув юртларида ўтказилаётган анжуманлар муҳим аҳамият касб этмоқда. ЎзМУда 2014 йили 30 январда бўлиб ўтган “Таржимашунослик: долзарб масалалар ва истиқболлар”, Самарқанд давлат чет тиллари институти Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда 2012 йил 23-24 ноябрь кунлари ўтказилган “Бадий таржиманинг лингвопозитик муаммолари”, 2014 йил июнь ойида ўтказилган “Бадий таржима ва адабий алоқалар” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бу соҳадаги муҳим ишлардан бири бўлди. Анжуман материаллари ва “Ёш таржимонлар альманахи” алоҳида иккита китоб ҳолида нашр этилди. Қарши давлат университетида ёш таржимонларга алоҳида сабоқлар ўтиллаётир. Бунга раҳбарлик қилаётган доцент Гулноза Одилова шогирди Умида Маҳмудова билан ҳамкорликда “Ўзбек таржимонлари ва бадий таржималар” номли китобни нашр эттирди. Шунингдек, Андижон ва Наманган университетларида ўтказилган илмий конференциялар ҳам ўз самара-

сини бераётир. 2015 йилнинг ноябрь ойида Жиззах давлат педагогика институтида “Бадий таржима: амалиёт, назария ва танқид” мавзусида илмий семинар ўтказилди. Семинар материаллари тўплам ҳолида нашр қилинди. Мана шу жараён республикамизнинг барча олий ўқув юрларида мунтазам равишда давом этса, таржимонлик парвози янада баландроқ бўларди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адбиёти университети”ни ташкил этилгани ва бу даргоҳда ўзбек-инглиз таржима факультети фаолияти йўлга қўйилгани, келажакда етук таржимонлар тайёрлашга муҳим омил бўлади деб умид қиламиз.

Бошқа маданиятга мансуб асар таржима йўли билан миллий маданиятимиз қатламига сингади. Дўрмон ижод уйида Гёте институти билан ҳамкорликда ўтказилган ёш таржимонлар семинари, Тошкент давлат педагогика университетида Озарбайжон Маданий маркази билан ҳамкорликдаги ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларига бағишланган йиғилишлар ҳам ёш таржимонларимизни тарбиялашда аҳамият касб этди.

Мустақиллик шарофати туфайли ўзбек ижодкорлари халқаро адабий анжуманларда қатнашмоқда. Ўзбекистонлик шоирлар овози дунё минбарларидан янграмоқда. Таниқли шоирлар Анвар Обиджон, Эшқобил Шукур, Раим Фарҳодийлар Жанубий Кореяда ўтказилган адабий анжуманларда қатнашгани ва улар асарларининг корейс китобхонларига етказилганлиги ҳам таржимачилигимиз ишлардандир.

АҚШда Динара Султонованинг Навоий ғазалларидан қилган таржималаридан намуналар чоп этилди. Дўрмон ижод уйида ўтказилган ёш ижодкорлар семинари натижасига кўра, ёшларнинг пухта таржималари сараланиб, антология тузилди ва нашрга топширилди.

Тошкент давлат шарқшунослик институтида ёш таржимонлар семинари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, “Китоб дунёси”, “Олтин қалам” газетаси қошида таржимонлар йиғилиши давомий равишда ўтказилмоқда.

Таржима назарияси, таржима тарихи, таржима танқиди, таржима амилиёти, адабий алоқалар ва адабий таъсир масалаларида айрим камчиликлардан ҳам кўз юмолмаймиз. Айниқса, таржима танқиди жуда орқада. Таржима қилинаётган асарларнинг камчилигини ҳам, муваффақиятини ҳам таржима танқиди кўрсатади. Таржима танқидининг муҳим аҳамияти у фан сифатида ёшларимизда соҳага тизимли ёндашишни шакллантиради.

Бугунги кунда таржимонлар олдида катта вазифалар турибди. Таржимонликни ривожлантириш учун биринчи навбатда қилиниши керак бўлган ишлар: таржимашунослик бўйича дарслик ёзиш; таржима марказлари ташкил қилиш; “Таржимон” ёки “Таржимашунослик” номида журнал ташкил қилиш; таржима қомуси, энциклопедиясини тайёрлаш; талантли ижодкорларни таржима ишига жалб қилиш; олий ўқув юрлари билан жаҳондаги таржимонлик мактаблари ўртасида алоқа ўрнатишдир.

Ишонамизки, таржима ишига алоқадор ҳар бир мутахассис юқоридаги таклифлар ечими ҳақида ўйлаб кўради ва амалга оширишда ўзини бурчли деб билади. Мана шунда биз олдимизга қўйган мақсадларимизга тезроқ эришамиз. Зеро, тил мустақиллигини сақловчи воситалардан бири таржимадир.

**Олим ОЛТИНБЕК**

Филология фанлари номзоди. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Республика ва хорижий наشرларда қатор мақолалари эълон қилинган. Каримбек Камий ва Абдулла Авлоний асарларини нашрга тайёрлаган.



ХОККУНИНГ ИЛК ТАРЖИМОНИ

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи замонавий ўзбек шеърятини бир қатор шеър шакллар ва жанрлар билан бойитган шоир. Хокку, танка, рондо, рондел каби жаҳон поэзияси жанрларининг миллий шеърятимизга кириб келиши, бевосита, шоир номи билан боғлиқ. “Хоккулар” номи остида чоп этилган илк учликлари 1963 йилда ёзилган. 1961 йилда таржима қилинган хоккулар эса япон шеърятини билан жуда эрта қизиққанини кўрсатади. Қизиғи шундаки, бу таржималар бугунга қадар эълон қилинмаган. Улар Сулҳида Ёлғиз қўлида сақланаётган дафтарларнинг биридан ўрин олган. Шоирнинг 50-60-йиллардаги ижодини жамлаган йигирмата (ҳозирча топилганлари) дафтар сақланиб қолган. Хоккулар ўрин олган дафтар уларнинг еттинчиси ҳисобланиб, 57 варақ (114 бет)дан иборат. Дафтар рус шоири Иван Саввич Никитин шеърлари таржимаси билан очилади. 12-бетдан шоирнинг ўз шеърлари бошланган. “Таъқиб этса ва сочса ғазаб...” мисраси билан бошланувчи иккинчи шеъри тагида “25. 07. 61” (13-бет), дафтардаги сўнгги шеър ҳисобланган “Майли, ёмғир куйсин асабий...” манзумаси остида эса “27. 11. 1961” (109-бет) саналари қўйилган. Демак 7-дафтардаги шеърлар 1961 йилнинг тахминан 25 июлидан 27 ноябри оралиғида ёзилган. Бу, айти пайтда, дафтар тутилган пайтга ҳам аниқ келилади. Дафтарда Рауф Парфи қаламига мансуб деярли ҳар битта шеърнинг ёзилиш санаси кўрсатилган, аммо хоккулар таржимаси остида сана йўқ. Буни аниқлашнинг биргина йўли бор: улардан олдинги ва кейинги шеърлар санасига эътиборни қаратиш. Хоккулардан олдинги “Мағрур-мағрур сен ташла одим...” деб бошланувчи шеър 22. 11. 1961 да, кейинги “Майли, ёмғир куйсин асабий...” шеъри эса 27. 11. 1961 санасида ёзилган. Демак, бундан маълум бўладики, хоккулар жуда қисқа вақтда – 1961 йилнинг 22–27 ноябрь кунларида таржима қилинган. Бу пайтда таржимон 2-курс талабаси бўлган. Айнан шу пайтда уларга “Бадий таржима назарияси ва практикаси” фани ўтилган. Шоирнинг сабоқдоши Назира Қозоқбоевнинг қуйидаги хотираси эса Рауф Парфининг таржимонлик фаолияти билан боғлиқ тасаввуримизни янада кенгайтиради: “Мухбирлик бўлими талабаларига таржима назариясидан асосан устоз Ғайбулла Саломов дарс ўтардилар. Бу фан бизнинг энг сеvimли ихтисослик фанимиз эди. Амалий машғулотлар давомида домла талабаларни икки гуруҳга ажратиб, икки хил топшириқ берардилар: шеър шакли таржимаси ва насрий матн таржимаси. Шеър шакли таржимасини кўпроқ Рауфга юқтардилар ва унинг таржималаридан беҳад қувонганлари бугунгидай кўз олдимида”.¹ Дарҳақиқат, Рауф Парфи ўқишга киргунга қадар таржимон сифатида бир қадар шаклланиб улгурган эди. Чунки унинг таржимонлик фаолияти 1956 йилдан

¹ Мамлакат Жўрабоева. Бизнинг Рауф // Умр дафтари. – Т., 2016. 117-бет.

бошланган. Ёш шоир хоккуларга қадар тўқсон битга (ҳозирча бизга маълумлари) шеър таржима қилган. Улар жаҳон шеърятининг Гёте, Пушкин, Лермонтов, Кольцов, Фет, Тютчев, Мицкевич, Хейне, Пол Верлен, Брюсов, Блок, Эминеску каби йирик вакиллари қаламига мансуб. Буларнинг барчаси Рауф Парфининг Ғайбулла Саломов дарсларига қадар ҳам таржимада анча-мунча тажриба тўплаганини кўрсатади.

Хоккуларни ўзбек тилига ўгиришга қўл урган Рауф Парфи япон шеърятини билан етарлича таниш бўлган. Дафтарнинг 96-саҳифасида “Учлик” сарлавҳаси остида келган бир бетлик маълумот шунга гувоҳлик беради:

УЧЛИК

Япон поэзиясида хокку деб аталувчи шеърнинг бир тури бўлиб, қисқалиги ва гўзаллиги билан ўзига хосдир. Хоккуда табиат ва табиат орқали инсон кайфияти акс эттирилади. Хокку уч мисрадан ташкил топган қофиясиз шеърдир. Биринчи мисра беш бўгин, иккинчи мисра етти бўгин, учинчи мисра беш бўгин – ҳаммаси ўн етти бўгин бўлиб, бу шакл қатъий эмас.

Хокку ёзиш катта мазмунни оз сўз билан ифода этиш санъатидир.

Хокку тасвирий санъатга яқиндир. Рассомлар хоккуда тасвирланган ифодани расмда акс эттириши ёки шоир рассом чизган суратга қараб хокку ёзиши мумкин. Шамол, булбул навоси, какку овози, умуман, ҳар бир товушининг ўз маъноси бор ва бу ҳар хил кайфият ва ҳиссиёт уйғотади. Эътиборсиз ўқилган учлик ўзининг асл маъносидан маҳрумдир.

Вера Маркова томонидан санъаткорона таржима этилган қуйидаги учликларни ўзбек тилида маънони сақлаган ҳолда беришга ҳаракат қилинди.

ТАРЖИМОН.

Мухтасар бу маълумот, хоккуга оид деярли барча жиҳатларни қамраб олган.

Мумтоз шеърятимизни тасаввуф фалсафасидан ажратиб бўлмаганидек, япон шеърятини ҳам дзэн таълимотидан айри ҳолда англаш мумкин эмас. Айниқса, ёзилиш жараёни дзэнчиларнинг ибодат пайтидаги ҳолатлари билан чамбарчас боғлиқ. Ясунари Кавабатанинг қуйидаги сўзлари бу ҳолатни ҳис этишимизга бир қадар ёрдам беради: “Дзэн мактабида сиғинадиган тасвир йўқ... Бу ерларда доим кўзларни юмиб олиб, дунёдан тўла-тўқис узилмагунча жим, қимирламай ўтирилади. Шунда “мен” йўқолиб, “ҳеч нима” ҳолати юзага келади... Бу – бўшлиқ. Ундаги ҳамма нарса тўсиқлар ва чекловлар ортида бўлади. Бўшлиқ ҳақиқий бўшлиққа айланади. Бу – руҳнинг чексиз Олами! Дзэнда ҳам устозлар бор, улар шогирдларига мондо (савол-жавоб) усули билан сабоқ берадилар, қадимий дзэн битикларини ўргатадилар, бироқ шогирд ўз фикрларига ўзи ҳоким бўлиб қолаверади ва у дилнинг ғайриихтиёрий ҳолатига ўз кучи билан эришади. Бу ўринда мантиқдан кўра *ички ҳиссиёт*, бировдан олган билимдан кўра *ичдан уйғониш* ҳолати муҳим”.² Шунингдек, Кавабатанинг ушбу Нобель маърузасида Сайгё (1118-1190) ижод психологияси билан боғлиқ қуйидаги сўзлари ҳам келтирилган: “Мен ҳам гулларни, какку куш, қор ва Ойни, умуман, турли тимсолларни қуйлайман... Гуллар ҳақида гапирганингда, кўриб турганинг ҳақиқатда ҳам гул эканини ўйламайсан. Худди шунга ўхшаб, Ойни қуйлаб туриб, у ростдан ҳам ой, деб ўйламайсан. Ўрни келади, *илҳом келади, шеър ёзилади*. Қизил камалак пайдо бўлиб, бўм-бўш осмонга ранг киргандек туюлади. Қуёш чарақлайди, осмон мунаввар бўлади... Биз ҳам осмонга ўхшаб қалбимизда турли нарсаларни турли рангларга бўяб чиқамиз, лекин ҳеч қанақа из қолдирмаймиз”.³ Демак, унинг биринчи

² Ясунари Кавабата. Япония чиройидан нур эмган. “Жаҳон адабиёти”, 2010 йил, 8-сон. 166-бет. Қ. Дўстмухаммад таржимаси.

³ Ўша манба. 169-бет.

босқичида иждокор “руҳнинг чексиз Олами”га кўтарилмоғи, иккинчисида унда “ичдан уйғониш” юз бермоғи, ва ниҳоят, қизил камалак пайдо бўлиб, бўм-бўш осмонга ранг киргани ва қуёш чарақлаб, осмон мунаввар бўлганидек, шоирнинг қалби нурга йўғрилмоғи, унда камалакнинг ранг-баранг нурлари каби покиза туйғулар жилваланиши лозим. Ундаги гул, какку, Ой, энди тимсоллар, руҳий олам ҳақиқатини англагучи тимсоллардир. Япон поэтикасида шеърнинг яратилиши билан боғлиқ яна баъзи шартлар бор. Унда бутуннинг бўлагидан фожиа ясаш эмас, бўлакни кўриб бутунни тасаввур қилиш ва яратиш кайфиятини ҳосил қилиш ва ана шу кайфият билан шеър яратиш талаб қилинади. Японча “Туллар йўли”нинг машхур устаси Икэнноба Сэнно (1532-1554) таълимотига кўра: “Бир ҳовуч сув ёки дарахт шохчаси одамнинг тасавурида тоғларнинг улуғворлиги ва дарёларнинг оқиши манзараларини ҳосил қилади”,⁴ “Синган вазада ҳам, қуриган шохда ҳам гуллар бор ва улар киши *дилни равшан қилиш* кувватига эга”.⁵ Дзэн устози Догэн эса: “*Руҳий тиниқишига* йўл бамбуқларнинг шитир-шитирида эмасми? *Қалбнинг барқ уриши* сакурунинг гуллашидан эмасми?”⁶ дейди. Демак, булардан маълумки, япон шеърятининг вазифаси “дилни равшан қилиш”, “руҳий тиниқиш”, “қалбнинг барқ уриши”га хизмат қилиш экан. Рауф Парфи – миллий адабиётимиздаги мана шундай шеърят билан биринчилардан ошно бўлган ва бошқаларни ҳам ошно этган шоир. Унинг: “*Хокку ёзиш катта мазмунни оз сўз билан ифода этиш санъатидир*”, дейиши ҳам хокку қонуниятини яхшигина ўзлашгирганидан далолат беради. Таржимон хоккулар таржимасида ҳам “оз сўз билан катта мазмунни” санъаткорона ифода этишга ҳаракат қилган. Қуйидаги Эса Сёхакудан қилинган биргина учликка эътибор беринг:

Юлдузлар кўкда:
Оҳ, на-да катта!
Оҳ, на-да юксак!

Ҳар учала мисра бир вазнда (3+2) келиши (1); иккинчи ва учинчи мисралардаги бир хил интонация (2); сўнгги бўғинида урғу олган “Оҳ, на-да” сўзларининг вертикал такрори (3); мисралар сўнггидаги “кўкда”, “катта”, “юксак” сўзларининг биринчи бўғинлари бир хил вазнда (ундош+унли+ундош) келиши (4); “кўк-” ва “йўк-” бўғинларидаги ҳамда “на-да” ва “катта” сўзларидаги ўзаро оҳангдошлик (5); яна айнан ўша сўзларнинг иккинчи бўғин иккинчи товуши сифатида битта унли – “а”нинг такрорланиши (6); айнан шу “а”нинг матндаги “на-да” ва “катта” сўзларида икки мартадан келиши (7) хокку оҳангига бошқача жозиба бахш этган.

Рауф Парфи шундан кейин хоккулар таржимасига қайтиб қўл урмаса-да, бошқаларни бу ишга қизиқтириш ва даъват қилишдан чарчамади. Шоира Фарида Афрўзнинг қуйидаги хотираси шундай фикрга келишимизга асос бўлади: “*Бир куни Рауф ака учликлардан иборат бўлган япон хайкуларининг русча таржимасини қўлимга тутқаздилар ва, сиз шунини таржима қилинг, дедилар. Мен китобни у ёқ-бу ёқларига кўз югуртириб чиқдим. Менга ёқмади, жуда жўн ва тайинсиздек туюлди. Бироздан кейин Рауф ака “Хўш”, деб кириб келдилар хонамизга. “Ёқмади, шу ҳам шеърятми?!” дедим. “Йўқ, асло шошманг, ичига киринг”, дедилар. Бироз ранжигандек бўлиб, тезгина чиқиб кетдилар.*

*Мен бу учликларни қайта-қайта, қайта-қайта ўқий бошладим. Рауф ака айтганидек, ичига кирдим ва ўша ерда яшай бошладим. Ўз-ўзидан таржималар қуюлиб келди. Етмиш учта учликни таржима қилдим”.*⁷

⁴ Ўша манба. 167-бет.

⁵ Ўша манба. 168-бет.

⁶ Ўша манба. 167-бет.

⁷ Фарида Афрўз. Қон акам – Рауф Парфи. Кўчирма мақола қўлёзмасидан олинди.



Бугун она тилимизда япон хоккуларининг бир қанча таржималари яратилган. Шоир Хуршид Даврон таржимасидаги “Денгиз япроқлари” ва Жаббор Эшонкул томонидан ўтирилган “Шабнамда ой акси” номидаги тўпламлар япон шеърляти ихлосмандларига тайёрланган зўр тухфа ҳисобланади. Хуршид Даврон ҳам, Жаббор Эшонкул ҳам Рауф Парфи таржималаридан хабарлари йўқ эди, албатта. Шунга қарамасдан, такрор таржима қилинган хоккулар анчагина. Уларни қиёсий тадқиқ этиш алоҳида масала. Шунга қарамай, рус тилидан ўтирган уч ўзбек таржимонининг биргина учлик таржимасига эътиборингизни қаратсак. Бу Мацуо Басё каламига мансуб. Рус тилига Вера Маркова куйидагича таржима қилган:

*О, проснись, проснись!
Стан товарищем моим,
Спящий мотылек!*⁸

Рауф Парфи:

*Оҳ, уйғон, уйғон!
Ҳамдард ўртоғим бўл сен,
Уйқудаги парвона!*

Хуршид Даврон:

*Оҳ, тез уйғон, уйғонгин!
Сен менинг дўстим бўлгин,
Ухлаб ётган парвона!*⁹

Жаббор Эшонкул:

*Уйғон, тезроқ уйғонгин.
Қиёматлик дўстим бўл,
Ухлаб ётган парвона.*¹⁰

шаклида ўзбек тилига ўтирганлар. Ҳар бир таржимоннинг ўз услуби ва малакаси бор. Шу билан бирга, хоккудаги поэтик туйғуни ҳис қилиш қобилияти ва сўз танлаш маҳоратлари ҳам ўзларига хос. Ҳарҳолда, хоккулар таржимасига қўл урганда Рауф Парфи 21 ёшли талаба эди.

Дафтардаги таржима хоккулар фақатгина қоралама нусхада. Нашр этилганлиги ҳақидаги маълумотга дуч келмадик. Уларнинг ҳозирча биз учратган ягона манбаси ҳам шу. Айнан шунинг учун ҳам ушбу таржималардан бир туркумини бор ҳолича нашрга тайёрлаб, адабий жамоатчиликка тақдим этишни лозим топдик.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шоир Рауф Парфининг япон мумтоз шеърлятига оид баъзи қарашлари ва унинг япон хоккуларидан қилган таржималари хусусида сўз боради.

В статье анализируются переводы японского хокку, осуществленные поэтом Рауфом Парфи, а также рассматриваются некоторые взгляды поэта на классическую японскую поэзию.

The article analyzes the translation of Japanese haiku poet Rauf Parfi implemented, and discusses some of the views of the poet in the classical Japanese poetry.

⁸ Басё. Стихи. – М.: «Художественная литература», 1984. Стр. 48.

⁹ Денгиз япроқлари. Япон шеърлятидан. Хуршид Даврон таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 40-бет.

¹⁰ Шабнамдаги ой акси. Хоккулар. Таржимон Жаббор Эшонкул. – Т.: “Зарқалам”, 2006. 16-бет.



ЖАҲОН АДАБИЁТИ



Мацуро БАСЁ

Япон мумтоз шоири. 1644 йилда тугилган. Унинг “Тошкўмир қопи”, “Маймуннинг похол жандаси”, “Далада оқариб ётган сўнгаклар”, “Касимада саёҳат”, “Жаҳонгаишта шоир мактублари”, “Сарасин саёҳати кундалиги” ва “Шимол қоялари бўйлаб” китоблари бизгача етиб келган. Шоир 1694 йилда вафот этган.



Хоккулар

* * *

Гулгун баҳор байрами,
Жулдур чопон бир гадо.
Кимдир ул? Эҳтимол, доно?

* * *

Тол ухлайди бош эгиб,
Гўё унинг жони кабидир,
Бутоқда булбул.

* * *

Шохдан-шоҳга учади
Оҳиста маржон томчи.
Баҳорий ёмғир.

* * *

Улуғвор киёфада
Бокмас гилос гулига
Танҳо қайин дарахти.

* * *

Оҳ, уйғон, уйғон!
Ҳамдард ўртоғим бўл, сен,
Уйқудаги парвона.

* * *

Якка кулба устунин
Қаттиқ тақиллагар
Ўрмон арбоби.



* * *

Шубҳаланма!
Денгизнинг ўз баҳори бор –
Тўлқин гуллари.

* * *

Оҳ, қутлуғ завқ-шавқ!
Яшил ва ёш япроққа
Оқар кун нури.

* * *

Поёни йўқ денгиз хайқирар,
Ҳали йироқ садо қирғоғи,
Сомон йўли ёзилур.

* * *

Бу қандай азоб?
Дорда кичик қафасда
Асир чигиртка.

* * *

Тинч сой сабоси.
Чой яхши! Шароб яхши!
Ойдин кеча яхшидир!

* * *

Тун. Зимистон. Мен ётдим,
Чирокқа йўқ мой... Бирдан
Деразадан боқар ой.

* * *

Кифтимга олайн, онажонгинам,
Қайноқ ёшим ила эритай
Сочингда оқ қировни!

* * *

Биринчи қор юзида
Қиш тонги гўзал кўринур
Бадбашара қарға ҳам.

* * *

Кўза синди чарсиллаб,
Сув бор экан, музлабди,
Мен уйғондим дафъатан!



* * *

Кеч кузак пайти.
Танҳоликда ўйлайман:
“Қўшним ҳоли не кечди?”

* * *

Ҳасрат тўла қалб,
Бутун ғаму ҳаяжонни
Барно тол учун бахш эт!

* * *

Чор агрофдан
Олча барглари учади
Нио кўлига.

* * *

Узун кун бўйи
Баҳор чоғи қуйлашдан
Ҳеч тинмас тўрғай.

* * *

Капалакнинг парвози,
Тонг қуёш нури ила
Уйғотар тинч далани.

* * *

Мағрур туради
Боқмай олча гулига
Танҳо бир эман.

* * *

Тағин қалбда тирилди
Ота-онам ҳасрати.
Дод солар тоқ қирғовул!

* * *

Бу жажжи буғу
Будда туғилган куни
Дунёга келди.

* * *

Ел эсар замон
Тол шохи бутуғидан
Учар капалак.





* * *

Пион гул даргоҳидан
 Болари дардчил кетар,
 Ох, ул ночор айрилар!

* * *

Чавандоз! Отни ҳайда,
 Дала бўйлаб у томон.
 Унда куйлар какку куш.

* * *

Зарпечак гули.
 Менга у ҳам ва лекин
 Дўст эмас ортик.

* * *

Ўчоқ ёнида,
 Ҳамма унут...
 Йиғлар чигиртка.

* * *

Мен ҳасратгарни
 Ортик ғам ила тўйғаз,
 Олис какку фироғи.

* * *

Ярқирар шудринг.
 Унда бор ғам белгиси,
 Унутманг зинҳор.

* * *

Мен билан бир гўшада
 Икки қиз: гул шох бири,
 Бири танҳо ой.

* * *

Куз ҳам тугади!
 Аммо кўзга нур берар ҳамон
 Кўм-кўк мандарин.

* * *

Кўчиб юргувчи ўчоқ.
 Шундай, сайёҳ учун ва сенга
 Ҳеч қаерда ором йўқ.



* * *

Оҳ, енгил-енгил
Осмон бўйлаб сузади
Булутлар ва ой.

* * *

Ёдингдами ўша қор, дўстим?
Бултур кўрган эдик сен билан,
Наҳот ўша қор яна ёғар?

* * *

Она қишлоқ ёдимга тушди.
Унга киндик қоним тўкилган,
Мен йиғлайман йиллар ғамида.

* * *

Тинчиди куз қуюни.
Ундан қолган нарса фақат шу –
Олис тўлқин шовқини.

Рус тилидан Рауф ПАРФИ таржимаси



Рауф ПАРФИ

Ўзбекистон халқ шоири. 1943 йилда тугилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. “Карвон йўли”, “Акс-садо”, “Тасвир”, “Хотирот”, “Кўзлар”, “Қайтиш”, “Сабр дарахти”, “Сукунат” каби шеъррий китоблари нашр этилган. Шоир 2004 йилда вафот этган.



ТАҲЛИЛ



Маҳкам МАҲМУДОВ

Филология фанлари номзоди. 1940 йилда тугилган. Ўрта Осиё университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетида таҳсил олган. “Талант ва ижод фалсафаси”, “Абадият лаҳзалари”, “Орифи маоний”, “Кешга баҳор келди” каби илмий ва бадиий асарлар муаллифи.

ИЖОДКОРНИНГ ЧИН МАҚСАДИ – “ЮКСАКЛИК”

Арасту “Поэтика”си, Гораций “Поэзия”сидан сўнг энг шуҳрат қозонган назарий асар “Юксаклик” бўлган. Бу асар бир муддат унутилиб, фақат Уйғониш даврига келганда қайта нашр этилган ва жуда кўп тилларга таржима қилинган.

“Юксаклик” муаллифи милондинг III асрида яшаган галикарнасли Дионисий, ёки ундан бир аср аввал ўтган Кассий Лонгин, деб келинар эди. Асарда яққол сезилиб турган фикрлар теранлиги ва юксаклиги, мулоҳазалар шиддати ўқувчида ёрқин таассурот қолдиради. Аммо, асарда Октавиан Август даврида ўтган Цицерон ва Цецилий каби алломаларнинг тилга олиними, милондинг I-II асрларида яшаган нотиклик ва фалсафа олимлари Квинтилиан, Лактанций, Тертуллиан, Ориген ва Плотин номлари учрамадлиги у I асрда ёзилган деган хулосага олиб келади. Асарда Гомер, Гесиод, Архилох, Сапфо, Пиндар, Вакхилид, Софокл, Эврипид, Демосфен, Горгий, Гиперид, Афлотун, Арасту каби буюк шоирлар ва нотикларнинг асарлари чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф (Лонгин) асарни римлик шогирди, жамият олий табақасига мансуб Постумий Терентсианга сабоқ бераётгандай услубда ёзади. Лекин, қадимшунослар бу шогирднинг кимлигини ҳам аниқлай олмади. Асарнинг рус таржимони, қадимшунос Чистякова муаллифни машҳур Рим олимлари Квинтилиан, Плиний, Петроний Арбитр, Корнелий Тацитларнинг замондоши, деб ҳисоблайди. Биз эса асарда бу машҳур номлар ва улар фикрларига муносабат учрамагани сабабли, муаллиф аввалроқ яшаган, деб ўйлаймиз.

Асар муаллифи минг йиллар давомида Лонгин деб келингани сабабли кейинги давр олимлари уни Лонгин тахаллусли киши асари деб атади. Асарда Гомернинг Мусо пайғамбарга ўхшатилишини олимлар кейинчалик қўшилган деб ҳисоблайди. Бу асарни I асрда яшаган Кассий Лонгин эмас, балки III асрда ўтган Лонгин Филархей деб тахмин қилишга етарли асос йўқ.

Асар муаллифи кўп ўринларда ўша вақтда (Юлий Цезар даврида) шуҳрат қозонган нотик Цецилийни танқид қилиб, сўз санъати хусусидаги қарашлари бирёқлама ва юзаки эканлигини асослаб беради ва чин юксаклик ижодкорнинг мақсади, ғояси, фикрлари, табиати ва руҳи баландлиги билан боғлиқлигини



Гомер, Эврипид, Софокл, Афлотун, Арасту Демосфен ва бошқа сўз усталарининг асарларини чуқур таҳлил қилиш асосида исботлаб беради.

Милоддан аввалги I асрда Юлий Цезар ўлимидан сўнг, республика тузумини йўқ қилиб, сенатнинг кучини заифлаштириб, Римни империяга айлантирган ва бир жиҳатдан ўзаро биродарлик урушларига чек қўйиб, иқтисод ва маданиятни ривожлантирган Октавиан Август Цицероннинг ўрнини тўлдириш учун бўлса керак, Пергамдан (Бобил) машҳур нотик Аполлодорни Римга таклиф этган ва устоз деб қабул қилган. Аполлодор нотиклик санъатини асосан тил қоидалари билан боғлиқ сўз айтиш санъати деб тушунган. Нутқ олими Цецилий Аполлодор шогирди бўлиб, номи ўхшаш “Юксаклик” асарида сўз тузиш, маъно англатишда маҳорат, санъаткорликни биринчи ўринга қўйган. Бу асарни танқид қилган Лонгиннинг “Юксаклик” асарида эса, сўз санъаткорлиги эмас, балки адиб, шоир, нотикнинг инсоний фазилатлари, адолатсеварлиги, рухий оламининг гўзаллиги биринчи ўринга қўйилади. Мазкур илмий рисолада Арасту “Поэтика”сининг асосий қоидалари янада ривожлантирилган.

“Юксаклик” асарининг тақдири ва топилишда ҳам қандайдир сирлилик бор. Тарихчилар, филолог олимлар аниқлашича, бу асарнинг борлигини минг йил давомида ҳеч ким эсламаган. Эллинизм даврида ҳам (I-IV асрлар), масихийлик даврида ҳам олимлар бундай асар борлигини билмаган. X асрда Византияда бир хаттот Арастунинг “Физика” асарида қайта нусха кўчираётганида, пергамент охирида бир неча варақ бўш қолган ўринларга “Юксаклик” асарини ёзиб, тўлатиб қўйган. Муаллифи номаълум бу асар яна беш аср топилмаган. Фақат 1453 йили Константинополь турклар томонидан босиб олинган пайтда қадимий қўлёзмалар тўпловчиси Иоанн Ласкарис Италияга қочиб, китоб хазинасини ўзи билан олиб кетган. Қўлёзма бир ҳукмдордан бошқа ҳукмдор хазинасига ўтиб, XV аср охирида Флоренция қироличаси Екатерина Медичи хазинасига келиб тушган. Арасту асарига қўшиб, муқоваланган қўлёзма шундан сўнг Франция қироли Генрих IV га тортиқ қилинган. Кейин бу ноёб қўлёзма Париж миллий кутубхонасидан ўрин олган. XVI-XVII асрларда Никкола Буало даврига келиб, бу дурдона асар жуда шуҳрат қозонган.

Франция қироли Людовик XIV даврида яшаган мазкур асар таржимони Никкола Буало ўша вақтда авж олган “Қадимгилар ва жадидлар” баҳсида ҳакамлик қилган, “Юксаклик” китобидаги поэтика қоидаларилардан келиб чиқиб, “Танкидий мулоҳазалар” асарини ёзган. “Поэзия санъати” асарини ёзишда ҳам бу китобдан кенг фойдаланган.

Асар муаллифи Афлотун издоши Посидонийнинг турли халқлар фалсафий қарашларида умумий хусусиятлар мавжудлиги ғоясига қўпилади. Посидоний фикрича, инсон ва ахлоқ, табиат ва илоҳ, табиат ва рух, қул ва озод, тафаккур ва ҳиссиёт бир-бирига баъзан қаршилик қилса-да, буларнинг барчаси бир манбадан келиб чиққани учун ўзаро мувофиқ келиши зарур. Асар таржимони Чистякова фикрича, муаллиф Посидонийдан кўра Арасту қарашларига кўпроқ эътибор беради.

Муаллиф Афлотуннинг санъатга, жумладан, шеърятга салбий қарашига қўшилмаган ҳолда, унинг ўзи буюк санъаткор эканлигини, илоҳий илҳом билан ёзганлигини далиллаб беради. Афлотуннинг “Давлат” асарида куйидаги фикрларини намуна қилиб келтиради: “Илм нелигини, фазилат нелигини билмайдиган, бутун умрини базму кўнгилхушликлар билан ўтказувчи одамлар тубанлашиб кетади ва ҳаёт сўқмоқларида адашиб, улоқиб юради. Бундайлар ҳақиқат осмонига бирор марта қиё боқмайди, у томонга парвоз қилмайди, мангу ва мусалфо севинч таъминини тоғиб кўрмайди. Бундайлар катталарга бош эгиб, еб-ичиб,

бир-бири билан қовушиб, ўглаб юрган ҳайвонларга ўхшайди. Улар очкўзлиги туфайли бир-бирини уриб, темир шохлари (қиличлари) билан сузиб, туёқлари билан тепкилайди”.

Муаллиф яна ёзади: “Афлотун бизга юксак услубни эгаллашнинг яна бир йўлини кўрсатади. Бу қандай йўл ва уни қандай топиш мумкин? Ўтмишдаги буюк адиблар ва шоирларга тақлид қилмоқ, уларга эргашмоқ йўлидир. Мана шуни дўстим, сира унутмайлик¹. Гомерга фақат Геродотгина эмас, аввалгилар, Стесихор ва Архилоҳ ҳам эргашган. Лекин, Гомерга эргашганларнинг энг улуғи Афлотундир. У Гомер дарёсининг сон-саноксиз ҳаётбахш ирмоқларидан сув ичган. Бу фикр исботи учун кўп далиллар келтириш мумкин. Лекин Аммонийнинг шогирдлари мендан аввалроқ бу ариқ ва жилғаларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиб чикдилар”².

Баъзи олимлар бу ерда Плотиннинг устозларидан бири Аммоний Саққо ҳақида эслатилган, дейди. Агар шундай бўлса, “Юксаклик” асарининг муаллифи биз тахмин қилган Плотиннинг шогирди Лонгин Филархей бўлиб чиқади. Чунки, Аммоний ҳар бири мингдан зиёд ажойиб асарлар ёзган Ориген ва Плотинга устоз эди. Порфирий ва Лонгин эса Плотиннинг шогирди бўлган. Лекин, бу фикримиз илмий тахмин, холос.

“Тақлид – ўғрилиқ эмас, – деб ёзади рисола муаллифи. – Тақлид инсон қўли ва акли билан ясалган гўзал асарнинг ўхшашини ижод қилишдир. Агар Афлотун жонжаҳди билан Гомердан ўзиб кетишга интилмаганида унинг фалсафий қоидаларига айланган фикрлари, ғоялари бу қадар шеърятга яқин ва бу қадар юксак ва яшовчан бўла олмас эди. Афлотун Гомер олдида ўйнаётган болага ўхшаса-да, ҳар ҳолда бу бола Гомер билан мусобақа киришган эди ва бу нарса унга фақат фойда берди”. Доимо буюклар билан мусобақа шон-шухрат келтиради. Бу янглиғ баҳслашувда жуда кучли ва тажрибали курашчилардан энгилиш уят эмас. Лекин, буюклар билан ижодий мусобақага киришган санъаткорнинг руҳий олами ва ижодида ҳам буюклик аломатлари бўлиши лозим. Акс ҳолда жуда кўп заиф шоирлар каби графомания касалига учраш мумкин. Баҳс-мусобақа шам билан куёш, чумоли билан арслон, лайча билан фил ўртасида эмас, Гомер ва Афлотун, Демосфен ва Фукидид ўртасида бўлиши мумкинлигини эслатади. Булар орасида айни Гомер билан Демосфен қиёслашга муносиб зотлар. Бундай улуғ зотлар билан беллашув бениҳоя масъулиятли, бундай ижодий мусобақада буюк устозлар ҳам ҳакам, ҳам гувоҳдир. Лекин, улуғлар билан мусобақага кировчи ижодкор бўлгуси авлодлар қандай ҳукм қилар экан, деб руҳлангани ва ҳаяжонлангани яхши, лекин улар ҳукмидан қўрқиб, қалтираб ёзиш ҳам яхшилиқка олиб келмайди.

Кейинги бобларда муаллиф тил ва услуб жиҳатидан нотиклик санъатида ўзгача, прозада ўзгача ва поэзияда ўзгача йўллар билан юксакликка эришилади, деган фикрни билдириб, Гомер, Эсхил, Эврипид, Демосфен асарларидан намуналарни келтиради. У Эврипиднинг бизгача етиб келмаган “Фазтон” трагедиясидан Гелиоснинг Зевс ўғли Фазтонга насиҳатларида самовот манзаралари тасвирланган мисраларни келтирар экан, гўё шоирнинг ўзи асов тулпорлар қўшилган шоҳона аравада учаётгандай ҳис қилишини айтади. Эсхилнинг “Еттовлон Фивага қарши” трагедиясидан Уруш ва Даҳшат маъбудларига қасам ичиб, қонли қурбонлик қилаётган қаҳрамонларнинг даҳшатли сўзларини мисол қилиб келтиради. Эсхилнинг “Занжирбанд Прометей” ва бошқа трагедияларида

¹ “О возвыщенном: М. –Л. Изд. “Наука”, 1966, стр. 29.

² Ўша жойда.

ҳам улуғвор сахналар кўп. Бу шоир ҳақли равишда “Трагедия отаси” деб шуҳрат қозонган. Прометей даҳшатли азоблардан кўркмай, ер юзидаги одамларни қоронғиликдан ёруғликка олиб чиқишни мақсад қилгани, энг улуғвор ҳодисалардан биридир.

Аристобул ўғли Плутарх асарларида қаҳрамонларнинг юксак ва улуғвор ишлари самимий, ҳаққоний тасвирланиши ҳам бизни ҳаяжон ва ҳайратга солади. Лекин, Лонгиннинг Плутарх асарларидан намуна келтирмагани ундан аввал ўтганлигини билдиради. 10-фаслда юнон шоираси Сапфодан келтирилган маъшуқанинг нозик ва мураккаб рухий ҳолатлари тасвирланган парча Плутархнинг “Қиёсий ҳаётномаларида” ҳам бир хил ифодада учраши ғалати. Муаллифнинг инсонпарварлик, ор-номус, адолат, ҳурлик ҳақидаги қарашлари ҳам Плутарх қарашларига яқин.

Милоднинг I асрида, ҳали “Инжил” китоб қилинмасдан туриб, “Юксаклик” асарида Мусо пайғамбарнинг тилга олинishi ҳам ажабланарли. Тарихчи олимлар Я.Толли, Д.Рункелар аниқлашича, Рим императори Гай Калигула даврида, милоднинг қирқинчи йилида Римга элчилар бошлиғи бўлиб келган яҳудий файласуфи Филон, Иосиф Флавий ва Лонгин билан учрашган ва уларга “Таврот” (“Септуагинта”) ҳақида маълумот берган.

Асарнинг кўп ўринларида муаллиф Гомер “Илиада”сидан парчаларни улуғворлик намунаси сифатида келтирар экан, таҳлил давомида ўзи ҳам юксак фикрлар, тасвирлар билан ҳайрат ва ҳаяжон уйғотади. У само, ер, уммонда маъбудлар урушини Гомер худди ўзи катнашгандай тасвирлашини айтар экан: “Гомер Троя қаҳрамонларини илоҳий даражага кўтарди, илоҳларни эса ғазаб, нафрат, қасоскорлиги билан инсоний қилиб, пастга туширди”, деб ёзади. Юз бериши мумкин бўлмаган воқеалар, муболаға, фантастик тасвирлар шеърятга ярашади, лекин прозада мумкин қадар аниқ, реалистик тасвирлар яхши ва гўзалдир. Бу қоида кейинчалик ўзгарди. Франсуа Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” романларида юз бериши мумкин бўлмаган, ажойиб-ғаройиб воқеалар ишонарли қилиб тасвирланди. Шеърятда эса, романтик, сирли ҳодисалар (С.Кольриж), реалистик тасвирлар (Байрон) ўзига хос жозиба касб этди.

Шундан сўнг муаллиф Демосфеннинг “Гулчамбар” номли нутқидан озодликни бой бериш энг мудҳиш фожиа эканлигини келтиради: “Виждонсиз, хушомадгўй одамларга лаънатлар бўлсин, ана шулар ватанини майиб-мажруҳ қилдилар, эркини аввал Филиппга, сўнг (македониялик) Александрга сотиб едилар. Улар ўз жиғилдони ва шармандали хою ҳаваслари, хирсларини бахт-иқбол деб ўйладилар. Озодлик авваллари греклар учун бахт ва саодат эди, бу саодатни виждонсиз, хушомадгўй одамлар оёқости қилдилар...” Бу ерда Ватан хоинларига ғазабнинг ўзи ҳар қандай бадиий воситаларга нисбатан улуғвордир.

Бошқа ўринда муаллиф, Ксенофонт ва Афлотун асарларидаги гўзал ва юксак ўринларда қутилмаган ташбеҳларни, истиораларни нутқнинг содиқ ҳимоячилари, деб мақтайди. Афлотун бир асарида инсон танасини таърифлаб ёзади: “Инсон бир шаҳар бўлса, боши бу шаҳар қалъаси, тили таъми текширувчи, лаззату қайғуларга элтувчи тузоқ – юракдаги қон томирлари, асаб бузилса, юракни асровчи парёстик – ўпка, қаҳр-ғазаб – эркалар хонаси, ҳавас-истаклар – аёллар хонаси. Инсон танаси бир боғ бўлса, Худо боғдаги ўсимликларни суғориш учун қон томирларидан ариқлар очиб қўйибди. Ўлим келганида кема арқонлари узилгандай, руҳни чирмаган арқонлар кесилиб, озодликка чиқади”.

Бадий жихатдан ҳамма нарса ўрнида, камчиликсиз, равон ёзилган асарга нисбатан камчиликлари учраса ҳам теран маънолар хазинаси бўлган асар улуғвордир. Хатосиз, эҳтиёткорлик билан ёзилган асар тил, услуб жихатидан гўзал, мукамал бўлса ҳам унда курашлар, юксак парвозлар йўқлиги сабабли арзимас ва ўртача бўлиб қолаверади. Улуғвор асарларда маънолар юки вазмин, салмоқли маҳобатли бўлгани сабаб, баъзи жойлари йўнилмаган, сайқал топмаган, кўпол кўриниши мумкин.

“Гомер ва бошқа буюк шоирлардан мен ҳам жуда кўп камчиликлар топганман, лекин улардаги нуқсонлар тасодифан, даҳо шоирларнинг баъзи нарсаларга эйтиборсизлиги туфайли келиб чиққан ва бу камчиликлар гўзалликдан онгли чекинмиш эмас. Бундай асарларда етишмовчилик бўлса ҳам руҳий олам улуғворлигини тасвирлангани билан кадрланишга сазовор. Аполлоний³ “Аргонавтлар” поэмаси билан яхши шоир эканлигини кўрсатган бўлса ҳам, Феокритнинг буколика шеърлари шон-шухрат чўққисига чиққан бўлса ҳам, наҳотки Гомер эмас, Аполлоний бўлишни истасанг? Эратосфеннинг камчиликлардан ҳоли “Эригона” номли поэмасини, наҳотки илҳом парвозида, баъзи кераксиз нарсаларни ҳам кўшиб, осмонга олиб кетган Архилохдан баланд деб ўйлайсан? Хор поэзиясида, наҳотки Пиндарни эмас, Вакхилидни, трагедия санъатида Софоклни эмас, Хиослик Ионни⁴ устун деб ўйлайсан? Тўғри, Вакхилид ва Ион шеърият қоидаларида сира янглишмаган, лекин Пиндар ва Софокл юксак парвоз қилиб, илҳом нури билан теварак атрофни ёритганда юксакдан йиқилиб тушишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди. Шундай экан, наҳотки ақли жойидаги одам Ион асарлари Софоклнинг биргина “Эдипи”га тенг келмаслигини билмаса?”

Асарнинг 14 та фаслида маъно, фикр, ғоя улуғворлиги, юксаклиги ҳақида фикр юритган муаллиф 15-фаслдан бошлаб, бадий воситалар, риторик фигураларнинг аҳамиятини тушунтиришга ўтади. Бу ерда у Эллада озодлиги учун Македония истилочиларига қарши курашган саркардаю нотиқлар Гиперид, Демосфен нутқларидан энг яхши ўринларини таҳлил қилади.

Демосфен Эллада саркардаси сифатида мил.ав. 338-йилда Херонея жангида ғолиб чиқади, аммо кўп талофот кўради. У, доно раҳбар сифатида халқнинг руҳини кўтариш мақсадида Ватан учун жангга ҳалок бўлганларни мактаб, уларни элладаликлар форслар устидан ғалаба қозонган Марафон (мил.ав. 490) ва Саламин (мил.ав. 480) жанглари қаҳрамонлари билан тенглаштиради ва уларнинг руҳлари гулчамбарга лойиқ, дейди. Демосфен кўпчилик нутқларида Элладани Македония қўл остига ўтиши тарафдори бўлган нотиқ ва лашкарбоши Эсхинга қарши чиқиб, унинг далилларини йўққа чиқаради. Рисола муаллифи (Лонгин) бундай нозик сиёсат вақтида нотиқлик унсурларини бадий воситаларда сездирмай, пардалаб қўллашни маслаҳат беради. Ва аксинча баъзи дадил ва юксак фикрларни пардалаб ўтирмай, очик-равшан айтиш ҳам яхшилик келтиради. Агар пардалаб айтилса, давлат арбоблари “Бу нотиқ бизни алдаяпти” деб, жаҳли чиқиши мумкин, дейди.

Сўзлаш вақтида нотиқ тўғрилиқча ва айланма, билвосита савол бериб, ўзи бу саволга жавоб бериши ҳам нотиқлик унсурлари жумласидандир.

³ Родосли Аполлоний (мил. ав. 295-215 й.) эллинизм давридаги Искандария шоири. У “Аргонавтлар” поэмаси билан Гомерга эргашган.

⁴ Афлотун “Ион” асарида бу шоир Омир (Гомер) дostonларини куйловчи бахши, деб тасвирлайди.

* * *

Нутқда мазмунни кучайтириш учун эргаш гапларни боғловчисиз кетма-кет қалаштириш ҳам тингловчиларда ҳаяжон уйғотади. Ксенофонт бир нутқида: “Ҳар икки томон жангчилари қалқонларини уриштириб, найзаларини бири-бирига жон чиқарга санчиб, ўлар эдилар”, дейди. Муаллиф 20-фаслда Демосфен бир нутқида боғловчисиз эргаш гаплар билан маънолар теранлигини ошириб, катта таъсир кучига эришганлигини айтади. Нотик, озодлигини йўқотган халқни ғолиблар одам ўрнида кўрмаслигини айтиб, огоҳлантиради. “Жабрланган одам тасаввур қилолмайдиган нарсаларни душман жангда ғолиб келгач, золимонна муштлари билан эмас, балки хулқи, қараши, сўзлари билан ҳам кимлигини кўрсатади”. Исократга эргашган нотиклар эса, бу жумлага “билан”, “сўнг” каби боғловчилар кўшиб, гапни сайқаллаб, силлиқлаб, нутқнинг ўткир жойларини ҳам рандалаб юборадилар.

Муаллиф Афлотун каби сунъийликдан табиийликни устун кўяди. Нутқда (бадий асар тилида ҳам) муаллиф аввал бир муҳим фикрни айтиб, сўнг уни тугатмай, янги-янги фикрларга ўтиши, яна аввалги фикрига қайтиши, келишиклар, уюшиқ бўлаклар ва турли оҳанглари кўшиб юбориши ҳам табиийлик сифатида кучли таъсир кўрсатади.

Ўтмишдаги қизиқарли воқеаларни худди ҳозир юз бераётгандай, ҳозирги замон феълида, жонли тасвирлаб бериш ҳам нутқнинг қадрини юксалтиради.

Муаллиф 26-фаслда Херодот асаридан бир парча келтиради: “Элефантина шаҳридан (кемага чиқиб) юқорига қараб сузасан ва бирпастда текисликка етасан. Бу вилоятдан ўтганидан сўнг бошқа кемага чиқиб, икки кеча-кундуз сузгин, шундан сўнг бир катта шаҳар келади, у шаҳарни Мурсия дейдилар”. Бу парчада муаллиф Херодотнинг услубидаги бир хусусиятга: у

ўзини кўпчилик билан эмас, бир одам билан суҳбатлашаётгандай ҳикоя қилишига эътиборимизни қаратади. У, кейинги, 27-фаслда Гомер “Илиада”сида Гектор тилидан гапиришига, яъни ўзини Гектор ўрнига қўйиб сўзлашига, кўчирма гапни ишонарли чиқишига эътибор беради. Бу ерда Гомер ҳолатнинг кескинлигидан келиб чиқиб, сўзловчи шахсларни тез-тез ўзгартиради.

Кейинги 28-фаслда муаллиф бадий санъатлардан мажоз нутқни улуғвор қилишини айтади. “Мусиқада асосий оҳанг атрофида ёрдамчи оҳанглари бўлганида чиройли жаранг берганидай, асосий ибора атрофида мажозлар бўлса, маънони юксалтиради. Лекин, бу ишда жуда эҳтиёт бўлиш, ясама ва сунъий сўзлардан қочиш зарур. Афлотун қаҳрамони дафн маросимида сўзлар экан, марҳумлар борар ери ҳақида: “Тақдир насиб этган йўлга сизларни бутун шаҳар аҳли, ҳар бирингизнинг яқинларингиз кузатишга чиқдилар”, дейди. Ксенофонт асарида эса лашкарбоши жангчиларни руҳлантириш учун: “Сизлар машаққатни саодатга элтувчи деб билдингиз. Сизлар жангчига энг ярашадиган бойликни – халқ мақтовини қалбингизда олиб кетяпсиз”, дея ҳайқиради.

Муаллиф 30-фаслда ажойиб ва гўзал сўзларни ўринсиз жойларда ишлатилса, трагедия қаҳрамонининг роли ақлсиз гўдакка бериб қўйилгандай кулгили, сунъий ҳолатлар келиб чиқишини айтади. Демак, нотик, шоир, драматург ажойиб улуғ сўзларни, табиатан, улуғ қаҳрамонлар номидан, зарур бўлганида ўз номидан ҳам айтган пайтларда улуғворликка эришади. Лекин, ҳозирги айрим саводсиз суҳандонларимиз, истеъдодсиз кимсалар: “Биз сизларга ташриф буюрдик”, яъни келишимиз билан сизларни шариф қилдик, каби юксак сўзларни ҳар жойда айтадилар ва сўз қадрини туширадилар.

Яратувчи бизга ато қилган руҳимиз нақадар тиниқ бўлса-да, кичик жилғалар, ариқлар эмас, балки дарё, денгиз, океан бизни кўпроқ қизиқтиради. Бизни ердаги равшан чироқлар эмас, балки самодаги юлдузлар, ўчоқдаги олов эмас, Этна вулкони олов лаваларини оқизиб, атрофга бутун-бутун тоғ бўлақларини отиб ташлаши ҳайратга солади... Гапнинг қисқаси, одамлар одагий, ўзига керакли нарсаларга бепарво қарасалар-да, кутилмаган, ажойиб-ғаройиб нарсаларни кўрганда ҳайратдан ёқа ушлайдилар.

Муаллиф 36-фаслда юқоридаги фикрларига хулоса қилиб шундай дейди: “Улуғ адиблар асарларида барча инсонлар учун зарур, фойдали, юксак, улуғвор ҳодисалар тасвирланган, бундай муаллифлар (яъни, Гомер, Гесиод, Эсхил, Софокл, Эврипид, Херодот, Фукидид, Ксенофонт, Демосфен, Афлотун, Арасту, Цицеронлар) ҳар қандай хато, камчиликларга қарамай, бутун инсониятга нисбатан, юксак парвоз қилган улуғ инсонлардир. Чунки, буюк ва юксак ҳодисалар одамларни илоҳий ақл-идрок сарҳадларига яқинлаштиради, қолган барча ишлар эса фақат инсон тирикчилиги учун зарур оддий нарсалардир. Гомер, Демосфен, Афлотун асарларидаги хато-камчиликларни бир жойга тўпласак, бу устозлар асарларидаги нуқсонлар шубҳасиз буюк фазилатлари олдида арзимас, кичик бўлиб қолади. Шу сабабли, ҳамма замонлардаги инсонлар бахиллик ва ҳасаддан ақллари озмаган бўлса, улуғ зотларга ҳурмат-эҳтиром билдиради”.

Муаллифнинг яна бир фикри Афлотунга ҳамоҳанг бўлиб, филолог олим, айни пайтда файласуф эканлигини кўрсатади: “Санъат асарлари ҳар қанча улуғ бўлса ҳам, улар табиатга таклид, табиатнинг тасвирлари, асл табиат эса, янада улуғвордир”. Муаллифнинг бу фалсафий қарашлари ўз вақтида Плотин, Порфирий, Буало, Кант, Шиллер, Лессинг, Белинскийлар дунёқарашига таъсир кўрсатди.

ҲУКМАТ

**Удуаларнинг иши афв айламақдур.
Кичиклар узр учун бел бойламақдур.
Мусулмонлиқада иуқ кину аговат,
Дила афву агодат жойламақдур.**

Абдулла АВЛОНИЙ

Адабий ҳаёт

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимизнинг асосчиси Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар, адабий-бадий нашрлар ходимлари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг улуғвор ҳаёт йўли ҳақида сўз юритганда, энг аввало Юртбошимизнинг 1989 йилда жамиятимизда юз берган мудҳиш воқеа-ҳодисаларга барҳам бериб, халқимизни жипслаштиргани ҳамда мустақиллик сари матонат билан дадил йўлга бошлаганини эсга оламиз, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. – Юртбошимиз Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилиб, чорак асрда мана шундай ривожланган мамлакат даражасига кўтарди. Ислом Каримов сиймоси нафақат халқимиз, балки бутун инсоният миқёсидаги улуғ йўлбошчилардан бири саналади. Бунга Самарқандда бўлиб ўтган мотам маросимида қатнашган хорижий меҳмонларнинг самимий эътирофлари ҳам ёрқин далилдир.

Тадбирда сўз олган адабиётшунос олим, академик Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам, таниқли шоирлар Иқром Отамурод, Нодир Жонузок, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Шарифа Салимова, адиблар Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Абдуҳаким Фозилов, Миразиз Аъзам адабиётшунос олимлар Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов, Шухрат Ризаевлар Ислом Каримовнинг тарих ва миллат олдидаги буюк хизматлари хусусида дил сўзларини изҳор этар эканлар, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сўнмас хотираси барчамизнинг қалбимизда абадий сақланиб қолишини, шу билан бирга, азиз Юртбошимизнинг улуғвор ишларини давом эттириш учун астойдил бел боғлаганликларини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида жорий йилнинг тўққиз ойлик якунлари ва сўнгги чорак режаларига шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг дастурий маърузасини чуқур ўрганиш ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али жорий 2016 йилнинг ўтган даврида уюшма томонидан амалга оширилган ишлар ва ижод аҳли учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда улар фаолиятига бўлган юксак эътибор хусусида тўхталиб ўтди.

Кўрсатиб келинаётган доимий ғамхўрликларга жавобан, ўз навбатида ижодкорлар ҳам мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий жараёнларнинг фаол, фидойи иштирокчисига айланишга бел боғлаган юзлаб ижодкорлар “Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан” рукнида уюштирилган ижодий сафарлар асносида олис ва яқин манзилларда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, таассуротларини матбуот саҳифаларида акс эттириб келмоқдалар.

Мамлакатимиз ва дунё миқёсида кенг нишонланган буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллик юбилеи муносабати билан ул зотнинг асарлари жаҳоннинг ўн тўртта тилига таржима қилинмоқда. Хусусан, рус тилидаги “Сокровищица мыслей” номли тўплам нашрдан чиқди. Хусусан, ўзбек шоирларининг улуғ алломага бағишланган асарларидан иборат “Ҳазрат Навоийга эҳтиром” китоби, Ойбекнинг “Навоий” романининг инглиз тилидаги таржимаси нашр этилмоқда.

Ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш – уюшманинг доимий эътиборидаги вазифа саналади. Хусусан, шу кунга қадар эллик уч нафар ёш ижодкорнинг биринчи китоблари “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида нашр этилди. Жумладан, бу йил ҳам “Биринчи китобим” лойиҳасида 11 нафар истеъдодли ёш ижодкорларнинг илк китоблари 20 минг нусхадан нашр этилди.

Йиғилишда иштирок этган ўнлаб таниқли ижодкорлар ва адабиётшунос олимлар сўзга чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёевнинг дастурий маърузасини чуқур ўрганиш ҳамда ундан келиб чиқувчи вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

Ҳофиз ХОРАЗМИЙ. Дилким доимо малҳам бўлубтур жонима...4

ПУБЛИЦИСТИКА

Абдумажид АЗИМ. Ваганнинг файзиёб тонглари.8

НАСР

Наби ЖАЛОЛИДДИН. Ғассол. Ҳикоя.37

Асад ДИЛМУРОД. Заррадаги олам. Роман (давоми). ..47

Абдужалол РАҲИМОВ. Жийда гули. Қисса (охир). ..96

НАЗМ

Эвахон СИДДИҚОВА. Ўзбек иши. Достон.14

Ўткир РАҲМАТ. Эзгулик йўллари юртдан бошланар. .43

Мухаббат САҒОЕВА. Шабнамнинг биллурдай томчилари. .90

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ. Юрагингда меҳр бир дунё...93

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Одина МАМАСИДДИҚОВА. Бағримда баҳорнинг иси таралар.131

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Маъмур ҚАҲҲОР. Сухбат қурмоқ истасанг.144

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдугани СУЛАЙМОН. Шерият кўнгили дегани.123

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шафиқа ЁРҚИН. Издошликми ёки фикрдошлик134

Абдурасул ЭШОНБОБОВ. Навоий ижоди ва адабий таъсир.140

Нурбой ЖАББОРОВ. Эл – она тимсоли, она – эл рамзи..147

ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Адхамбек АЛИМБЕКОВ. Мапақсаги ва олиёқаноб иш.154

Олим ОЛТИНБЕК. Хокқунинг илк таржимони.159

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Маъно БАСЁ. Хоккулар.163

ТАҲЛИЛ

Маҳкам МАҲМУДОВ. Ижодкорнинг чин мақсади – “Юксаклик”.168

Адабий ҳаёт.175

Шарқ юлдузи

2016

9-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтан назаридан фаркланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 "Ўзбек адабиёти" ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча тапшқлотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.

Телефонлар:

227-00-81, 245-22-99, 245-27-87

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди

03.10.2016 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16,

Офсет босма усулида офсет

қоғозда босилди.

Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Наشريёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 1300 нуска.

Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам

билан рўйхатга олинган.

Ғафур Ғулом номидagi НМИУ

босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,

Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусахҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © "Шарқ юлдузи"